

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ИНСТИТУТИ**



XXI АСР ГЛОБАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ЎЗГАРИШЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ- ТАРБИЯ ЖАРАЁНИГА ТАЪСИРИ МУАММОЛАРИ

**мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси
МАТЕРИАЛЛАРИ**

Тошкент-2013

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Ш.Х. Усанов	физика-математика фанлари номзоди
Н.А.Жумахўжа	филология фанлари доктори
М.Қ.Холиқова	филология фанлари номзоди, доцент
Н.А.Юлдашева	педагогика фанлари номзоди, доцент
М.А.Зайнитдинова	педагогика фанлари номзоди, доцент
О.Н.Ҳайдарова	биология фанлари номзоди, доцент
Н.А.Гулбоев	техника фанлари номзоди, доцент
А.Ш.Тоҳириён	тарих фанлари номзоди
М.Э.Мусаева	педагогика фанлари номзоди
Р.С.Убайхўжаева	институт доценти
Б.Х.Жалилов	катта ўқитувчи
Ш.Х.Акрамов	координатор ёрдамчиси

Тузувчилар: М.А.Зайнитдинова, О.Н.Ҳайдарова, М.Э.Мусаева

Масъул муҳаррир: Жумахўжа Нусратулло

Саҳифаловчи ва дизайнер: У. Хамутов, Т. Пернекулов

Мақолаларда келтирилган статистик маълумотлар, илмий-назарий фикрлар, жадваллар, формулаларнинг тўғрилиги ва ишончлилигига ҳамда стилистикасига муаллифлар масъул.

Тошкент вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти Илмий кенгашининг 2013 йил 30 апрелдаги 2-сонли қарори билан нашрга тавсия этилган.

ЯЛПИ ЙИҒИЛИШ

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИ УЗВИЙ ВА УЗЛУКСИЗ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАРИ

Б.Х.Данияров,

Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари,
филология фанлари номзоди, доцент

Таълимнинг сифат ва самарадорлигини таъминлаш нақадар долзарблигини ҳисобга олиб, Республикамиз Президенти И.А.Каримовнинг 2004 йил 21 майдаги “2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида”ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 июлдаги “2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури амалга ошириш тўғрисида”ги ҳамда 2012 йил 10 декабрдаги (ПҚ-1875-сонли) “Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”даги Қарори асосида уйғун камол топган, ўқимишли, замонавий фикрловчи ёш авлодни шакллантиришга, Республиканинг жаҳон ҳамжамиятига янада интеграциялашувига йўналтирилган таълим тизимни яратишни мақсад қилиб қўйди.

Таълим-тарбия жараёнини узвий ва узлуксиз ташкил этиш

Амалдаги Давлат таълим стандартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 августдаги 390-сонли қарори билан тасдиқланиб, умумий ўрта таълим Давлат таълим стандартларига берилган шарҳлар ва ўқув дастурлари “2004–2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури” доирасида модернизация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази билан ҳамкорликда умумтаълим фанлари бўйича Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш, уларни оптималлаштириш бўйича олимлар, услубчи ва амалиётчи профессор-ўқитувчилардан иборат таркибда ишчи гуруҳлари тузилди.

Мазкур ишчи гуруҳлар томонидан умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг Давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва дарсликлари узвийлиги, узлуксизлиги ҳамда ўқувчиларнинг ёш ва психофизиологик хусусиятларига мослиги икки босқичда таҳлил қилинди.

Биринчи босқичда умумий ўрта таълимда ўқитиладиган 24 та ўқув фани бўйича ДТС, ўқув дастури ва дарслик мазмуни синфлар кесимида таҳлил қилиниб, тегишли хулоса ва таклифлар тайёрланди. Бунда ўқувчиларнинг ёш ва психофизиологик хусусиятларига мос келмайдиган, фанлараро боғланишни таъминламайдиган, аввалги 10–11-синфларда ўрганиб келиниб, кейинчалик 6–9-синфларга асоссиз равишда киритилган тушунчалар, қонуниятлар, мураккаб бўлган мавзулар аниқланди.

Иккинчи босқичда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўрганилиши давом этадиган 17 та умумтаълим фани бўйича умумий ўрта ва ўрта махсус таълимнинг Давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари узвийлик ҳамда узлуксизлик жиҳатидан таҳлил қилинди, такрорланувчи билимлар аниқланди.

Ишчи гуруҳ аъзолари, муаллифлар ва тегишли мутахассислар томонидан таҳлил натижалари ҳар томонлама муҳокама (консилиум) қилиниб, мазкур камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқилди.

Ўқув дарсликларининг мазмуни, дизайни ва полиграфик сифати бўйича камчиликлар аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича аниқ таклифлар тайёрланди.

Давлат таълим стандартларида белгиланган талаблар ўқув дастурлари ва дарсликларнинг мазмуни узвийлик ҳамда узлуксизлик нуқтаи назаридан қилинган таҳлил асосида синфлар, таълим босқичлари (умумий ўрта ва ўрта махсус касб-хунар таълими) мазмунида такрорланган, изчиллиги таъминланмаган жами 813 соат ҳажмдаги мавзулар оптималлаштирилди.

Қайта ишланган ва ягона шаклга келтирилган, тегишли мутахассисларнинг тақризи олинган, илмий-методик кенгашда муҳокама қилинган узвийлаштирилган Давлат таълим стандартлари шарҳлари, ўқув дастурлари бўйича Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг қўшма ҳайъат муҳокамасидан ўтказилди ҳамда ўрнатилган тартибда тасдиқланди.

2010-2011 ўқув йилидан бошлаб амалиётга жорий этилган узвийлаштирилган ўқув дастурларининг мониторингини олиб бориш йўлга қўйилиб, ўқувчиларнинг билим сифатидаги ўзгаришлар динамикаси асосида 2011 йилда 8 та умумтаълим фани (Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, физика, адабиёт, математика, немис тили, рус тили, мусиқа ва меҳнат таълими) жами 447 соат ҳажмидаги мавзулар оптималлаштирилди.

Мазкур оптималлаштирилган ўқув дастурлари асосида 4–9-синфларнинг 263 номдаги дарсликлари ва ўқув адабиётлари узвийлик, узлуксизлик жиҳатидан қайта кўриб чиқилиб, такомиллаштирилди. Ҳозирги кунда 2–3-синфларнинг 182 номдаги дарсликларини такомиллаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Оптималлаштирилган ўқув дастурлари бевосита Республика бўйича ташкил этилган 28 та илғор педагогик технологияларни синовдан ўтказиш бўйича тажриба-тадқиқот майдончаларида тажриба синовдан ўтказилди ва 2011-2012 ўқув йилида амалиётга жорий этилди.

Амалга оширилаётган ишлар самарасини ўқувчилар билимларидаги ижобий ўзгаришлар динамикасида кузатишимиз мумкин. Жумладан, 2010-2011 ўқув йилининг якунида ўтказилган мониторинг натижалари асосидаги қиёсий таҳлиллار ўқувчилар томонидан ДТСда белгиланган билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш самарадорлиги 2012 йилда 2005 йил натижаларига нисбатан 4,5% га ўсганлигини кўрсатди.

Ўқитувчилар фаолиятини яхшилаш ва уларнинг касбий маҳоратларини ошириш орқали тадқиқотчиликка йўналтириш

Бугунги кунда илм-фан, техника ва ишлаб чиқариш соҳаларининг тез суръатларда жадаллик билан ривожланиши барча таълим муассасаларида таълим-тарбия сифатини мазмун жиҳатидан янги босқичга кўтаришни талаб этмоқда. Бу ўз ўрнида ҳар бир тизим ходими, айниқса, ўқитувчилар зиммасига янада юксак масъулият ва вазифаларни юклайди. Негаки, рад қилиб бўлмайдиган бир ҳақиқат бор — қилинган барча саъй-ҳаракатлар охир-окибат ўқитувчи меҳнати орқали ўз натижасини намоён этади. Шундай экан, педагоглардан виждонан меҳнат қилиш, ёруғ келажагимиз олдидаги масъулиятни англаш, кўрсатилаётган юксак эътиборга муносиб жавоб бериш талаб этилади. Бу эса фарзандларимизнинг чуқур билим эгаллашларида асосий роль ўйнайдиган сифатли дарсда намоён бўлади.

Биринчи галда ўқитувчиларнинг асосий эътиборини турли ҳисоботларни тайёрлашга эмас, сифатли дарс ўтишга қаратиш орқали таълим самарадорлигини ошириш мақсадида иш юкламаси қайта кўриб чиқилиб, тубдан ўзгартирилди.

Таълим жараёнидаги кадрлар салоҳиятини оширишнинг янгича талқини бакалавриат ва магистратура стандартларига ўтказилгандан сўнг номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилиш ва фан доктори илмий даражасини олиш учун тўғридан-тўғри диссертацияни ҳимоя қилишни назарда тутувчи олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизимини жорий қилишни тақозо этди. Шу мақсадда:

- 2013 йилнинг 1 январидан бошлаб умум қабул қилинган халқаро талаблар ва стандартларга мувофиқ диссертация ҳимоя қилиш ва фан доктори илмий даражасини бериш бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизими жорий қилинди, стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар институти бекор қилинди, унда таълим олаётган шахслар катта илмий ходим-изланувчилар институтига ўтказилди. Аввал фан номзоди илмий

даражаси берилган барча шахслар учун тегишли имтиёзлар ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ўрнатилган молиявий тўловлар миқдори сақлаб қолинди. Фан доктори илмий даражаси “магистр” даражаси билан олий маълумотга эга бўлган, катта илмий ходим-изланувчилар институтида илмий изланишлар натижаларига кўра докторлик диссертациясини ҳимоя қилган шахсларга тегишли фан йўналиши бўйича фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашлар томонидан берилади. Янги тизим бўйича катта илмий ходим-изланувчилар институтига “магистр” даражасига, илмий ва илмий-педагогик фаолият стажига (2 йилдан кам бўлмаган), шунингдек, фан номзоди илмий даражасига эга бўлган, фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асос бўлиши мумкин бўлган, маълум бир илмий натижаларни қўлга киритган (илмий мақолалар нашр этиш, илмий анжуман, семинар ва давра суҳбатларида иштирок этиш ва бошқалар) шахслар қабул қилинади.

Шунингдек, ўрнатилган тартибда мустақил тадқиқотчи сифатида расмийлаштирилган, “бакалавр” ёки “магистр” даражаси билан олий маълумотга, 5 йилдан кам бўлмаган амалий иш стажига эга бўлган, илмий изланишларга лаёқати мавжуд, белгиланган талабларга мос келадиган маълум бир илмий ютуқларга (ихтиро учун патентлар, илмий мақолалар, илмий лойиҳаларда қатнашиш ва бошқалар) эга бўлган шахсларга ҳам докторлик диссертациясини ҳимоя қилишга рухсат берилади.

Янги таҳрирдаги намунавий йиллик иш режаси ўқитувчиларнинг асосий фаолияти дарс, дарсга тайёргарлик кўриш ва синфдан ташқари тарбиявий ишларга қаратилиб, 3 та йўналиш 10 та иш туридан иборат қилиб белгиланди. Ўқитувчининг иш кўлами ва вақт тақсимооти мувофиқлаштирилиб, аниқ белгилаб берилди.

Илгари ўқитувчи йиллик иш режа асосида 33 та иш тури бўйича бажарган ишлари юзасидан камида 18 та дафтар юритиб, ҳар бир ҳаракатини қайд этиши, асословчи ҳужжатларни тўплаши ва ҳисоботлар тайёрлаши лозим бўлиб, унинг асосий вақти дарсга пухта тайёрланиб, ўтишга эмас, ортиқча ҳисоб-китобларга сарфланган эди. Энди ўқитувчи машғулотларга пухта тайёргарлик кўрган ҳолда сифатли дарс ўтиш, ўз устида мустақил ишлашга кўпроқ вақт ажратиш келмоқда. Шунингдек, юритиши лозим бўлган иш ҳужжатлари (6 та) аниқ белгилаб берилди. Булар: йиллик иш режаси, тарбиявий ишлар режаси, мавзувий тақвим режаси, дарс конспекти, дарс кузатиш дафтари, синф журнали. Ўқитувчини бошқа иш ҳужжатларини юритишга жалб этиш ҳамда ортиқча ҳисоботларни талаб қилишга йўл қўйилмаслиги тегишли Йўриқномада белгилаб қўйилди.

Бугун ҳар бир ўқитувчи ўзига ишониб топширилган ҳар бир соат дарсни муқаддас деб билиши ва унга заррача хиёнат қилиб бўлмаслигини ҳис этиши лозим. Ана шу мақсадда Халқ таълими вазирлиги томонидан “Дарс — муқаддас” деб номланган, умумтаълим мактабларида ўқув-тарбия жараёнини самарали ташкил этишда ўқитувчиларга ёрдам берадиган тавсиялар мажмуи ишлаб чиқилиб, жорий этилди.

Иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш ва рағбатлантириш

2010-2011 ўқув йилидан бошлаб ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси ҳамда жамоатчилик фикр-мулоҳазалари асосида ихчам, тушунарли ва қулай, турли мураккаб ҳисоб-китоб ишларидан холи бўлган ўқувчилар билимларини баҳолаш тизими ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси томонидан 1992 йилда “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенция эътироф этилди ҳамда 2008 йилда “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Мазкур Низом билан тартибга солинган ўқувчилар билимлари сифатини назорат қилишнинг рейтинг тизимига ушбу Қонун талабларидан келиб чиқадиган тамойиллар сингдирилди.

Сўнгги йилларда амалда фойдаланилган, ҳар икки-уч йилда янгилаб турилган, мураккаб ва ноаниқ талабларга мувофиқ ишлаб чиқилган Низомлар асосидаги кўп балли рейтинг тизимида ўқитувчи кўп вақтини ўқувчиларга билим беришга эмас, аксинча, ўқувчи тўплаган балларни ҳисоб-китоб қилиш ишларини бажаришга сарфлаган. Бунда, балнинг ўнли улушлари қўлланиши, камида 13 та турли мураккабликларга эга бўлган назорат ва рейтинг

балларини ҳисоблаш шакллари, формулалари ва тартиблари ўқитувчида, хусусан, ижтимоий-гуманитар ўқув фанларидан (она тили, адабиёт, тарих, хорижий тиллар, бошланғич синф ва бошқалардан) дарс бераётган ўқитувчиларда қийинчиликлар туғдирган.

Тақомиллаштирилган рейтинг тизимининг ихчамлиги, оддийлиги, кенг жамоатчилик (ўқитувчи, ўқувчи ва ота-оналар) учун тушунарлилиги билан қийматлидир. Энг муҳими, ўқувчининг билим олишга бўлган интилишини ривожлантириш учун осойишта, ижобий, илиқ муҳит шакллантириши, ўқитувчи, ўқувчи ва ота-оналар ҳамкорлигини самарали йўлга қўйиши билан аввалгилардан фаркланади.

Бу борада дунёнинг ривожланган давлатлари тажрибалари ўрганилди ва натижада, баҳолашнинг янги, ўзига хос, самарали механизми ишлаб чиқилиб, жорий этилди.

Ўқувчилар билимларидаги бўшлиқларни аниқлаш ва тўлдириш чораларини кўриш, иқтидорли ўқувчиларни излаб топиш, уларнинг қобилиятларини рўёбга чиқариш учун етарли шарт-шароит яратиш, мактаблар ва халқ таълимининг ҳудудий бошқарув идоралари фаолиятига баҳо бериш ҳамда рейтингини аниқлаш мақсадида 2010-2011 ўқув йилидан бошлаб ўқувчилар ўртасида билимлар беллашувини ўтказиш йўлга қўйилди.

2011 йилда иқтидорли ўқувчиларни танлаш ва уларнинг қобилиятларини ривожлантириш мақсадида ўтказилган билимлар беллашувида юқори натижа кўрсатган 460 нафар ўқувчини моддий ва маънавий рағбатлантириш, уларнинг маданий ҳордиқ чиқаришларини ташкил этиш, саломатликларини мустаҳкамлаш мақсадида ёз ойларида Республика “Ёзги интеллектуал соғломлаштириш оромгоҳи” ташкил этилди.

Шунингдек, ҳар бир ҳудуддаги 1 тадан намунали оромгоҳда беллашувларнинг вилоят босқичида юқори натижага эришган ўқувчилар учун «Интеллектуал ривожлантириш оромгоҳлари» ташкил этилиб, уларда 14 ҳудудда 100 нафардан (жами 1400 нафар) ўқувчи дам олади.

«Интеллектуал ривожлантириш оромгоҳи»да семинар-тренинглар ва маҳорат дарсларини ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Фанлар академияси, Республикаимизнинг етакчи олий таълим муассасалари ва илмий тадқиқот институтларидан жами 120 нафарга яқин фан ва санъат арбоблари, илғор профессор-ўқитувчилар, таниқли олимлар жалб этилади.

Юқорида санаб ўтилган кўрсаткичларнинг барчаси йилдан-йилга умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари билим, кўникма ва малакалари сифат даражаси ўсиб боришига сабаб бўлиб, ҳукуматимиз томонидан ёш авлоднинг қўллаб-қувватланиши, унга барча имконият эшикларининг кенг очиб берилиши ёшларга куч ва қанот бағишлаб, уларни янги муваффақиятлар сари руҳлантирмоқда. Таълим-тарбиянинг устуворлиги минглаб тақдирлар туташидиган чорраҳа бўлиб, улкан орзу-мақсадлар томон элтадиган йўлнинг бошидир. Бу жараёнда ўтаётган ҳар бир дақиқанинг кадри баланд, қўйилган ҳар бир қадам масъулиятли ҳамда ёш авлодни камол топтиришга қаратилганлиги билан ўз қимматини йўқотмайди.

XXI АСРНИНГ ГЛОБАЛ ХУСУСИЯТЛАРИДАН БИРИ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИНИНГ АХБОРОТЛАШГАН ТАЪЛИМ МУҲИТИНИ ЯРАТИШ

Н.И.Тайлақов,

Вазирлар Маҳкамасининг етакчи мутахассиси,
педагогика фанлари доктори, профессор,

У. Н.Тайлақов,

Халқ таълими вазирлиги, “Зиёнет” бўлими бошлиғи

Глобаллашаётган дунёда ахборот-коммуникация технологиялари ва айниқса, Интернет ўқувчи-ёшлар кундалик ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Глобал тармоқ шиддат билан ривожланиб, имкониятлари тобора кенгаймоқда. Ҳар куни виртуал маконда бир неча миллиондан зиёд ахборот ресурсларининг пайдо бўлиши унинг ҳажми дақиқа

сайин ўсиб бораётганидан далолат беради. Бунда ёшларни турли ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш асосий муаммолардан ҳисобланади.

Таълим муассасасининг ахборотлашган муҳити таълим жараёни самарадорлигини оширишга қаратилган ахборот технологияларининг тизимли интеграциясини таъминловчи махсус ташкил этилган компонентлар мажмуасидан иборат бўлиб, у таълим муассасасининг турли хизматларида фойдаланиш учун дастурий воситалар омборидан ташкил топади.

Умумтаълим муассасаларининг ахборотлашган таълим муҳитини мазмунан икки қисмга бўлиш мумкин:

Бошқарув қисми муассасанинг автоматлашган бошқарув фаолиятини ўз ичига олади. Шу билан бир қаторда услубий бошқарув бўйича турли хил назорат материалларидан иборат бўлади.

Ўқув қисми ёки дидактик портфел фан бўйича қуйидагилардан ташкил топади:

- ўқув режаси ва дастурлар;
- дарслик ва услубий қўлланмалар;
- анъанавий босма ўқитиш воситалари;
- маълумотли жадваллар;
- дидактик материаллар;
- ўқув жиҳозлари;
- мультимедиали дарс ишланмалари;
- ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурий воситалар;
- виртуал лабораториялар;
- электрон энциклопедия ва луғатлар.

Умумтаълим муассасаларининг ахборотлашган таълим муҳити муассасада қуйидаги имкониятларни яратади:

- таълим муассасаси ўқув жараёни доирасида ягона ахборот муҳитини яратиш;
- ўқув муассасаси ташкилий тузилмасини шакллантириш ва ошқора бошқариш;
- ўқувчилар ҳамда педагогик ходимлар, ўриндошлик асосида ишловчи ходимларнинг шахсий хужжатларини ҳисобга олиш ва юритиш;
- педагог-ходимлар, ўқувчилар контингенти ҳаракатини ташкил этиш: буйруқлар, буйруқлардан кўчирмалар олиш, уларга тегишли ўзгартиришлар киритиш;
- давлат таълим стандартлари (ДТС), ўқув ва иш режаларни, маълумотномаларни шакллантириш ҳамда тасдиқлаш;
- якуний назорат жараёнини юритиш;
- ўқувчиларнинг давоматини юритиш;
- электрон кундалик, ўқувчиларнинг ўзлаштиришини кузатиш, қайдномалар ҳисобини ва электрон журналларни юритиш;
- ўқув юкламаларини ҳисоблаш;
- ўриндошлар ҳисоби: қўшимча ўқитиш дастурлари, шартномалар, актлар, ҳисоботлар;
- ота-оналар ва васийларга маълумотларни тезкор тақдим этиш имконияти.

Таълим муассасасининг ахборотлашган таълим муҳитидан макбул фойдаланишнинг ташкилий тартиби умумтаълим муассасалари учун қуйидагича бўлиши мумкин.



1-расм. Таълим муассасасининг ахборотлашган таълим муҳитининг намунавий тузилмаси

Ўқув, тарбиявий ва услубий ишлар мазмунан ўзига мос маълумотлардан ташкил топади.

Тарбиявий ишлар блоки педагог ходимларнинг бугунги ахборотлашув шароитида маънавий тарбия соҳасида муҳим вазифаларни белгилаб беради. Шу билан бирга, ўқувчиларда ҳозирги тез ўзгараётган ҳаёт воқелигига онгли муносабатни, мустақил фикрлашни тарбиялашга хизмат қиладиган маълумотлар жамланади.

Фанлар бўйича услубий таъминот доимий янгилашиб бориши ва тўлдирилиши лозим. Уни электрон кўринишдаги тайёр маҳсулот билан ёхуд хусусий маҳсулотни яратиш билан амалга ошириш мумкин. Айтиб ўтиш жоизки, электрон кўринишдаги тайёр маҳсулот билан бир қаторда дидактик портфелни таълим муассасасида тайёрланган ўқув маҳсулотлари билан ҳам тўлдириб бориш аҳамиятлидир. Бу эса ўз навбатида, биринчидан, таълим муассасаси имкониятларини очади ва ўқувчиларга дифференциаллашган ёндашув имконини беради.

Фан соҳалари бўйича лозим материаллар орқали дидактик портфелни тўлдириш билан бир қаторда, таълим муассасасининг педагог-ўқитувчилари ҳақида умумий маълумот - педагогик стажи, маълумоти, малака оширганлиги ҳақида маълумот, ютуқлари, чоп қилинган ўқув-услубий материалларини ҳам киритиши муҳим аҳамиятга эга.

Таълим муассасасида ахборот таълим муҳитини яратишнинг яна бир эътиборли жиҳати шуки, у ҳам бўлса ўқувчиларни психологик-педагогик қувватлашдир.

Ахборотлашган ресурслар ўқувчиларни нафақат анкета ёки психологик тестлар билан уларнинг характеридаги хусусиятларни ўрганиши, лозим бўлганда, ўқувчилар ва ота-оналар учун психологик консультация хизматини ташкил этишга ёрдам бериши ҳам лозим. Хизматнинг ушбу турига асосан қандайдир номаълум сабабларга кўра бевосита психологга тўғридан-тўғри савол бермайдиган ўқувчи ва ота-оналар жалб қилинади. Улар интернет орқали ёхуд, ҳатто, масофадан туриб ўзи қизиққан саволларга жавоб олиши мумкин.

Глобал тармокдаги ахборот ресурсларининг ўсиб келаётган ёш авлод ҳаёт тарзининг шаклланишига таъсирини таҳлил қилиш натижасида шундай фикр келиб чиқмоқдаки, интернет ҳозирги кунда ижтимоий муносабатларнинг ўзига хос муҳитига айланиб қолди. Шундай экан, фикримизча, миллий тармокда ёшларнинг психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг дунёқараши, қизиқишларидан келиб чиқиб, бевосита ёш авлод манфаатлари ва муаммоларини қамраб олувчи маънан мазмунли, шу билан бирга, замонавий мавзулардан иборат ахборот таълим ресурслари яратиш ниҳоятда муҳимдир.

Шундай қилиб, ўқувчиларни фаол ижтимоий фаолият кўрсатишга тайёрлашда таълим муассасасининг ахборотлашган муҳитини яратиш ва жорий қилиш бугунги куннинг талабидир.

ФОРМИРОВАНИЕ И РАЗВИТИЕ ПРОФЕССИОНАЛИЗМА КОРРЕКЦИОННЫМИ МЕТОДАМИ

Ю. М. Асадов,

начальник главного управления развития
учебно-воспитательного процесса в образовательных
учреждениях, кандидат психологических наук

Основными целями работы преподавателя или специалиста – психолога института повышения квалификации и переподготовки педагогических кадров (Далее: ИПКППК), проводящего психологическое консультирование по формированию и развитию профессионализма учителя с помощью коррекционных методов, являются:

- выявление актуальных установок обучающихся, стереотипов мышления и педагогической деятельности, их перестройка;
- коррекция профессионального развития и саморазвития учителя, с учетом профессиональных деструкций педагога;
- формирование и приобретение нового профессионального опыта.

Потребности обучающихся в ИПКППК связаны с тремя типами установок:

- 1) на получение традиционных и новых специальных знаний;
- 2) на освоение способов организации собственной деятельности;
- 3) на обучение методам анализа, оценки и обобщения результатов своей деятельности.

Следует различать «актуальные установки» и «идеальные установки» обучающихся. К первым относятся начальные установки; вторые – это те профессиональные установки, которые по замыслу преподавателя должны быть сформированы у обучающихся после обучения и коррекции. Поэтому, основной целью обучения и коррекционной работы становится замена у обучающихся сложившихся актуальных установок на новые профессиональные установки, отвечающие требованиям педагогической деятельности и адекватного педагогического общения. Новые установки обучающихся являются действенными факторами, мотивирующими их профессиональное развитие и саморазвитие.

Сложившиеся профессиональные установки и стереотипы учителя имеют как положительное, так и отрицательное значение. В типичных условиях педагогической деятельности становится неизбежным образование стереотипов осуществления учителем профессиональных функций. Они упрощают выполнение деятельности, повышают её определённость, облегчают взаимоотношения с учащимися и коллегами.

Стереотипы придают профессиональной жизни учителя стабильность, способствуют формированию опыта и индивидуального стиля педагогической деятельности. Стереотипизация является одним из реальных механизмов и достоинств восприятия и мышления учителя, но вместе с тем вносит большие искажения в отражение педагогической реальности.

Педагогический стереотип проявляется в схематизации и типизации учащихся, упрощении педагогических ситуаций на основе прошлого опыта, в предвзятом отношении к ученикам, демонстрирующим отклоняющееся (девиантное) поведение и имеющим низкую успеваемость.

В работе психологов (Э.Ф. Зеер и Э.Э. Сыманюк, 1996), было показано, что профессиональное развитие педагога сопровождается личностными приобретениями и потерями, т.е. развитие – это не только рост, совершенствование, но и разрушение – профессиональная деструкция.

Деструкция (от лат. destructio – разрушение, нарушение нормальной структуры) – это нарушение и деформация, сложившейся психологической структуры личности в процессе осуществления какой-либо профессиональной деятельности.

Формирование и развитие профессионализма учителя сопровождается внутриличностными изменениями и противоречиями, которые могут стать причинами возникновения профессиональных деструкций. Такие деструкции формируются в процессе многолетнего труда учителя, значительно влияют на результаты его работы с учащимися, являются факторами, сдерживающими его профессионально – квалификационный рост и развитие профессионализма, обуславливают «остановившееся профессиональное саморазвитие».

Профессиональными деструкциями педагога являются:

- **авторитарность** (авторитарный стиль работы; использование распоряжений, рекомендации, указаний; завышенная самооценка своего профессионализма);
- **демонстративность** (демонстрация своего превосходства и чрезмерная эмоциональность как способы самоутверждения на фоне класса);
- **дидактичность** (использование шаблонных способов передачи знаний и опыта; монологичность и склонность к нравоучениям);
- **доминантность** (превышение властных функций; нетерпимость к недостаткам учащихся; требовательность и безапелляционность);
- **педагогическая индифферентность** (проявление равнодушия, эмоциональной сухости и жёсткости, игнорирование индивидуальных особенностей учеников; негативное восприятие педагогической профессии);
- **педагогический консерватизм** (предубеждение против инноваций; приверженность традиционным методам обучения и способам осуществления педагогической деятельности);
- **педагогическая агрессия** (пристрастное отношение к неуспевающим ученикам; склонность к оскорбительным замечаниям, насмешкам и занижению оценок);
- **поведенческий трансфер** (проявление эмоциональных реакций и поведения, свойственных учащимся);
- **ролевой экспансионизм** (погружённость в педагогическую профессию; фиксация на собственных проблемах; преувеличение значения учебного предмета; ролевое поведение вне школы);
- **эмоциональное сгорание** (состояние физического, эмоционального и умственного истощения, которое порождает негативное отношение к учащимся, безразличное к ним отношение; слабая эмоциональная включённость в деятельность и общение);
- **педагогический стереотип** (стереотипное или типичное восприятие учащихся и оценка их знаний; предвзятое отношение; упрощение педагогических ситуаций на основе прошлого опыта).

В проведенном нами исследовании выявлено, что остановившееся профессиональное саморазвитие учителей обуславливается их индивидуально - психологическими особенностями, а также такими профессиональными деструкциями, как: авторитарность, демонстративность, доминантность, эмоциональное сгорание, педагогический стереотип. Профессиональным деструкциям наиболее подвержены учителя, имеющих трудовой стаж работы в школе «от 10 до 15 лет», «от 15 и до 25 лет».

Профессиональные деструкции педагога по своему содержанию должны быть включены в программы обучения студентов – будущих учителей в педагогических вузах и программы повышения квалификации учителей - слушателей ИПКППК. Их коррекцию можно осуществлять путем диагностики и применения специальных коррекционных методов.

Выше перечисленные профессиональные деструкции педагога являются факторами профессиональных ограничений. Развитие профессионализма учителя это не только «движение вперед», т.е. по пути его профессионального и личностного роста, наращивания знаний, умений, навыков и развития профессиональной компетентности. Это и «движение назад», по пути проб и ошибок, приобретения отрицательного опыта работы, общения, межличностных и деловых отношений. Поэтому развитие профессионализма учителя

является сложным процессом, сопровождающимся эмоциональной напряженностью. Часто повторяющиеся эмоциональные состояния с ростом стажа работы снижают работоспособность учителя, приводят к повышенной раздражительности, перевозбуждению, тревожности, нервным срывам.

Такое неустойчивое состояние психики получило название синдром «эмоционального сгорания». Его следствием может стать неудовлетворенность педагогической профессией и утрата перспектив профессионального роста.

В связи с этим формирование и развитие профессионализма учителя следует рассматривать как процесс, требующий применения специальных коррекционных методов. Здесь мы имеем в виду то, что на этот процесс значительно влияют такие отрицательные факторы, как педагогические стереотипы, актуальные установки и профессиональные деструкции, которые являются не только тормозящими факторами развития профессионализма, но также обуславливают не активное, а ситуативное или остановившееся профессиональное саморазвитие учителя.

• *Методы коррекции личности и её поведения, используемые в коррекционной работе весьма разнообразны.*

Описание коррекционных методов дано в специальной литературе по психокоррекционной работе, а также в литературе по психотерапии. Применительно к задачам формирования, развития и саморазвития профессионализма учителей в плане коррекции их профессиональных установок, педагогических стереотипов и деструкций, нами рекомендуется использовать следующие коррекционные методы.

Указания (директивы) – это прямые высказывания психолога или преподавателя (владеющего коррекционными методами) о необходимости осуществления обучающимся определённых действий. Ему конкретно указывается, что нужно сделать, чтобы они добились своих целей, например, решения и устранения проблем в учебной или профессиональной деятельности, в отношениях с преподавателями или коллегами по работе.

Директивные указания бывают разными: «делать что-то»; делать «что-то иначе, чем до сих пор»; «не делать чего-то, что до сих пор делалось».

Директивы подразделяются на прямые и парадоксальные. В случае парадоксальной директивы от обучающегося требуется поступить определенным образом, рассчитывая на то, что другие поступят наоборот. Такие директивы могут способствовать тому, чтобы сделать, например, конфликт смешным или искусственным «в глазах» других людей.

Убеждающее воздействие – это воздействие на обучающегося, осуществляемое в целях сообщения ему информации, способной повлиять на его поведение и отношение «к себе», «к другим», «к учебе или работе»; а также продуктивно решить проблему или разрешить конфликт.

Убеждающее воздействие как процесс общения человека с человеком имеет ряд этапов, которые подразделяются на: восприятие сообщения, понимание сообщения, принятие сообщения и принятие персонифицированной части сообщения. Последнее означает, что в убеждающем воздействии дается оценка личности, которая характеризует её с точки зрения решения проблемных вопросов, например, связанных с обучением, работой, взаимоотношениями с другими людьми.

Специальные коррекционные методы, которые можно использовать в целях формирования и развития профессионализма обучающихся, являются:

1) **метод «психотерапевтическое зеркало»** – развивает рефлекссию и способность видеть своё поведение, себя самого «со стороны»; а также способствует выработке адекватной самооценки своей деятельности (познавательной, учебной, профессиональной) и уровня своего профессионализма;

2) **метод «рассмотрения альтернатив»** - обучающемуся показывают результаты его поведения и движения «не туда» и «не затем»; и перспективу продвижения и развития по социально одобряемому и профессионально правильному пути;

3) **метод «компенсация»** - обучающемуся с недостатками в характере и эмоционально-волевой сфере или же лишённому чего-либо, предлагают альтернативу, которая компенсирует эти недостатки и лишения; данный метод способствует выработке индивидуального стиля педагогической деятельности и стиля педагогического общения, при реализации которых компенсируются личные недостатки учителя;

4) **метод «внушение положительных социальных установок»** – внушающие воздействия преподавателя или психолога, осуществляемые с целью ослабления актуальных или негативных установок обучающихся, формирования социально значимых и профессионально важных положительных установок;

5) **метод «нравственной иммунизации»** - выявляются и подчёркиваются нравственные понятия и качества самого обучающегося (в сравнении с эталонами, идеалами нравственности человека), прививая ему иммунитет от отрицательного влияния на него других людей.

Вышеизложенные методики коррекции обуславливают **специфику обучения, цели подготовки и повышения квалификации обучающихся** (студентов пед.вузов и учителей):

1. Передача обучающимся и усвоение ими традиционных и новых профессиональных знаний; формирование и развитие разных видов компетентности в процессе обучения и повышения квалификации.

2. Формирование у обучающихся коммуникативных умений и навыков педагогического общения.

3. Формирование и развитие профессионально - личностного и творческого потенциала учителя.

4. Коррекция сложившихся актуальных субъективных установок обучающихся, профессиональных стереотипов и деструкций педагога.

Соответственно, проектируются и используются в образовательных учреждениях **два типа учебных программ – «сохраняющих» и «инновационных».**

Целью «сохраняющих программ обучения» является усвоение профессиональных знаний, навыков и умений, форм и методов, для того, чтобы учитель мог эффективно работать в известных и повторяющихся ситуациях, а также для развития способностей решать те проблемы, которые актуальны в его работе. Данный тип программ особенно эффективен для передачи новых знаний взамен устаревших и устранения пробелов в знаниях и умениях учителей. Он предназначен для поддержания существующей системы педагогической деятельности и выполнения нормативных требований, предъявляемых к учителю в действующей системе образования.

Цель «инновационных программ обучения» - это обучение, ориентированное на перспективу. Главным является подготовка к организации будущей работы учителя с учащимися, т.е. после окончания педагогического вуза или курсов повышения квалификации. «Инновационное» обучение, как правило, основано на рассмотрении таких проблем, решение которые еще требует их анализа и выработки продуктивных решений в процессе обучения.

Формирование и развитие профессионализма учителя в процессе обучения в вузе и при повышении квалификации связано с определенными трудностями, которые обусловлены как индивидуально-психологическими особенностями обучающихся (студентов, учителей), так и самих обучающихся (преподавателей). Здесь следует иметь в виду, что обучение студенческой молодёжи и взрослых учителей имеет свою специфику. Основные проблемы, с которыми отмечают преподаватели, работающие со студентами – это их пассивность на занятиях, низкий познавательный интерес, неумение учиться самостоятельно, недостаточная мотивация учебно-познавательной деятельности, а также с неадекватные актуальные установки и социальные стереотипы, сложившиеся в их жизни и деятельности.

Проблемы взрослой аудитории учителей – это консервативные взгляды на образование, обучение и воспитание учащихся, субъективные профессиональные установки,

педагогические стереотипы и профессиональные деструкции, обуславливающие их отношение к своему профессиональному развитию и саморазвитию.

Практическое решение этих проблем зависит от уровня профессионализма и педагогического мастерства преподавателей, а также от самих обучающихся, которым могут помочь знания в области психологии профессионализма учителя.

XXI АСР ГЛОБАЛ ИЖТИМОЙ ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ АНДРАГОГИКАГА ТАЪСИРИ МУАММОЛАРИ

Мохира Холикова,

ТВПКҚТМОИ ўқув-услугий ишлар бўйича проректори,
филология фанлари номзоди, доцент

*Цивилизациянинг буюк вазифаси
одамни фикрлашга ўргатишидир.*

Томас Эдисон

*Барча манфаатлар ичида энг ўзгали
яхши тарбия олган инсондир.*

Эпиктет

Учинчи мингйилликнинг концептуал воқелиги - глобаллашув, юқори суръатларда ахборот алмашинуви, фан-техника тараққиёти, маънавий-ахлоқий қадриятларни қайта кўриб чиқишга интилиш, сиёсий ва экологик хатарлар – буларнинг барчаси инсон, жамият ҳамда таълим олдига янги вазифаларни қўйди, хусусан, таълим-тарбия методологиясини қайта кўриб чиқишни, таълим парадигмасини ўзгартиришни, янгича эстетик дунёқарашни шакллантиришни тақозо этди.

Бугун инсоният тафаккурида технократик ёндашув яққол кўзга ташланмоқда. Урбанизациялашув, цивилизациянинг ривожланиши, ишлаб чиқаришнинг кескин ўсиши, табиатга антропоморф таъсирлар оқибатида Ерда йирик сиёсий, иқтисодий, экологик муаммолар юзага чиқди. Шу билан бирга? маънавий хатарлар - альтруизм, гуманизм, толерантлик туйғуларининг сусайгани, ижтимоий интеллектнинг йўқола бошлагани тилга олинмоқда. XXI аср технологиялари инсон онгини тубдан ўзгартиришга муваффақ бўлди. *Индиго-болалар, виртуал тафаккур* тушунчаларининг пайдо бўлгани фикримиз далилидир.

Буларнинг барчаси таълим-тарбияда устувор этиб гуманистик ғояларни ҳимоя этиш, эзгулик, инсонпарварликка таяниб яшаш, социал интеллект, экологик маданият, ўз хатти-харакати ва қарорлари учун жавобгарлик ҳиссини шакллантириш вазифасини қўйди.

Шу муносабат билан Лихачев, Бехтерев, Абрахам Маслоу, Кен Робинсоннинг умумпланетар аҳамиятга молик муаммоларга эътибор, инсон экологияси ҳақидаги гуманистик қарашлари долзарб жаранглайди.

Жамият ривожининг ҳозирги босқичида ижодий, ностандарт фикрлайдиган, фан ва ишлаб чиқаришда янги усулларни топа оладиган профессионал мутахассисларга эҳтиёж тобора ортмоқда.

Муаммонинг ечими шахсий имкониятларни муттасил ривожлантириш, демократик жамиятда яшаш кўникмаларини эгаллаш, узлуксиз таълим олиш масаласига бориб тақалади.

“Lifelong learning”, яъни “умр давомида таълим олиш” концепциясининг пайдо бўлгани бежиз эмас.

Бугунги кунда мавжуд барча таълим дастурларини ушбу концептуал ғоя ва тамойиллар асосида қайта кўриб чиқишга эҳтиёж бор.

Тараққиёт мутахассисларнинг билим ва кўникмаларини ошириш, уларни таълимдаги илғор технологиялар ҳамда умумпедагогик, сиёсий-ижтимоий билимлар

билан таништиришга хизмат қиладиган тизим – андрагогика олдига ҳам янги талабларни қўймоқда.

Ушбу соҳада фаолият олиб бораётган мутахассислар, профессионал жамоатчилик умумий мақсадлар - илм-фаннинг энг сўнгги ютуқларини кенг тарғиб қилиш, инновацияларни, IT-технологияларни таълим мазмунига сингдириш йўлида ҳаракат қилмоқда. Соҳага юксак суръатда илғор ғоялар, замонавий электрон ўқув ресурслари, мультимедиа, масофавий таълим имкониятлари кириб келмоқда.

Андрагогикада таълим сифатини оширишда қуйидаги унсурлар муҳим роль ўйнайди:

- *Таълимнинг янгича парадигмасини яхши англаган, гуманистик ғояларга таянувчи, илмий салоҳиятли, фасилитация, модерация, тьюторлик, коучинг асосларини пухта ўзлаштирган ўқитувчи-тренерлар;*
- *Замонавий талабларга жавоб берадиган моддий-техник база, кенг турдаги мультимедиа воситалари, илмий-методик адабиёт, интерфаол машғулотлар ўтказиш учун қулай ва комфорт ўқув хоналари;*
- *Таълимнинг концептуал мақсадларига йўналтирилган, илмий асосланган, ўқитувчининг педагогик арсеналини бойитадиган, зарур билим, кўникма ва малакаларни эгаллашга хизмат қиладиган ўқув дастурлари.*

Малака оширишнинг таълим дастурлари жамият ва шахснинг концептуал муаммоларидан келиб чиқмоғи ҳамда XXI асрнинг қуйидаги билим ва кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилмоғи лозим:

- *дунёвий тафаккур, экологик маданият;*
- *ўз хатти-ҳаракатлари учун жавобгарлик туйғуси;*
- *ижодий фикрлаш, янги ғояларни таклиф қилиш;*
- *ахборотлар билан ишлаш, зарур маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш, керакли хулосалар чиқара олиш;*
- *толерантлик, ҳар хил ижтимоий гуруҳларда муносабатларга тез киришувчан бўлиш, муаммонинг энг адолатли ечимини топа олиш, социал кўникмалар.*

Таълимнинг сифати унда фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчининг касбий тайёргарлик даражасидан юқори бўла олмайди.

Зеро ҳар қандай таълим-тарбияда энг асосий нарсаси ўқитувчи, унинг тафаккур дунёсидир.

Ўқитувчи эски категориялар билан фикр юритар экан, ҳеч қандай технология дарс самарадорлигини ошира олмайди.

Замонавий ўқитувчидан талаб этилаётган асосий хислатлар – *асримизнинг жадаллиги ва юксак суръатларига монанд бўлиш, ижодкорлик, мунтазам касбий билим ва кўникмаларни ошириб бориш, таълимнинг янги қадриятларини англаш ва қабул қилишдир.*

Таълим сифатини оширишда таълим технологияларининг ўрни муҳим. Ушбу ёндашув инсон шахсига ҳурмат, ижтимоий кўникмаларни, ижодкорликни ошириш, таълимни демократлаштиришга асосланган.

Ўқув жараёни технологик жиҳатдан тўғри ташкил қилинганда шахснинг ўзига бўлган ишончи ортади, унда дунёга адекват муносабат шаклланади, эркин мушоҳада қилиш кўникмаси ҳосил бўлади. Шу билан биргаликда, ушбу феномен ўқитувчидан интерфаол таълим асосларини ўзлаштиришни, назарий билимларни, мультимедиадан унумли фойдаланишни, методик маҳоратни талаб қилади.

Аммо таълим технологияларига барча муаммоларнинг универсал ечими сифатида қараш мақсадга мувофиқ эмас. Таълим жараёнини лойиҳалаштиришнинг ижобий жиҳатларини эътироф этган ҳолда, керагидан ортиқча дастурлашга мойиллик таълимнинг бошқа мақсадларини амалга оширишга тўсқинлик қилиб, мазмундан узоқлашишга олиб келишини таъкидлаш лозим.

Бугунги кунда таълим технологиялари доирасида қўлланилаётган интерфаол усул ва услубларнинг ҳам диапазони кенгаймоқда. Таълимнинг концептуал мақсадларига мос келадиган бундай услублар амалий аҳамиятга эга ҳаётий муаммоларни қамраб олиши билан кизик, улардан ўринли фойдаланиш *мураккаб дунёда ўз ўрнини топиш, зарур ҳаётий кўникмаларни эгаллаш, ахборотларни қабул қилиш ва ажрата олиш, ўз қарорлари учун жавобгарлик ҳисси, шахсий имкониятларни рўёбга чиқариш, дунёвий муаммоларни англаш, абстракт тасаввурни кенгайтиришга* хизмат қилади.

Таълимнинг янги контенти менежментни тубдан ўзгартиришни тақозо этади.

Ўз вақтида ва тўғри қарор қабул қила оладиган, адолатпарвар, корхона тақдири учун масъулиятни ҳис этадиган, инсонларни эргаштира оладиган, ресурсларни (молиявий, кадрлар, технологиялар) тўғри тақсимлай оладиган, қатъиятли, кучли интуицияга эга, шижоатли, мулоҳазакор, нотик, ташаббус кўрсата оладиган харизматик лидерларни шакллантириш масаласи ўта муҳим.

Таълим сифатини оширишда чет мамлакатларнинг тажрибаларини ўрганиб бориш долзарб масала.

Профессор-ўқитувчилар халқаро, ҳудудий семинар-тренингларда иштирок этиб, замонавий билимларни ўзлаштирмоқдалар. Бунинг маҳсули ўлароқ мутахассисларда замонавий таълим ва унга қўйилаётган талаблар ҳақида яхлит картина шаклланди.

ЮНЕСКОнинг **“Барқарор ривожланиш”** дастури, **“Глобал онг”** концепцияси, Intel.educationнинг **«Intel® келажак учун таълим»** халқаро дастури, **“Web 2.0. технологиялари”**, **“XXI century skills”**, **“1 ўқувчи – 1 компьютер”**, **“Лойиҳалаш методи”**, **“XXI асрда баҳолаш”**, **“XXI асрда ҳамкорлик”** каби ўқув курслари учинчи мингйилликда зарур бўладиган билим ва кадриятларга асосланган кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган.

Intel корпорациясининг Директорлар кенгаши раиси **Крейг Барретт** ҳақли равишда таъкидлаганидек, *“Индустриямиз томонидан ушбу дастурнинг амалга оширилиши, агар ўқитувчилар улардан самарали фойдалана олмасалар, технологик ютуқларнинг ҳеч қандай қиймати йўқлигини англашимизни билдиради. Мўъжизани компьютерлар эмас, муаллимлар яратади”*.

Бугунги кунда **«Intel® келажак учун таълим»** дастурининг *“21 аср ахборот-таълим муҳитида лойиҳалаш фаолияти”* ўқув курси Россия Федерацияси таълим вазирлиги томонидан ўқитувчилар малакасини ошириш ҳамда педагогик олий таълим муассасаларида ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган.

Дастур демократик табиатга эга, профессор-ўқитувчилар, талабалар, айниқса, мактаб ўқитувчилари учун жуда фойдали, зотан айнан мактаб таълими инсонларда бирламчи ҳаётий, касбий билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга масъул.

У профессионал жамоатчилик томонидан кенг тан олиниб, ўз сафида 60 га яқин давлатнинг 10 миллиондан ортиқ ўқитувчиларини қамраб олишга муваффақ бўлди. Дастур доирасида ҳар йили **“XXI асрда қандай ва қайси билимларни ўрганиш керак?”** мавзусида халқаро конференция ва вебинарлар ўтказиб келинади.

Андрагогикада таълим сифатини оширишнинг истиқболларига доир ушбу таклифларни илгари суриш мумкин:

1. Таълим жараёнини БМТ, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, Intel, TED каби халқаро ташкилотларнинг таълимдаги ташаббуслари - *дунёвий онг, инсон ҳуқуқларига ҳурмат, шахс экологияси, барқарор ривожланиш, XXI аср кўникмалари* тамойиллари асосида ташкил этиш;

2. IT-технологиялар, таълимдаги инновациялар билан чуқурроқ танишиб бориш, web 2.0. имкониятлари, интернет-ресурслардан самарали фойдаланиш;

3. Сиёсий, ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий билимларни бойитиш, касбий лаёқат ва компетентлиликни ошириш;

4. Таълимга қўмаклашувчи фондлар, муассасалар билан ҳамкорлик қилиш, чет мамлакатларнинг илғор иш тажрибаларини ўрганиш.

5. Корпоратив бошқарув, менежментни тубдан яхшилаш, муассасада соғлом ижодий рақобатни йўлга қўйиш, ташаббусларни қўллаб-қувватлаш.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Барқарор ривожланиш дастури. ЮНЕСКО.
2. [www. Intel.education](http://www.Intel.education).
3. Ўзбекистонда мингйиллик ривожланиш мақсадлари. ЮНЕСКО.

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ГЕОГРАФИЯ ВА ЭКОЛОГИЯ ФАНЛАРИНИНГ ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИ

Миракмалов М.Т.

ТВПКҚТМОИ, Табиий ва аниқ фанлар кафедраси, доцент

Маълумки, глобаллашув даврида ҳар бир фанда бўлгани сингари география фанида ҳам бир-бирига қарама-қарши интеграция ва дифференциация жараёнлари кечади. Ҳар бир фаннинг ривожланиши, чуқурлашуви натижасида янги фан тармоқлари, оралиқ фанлар вужудга келса, ўрганиш объекти, предмети, мақсад ва вазифалари бир-бирига яқин фанларда интеграциялашув жараёни кечади.

Ҳозирги замон география фани геокомплекслар (геосистемалар), яъни ҳудудий географик комплекслар (системалар) ҳақидаги фандир. Геокомплекслар (геосистемалар) география фанини ўрганиш предмети бўлиб, у сайёравий, регионал ва маҳаллий масштабда ўрганилади. Замонавий география тасвирий географиядан фарқ қилади ва “табиат-аҳоли-хўжалик” тизимини ўрганади. Бинобарин, инсон ўзи учун зарурий барча нарсаларни табиатдан олади, табиий бойлик (табиий шароит ва табиий ресурс)лардан хўжалик мақсадида фойдаланади. Экология фани эса экосистемалар ҳақидаги фандир. Худди географияда бўлгани каби экология ҳам экосистемаларни сайёравий, регионал ва маҳаллий (топологик) масштабда ўрганади. Экологиянинг сайёравий масштабдаги ўрганиш объекти биосферадир.

Шу ўринда “экология”, “экологик вазият” ва “табиатни муҳофаза қилиш” тушунчалари ҳақида икки оғиз сўз: бу тушунчалар айрим ҳолатларда чалкаштириб юборилади. “Экология” нима деган саволга, экология бу фан, яъни (“ойкос” – уй, макон, “логос” - фан) тирик организмлар билан атроф-муҳит ва организмлар ўртасидаги ўзаро таъсир ҳамда муносабатларни ўрганувчи фан, деб жавоб бериш тўғри бўлади. Ана шундай муносабатлар, айниқса, инсоннинг табиатга бўлган таъсири натижасида муайян “экологик ҳолат” вужудга келади. Шунинг учун “Оролбўйи экологияси”, “Тошкент шаҳри экологияси” эмас, “Оролбўйининг экологик ҳолати” (ёки вазияти), “Тошкент шаҳрининг экологик ҳолати” деб қўллаш тўғри бўлади.

“Табиатни муҳофаза қилиш” эса табиатни, унинг ресурсларини инсоният манфаатларини кўзлаб сақлашга ва онгли равишда ўзгартиришга, маҳсулдорлигини сақлаб қолишга ҳамда бойликларидан табиат қонуниятларини ҳисобга олган ҳолда оқилона фойдаланишга қаратилган тадбирлар йиғиндиси. Қўриқхоналар, парваришхоналар, буюртма масканлари, миллий боғлар ва бошқалар ташкил этиш ана шундай тадбирлар сирасига киради.

“Геоэкология” тушунчаси эса муайян ҳудудда тирик организмларнинг атроф-муҳит билан ўзаро муносабатларини билдиради. Яъни, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос табиий шароитидан келиб чиқиб, тирик организмларнинг ўзаро ва атроф-муҳит билан алоқадорлиги сабабли юзага келадиган вазиятдир.

Умумий ўрта таълим мактаблари география дарсларида табиатдан фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилишга ва экологияга дахлдор мавзуларни ўқитишда юқорида келтирилган тушунчалар моҳиятини тўлиқ тушунган ҳолда ўқувчиларга жўнгина, содда мисоллар билан етказиш мақсадга мувофиқдир. Бунга алоқадор, 5-синф “Табиий география бошланғич курси”да юқоридаги масалаларга бағишланган қатор мавзулар бор. Масалан, “Биосфера – ҳаёт қобиғи” катта мавзусида “Ер қобикларининг ўзаро таъсири”, “Организмларнинг Ер қобикларига таъсири”, “Географик қобик ва табиат комплекси”, “Ўзимиз яшайдиган жой” каби мавзуларда табиатдан фойдаланиш, уни муҳофаза қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, ушбу масалаларга оид савол ва топшириқлар, вазифалар, турли расмлар келтирилган.

Бундан ташқари, 6-синфда “Табиат ва инсоннинг ўзаро таъсири” мавзуи бўлиб, унда ўқувчиларга табиат ва инсон тушунчалари, табиат бойликлари ва уларнинг инсон учун аҳамияти, табиий-антропоген ландшафтлар ҳақида маълумот берилади.

“Ўрта Осиё ва Ўзбекистон табиий географияси” курсида “Ўрта Осиё сувлари”, “Ўрта Осиё тупроқлари, ўсимликлари ва ҳайвонот дунёси” каби йирик мавзуларда, “Ўзбекистон табиий географияси” қисмида эса деярли барча мавзуларда табиат, табиат муҳофазаси, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик ва геоэкологик муаммолар масалаларига катта эътибор берилган.

Географияда муайян ҳудудга табиий географик тавсиф берилганда, ҳар бир компонент бўйича тавсиф берилгандан сўнг шу ҳудуд табиатини муҳофаза қилиш масаласига, экологик ҳолатига ҳам тавсиф берилади. Зеро, муайян ҳудуд табиатидан, унинг ресурсларидан хўжалик учун фойдаланилганда, табиатни муҳофаза қилиш ва экологик ҳолатга алоҳида эътибор берилиши лозим.

Биобарин, юқорида айтиб ўтилганидек, география табиат-аҳоли-хўжалик тизимини, уларнинг таркибини, шаклланишини, ҳудудий табақаланишини ва аҳамиятини ўрганса, экология шу учликнинг ўзаро муносабатини, унинг натижасида содир бўладиган ўзгаришлар, бу муҳитдаги ўзгаришларнинг сабаблари ва оқибатлари, уларнинг олдини олиш, бартараф этиш йўллари ҳам ўргатади. География фанининг бошқа табиий фанлардан фаркли томонларидан бири – унинг комплекслигидадир.

Биобарин, географик ва экологик тадқиқот услубларида ўхшашликлар кўп. Таникли географ ва эколог олим Р.У.Раҳимбеков география ва экология фанларининг қуйидаги методолик принциплари ҳақида тўхталиб ўтган:

1. Комплекслилик принципи. Бу принципнинг асосий моҳияти шундан иборатки, география фанининг объекти, яъни табиат, аҳоли ва хўжалик мажмуасининг асосида бир бутунлик қонунияти ётади. Экология фанида эса комплекслилик принципи экосистемалар тўғрисидаги таълимотда ўз ифодасини топади, яъни экосистемалар тўғрисидаги таълимот биосферадан то биоценозгача бўлган барча экосистемаларни ўз ичига олади. Географиядаги геосистемалар ва экологиядаги экосистемалар тўғрисидаги тасаввур ҳар иккала фанни бир-бирига яқинлаштиради: географияни экологиялаштирса, экологияни географиялаштиради.

2. Ҳудудийлик принципи. География фанининг асосий вазифаларидан бири турли ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганишдир. Зеро, дунёда айнан бир-бирига ўхшаш ҳудуд, табиий шароит ва улар асосидаги хўжалик шароити мавжуд эмас. Экологияда эса ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос табиий, иқлимий ва рельеф шароитига мос ҳолда турли экологик вазиятлар вужудга келади. Ушбу принцип ёрдамида ҳар иккала фанда табиий, иқтисодий ва экологик районлаштириш амалга оширилади.

Таникли географ И.Қ.Назаровнинг ёзишича “географ – ҳудудлар экологи”дир.

3. Ўлкашўнослик принципи. Бу принципга қатъий амал қилиш география ва экология таълими жараёнида ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эга. Географияда ўқувчи ёшлар ўз ўлкасининг табиати, аҳолиси ва хўжалигининг ўзига хос хусусиятларини ўрганса, экологияда Ватанимизнинг турли ҳудудларидаги экологик ҳолат ёки вазият ҳақида билимга эга бўладилар.

4. Картографик принцип. Ҳар қандай географик илмий тадқиқотнинг бошланиши ва поёни географик харитадир. Ўзбекистоннинг экологик, табиатни муҳофаза қилиш хариталарида ўлкамизнинг табиатидан фойдаланиш ва экологик вазияти акс эттирилади. Ушбу хариталарда катта фактик маълумотлар ихчам, турли шартли белгилар ёрдамида кўргазмали қилиб акс эттирилади. Бинобарин, бундай хариталар ёрдамида ҳар бир ҳудуднинг энг муҳим географик-экологик хусусиятлари акс эттирилади.

5. Тарихийлик принципи. Ушбу принцип ёрдамида географик объектлар ва турли ҳудудлар табиати фақат ҳозирги ҳолатида эмас, балки пайдо бўлиш ва ривожланиш босқичлари, экологияда эса турли экологик ҳолат вужудга келган ҳудудларнинг ўтмишдаги табиати ҳам ўрганилади.

Хуллас, география ва экология фанларининг ушбу принциплари глобаллашув жараёнида ҳар иккала фаннинг назарий савиясини юксалтиришда муҳим омил ҳисобланади.

І ШҶЇБА

XXI АСРНИНГ ГЛОБАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАЪЛИМ МАЗМУНИГА СИНГДИРИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ МУАММОЛАРИ

ГУМАНИТАРИЗАЦИЯ ОБУЧЕНИЯ ФИЗИКИ В ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ШКОЛАХ

Усанов Ш.Х.

Ректор ТОИППКПК, кандидат физико-математических наук

Физика как наука изучает общие законы материального мира. Нет ни одной науки, будь она естественная или гуманитарная, методика исследований в которых не опирались на физические методы. Универсальность предмета физики позволяет обучать учащихся межпредметным интегрированным курсам. Например, физика-биология, физика-химия, физика-экология, физика-археология, физика-криминалистика, физика-экономика и т.д. Список таких предметов можно продолжать. Значение интегрированного обучения великий педагог Ян Амос Каменский сформулировал следующими словами: «Все явления связаны между собой, изучать эти явления нужно таким же образом, для объяснения событий и явлений необходимо учитывать их взаимосвязь с внешней средой».

До сегодняшнего времени в системе образования изучение мира было направлено на комплекс слабозависимых областей изучаемого предмета и не учитывалась гуманитарно-антропологическая составляющая образования. Таким образом, школа готовила только физиков, математиков, химиков, биологов, историков и т.д, не учитывая гуманитарное направление этих предметов. Следует особенно подчеркнуть, что идею гуманитаризации мы должны направить от интеграционных процессов образования к личностно-ориентированному обучению, а это в свою очередь приводит к адаптации учащихся и к социальной среде и самоуправлению.

Великий писатель Л.Толстой отмечал, что нельзя проводить линию демаркации между естественными и гуманитарными науками и эти два направления в науке взаимосвязанные между собой.

Действительно творческая интеллектуальность всегда остается единым и ее логическая и эмоциональная составляющие находятся в равновесном состоянии. Сюда вмешиваются законные и различные неожиданные разделы.

Работая с большим количеством научными и художественными текстами можно создать интеграцию естественно-научных и гуманитарных знаний. Приведем к этому несколько примеров:

- «Поэзия – невидимый источник энергии, который отражается в сознании как волны, подобные волнам жидкости» (О.Мандельштам).

- «Художественный образ вызывает в нас определенное настроение... Количество и напряжение настроения находятся в обратном отношении. При Q, Q_1, Q_2, Q_3 (количестве) и T, T_1, T_2, T_3 (напряжении) имеем: $Q/Q_1=T_1/T$, т.е. $QT=Q_1T_1=Q_2T_2=Q_3T_3=Const$

Одна из главных целей образования – неприобретение информации, а создание механизмов по её систематизации и интеграции.

Интеграция – это процесс сопряжения нескольких предметных языков на основе образов, метафор и символов, в результате которого рождаются индивидуальные смыслы и ценности.

В современной педагогике всё чаще и чаще речь ведётся об интеграции гуманитарных и естественно-математических знаний. Содержание образования страдает преимущественной ориентацией на изучение объективного мира как совокупности отдельных, слабо связанных между собой предметных областей, при этом гуманитарно-антропологическая составляющая содержания знаний учащегося стремится к нулю. Таким образом, школа готовит физиков, математиков, химиков, биологов, историков и т.д., но не гуманитарно-ориентированных людей. Здесь важно отметить, что интеграционные процессы в образовании мы связываем скорее с идеей гуманитаризации образования, чем с идеей гуманизации, которая создаёт благоприятные условия для обучения и воспитания ребенка и благодаря личностно-ориентированному подходу направлена на его быстрее социализацию и самореализацию. Гуманитаризация подразумевает разработку не абстрактных или утилитарных для школьника тем и проблем по типу «математика ради математики» или «физика ради сдачи экзаменов» и т.д., а тех, которые – например, языком, средствами математики – говорят что-то о его внутреннем мире, формируют, расширяют и углубляют этот мир. Поэтому уровень гуманитаризации – это высший уровень межпредметной интеграции, когда школьные предметы могут быть направлены на формирование целостной картины мира учащегося, его общей культуры.

Путь, ведущий к интегрированным процессам более высокого порядка, мы видим в преодолении разрыва между понятием и образом, мыслью и чувствами, наукой и искусством. Недаром Густав Флобер как-то заметил: «чем дальше, тем искусство становится все более научным, а наука более художественной, расставшись у основания, они встретятся когда-нибудь на вершине».

Действительно, творческое мышление всегда целостно, в нем органично уравновешены логическая и эмоциональная составляющие. Как происходит интеграция столь не похожих друг на друга видов знаний. Этот процесс всегда эвристический, а потому неожиданный и оригинальный. Более того, сложно предсказать, где и когда возникает органичная взаимосвязь знаний. Но всё же, проработав значительное количество научных и художественных текстов и приобретя практический опыт, можно попытаться создать технологию интеграции естественно-математических и гуманитарных знаний.

Попробуем выявить основные этапы интегративной технологии.

На первом этапе происходит сопряжение и параллельное изучение знаний из различных предметов, которые изоморфны друг другу.

На втором этапе осуществляется поиск и нахождение образов, метафор и символов, которые объединят естественно-математические и гуманитарные знания.

В третьем этапе возникают смысловые пересечения и сопряжения, благодаря которым прорастают новые смыслы и идеи, которые создают более целостное или «рельефное» представление о чем-либо. Здесь пригодятся эвристическое мышление, творческие и изобретательские умения, интуиция и т.д.

На четвертом этапе происходит «опредмечивание» результатов интеграции в мини-тексте, эссе, притчевой миниатюре, исследовании и т.д. Здесь необходимо владение искусством слова, умениями кратко и образно выражать свои мысли и т.д.

При сопряжении математических и этических знаний возникают образы гармонии, завершенности, равновесия, «золотой середины» и т.д. И это далеко не случайно. Вот как, например, Аристотель использует свойство окружности для осмысления добродетельной середины в этике: «Итак, мы рассмотрим, в чем состоит добродетель. Она, по-видимому, есть некая середина между противоположными страстями. Недаром человек, желающий быть уважаемый за свой нрав, должен соблюдать середину во всяком движении чувств. Оттого и трудно быть достойным человеком, ведь в любом деле трудно держаться середины. Например, круг начертить может всякий, но установить его середину непросто: подобно этому, и рассердиться легко, и легко впасть в противоположную крайность, но удержаться посередине - трудно».

Какие могут возникнуть интегративные связи в поэзии, связанные с окружностью. Интегрировать различные виды знаний сложно только лишь на уроках общеобразовательного цикла ввиду их дидактической предзаданности, поэтому особую роль начинают играть дополнительные часы, где можно спокойно пообщаться, выслушать учащегося, проявить его самобытный мир.

На заседаниях учебных факультативных занятий учащиеся по желанию могут заняться исследовательской работой, углубляя своё понимание окружности как общечеловеческого символа и ценности, например, исследуя гармонические соотношения в каких-либо геометрических конструкциях.

Духовное донорство. Взаимопомощью велик человек. Без этого качества он не достиг бы своих высот. Взаимность движет эволюцией, сочувствие правит миром, сострадание помогает выживать. Люди делятся друг с другом тончайшей энергией, передавая её через улыбку, рукопожатие, доброе слово. Добрые помыслы высветляют ауру нашей планеты и разгоняют мрак зла. Так живет и распространяется общечеловеческое духовное донорство.

Скорость жизни. Существует формула: $vt = s$ - время, умноженное на скорость, равно расстоянию. Распространённая на жизненный путь человека, эта формула означает, что с большой скоростью «идет», «бежит» или «летит» человек по жизни, тем длиннее его жизненный путь. Скорость и пройденный путь – прямо пропорциональные величины. Можно прожить короткую по времени жизнь, но пройти за это время в своём развитии громадное расстояние. Таким образом, скорость жизненного движения зависит от способности человека развить нужную скорость. Пушкин прожил всего 37 лет, но за свою жизнь он сделал столько, сколько другой человек не сделал бы за несколько жизней. Конечно, многое зависит от врожденных способностей, но многие - и от самого человека.

Закон сообщающихся сосудов. Говорят, что ни один человек не может быть полностью счастливым, пока на земле есть обездоленные и страдающие люди. Его сердце как бы подключено к системе сообщающихся сосудов, незримо связывающей сердца всего человечества. Поэтому радость и горе тут же передаются и разделяются. Более того, говорят, что есть одарённые люди, у которых эта взаимосвязь распространяется и на людей. Скорее всего, такая удивительная и сверхчуткая взаимосвязь между внутренними мирами действительно существует, иначе человеческая цивилизация давно бы уже погибла от перенапряжения.

Свет звезды. Удивительно, но мы видим свет звезды, которая погасла или которой давно уже нет в просторах Вселенной. Так и человек - его нет, но его незримое присутствие ощущается ещё долгие годы.

Узоры воды. По стеклу бежала вода. Она бежала по законам гидродинамики. Но её узоры казались свободным творчеством её мокрой слезливой души.

Излучение добра. В своих «Размышлениях о движущей силе огня» Сади Карно выдвинул принцип необратимости: тепло переходит от теплого тела к холодному, но обратно, от холодного тела к теплему оно само по себе, без затраты энергии со стороны, не может перейти. Силу добра можно также сравнить с излучающим тепло телом: оно питает не только добрых, но и злых людей и отчасти спасает их даже тогда, когда они этого не замечают. Поэтому добро не исчезает и напрасно никогда не пропадает!

Мудрый человек. Мудрый человек – это ткач, который ткёт свой гобелен, видя его с рабочей изнанки как хаос узелков и обрывков нитей. Но настанет день преображения: ткач заходит с лицевой, парадной стороны и видит божественной красоты узор – свой духовный мир.

Преображение зла в добро. Процесс преображения зла в добро можно рассматривать по аналогии с обменом веществ у растений, которые поглощают углекислый газ - носителя смерти, уничтожающего всё живое, - а выделяют кислород – источник жизни. Подобно этому высоконравственный человек способен к «моральному дыханию», суть которого в том, что он может «вдыхать» в себя зло, а затем «выдыхать» добро. Своего рода «лёгкими»,

позволяющими осуществлять такого рода «дыхание», являются прежде всего нравственные качества любви, великодушия, терпения и милосердия.

Река жизни. Кто из нас не путешествовал по большой реке! Мы хорошо представляем, как река становится широкой, полноводной – множество ручейков и речушек питают её воды. Вот так и жизнь человека подпитывается из множества источников - любовь, семья, работа, образование и т.д.

Создать себя. Не каждому дано проявить себя на поприще искусства. Но каждый может стать автором по крайней мере одного «художественного произведения» - самого себя как личности, уникальность которой будет иметь всеобщее, общечеловеческое значение.

Люди – планеты. Люди – планеты, со своей природой, рельефом, спутниками, траекторией пути, размером и свечением. Они такие разные. Но нам надо учиться разглядывать каждую и в каждом.

Тайна человека. Тайна человека заключается в том, что он так же не исчерпаем, как и атом. Но все-таки приблизиться к этой тайне очень хочется...

Нравственная невесомость. Мы ходим уверенно по земле потому, что нас держит сила тяготения. А космонавт в космическом корабле находится в состоянии невесомости и плавает, так как эта сила значительно ослаблена. В мире этики тоже существует гравитация. Эту гравитацию создают абсолютные моральные ценности и идеалы. Стоит этим ценностям и идеалам утратить силу, как человек в нравственном смысле начинает кувыркаться, теряя опору и всякие ориентиры.

Свято место пусто не бывает. Действительно, если мы не прилагаем необходимых нравственных усилий, то в пространстве нашей жизни заползает зло. Получается так, что для возникновения зла нужно просто прекращать творить добро, то есть быть пассивным. Таким образом, между добром и злом существует обратная зависимость: чем больше сотворится добра, тем меньше остаётся места злу.

Следовательно, на наш взгляд, в современном образовании актуально разрабатывать различные виды технологии интеграции естественно-математических и гуманитарных знаний. Недалёк тот день, когда педагоги будут развивать у учащихся не только логическое и образное мышления, но и их синтез-поэтику гуманитарного мышления.

ЎҚИТУВЧИНИНГ МАЪНАВИЙ – МАЪРИФИЙ, КАСБИЙ МАҲОРАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Н.А.Юлдашева,
ТВПКҚТМОИ, Маънавий-маърифий ва
илмий ишлар бўйича проректор, п.ф.н., доцент

Юртимизда таълим соҳасида олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар, халқимиз онгида миллий истиқлол ғояси ва мафқурасини қарор топтиришга қаратилган ижтимоий, маънавий йўналишдаги тадбирлар ўқитиш тизимининг мақсади, вазифалари ҳамда мазмунида янгиланишларни тақозо этди. Бу эса таълим муассасалари фаолиятини, ўқитиш моҳиятини шаклан ва мазмунан муайян тартибга, тизимга солувчи директив ҳужжатларни янги мақсад, вазифаларга кўра қайта кўриб чиқиш заруратини юзага келтирди. Бунинг натижаси ўларок, умумтаълим мактаблари ўқув режаси янгиланди, таълим концепциялари ишлаб чиқилди, давлат таълим стандартлари яратилди. Шу асосда янгиланган ўқув дастурларида тарбияланувчилар томонидан эгалланиши лозим бўлган билим, кўникма ва малакаларга замонавий педагогик тафаккурга мос талқин, талаблар берилди. Мазкур дастурларга таянган ҳолда янги йўналишдаги дарсликлар, ўқув ҳамда методик қўлланмаларнинг бир неча авлоди яратилди ва бу жараён давом этмоқда. Юртбошимизнинг «Дарсликларда миллат фикрининг, миллат тафаккури ва миллат мафқурасининг энг илғор

намуналари акс этиши керак» деган ғоясидан келиб чиқиб, дарсликларнинг янги авлоди яратилди. Самарали ташкил этилган тизим асосида уларни мунтазам равишда, яъни 2- 3-синфлар учун ҳар 2 йилда, 5-9-синфлар учун ҳар 4 йилда такомиллаштириш, зарур нусхада янгитдан чоп этиб бориш йўлга қўйилди.

Нафақат таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактаблар учун, шу билан бирга таълим қардош тилларда олиб бориладиган мактаб ўқувчилари учун ҳам дарсликлар яратиш учун маҳаллий муаллифлар гуруҳи шакллантирилди.

Мамлакатимизнинг “Таълим тўғрисида”ги Қонунида “Ўқитишнинг илғор шакллари ва янги технологияларни, таълимнинг техник ва ахборот воситаларини ўқув жараёнига жорий этиш” асосий масалалардан бири эканлигига бежиз урғу берилмаган. XX1 аср кўникмалари мустақил фикрлаш тарзи, юксак дунёқарашга эга, дунё ва кўнгил воқеликларини теран ҳис эта оладиган авлодни тарбиялаш учун, аввало, мақсадни амалга ошириш воситалари мукамал бўлмоғи керак эканлигига алоҳида эътибор қаратади. Шундагина глобаллашув ва интеграция жараёни кучайиб бораётган ҳозирги пайтда четдан кутилаётган мафкуравий таҳдид ҳамда маънавий инқирозлардан миллатимиз эртаси бўлмиш ёш авлодни ҳимоя эта оламиз. Бу борада аждодлардан мерос қолган маданий, маънавий бойликлардан ташқари замонавий таълим жараёнида медиа таълим, медиа саводхонлик каби тушунчаларнинг кириб келиши биз ўқитувчилар, таълим ходимлари ва ота-оналардан ҳам аввало фидойилик, жонкуярлик, талабчанлик каби хусусиятларимизни янада ривожлантиришимизни тақозо этади. Мустақиллик йилларида амалга оширган тарихий ишларимиз ҳозирги вақтда, ўз ҳосилини бермоқда. Бу йўналишда бошлаган улкан ишларимизни давом эттириш, янги поғонага кўтариш, энг муҳими, бугунги кунда долзарб масала бўлмиш ҳаётга кириб келаётган ёшларимизнинг жамиятимизда муносиб ўрин эгаллаши учун замоннинг ўзи олдимизга янги-янги вазифаларни қўймоқда.

Мана шу ўта муҳим вазифаларни амалга ошириш, бу масалага давлатимиз ва жамиятимиз, кенг жамоатчилигимиз эътиборини жалб этиш мақсадида 2012 йил Президент Ислом Каримов томонидан «Мустаҳкам оила йили», 2013 йил ўтган йилнинг мантиқий давоми сифатида “Обод турмуш йили” деб эълон қилинди.

Босиб ўтилган тажрибалар шуни кўрсатадики, ўқитувчиларнинг асосий эътиборини турли ҳисоботларни тайёрлашга эмас, сифатли дарс ўтишга қаратиш орқали таълим самарадорлигини ошириш мақсадида ўқитувчиларнинг иш юкламаси қайта кўриб чиқилганлиги, тубдан ўзгартирилганлиги бизни қувонтиради.

Ўқитувчилар фаолиятини яхшилаш ва уларнинг касб компетентлигини оширишнинг самарали йўллари куйидагиларда кўрамиз:

- ўқитишнинг асосий вазифалари ва техник элементларини аниқ билиши ҳамда уларнинг таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи мақсадларга мувофиқлиги;

- дарснинг оптимал мазмунини ўқув дастури ва ўқувчиларнинг тайёргарлик даражаларига мос равишда аниқлаш;

- ўқувчиларнинг илмий билимларни ўзлаштириш даражаси, билим ва малаканинг дарсда ва унинг алоҳида босқичларида шаклланишини олдиндан аниқ тасаввур эта олиши (прогноз қилиш, лойиҳалаш ва дастурлаш);

- самарали метод, усул, ўқитиш воситаларини ҳамда рағбатлантириш ва назоратнинг оптимал таъсирини дарснинг ҳар бир босқичида билиш фаолиятини таъминлайдиган йўлни танлай олиши;

- дарсда индивидуал ва гуруҳларда ишлаш, ўқувчиларнинг ижодий изланиши жараёнида максимал мустақилликка эришиш кўникмаларини шакллантира олиши.

- дарсда барча дидактик тамойилларни амалга ошириши ва мақсадли фодалана олиш маҳорати;

- ўқувчиларнинг муваффақиятли ўқиши учун шарт-шароитлар яратиш кўникмаларига эга эканлик.

Таълим соҳасидаги етук инновациялардан бири “Устоз-шогирд мактаби” фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, ташаббускор, ижодкор, илғор ва ўз касбининг етук усталари, яъни

“Устоз - ўқитувчилар” аниқланди, уларга ўз ҳудудларидаги устоз маслаҳатига эҳтиёжи бўлган “Шогирд - ўқитувчилар” бириктирилди.

Аммо, таълим соҳасидаги олиб бораётган баъзи ишларимиз бир педагог сифатида мени ўйлантиради. Айтайлик, мактаб партасида ўтирган қоракўзларнинг ҳар бири аълочи ўқувчи бўлишга ҳақли. Ўқувчиларнинг ўзлаштиришда оқсаётганлари талайгина. Асосий ҳолатларда биз томонимиздан берилаётган таълим-тарбия ўқувчиларимизнинг ота-оналари томонидан давом эттирилаяптими? Айрим ота-оналар ўз фарзандларининг бу борадаги ишларини таълим-тарбия масканларининг зиммасига бутунлай ташлаб қўймаётими? Агар ота-онадан ўз фарзандининг тақдирига нима сабабдан бефарқ эканлигини сўрасангиз, вақт масаласи етишмаётганлигини ва ишлари жуда кўплигини, ёки баъзи ўринларда бошқа баҳоналарни рукач қилишади. Шу ўринда оналар телевизордаги сериалларни кўриш учун доимо вақт топишларини, оталар чойхона ва ўз маишатлари учун ишларини тўғри тақсимлашларини кўп бора гувоҳи бўлганмиз. Бизни ўйлантираётган муаммо фарзандларимизни ҳеч кимдан кам бўлмаслиги ҳамда доно, саводли, билимдон инсонлар бўлиб Ватан корига ярашлари ҳақидаги ўйлар бўлса, ота-оналар болалари ўқиши учун етарлича эътибор беришни, улар учун шароит яратишни охириг даражага қўядилар. Жамият ҳам аслида катта бир оилага ўхшайди. Жигарбандларимиздан бирортаси оқсаса, тенгдошларини ҳам ортга сурмайдими? Улардаги оғриқ бизнинг, миллатнинг оғриғи эмасми?! Бундай лоқайд ота-оналарни маҳалла институтлари ўрганишлари учун вақт етиб келмаганмикан? Шу ўринда ёшларга таълим-тарбия бериш борасида жуда кўплаб нашрлар, олимлар, ўқитувчи –устозлар фаолият олиб бораётганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Бугун ҳар бир ўқитувчи ўзига ишониб топширилган ҳар бир соат дарсни муқаддас деб билиши ва унга заррача хиёнат қилиб бўлмаслигини ҳис этиши лозим. Ана шу мақсадда Халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилиб, таълим жараёнига татбиқ этилган “Дарс — муқаддас” деб номланган, умумтаълим мактабларида ўқув-тарбия жараёнини самарали ташкил этишда ўқитувчиларга ёрдам берадиган тадбирлар мажмуига ижодкорлик билан ёндашган ҳолда, янгидан-янги тажрибалар билан бойитилиши ва бу жабада ҳам ота-она ўз фарзандининг эртанги кун, келажаги учун устоз ва мураббийлар билан бир сафда туриши таъкидланади.

Таълим соҳасини ислоҳ қилиш дастурида ёшлар онгида демократик кадриятларни мустаҳкамлашга эътибор қаратилганлиги, ўз фикрига, катъий гражданлик позициясига эга бўлган ҳар томонлама етук ва мустақил фикрлайдиган шахсни шакллантириш мақсад қилиб кўйилганлиги эътироф этилди:

- таълим соҳасида бугунги кунда олиб борилаётган ислохотларни сингдириш мақсадида ўқувчиларнинг нафақат ўзи, балки уларнинг ота-оналари билан ҳам кенг жамоатчилик тушунтириш ишларини доимий равишда олиб бориши ва уларга қуйидагиларни фарзанд тарбиясига масъул шахс онгу- шуурига сингдириш лозим;

- юртимизда илм-фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт соҳаларида қўлга киритилган ютуқ ва марраларнинг ҳаётий омиллариини англаш ва эътиборли бўлиш;

- дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган, тараққий топган давлатлардаги тенгдошлари билан ҳар томонлама беллашувга тайёр бўлган етук ва баркамол авлодни тарбиялаш бўйича амалга ошираётган миллий дастурларимизнинг бугунги ва эртанги кун учун тарихий аҳамиятини таъсирчан усул ҳамда воситалар орқали ота-оналарга тушунтириш, тарғиб қилиш;

Ижтимоий ҳимоя давлат ва жамият зиммасидаги шахснинг ижтимоий мавқеини таъминлашга қаратилган функция сифатида ўзига хос вазифаларни бажаради. Шу ўринда раҳбарлик фаолиятидаги ташкилий хусусиятларни қуйидагича белгилаш мумкин:

1. Педагогик жамоадаги ходимларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш ҳамда тўла қафолатлашга ёрдамлашиш.

2. Жамоадаги ёрдамга муҳтож, ижтимоий ночор ходимларнинг давлат ва жамиятнинг алоҳида ғамхўрлигига олиншини таъминлашда кўмаклашиш.

3. Ходимларнинг ижтимоий ёрдам ва ҳимоя амалга оширилишининг зарурий-ташкилий,

иқтисодий, ҳуқуқий механизмларини жорий этиш, бундай ёрдам ва ҳимоя шакллари, воситалари ҳамда усулларини белгилаш.

4. Фаолиятдаги ижтимоий ҳимоялаш объектлари ва субъектлари доирасини аниқлаш

5. Тизимнинг ижтимоий ҳимоялаш мезонлари чегаралари ҳамда тамойилларини жорий этиш фаолиятида ижтимоий ёрдам кўрсатилишида қонунийлик, ижтимоий адолат қарор топишига эришиш жамоада ижтимоий ёрдамни амалга ошириш орқали ўзаро ҳамкорлик, ҳамжиҳатли муҳитини шакллантириш ва бошқалар.

ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖОБИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ

Б.Б. Собиров,

ТВПКҚТМОИ, Молиявий-иқтисодий ишлар бўйича проректор

Ҳозирги давр инсоният тарихининг бурилиш давларидан биридир. Буни шу кунларда жаҳонда хусусан мамлакатимиз ҳаётида рўй бераётган демократик ўзгаришларда яққол кўриш мумкин.

Ҳозирги даврда бутун жаҳонда ва мамлакатимиз ҳаётида содир бўлаётган ижтимоий ҳодиса ҳамда жараёнларни тўғри тушуниб олиш, уларга тўғри муносабатни шакллантириш, уларни ҳозирги замоннинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб тўғри баҳолаш, улардан тўғри хулосалар чиқариш зарур.

Глобаллашув жараёнларининг кенгайиши жаҳон мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг янада такомиллашувига олиб келади. Жумладан, глобаллашув натижасида трансмиллий корпорациялар, уларнинг турли кўринишдаги халқаро бирлашмалари фаолиятининг таркиб топиши ва кенгайиши, халқаро ишлаб чиқариш кооперацияси ва меҳнат тақсмотининг нисбатан юқори даражага ўтиши, халқаро иқтисодий ташкилотлар фаолиятининг янада кучайиши рўй беради.

Умуман олганда, глобаллашув жараёнлари жаҳон хўжалигининг яхлит иқтисодий тизим сифатида ривожланишида сифат босқичи ҳисобланиб, янги имкониятларни очиб беради.

Бироқ, глобаллашув жараёнини мутлақлаштириш ва унга бир томонлама қараш тўғри бўлмайди. Чунки, мазкур жараён ўзининг ижобий жиҳатлари билан бир қаторда зиддиятли томонларига ҳам эга. Жаҳоннинг бир мамлакатаида рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ларзаларнинг муқаррар равишда бошқа мамлакатларга ҳам ўз таъсирини ўтказиши шулардан бири ҳисобланиб, бугунги кунда рўй бераётган молиявий инқироз ҳам айнан шу маънода глобаллашув жараёнларининг оқибати ҳисобланади.

Шунга кўра, Президентимиз ўз асарларини бугунги куннинг энг долзарб муаммоси – бу 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий инқирози, унинг таъсири ва салбий оқибатлари, юзага келаётган вазиятдан чиқиш йўллари излашдан иборат эканлигидан бошлаб, жаҳон молиявий инқирозининг мазмун-моҳияти, келиб чиқиш сабабларига батафсил тўхталиб ўтдилар.

«Бу инқироз Америка Қўшма Штатларида ипотекали кредитлаш тизимида рўй берган танглик ҳолатидан бошланди. Сўнгра бу жараённинг микёси кенгайиб, йирик банклар ва молиявий тузилмаларнинг ликвидлик, яъни тўлов қобилияти заифлашиб, молиявий инқирозга айланиб кетди.»¹

Бундан кўринадики, дастлаб АҚШ ипотека бозорларида намоён бўлган мазкур инқироз етарлича тўлов лаёқатига эга бўлмаган, қарзларни қайтариш қобилияти шубҳали бўлган қарздорларга ипотека кредитлари бериш амалиётининг жадаллашуви натижасида рўй берди.

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 4-б.

- Шу ўринда, жаҳон молиявий инқирозининг юзага келишида асосий сабаб – молиявий ресурслар билан реал ишлаб чиқариш ҳажми ўртасидаги мутаносибликнинг кескин бузилиши ҳисобланишини таъкидлаш лозим.

Президентимиз ўз асарларида дунёнинг ҳозирги вақтда бир қатор етакчи таҳлил ва экспертлик марказлари глобал молиявий инқироз ҳолатини ва унинг юз бериши мумкин бўлган оқибатларига доир материалларни ўрганиш ва умумлаштириш натижасида қуйидаги хулосаларга келаётганлигини таъкидлаб ўтдилар. Яъни, «Биринчидан, молия-банк тизимидаги инқироз жараёнлари деярли бутун дунёни қамраб олаётгани, рецессия ва иқтисодий пасайишнинг муқаррарлиги, инвестициявий фаоллик кўламининг чекланиши, талаб ва халқаро савдо ҳажмининг камайиши, шунингдек, жаҳоннинг кўплаб мамлакатларига таъсир кўрсатадиган жиддий ижтимоий талафотлар содир бўлиши мумкинлиги ўз тасдиғини топмоқда»².

Бу борада Ўзбекистон Республикасида ижобий тенденция кузатилмоқда. Яъни, амалга оширилган оқилона иқтисодий сиёсат натижасида ташқи қарзларнинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи 2005 йилдаги 29% дан 2008 йилда 13,3% га қадар қисқарган.

Хусусан, 2008 йилда жаҳон миқёсида бевосита хорижий инвестициялар оқими 20% гача пасайганлиги кузатилган. 2009 йилда жаҳон ялпи ички маҳсулотининг пасайиши, бевосита хорижий инвестициялар кўламининг янада пасайиши кузатилиши ҳамда халқаро савдо ҳажми қарийб 15% га пасайиши эҳтимол қилинмоқда. Бу ҳолат эса ишсизлик даражасининг ортиши билан боғлиқ жиддий ижтимоий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Глобаллашув даврида таълим ва тарбия соҳасида Ўзбекистон Республикасида ижобий тенденция кузатилмоқда. “Таълим тўғрисида”ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига кўра мактабларни қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ишлари ҳукуматимиз томонидан жадал суръатларда олиб борилмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқаришнинг ҳозирги босқичида кўзда тутилган юқори сифат кўрсаткичларига эришиш учун таълим-тарбия жараёнини ташкил қилиш ва амалга оширишнинг самарали шакл ва усуллари амалиётга кенг жорий қилиш талаб этилади.

Глобаллашув даврида Давлат таълим стандартлари такомиллаштирилиб, дастурлар модернизация қилиниб, дарсликларнинг янги авлодлари яратилмоқда. Таълим мазмунини янгилаш, энг муҳими, уни ўқувчиларга етказиш, пухта ва чуқур билим бериш, ўқувчини эркин фикрлашга ўргатиш асосий масала бўлиб қолмоқда. Бу, ўз навбатида халқ таълими раҳбар ва педагог ходимларидан таълим-тарбия ишига янгича муносабатда бўлиш, касбий етук, методик маҳоратли бўлиш, ўқув жараёнига замонавий таълим технологияларини жорий этишдек долзарб масалаларни қўймоқда.

Мамлакатимизда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” асосида таълим- тарбия ислохатлари кенг амалга оширилмоқда.

АДАБИЙ ТАЪЛИМДА ҒАЗАЛ ТАҲЛИЛИ ВА ТАЛҚИНИ МУАММОЛАРИ

Н.Жумахўжа,

ТВПКҚТМОИ, Тил ва адабиёт таълими кафедраси профессори, ф.ф.д.

Адабий таълимда ғазал матнини илмий таҳлил ва талқин этишда улуғ устоз адабиётшунослар, айниқса, Натан Муродович Маллаевнинг ижодий тажрибаси катта аҳамиятга эгадир. Бугунда ўзбек миллий ғазалшунослиги анча илгарилаб кетган бўлса-да, бу олимнинг ғазал матнини ўрганишдаги ўзига хос принциплари ва услуби ҳамон ўз кучида

² Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 5-б.

турибди. Ғазал таҳлили Н.Маллаевнинг серкирра ижодидаги кичик бир йўналиш, албатта. Ушбу йўналишдан олимнинг Алишер Навоий ғазалларини ўрганиш ҳақидаги долзарб мақолалари ва бир неча ғазалнинг махсус таҳлили ўрин олган. Бироқ, ҳозирги ғазалшунослигимиздаги айрим муаммоларга назар солсак, Н.Маллаев ижодий тажрибаларидан ҳали-ҳануз ўрганишимиз, уларнинг моҳияти ва илмий қимматини унутмаслигимиз лозимлиги аёнлашади.

Навоий лирикасини ўрганиш юзасидан Н.Маллаев 1968 йилда тузиб нашр эттирган ихчамгина қўлланма-мажмуа³, мана 45 йилдирки, ҳамон мутахассисларга амалий хизмат қилиб келмоқда. Унда олимнинг “Тениал шоир” сарлавҳали ажойиб мақоласи, икки ғазалнинг таҳлилий намунаси, тўпلامдаги шеърларнинг вазн кўрсаткичи ва Навоий лирикасидан бир қанча асарлар берилган. Биз китобдаги машҳур “Келмади” радифли ғазал таҳлилининг бугунги айрим таҳлилларимизга нисбатан аниқ ва афзаллигини қиёслаб кўрсатмоқчимиз.

Н.Маллаев талқинида ғазал таҳлили қуйидаги тадрижий изчилликда амалга оширилган: ғазал матни, вазни, луғат ва изоҳлар, байтларнинг насрий баёни, ғазалнинг мавзуси, ғоявий мазмуни, ғазалдаги образлар, ғазалнинг бадиий хусусиятлари. Етти моддадан иборат режа асосида муфассал ёритилган ғазал таҳлили асарни ўрганувчи талабалар учун ҳам, ғазални ўргатувчи ўқитувчилар учун ҳам ва оддий мухлислару кенг китобхонлар оммаси учун ҳам жуда қулай ва фойдалидир. Мазкур ғазалнинг ҳозирги дарсликлардаги таҳлили ва талқини бизни Н.Маллаев тажрибасига мурожаат қилишга ундади. Ғазал ва унинг замонавий талқини амалдаги 8-синф “Адабиёт” дарслиги⁴дан ўрин олган. Шуниси қизиқки, салкам ярим аср аввалги талқин тўғрилиги, аниқлиги, соддалиги билан, янги талқин эса иштибоҳлилиги ва мураккаблиги билан фарқланиб туради.

Н.Маллаев ғазалнинг вазнини “Рамали мусаммани маҳзуф” дея белгиласа, дарсликда у “Рамали мусаммани маҳзуф (ёки мақсур)” деб берилган. Тўғри, арузшуносликда бир асар бир неча вазнда ҳам яратилиши мумкин, деган назарий қараш мавжуд. Бироқ, ушбу қараш мазкур ғазалга нисбатан баҳсли. Шунинг учун, икки хил вазни ўқитувчи ва ўқувчига тақдим этиш ўзини оқламайди. Мактаб ўқувчиси ва ўқитувчисининг аҳволи “фоилун” билан “фоилон”ни фарқлаш даражасида эмас.

Энди айрим байтлар мазмуни талқинини қиёсий таҳлил этайлик. Иккинчи байт мазмуни Н.Маллаев насрий баёнида қуйидагича берилган : “Дам-бадам чиқиб йўлида интизорлик чектим, (лекин) жон оғзимга келди-ю, у ёмон одатли шўх (ёрим) келмади”. Дарсликда ўқиймиз : “Бетоқат ёр ҳар замон-ҳар замон чиқиб, маъшук йўлига интизор бўлди, ҳатто, жон унинг оғзига келди-ю, у ёмонлик истовчи шўх гўзал келмади”. Байтдаги “бадхў” сўзи Н.Маллаев луғат ва изоҳларида “ёмон одатли, ёмон феълли, ёмон қилиқли” деб берилган бўлса, дарслик муаллифи “бадхў” сўзини “бадхоҳ” сўзи билан чалкаштириб юборган. Ҳақиқатан ҳам, форсий “бадхоҳ” сўзи ўзбекчада “ёмонлик истовчи” маъносини англатади. Бироқ, байтдаги “бадхў” сўзи ҳам форс тилидан олинган бўлиб, у “бад” – “ёмон”, “хў” – “феъл-атвор” маъноларини англатади. Аслида, шоир “шўхи бадхў” иборасини ҳазил-мутойиба аралаш эркалаш маъносида қўллаган. Негаки, висолга ваъда бериб, ўз вақтида келмай, ошиқнинг сабр-тоқати, иродаси, садоқатини синаш ҳар бир қизга хос ҳаётий хусусият. Шу боисдан, ёрнинг “бадхў”лиги ваъда бериб, ваъдасида турмаслигида, холос.

Тўртинчи байт мазмунини Н.Маллаев : “Ул гўзал ҳажрида девоналарча йиғладим, (менинг бу ҳолатимни) кўрганда кулгиси келмаган кимса бормикин”, дея тўғри талқин этган. Дарслик муаллифи эса бу ҳолатни ошиқнинг “устидан куладиган борми-йўқлиги” деб тушунган. Бу эса шоир кўзда тутган мазмунни анча хиралаштирган.

Мақтадан олдинги, олтинчи байт Н.Маллаев талқинида жуда тушунарли ва лўнда баён этилган: “Садоқатли талабгор топилмас экан, бўлмаса йўлга аввал қадам қўйганнинг

³ Алишер Навоий. Лирика. Тузувчи Н.Маллаев. “Ўқитувчи” нашриёти, Тошкент – 1968.

⁴ Султонмурод Олим, Суннат Аҳмедов, Раҳмон Қўчқоров. Адабиёт. Умумий ўрта таълим мактабларининг 8-синфи учун дарслик-мажмуа. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент – 2006 ва 2010 йил нашрлари.

қаршисидан ёр келмасмиди”. Дарсликда эса аслиятдан жуда узоқлашиб кетилган. Унда мазкур байт “бегона байт” сифатида машҳур қилиб юборилганки, малака ошириш таҳсилига келган ҳар бир ўқитувчи у ҳақда “бегона байт” дея фикр юритади. Демакки, улар ўз ўқувчиларига ҳам “бегона байт”ни уқтириб улгурганлар. “Мумтоз шеърятда “бегона байт” деган тушунча мавжуд, - деб ёзади дарслик муаллифи, - Бу мақтадан олдинги байтни билдиради. Унинг бегоналиги шундаки, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла орипов сўзлари билан айтганда, “бу байтда шоир кимни мактагиси келса – мактайти, кимни ёмон кўрса, ундан аламини олади, ғазал умумийўналишига у қадар боғланмайдиганроқ гапи бўлса ҳам, шу ерда айтиб қолади”. А.Орипов гапининг манбаси кўрсатилмаган. Аммо, адабиётшуносликда ҳам, хусусан, ғазалшуносликда ҳам “бегона байт” деган тушунча мавжуд эмас. Одатда, мақтадан олдинги байтда шоир лирик чекиниш тарзида бирор фалсафий хулоса, теран умумлашма фикр баён этади. Лекин, у ғазал байтларининг мазмунан изчиллигига раҳна солмайди. Олдинги байтларга мантиқан боғланган бўлади. Бундай байтда изчил ёритилаётган мавзу юзасидан хулоса, ҳукм чиқарилади. Муаммонинг фалсафий ечими баён этилади. Мазкур байтда ҳам худди шундай ҳодисани кузатиш мумкин. Маълумки, олдинги байтларда лирик қаҳрамон, яъни ошиқ ҳижрондан шикоят қилиб келаётган эди. У заиф ва нолакор бир вазиятда турибди. Байтда шоир ошиқнинг бундай мавқеига танқидий муносабат билдиради. “Толиби содиқ”, яъни садоқатли талабгор топилмас экан, дея фикр юритади шоир. Ваъдага вафосиз ёрнинг жабру ситамларидан оҳ-воҳ чекиш билан кифояланиш чинакам ошиқнинг иши эмас. “Йўқса”, яъни бўлмаса, ёрнинг йўлига ким “аввал”, яъни биринчи бўлиб журъатли, дадил қадам қўйдиким, унинг маъшуқаси рўпарасига пешвоз чикмади ?! Ёр дийдорига садоқатли талабгор журъатли, жасоратли бўлиши лозим. Чинакам ошиқлик табиати шундай бўлади ! Ошиқлик журъат, жасорат, фидойилик, керак бўлса, қурбонликни талаб этади.

Энди дарсликдаги талқинга эътибор берайлик: “Ғазалнинг “бегона” байтида лирик қаҳрамон толиби содиқ топилмаслигидан шикоят қилишга ўтади. Шундай бўлмаса эди, кимки йўлга қадам қўйса, ундан олдинроқда юрадиган бир маъшук рўбаро келмайдими ?!” Бу талқин – мантиксиз. Ахир, ошиқдан олдинроқда кетаётган маъшук олдинга қараб кетаверади-да, қандай қилиб рўбарў келади ? Ўқувчи ёки ўқитувчи бу талқинни қандай тушунсин ?

Талқин давомида гап тасаввуфга боғланиб кетадики, муаллиф матн мазмунидан буткул ташқарига чиқиб кетади. “Бу ерда нозик фалсафий-тасаввуфий масала кўтарилган, - дея давом этади у. – “Йўл” байтда тасаввуфни, Аллоҳ ишқини билдиради. Бу йўлда эса садоқатли талабгор (ошиқ) топилмаяпти. Айни гап билан шоир пирга ишора қилган. Чунки пир ҳамиша бу йўлни муриддан аввалроқ босиб ўтган, яъни “аввалқадам” бўлади. Аввалқадам ошиқ эса Аллоҳ васлига етиб, маъшукқа айланади. Мурид ана шу шайхнинг этагидан тутиб, унга эргашмоқчи”. Муаллиф наинки ғазал матнидан четлашиб кетди, ҳатто, ўз нутқида ҳам, ғазал матнида ҳам “аввал” ва “қадам” сўзларини бирлаштириб, “аввалқадам” – пешқадам тушунчасини ҳосил қилди ва ғазал матнини ўзгартирди. Ғазал матни ва мазмунда бўлмаган тасаввуфий образ ва тушунчаларни ўйлаб чиқариб, талқинга сунъий равишда татбиқ этди. Хўш, ғазал матнига ёпишмайдиган бу мавҳум талқинни қандай қилиб 8-синф ўқувчисига тушунтириш мумкин ?

У пир ва мурид ҳақидаги фикрларини асослаш мақсадида ғазал яратилган сана тўғрисида ҳам иштибоҳли тахминини баён этади: “Навоий ғазалларининг ёзилган йиллари маълум эмас, - дейди у. Тахмин қилиш мумкинки, бу ғазални шоир устози ва пири Абдурахмон Жомий вафотидан, яъни 1492 йилдан кейин битган”. Ҳолбуки, Алишер Навоий мукамал лирик кулліети – “Ҳазойин ул-маоний”га асарларини умр фасллари мувофиқ тақсимлаб киритганида, “Ул сарви гулрў келмади” ғазали “Бадоеъ ул-васат”, яъни “Ўрта ёш гўзалликлари” девонидан ўрин олган бўлса ҳам, аслида, у шоирнинг ёшлик лирикаси маҳсулидир. Чунки ғазал Навоийнинг “Илк девон”и ҳамда иккинчи расмий девони “Наводир ун-ниҳоя” девонларида ҳам мавжуд. Улуғ шоир ўзининг ижодий тақомили давомида ғазалнинг матний таркибига бирор жиддий таркибий ўзгартириш киритмаган. Ғазал

шоирнинг илк лирикаси маҳсули эканлиги шундан далолат берадики, у йигитлик ишқининг нозик саргузаштлари, дунёвий муҳаббатнинг оташин эҳтирос ва туйғулари билан ёзилган. Мазкур далил эса ғазал мазмунини сунъий равишда “ишқи ҳақиқий”га боғлаб талқин этишга асос бермайди.

Мақта байт таҳлилида ҳам дарслик муаллифи матннинг асл мазмунидан жуда узоқлашиб кетган. У байтда “икки қарра “бода” сўзи тилга олинади. Шаклан, яъни юзаки қараганда ўқувчида майпарастлик тарғиб этилаётгандек тасаввур туғилиши мумкин”, дейди ҳамда ислом ва тасаввуфда, Навоий ижодида ичкиликнинг талқинлари тўғрисида узундан-узоқ илмий мулоҳаза юритади. “...бу парчадаги “бода” асло ўз маъносида эмаслигини тушуниб олиш керак”, дея уқтиради. Шундай хулоса баён этади: “Бода келган уйга қайғу келмаслигининг дунёвий асоси бор. Ичган кишининг, сунъий равишда бўлса ҳам, кайфияти кўтарилади, қайғуси, вақтинча бўлса ҳам, эсдан чиқади. Тасаввуфий маънода эса Яратганнинг ишқи билан қуйиб-ёниб яшаётган кишининг ғам чекишига ўрин қолмайди. Шунинг учун ҳам лирик қаҳрамон ёрининг келмаганига, очикроқ ифодалаяганда, бу дунёда Аллоҳ васлига етолмаётганига кўп ҳам ғам чекавермай, Яратган зотни севишини давом эттираверсин, шунда барча кулфатлар бартараф бўлаверади...” “....Байт - асли ошикона ғазалнинг мақтаъси. Лекин бода тилга олиними, демак, ғазалга риндоналик руҳи ҳам қўшилди”. Назаримизда, ғазалдаги ишқ ва май образини бу қадар мураккаблаштириб талқин этишга асос ҳамда зарурият йўқ эди. Бунга матн асос бермайди. Кўнгил уйини май билан шод-хуррам этишни майпарастлик ва ичкиликбозлик деб тушуниш ҳам ғалатдир. Зотан, Н.Маллаев байтдаги бор мазмунни ихчам ифодалаб бундай баён этган: “Эй Навоий, май билан кўнглинг уйини хуррам қил, чунки май келган уйга қайғу келмайди”. Олим ғазалнинг мавзуси ва ғоявий мазмунини ёритар экан, қуйидаги хулосани ифодалайди: “Ошиқ қайғудан қутулиб хуррам бўлиш учун майга мурожаат этади. Бироқ бу билан Навоий майхўрликни тарғиб этмайди (унинг майхўрлик, майшатпарастликка қарши курашганини, бу ҳақда “Хайрат ул-аброр”да махсус бўлимда сўзлаганини биламиз), балки “май”ни шодлик рамзи сифатида қайғу-аламга қарши қўяди”. Табиийки, бу талқин матннинг асл мазмунига мувофиқ. “Май” образига нисбатан дарсликдагидек “алкогол ичкилик” тушунчасини ҳам ёки тасаввуфий талқинларни ҳам тўқиб татбиқ этишга асло эҳтиёж йўқ.

Ғазал талқинларининг қиёсий таҳлилидан шундай хулосаларга келиш мумкин. Ғазалнинг янги талқинини яратганда асарни аввал тадқиқ этган олимларнинг ижодий тажрибаларидан ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Мабодо улардан беҳабар ҳолда ишга киришилса ёхуд улардан кўз юмилса, улар унутилса, талқинда адашиш, матнни тўғри тушунмаслик ҳолатлари юз беради. Ғазал таҳлилида матн аслиятдан узоқлашмаслик, матн мазмунидан ташқари тушунчаларни сунъий равишда талқинга сингдиришдан сақланган маъқул. Ҳар бир ғазалдан тасаввуфий мазмун ахтариш юқоридаги сингари салбий оқибатларга олиб бориши тайин. Албатта, ғазал таҳлили индивидуал ижодий ҳодиса. Ғазал матни кўпмаънолилиқ хусусиятига эга ва уни ҳар ким ҳар хил тушуниши, талқин этиши мумкин. Бироқ, дарслик услуби учун хусусий ёндашув хатарли. Чунки дарсликдан кўпминглаб одамлар таълим олади ва хато хусусий талқинлар уларда нотўғри тушунчаларни шакллантириши хавфи бор. Бундан ташқари, дарслик давлат стандарти мақомидаги ўқув қуроли сифатида тасдиқланади ва илмий хатолари бўлишига қарамасдан, яна янги дарслик яратилиб чоп этилгунча ундан фойдаланишга мажбур бўлинади. Бундай узоқ муддат мобайнида дарсликдаги нуқсонлар бир неча авлод таълимида сезиларли салбий из қолдиради. Шунинг учун, дарсликда умумэътироф этилган, илм-фанда ўз ечимини топган, баҳсли бўлмаган маълумотлар ёритилиши талаб этилади.

ЎҚУВ ВАЗИЯТИ ФАОЛИЯТЛИ ЁНДАШУВНИ АМАЛГА ОШИРИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА

Р.Ғ.Сафарова,

Шахсга йўналтирилган таълим парадигмасига ўтиш ХХІ асрнинг глобал педагогик муаммоси ҳисобланади. Маълумки, шахсга йўналтирилган таълим жараёни ўз-ўзидан ўқувчиларни ҳар томонлама ривожлантириш имкониятига эга. Бунинг учун ўқувчилар муайян ўқув фаолиятини амалга оширишлари, шу асосда аниқ ўқув материалларини ўзлаштиришлари лозим. Муайян ёшда ўқувчилар аниқ бир фаолият турини эгаллашга муваффақ бўладилар. Масалан, мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари учун ўйинга асосланган фаолият хос бўлса, бошланғич синф ўқувчилари ўқув фаолиятига жиддий киришиш имкониятига эгадирлар. Таълим билан ўқувчиларнинг руҳий ривожланиши орасидаги мутаносиблик ўқув фаолияти орқали таъминланади. Чунки ўқув жараёни педагогик жиҳатдан махсус йўналтирилган жараён бўлиб, унда ўқувчилар ўқув фаолиятини амалга оширадилар. Улар ўқув ҳаракатларини аниқ ўқув предмети доирасидаги ўқув материаллари ёрдамида бажарадилар. Ўқувчиларнинг руҳий ривожланишлари асосида уларнинг ташқи фаолиятлари билан боғлиқ ҳаракатлари ички ривожланиш имконини беради. Шу асосда уларда когнитив фаолият тажрибаси, тафаккур, идрок ривожланади. Бундай фаолият натижасида ўқувчиларда билиш қизиқишлари шаклланади. Демак, ўқувчини ривожлантириш, биринчи навбатда, унинг фаолиятини тўғри ташкил этишни талаб қилади. Ўқувчи ўқув материални сусткашлик билан идрок қилганида ривожланиш кузатилмайди. Ўқувчиларнинг айнан шахсий фаолиятлари уларнинг истиқболда лаёқатлари шаклланишига асос бўлади. Шунинг учун ҳам шахсга йўналтирилган таълим жараёнида ўқувчиларни кўпфаолиятлиликка йўналтириш уларнинг тараққиётини таъминлашда муҳим омил бўла олади.

Ўқувчиларни ҳар томонлама ривожлантиришда муайян вазиятларни ташкил этиш методидан фойдаланиш самаралидир. Аниқ педагогик вазиятларни ташкил этиш методи инновацион метод сифатида алоҳида педагогик қимматга эга. Бу метод ёрдамида ўқувчиларда мулоқотга киришувчанлик, ишчанлик, етакчилик, кенг кўламли, аниқ изчилликка эга бўлмаган материалларни тартибга солиш ва таҳлил қилиш, ахборотлар етарли бўлмаган шароитларда уларни тўлдириш кўникмаларини шакллантириш имконияти вужудга келади.

Муайян вазиятларни вужудга келтириш методи ўқувчиларни табиийликка интилишга чорлайди. Шу тариқа муайян вазиятларни вужудга келтириш методи қуйидагиларни тақозо этади:

- ёзма тарзда муайян вазиятларни баён қилиш;
- муайян вазиятларни мустақил ўрганиш ва синфдошлари билан муҳокама қилиш;
- ўқувчиларнинг вазиятларни биргаликда муҳокама қилиш жараёнларини ўқитувчи томонидан бошқариш;
- муҳокамалар жараёнида ўқувчиларга муамоларнинг ечимларини топиш зарурлигини англатиш кабилар.

Муайян вазиятларда ўқув ҳаракатларини амалга ошириш учун ўқувчиларнинг фаолликларига эътибор қаратиш асосида уларнинг диққатларини аниқ воқеликни тушуниш ва муҳокама қилишга жалб этиш лозим. Бу шахсга йўналтирилган таълимнинг ўзига хос жиҳати ҳисобланади. Мазкур жараёнда ўқувчилар мустақил ишлаш ва ташаббус кўрсатиш тажрибасини эгаллайдилар.

Муайян вазиятларда муҳокама предмети аниқ намоён бўлиши керак. Муайян вазиятларни вужудга келтиришда қуйидаги қоидаларга таяниш талаб этилади. Жумладан:

1. Ўқув вазияти таълим мақсадини амалга ошириш учун ўқитувчи томонидан махсус лойиҳалаштирилади ва ташкил этилади. Ўқув жараёни мақсадидан келиб чиққан ҳолда ўқитувчи ташкил этиладиган муайян ўқув вазиятига методик ишлов беради. Бунинг учун у ўқув вазиятида амалга ошириладиган муҳокама жараёнини аниқ мақсадга йўналтириши, ижодий муҳитни вужудга келтириши ва бошқариши лозим.

2. Ўқув вазияти муайян ўқув курси ёки ўқув предмети мазмунидан келиб чиққан ҳолда ташкил этилиши керак. Ўқув вазиятида ўқувчиларга аниқ ўқув материаллари ёрдамида илмий дунёқараш ва муайян кўникмалар шакллантирилади, уларнинг билиш фаолиятлари кенгайтирилади.

3. Ўқув вазиятлари турли-туман мазмунга эга бўлиши мумкин, лекин уларнинг барчаси ўқувчиларда аниқ ахборотларни таҳлил қилиш, сабаб-оқибат боғланишларини аниқлаш, асосий муаммоларни ажрата олиш кўникмаларини шакллантириши талаб қилинади.

Ўқитувчи муайян ўқув мақсадини амалга оширишга қаратилган вазиятларни вужудга келтиришда нималарга эътибор қаратиш лозим, деган саволга жавоб топиши муҳим аҳамиятга эга. Бу саволга жавоб топиш учун қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир:

- ўқув вазиятларида ўқувчилар олдига аниқ ечимни талаб қиладиган топшириқлар кўйиш;
- ўқувчилар олдига ечими қўшимча ахборотлар излашни талаб қиладиган муаммоларни кўйиш;
- ўқув вазиятини давом эттириш имконини берадиган долзарб муаммоларга ечим топишга ўқувчиларни ундаш;
- ўқувчилар олдига муаммолар кўйиш учун қулай бўлган типик вазиятларни ташкил этиш кабилар.

Муайян вазиятларни ўқув жараёни характери билан боғлиқ ҳолда ўқувчи катта гуруҳга бўлиш мумкин:

- а) кўргазмали характердаги ўқув вазиятлари;
- б) таҳлилий, мулоҳаза юритишга ундовчи ўқув вазиятлари;
- в) қарорлар қабул қилишга ундовчи ўқув вазиятлари.

Ўқитувчи янги вазиятни лойиҳалашда уни ўзи илгари қўллаган вазиятларга ўхшатмасликка ҳаракат қилиши лозим. Ўқув вазиятларини лойиҳалаш ўқитувчидан ижодкорликни талаб қиладир. Ўқитувчи ўқув вазиятини лойиҳалашда унинг мазмунига алоҳида эътибор қаратиши, кафолатланган натижа олишга интилиши, бироқ натижа унинг учун ҳам кутилмаган бўлишини назарда тутиши лозим. Ҳар қандай ҳолатда ҳам ўқитувчи ўқув вазиятини лойиҳалашда аниқ дидактик қоидаларга амал қилиши керак.

Ҳар қандай ўқув вазияти лойиҳаси қуйидагиларни қамраб олиши керак:

- 1. Ўқув вазиятининг номи.
- 2. Қўлланиладиган ва таяниладиган маълумотлар баёни.
- 3. Асосий ахборотлар, ўқувчиларга тақдим этиладиган топшириқлар.
- 4. Муаммо ечимининг баёни ва хулоса

Ҳар қандай ўқув вазияти унга мувофиқ келадиган ахборотлар тўплами ва методик таъминотга эга бўлиши лозим. Шундагина бундай ўқув вазиятлари жараёнида кафолатланган натижани қўлга киритиш имконияти вужудга келади.

ЎҚИТУВЧИЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАЗМУНИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Э.О.Турдиқулов,
ЎзПФИТИ, п.ф.д., профессор,
М.Э.Мусаева,
ТВПКҚТМОИ, п.ф.н.

*“Дунё иморатлари ичида энг улуғи – мактаб,
касбларнинг ичида энг шарафлиси ўқитувчиликдир”*
И.А.Каримов

Ўқитувчи ўқувчининг ўрганаётган нотаниш мавзуларини тушуниши, англашига ёрдам беради, янги маълумотларни аввалги мавзулар билан боғлайди ва шу асосда ўқувчи билимини юқори поғонага кўтаради. Ушбу жараёнда эса ўқитувчи ўқувчининг ўқув-билув фаолиятини бошқариш тизимини белгилаб олади.

Машғулотлар давомида ўқувчи ички кучларининг ривожланиш тенденциялари ҳисобга олинмаса, унга ортиқча мураккабликдаги материал берилса, бу ўқувчида билимларга ва ўқитувчига нисбатан негатив муносабат ҳосил бўлади.

Таълим жараёнида ўқитувчи салоҳиятли, маҳоратли бошқарувчи бўлгандагина ўқувчиларнинг фаоллигига эришилади. Шу ўринда, ўқитувчи шахси ва таълим ҳақида қуйидаги нуқтаи назар диққатга сазовор:

Ўқитувчи – энг мураккаб “ишлаб чиқариш” устаси, комил инсон.

Таълим – маънавий юксалиш, ҳар томонлама баркамол шахсни шакллантириш тизимидир. У танланган соҳада юқори меҳнат унумдорлигини таъминлаш мақсадида одамларнинг функционал саводхонлик, ишбилармонлик, ижод, касб маданияти, этика каби хусусиятларини ривожлантиради.

Инсон фаолияти самарадорлигини ошириш таълимнинг энг муҳим масалаларидан биридир.

Замонавий таълимни ривожлантиришда, аввало, замон талабларига мос ҳолда педагогик кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида тўлдириш, мослаштириш, ривожлантириш функцияларига эътибор қаратиш лозим.

Тўлдириш функцияси - ёши катталарнинг турли сабабларга кўра ёшликда ололмайд қолган таълимини олиш ёки етарли даражада етказиб олиш имкониятини беради;

Мослаштириш функцияси – шахснинг доимий ўзгарувчи оламга мослашиб бориши;

Ривожлантирувчи функцияси - шахснинг ижодий имкониятини узлуксиз бойитиб боришдир.

Бу функцияларнинг ҳал этилиши баркамол шахс шаклланишига йўналтирилган бўлиши зарур.

Сўнгги йилларда тор касбий амалиётнинг таълимга, олий таълимнинг эса умумтаълим мактабларидаги таълим мазмунига тўла “тажовуз” билан кириб келиши кузатилмоқда. Жумладан,

- Олимлар мактаб ўқув фанлари мазмунини таҳлил этиш жараёнида ўзлари муҳим ҳисобламаган қисмларини ўқув дастуридан чиқариб ташламоқда;

- Олий мактаб буюртмасига кўра мактабда бўшаб қолган соатлар ўрнига янги фанлар қўшилди. Шу сабабдан, тафаккурни ривожлантиришга асос бўлувчи муҳим фикрлар мактаб дастурларидан чиқиб кетмоқда;

- асосий курслар маъно ва мазмундан маҳрум этилмоқда. Шу сабабдан улар мазмунини йўқотган қуруқ фанларга айланиб бормоқда;

- ўқув фанининг аҳамияти, мазмуни ва йўналтирилганлиги бугунги кунда илмий-амалий жиҳатдан таҳлил этилмаган.

Буларнинг сабаби узлуксиз таълим тизимининг турли бўғинларида содир бўлаётган жараёнларни илмий-амалий жиҳатдан боғлай олмаслик оқибатидир. Натижада, кадрларнинг илмий-амалий, маънавий-маданий, ахлоқий, этик салоҳияти пасайиб бормоқда. Шу боисдан, узлуксиз таълимнинг ҳар бир бўғинини мазмунан чуқур ишлаб чиқиш зарурияти пайдо бўлди. Уларнинг ҳар бири бўйича шундай такомиллашув даражасига эришмоқ керакки, токи улар биргаликда узлуксиз таълимнинг ягона тизимини яратиш имкониятини таъминлай олсин.

Узлуксиз таълимнинг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

- инсонпарварлаштириш;
- индивидуаллаштириш;
- табақалаштириш;
- демократлаштириш;

- ўқув фанларини интеграциялаштириш.

Истиқболда мавжуд муаммоларни ижобий ҳал этишни мактаб ўқитувчилари ҳам амалга оширадilar. Бунинг учун улар малакасини белгиланган режа ва дастурлар асосида изчиллик билан ошириш зарур.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида педагог кадрлар малакасини оширишнинг қуйидаги шакллари қўлланилмоқда:

1. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ойлик курслар;
2. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда йиллик курслар;
3. Кундузги, сиртки курслар;
4. Қисқа муддатли курслар;
5. Экстернат;
6. Шахсий режа асосида малака ошириш;
7. Муаммовий (мақсадли) курслар;
8. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда шахсий режа асосида курс машғулотларига қатнашиш йўли билан малакасини ошириш (ижодий ишлайдиган педагоглар учун);
9. Ижодкор педагоглар (ёки ижодий ишловчи илғор ўқитувчи) иш фаолияти асосида ўқитувчилар стажировкаси;
10. Телекурс;
11. Интернет орқали ташкил этиладиган курслар;
12. Масофадан туриб ўқитиладиган курслар.

Қуйида айрим шундай курсларнинг мақсад ва вазифалари изоҳланади:

Қисқа муддатли курслар Халқ таълими вазирлиги ва вилоят халқ таълими бошқармалари қарорига кўра ўқитувчилар учун ташкил қилинади, ҳамда, ўқув фанини ўқитиш соҳасидаги энг янги ютуқларни эгаллаш (математика, физика, АКТ, этика ва оила ҳаёти психологияси ўқитувчилари, янги ўқув дастурлари бўйича); педагогика, ижодкор ўқитувчиларнинг илғор тажрибасини ёки педагогик тажрибасини ўрганиш; тингловчининг хоҳишига кўра экспериментал иш методикаси билан таништириш; ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишга янгича ёндашувни эгаллаш; педагогик эксперимент асосида ўқитиш; ўз тизимини маромига етказиш учун ёрдам беради.

Бундай курслар, қоидага биноан, ижодий ишлайдиган ўқитувчилар учун ўтказилади ва 12-18 иш кунига (72 дан 100 соатгача ҳажмда) мўлжалланади.

Қисқа муддатли курслар ўқув-мавзу режасининг асосий масалалари бўйича синов топшириш билан якунланади.

Экстернат малака оширишнинг янги шаклларида бири бўлиб, ижодий ишлайдиган ўқитувчиларга, илғор тажрибали педагогларга, ижодкорларга, катта ўқитувчиларга, ўқувчи-методистларга мўлжалланган.

Ушбу шаклда ўқитувчи кафедрадан мустақил ишлаш дастури (ўқув-мавзу режасини), фан назарияси бўйича синовларга тайёрланиш учун саволлар рўйхати, ўқув йилига мўлжалланган таълим методлари бўйича амалий топшириқларни, шунингдек, маслаҳатлар жадвалини олади ва мустақил тайёрланиб синов топширади.

Синов қабул қилиш учун ректор буйруғи асосида ҳайъат тузилади.

Ўқув фани методикаси бўйича синов, одатда, ўқув фани бўйича амалий машғулот шаклида, МОИ методистлари иштирокида ўтказилади.

Шахсий режа бўйича малака ошириш. Кўпчилик ўқитувчилар турли сабабларга кўра МОИ курсларида ўқиш имкониятига эга эмаслар. Ҳар бир ўқитувчи кафедра билан биргаликда ўқув режасини тузади. Режа МОИда тасдиқланади. Иш бажарилгач, ўқитувчи синов топширади, курс ишини ҳимоя қилади.

Муаммоли курслар - Кейинги вақтларда янги дастурлар, синов дарсликлари мактаб ҳаётига киритилмоқда; ўқитувчиларга ёрдам сифатида янги методик қўлланмалар чиқарилмоқда. Бундай шароитда ўқитувчиларни қайта тайёрлашнинг тезкор шакли зарур. Муаммоли курслар малака оширишнинг ана шундай талабларига жавоб берадиган малака

ошириш туридир. Курснинг мазкур тури педагогик фаолиятида жиддий нуксонлари бўлган ўқитувчилар учун ҳам ташкил этилиши мумкин.

Ушбу курс ўқув режаси 36-72 соатгача мўлжалланади. Одатда, улар алоҳида мавзулар бўйича машғулотларнинг методик ишланмаларини топшириш, суҳбатлашиш ёки умумлаштирувчи семинар машғулотларини ўтказиш билан якунланади.

Ижодкор педагог ҳузурида малака ошириш. Тажриба-синов иши олиб бораётган ижодий ишловчи ўқитувчилар учун ташкил этиладиган малака ошириш шаклидир. У ташаббускор педагог ёки илғор иш тажрибасига эга бўлган ўқитувчиларга таянган ҳолда ўтказилади.

Ўқитувчи-стажёр малакасини ошириш. МОИ кафедралари билан келишган ҳолда ҳал этилади; алоҳида дастур тузилади ва у МОИ ректори томонидан тасдиқланади. Натижалар институт кафедраси кенгашида табақалаштирилган баҳо қўйиш билан якунланади.

Экстернат, стажировка, шахсий режа, муаммоли курслар шакллари бўйича ўқитиш гуруҳларини тузишда ўқитувчи-педагог фаолиятининг сифат ва компонентлари тараққиёт даражасига оид бошланғич маълумотлар ҳисобига олинади. Одатда, бундай ўқитувчилар III ва IV даражали тайёргарликка эга бўладилар. Курсларда ишни якунлашнинг асосий шакли курс иши ҳимоя қилиш; ўқув-мавзу режасига мувофиқ туркумлар бўйича синовлар топширишдан иборатдир.

Курслар самарадорлиги компьютерда тест синовини йўли билан аниқланади; унинг натижаси тингловчиларга якунловчи суҳбатда билдирилади ва улар кейинги курслар ишини демократлаш ва қайта қуриш учун объектив маълумотлар сифатида қўлланилади.

Хулосада айтиш мумкинки, ўқитувчилар малакасини юқоридаги каби шаклларда ошириш таълим мазмуни ва ўқитувчи фаолиятига алоҳида эътибор қаратилаётган шароитда ўз самарасини беради.

ТАЪЛИМНИНГ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШУВИ ШАРОИТИДА ПЕДАГОГ КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

К.А. Юнусов,
Андижон ВПКҚТМОИ,
сиёсий фанлар доктори, профессор

Ҳозирги давр глобаллашуви шароитида демократик тараққиёт йўлини танлаган Ўзбекистон каби қўплаб ривожланаётган мамлакатлар тараққий топган давлатлар даражасига етиш учун интиломқдалар. Бунинг учун эса жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётини сўнгги технологиялар ёрдамида модернизация қилиш талаб этилади. Шунингдек, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, таълим ва бошқа қўплаб соҳаларни бошқаришни ҳам демократик тамойиллар асосида ташкил қилиш зарурияти мавжуд. Акс ҳолда, кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Чунки, эски арава конструкцияси билан замонавий реактив ракета ясаб бўлмаганидек, эскича ижтимоий-сиёсий қарашлар, муносабатлар, бошқариш усуллари (масалан, маъмурий-буйруқбозликка асосланган бошқарув усули) билан ҳам ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириб бўлмайди.

Модернизациялашган жамият - жамият ҳаётининг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий жиҳатдан ўзаро узвий алоқадорлиги ҳамда уйғунлигини назарда тутати.

Маданий модернизациялашув - ижтимоий тараққиётнинг юксак даражадаги босқичга ўтиши, шахснинг ҳар томонлама (маънавий, ахлоқий, маърифий, сиёсий, ҳуқуқий ва бошқа) камол топишини англатади.

Мамлакатимизни модернизация қилиш билан боғлиқ муҳим масалалар ва ғоялар Президент Ислам Каримов томонидан илгари сурилмоқда. Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси раҳбари лавозимида келган дастлабки даврданок, мамлакатимизнинг бир

ёклама ижтимоий-иқтисодий қолоқликдан халос бўлиши, жамиятимизнинг барча соҳалари, хусусан, фан, таълим каби муҳим соҳаларини модернизация қилишнинг назарий-теоретик ва амалий ўзгаришлар раҳнамоси сифатида фаолият кўрсатмоқда. Фикримизга юртбошимизнинг 1989 йил 28 ноябрда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясида бўлиб ўтган учрашувда: “Ҳозир мувозий тузилмалар пайдо бўлишидан кўрқмасдан илмий изланишнинг қудратли омилларини вужудга келтириш, беллашув, илмий ғояларнинг, турли ёндашувларнинг курашини ташкил этиш ва ана шу курашда олимларнинг янги авлодини чиниқтириш лозим”лиги тўғрисида айтган фикрини мисол қилиб келтиришимиз мумкин.⁵

Таълим соҳасини модернизациялаш, ўз навбатида, мамлакатни модернизация қилишнинг муҳим ва узвий қисми ҳисобланади. Чунки, замонавий технологияларни бошқариш, жаҳон стандартларига мос келадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларни муттасил равишда такомиллаштириб бориш, энг аввало, салоҳиятли кадрлар фаолияти билан боғлиқдир.

Ўз навбатида, мамлакатни модернизация қилишда, таълим соҳасини ривожлантиришда иқтидорли, юсак интеллектуал қобилиятга эга бўлган педагог кадрларнинг роли каттадир. Улар томонидан олиб борилаётган педагогик фаолият ва илгари суриладиган инновацион ғоялар мамлакатимизни модернизация қилишда муҳим роль ўйнайди. Президентимиз Ислам Каримов таълим-тарбияга алоҳида урғу бериб таъкидлайдики: “Бутун жамиятимиз ҳаётини тубдан янгилашнинг асосий шarti ва гарови бўлмиш таълим ва тарбия масаласи келажакда ҳам доимий эътиборимиз марказида бўлиши шарт”⁶.

Ижтимоий соҳа, айниқса, таълим-тарбия соҳасидаги инновацион ғоялар, ўз навбатида, мазкур соҳанинг модернизациялашувида муҳим аҳамият касб этади.

Президент Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимда “Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилдир” мавзусида сўзлаган маърузасида таъкидлаганидек: “Юқори технологияларни талаб этадиган замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этишда, инновацион ва нанотехнологиялар, фармакология ва фармацевтика, ахборот-коммуникация тизими, биотехнология, муқобил энергетика турларидан фойдаланиш соҳасида, мухтасар айтганда, илғор илм-фан ютуқларига асосланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кенг йўл очиб беришимиз зарур”⁷.

2015 йилгача бўлган даврда таълим соҳасида асосий эътибор, унинг сифати, жамият ва иқтисодий, илмий-техника ривожланишининг замонавий босқичи эҳтиёжларига мослик даражасини ошириш, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона ва ташкилотларнинг барча ходимлари малакасини узлуксиз ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини яратишга қаратилиши кўзда тутилган⁸.

Таълимнинг модернизациялашуви шароитида педагог кадрлар малакасини оширишда қуйидаги жиҳатларга эътиборни кучайтириш лозим деб ҳисоблаймиз.

1. Педагог кадрларнинг малакасини оширишда, уларнинг қайси мутахассисликка эга бўлишидан қатъи назар, илғор, замонавий педагогик технологияларга асосланган ҳолда интерфаол усуллардан фойдаланиш - таълимнинг модернизациялашуви шароитида педагог кадрлар малакасини юқори савияда ташкил қилишни таъминлайди. Бу борада, айниқса, педагогик инновацияларни излаб топиш, таҳлил қилиш асосида энг кўп самара берадиганларини танлаш, уларни амалиётда қўллаш тартибини белгилаш, кўп жиҳатдан ВПКҚТМОИ профессор-ўқитувчилари маҳоратига ва салоҳиятига боғлиқдир.

⁵Қаранг: Ислам Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: “Ўзбекистон” нашриёти. 2011 йил. 87-бет.

⁶“Халқ сўзи газетаси” 2009 й. 1 октябрь сони.

⁷ Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилдир. “Халқ сўзи” газетаси, 2010 йил 8 декабрь.

⁸ Ўзбекистон Республикаси аҳоли фаровонлигини ошириш лойиҳаси. -Т.: 2007 й.

2. Педагог кадрларнинг малакасини ошириш жараёнида масофадан ўқитиш, интернет орқали энг яхши тажрибаларни ўрганиш каби амалиётни кенг жорий этиш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун эса, педагог кадрларнинг интернет тизимидан кенг фойдалана олиш имкониятларини ошириб бориш лозим. Шу орқали ўқитувчиларда ўқувчига чуқур ва замонавий билим бериш малакасини ошириб бориш мумкин.

3. Ҳозирги давр таълим тизимида юзага келаётган яна бир муҳим талаб, педагог кадрларнинг чет тилларини, хусусан, инглиз, рус тилларини яхши билиши, бу тилларни яхши эгалламасдан туриб интернет тизимида самарали ишлай олмаслигини кўрсатиб ўтмоқ жоиз. Таълим соҳасида илғор, замонавий технологиялардан яхши хабардор бўлиш учун чет тилларни яхши билиш талаб этилади.

4. Илғор бўлиш, ўзгалардан орқада қолмаслик каби хислатлар таълим соҳасидаги янгиликларнинг ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади. Шунинг учун, ВПКҚТМО институтларида педагог кадрлар олдида инновацияларни, таълим соҳасидаги янгиликларни амалиётга жорий этиш усулларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

5. Малака оширишнинг мазмун ва сифат жиҳатидан янгиланиши, илғор педагогик технологияларни, таълимнинг анъанавий усулларидадан воз кечиб, мактаб ўқитувчиларига алоҳида ёндашган ҳолда уларнинг қобилиятларини янада очиб, уларга сайқал берилган омил, восита ва методларни топиш ва маънавий-маърифий тарбиявий тадбирларнинг истиқболли ҳамда жорий режаларининг намунавий дастурларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

6. Ўқитувчининг илмий билим даражасини кенгайтириш ва янада чуқурлаштириш орқали уларнинг касбий-педагогик тайёргарлиги даражасини юксалтириб бориш зарур. Бунинг учун, уларнинг методик билим, кўникма ва малакаларини янгилаш, чуқурлаштириш, замонавий билимлар, мутахассислиги бўйича янгиликлардан хабардор бўлиб бориши ва педагогик маҳорати самарадорлигига эришиши асосида маънавий-маърифий тафаккурини юксалтириб бориш мақсадга мувофиқ.

БЎЛАЖАК МАТЕМАТИКА ЎҚИТУВЧИСИНИНГ МАТЕМАТИК КОМПЕТЕНТЛИЛИГИНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ

М.Ш. Маматов,
ЎЗМУ, профессор,

С.Й. Темуров,
ЖДПИ, катта илмий ходим-изланувчи

Мамлакатимизда шаклланаётган бозор муносабатлари олий таълим муассасаларида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш тизимини рақобатбардош, ҳаракатчан, динамик ривожланувчи, амалиёт сўровларига жавоб қайтара оладиган бўлишига имкон берувчи билим, кўникма, шахсий сифат ва турли хил фаолият кўникмаларини шакллантирадиган даражада ташкил этишни тақозо этмоқда. Бу муаммони ҳал этиш, ўз навбатида, узлуксиз таълим тизими муассасалари, шу жумладан, олий таълим муассасаларида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш мақсад ва мазмунини, уларни ўқитиш методикасини мунтазам янгилаб боришни, талабалар билиш фаолиятини фаоллаштиришни, ўқитувчиларнинг психолого-педагогик малакасини ошириб бориш бўйича ишларни доимий равишда ташкил этишни, илғор педагогик тажрибалар ва педагогика фанининг сўнгги ютуқларини ўрганиш, умумлаштириш ва ўқув жараёнига жорий этишни талаб этади. Чунки, ҳаётнинг янги талаблари олий таълим муассасаси битирувчисидан предметли соҳадаги компетентлиликни, билимларни янги вазиятда қўллашни, ахборотлардан рационал фойдаланиш учун танқидий фикрлаш кўникмасини талаб этмоқда ва бу давлат таълим стандартида аниқлаштирилган.

Олий таълим муассасалари битирувчиларининг касбий тайёргарлиги даражасига кўйиладиган талаблар нуқтаи назаридан компетентлилик бўлажак мутахассиснинг муайян

вазиятларда билим, малака ва фаолият методлари мажмуасини мақсадга мувофиқ қўллаш қобилиятини англатади.

Бундан кўришиб турибдики, педагогик фаолият нуктаи назаридан компетенция - билим ва вазият орасидаги алоқани ўрнатиш имконияти ёки кенг маънода муаммони ҳал этиш учун зарур бўлган ҳаракат ва билимларни кўрсатиш, топиш қобилиятидир.

Компетентлилик тушунчаси нафақат аниқ билим ва кўникмалар, балки, аниқ стратегия, мос эмоция ва муносабат, худди шунингдек, бутун бир тизимни бошқариш механизми мавжуд эканлиги талаб этиладиган мураккаб амалий масалаларни бажариш билан боғлиқ. У ўз ичига нафақат когнитив ташкил этувчини, балки, қадриятли йўналганликнинг мотивацион, этик, ижтимоий ва ахлоқий тизимларини ҳам олади.

Педагогика олий таълим муассасаларида талабаларни ўқитиш жараёнида кутилаётган натижа умуммаданий, умумкасбий ва касбий компетенциялар орқали тақдим этилган асосий таълим дастурларини ўзлаштиришга қўйилган талаблар кўринишида шакллантирилган. Аммо, таълим стандартларида бўлажак ўқитувчининг профилли компетенцияси ҳам аниқланган бўлиб, ўқитувчининг касбий компетенциясининг муҳим ташкил этувчиси ҳисобланади. Ҳозирги вақтда у жуда кам ўрганилган муаммолардан биридир. Ана шундай масалалардан бири бўлажак математика ўқитувчиларида математик компетенцияни конструкциялашга ёндашувни аниқлаш ва давлат таълим стандартларининг асосий қоидаларига мос ҳолда унинг тузилмавий моделини ишлаб чиқишдан иборат. Бўлажак математика ўқитувчисининг математик компетенциясини аниқлашга бағишланган тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатдики, бўлажак математика ўқитувчиларида математик компетенция улар томонидан математик фаолият бажарилиши жараёнида шаклланиб ва ривожланиб экан. Математик фаолиятнинг мавжуд кўпгина талқинларида у янги математик билимларни олишга ва математик масалаларни ечишга йўналтирилган фаолият сифатида қаралган.

А. А. Столяр математик фаолият тушунчасида, биринчи навбатда, фикрлашнинг умумий мантикий усуллари асосида фикрий фаолиятни ва фақат шундан сўнггина математика учун хос бўлган математик билим, методлар ва усуллар соҳасидаги фаолият ҳамда уларни ўзлаштириш бўйича билиш фаолиятини ажратган. Унинг томонидан математик фаолият модели яратилган бўлиб, унда математик фаолиятнинг қуйидаги уч жиҳати ажратилган: 1) аниқ илмий вазиятни ёки эмпирик материалларни математиклаштириш бўйича фаолиятни математик тасвирлаш; 2) фаолиятнинг биринчи жиҳати натижасига кўра олинган математик материалларни мантикий ташкил этиш ёки фаолиятнинг биринчи жиҳати натижасига кўра олинган аниқ вазият модели мансуб бўладиган моделлар синфини тадқиқ этиш ёки назария қуриш; 3) фаолиятнинг иккинчи жиҳати натижаларига кўра олинган математик назарияни қуриш. Математик фаолиятни конструкциялашга ушбу ёндашувни биз бўлажак математика ўқитувчисининг математик компетенцияси тузилмасини тадқиқ этишнинг методологик асоси сифатида қабул қиламиз.

Математик компетенцияни шакллантиришга бағишланган манбалар таҳлили унинг қуйидаги тузилмавий компонентларини ажратишга имкон берибди: мотивацион, мақсад қўя билиш, шахсий ва мазмунли-операционли (В.А.Адолюф); конатив, когнитив, мотивацион-қадриятли (Е.Ю.Белянина); мотивацион, мазмунли, фаолиятли, шахсий (Д.А.Картежников); мотивацион-қадриятли, мазмунли-жараёнли, рефлексив (Н.Г. Ходырева).

Математик компетенциянинг компонентларини аниқлашда фойдаланилган атамалар бир-биридан фарқ қилишига қарамадан барча муаллифлар қуйидаги фикрга келган: математик фаолиятда аҳамиятли натижаларга эришишга қобилиятлилик билим ва кўникмалар тизими ҳамда фаолиятни амалга ошириш мотиви мавжудлиги, шунингдек, рефлексив баҳолаш кўникмаларининг шаклланилиши билан аниқланади. Бундай талабларга Н.Г. Ходыреванинг ёндашуви тўлалигича жавоб беради.

Мотивацион-қадриятли компонент ўз ичига қаралаётган предметли соҳага қадриятли мўлжал олиш ҳамда математик билимларни ўзлаштириш ва узатиш эҳтиёжини олади. Мазмунли-жараёнли компонент ўз ичига математик фаолиятнинг сифатини таъминлаш ва

натижаларга эришиш зарур бўлган махсус билим, малака ва кўникмалар мажмуасини олади. Рефлексив компонент эса ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини назорат қилиш ва ўз-ўзини баҳолашни олади.

Шундай қилиб, математик компетентлилик таркибига мотивацион-қадриятли, мазмунли-жараёنли ва рефлексив компонентлар кирар экан.

ГЛОБАЛИЗАЦИЯ И УЗБЕКСКАЯ МОДЕЛЬ ОБРАЗОВАНИЯ

О.А.Таджиев,
ТОИППКПК, доцент

Мировое образование вступило в стадию кардинальных и динамичных трансформаций, которые напрямую связаны с эволюционными изменениями в обществе. Так, предполагается, что в настоящее время формируется постиндустриальное образование, соответствующее постиндустриальному обществу. Вместе с тем уже несколько лет идет процесс перехода к еще более инновационной форме образования – образованию для устойчивого развития (ОУР), который связан с формированием новой общецивилизационной стратегии, которая была принята в 1992 году на Конференции ООН по окружающей среде и развитию в Рио-де-Жанейро. Двадцатый век принес человечеству многочисленные возможности. С одной стороны – это возможности экономического, технологического, духовного развития, а с другой – возможности прекращения существования человечества через ядерную и экологическую глобальные катастрофы. Ядерная катастрофа способна погубить человечество в историческое мгновение, в то время как экологическая катастрофа проявляется незаметно, постепенно, обрекая человечество на деградацию и медленное вымирание.

Именно это требует отказа от старой формы цивилизационного развития, которое неумолимо ведет к глобальной антропогенной катастрофе и формированию вначале в теории, а затем и на практике новой – в перспективе стратегии развития человечества, которое должно стать рационально управляемым в планетарном масштабе. Предполагается, что это станет возможным при переходе мирового сообщества к устойчивому развитию (УР), под которым понимается развитие общества, позволяющее удовлетворять потребности нынешних поколений, не нанося при этом ущерба возможностям, оставляемым в наследство будущим поколениям для удовлетворения их собственных потребностей.

Вместе с тем, модель УР будет реализовываться в двух приоритетных своих направлениях: научно-технологическом и научно-образовательном, – рассматриваемых как глобальные процессы, опережающие иные социальные тенденции, создающие базу для трансформаций всей жизнедеятельности людей. Научно-образовательный процесс должен будет разворачиваться в настолько ускоренном темпе и с такими качественными изменениями, что его можно будет считать своеобразной революцией, "повесткой дня" для образования в XXI веке.

Следовательно, образование, использующее новые информационные технологии, должно стать одним из базовых механизмов развертывания глобального информационного общества. Из суммы грядущих глобальных перемен, лишь обозначенных выше, для образования вытекает ряд выводов. Речь в складывающихся условиях может и должна вестись о распространении образования на все социальное (и не только на социальное) пространство, в том числе и в его глобальном измерении, а не только в национально-государственной форме развития. Вызрела идея так построить образовательный процесс, чтобы он нацеливался не только на существование и развитие нынешних поколений (как это обычно рассматривается), но и пролонгировал существование всего человеческого рода, обеспечивая его поступательное, безопасное и непрерывное развитие. В этом ракурсе

образование может стать одним из главных средств спасения человечества от возможных глобальных угроз, опасностей и последующих кризисов и катастроф.

В последние десятилетия мировое образование, как отмечают исследователи в этой области, пока не в состоянии удовлетворить все возрастающий спрос на объем и качество образования. Налицо возможность разрыва между социальными потребностями в образовании и возможностями их удовлетворения. Образование пока в глобальном масштабе по мере своей «массовизации» имеет тенденцию становиться все более отстающее-консервативным социальным механизмом, не способным эффективно содействовать решению глобальных и других проблем человечества (а скорее, даже их обостряет).

В связи с этим, возникает вопрос о методологии и практике формирования новых моделей и парадигм образования, в которых могли бы быть разрешены возникающие эволюционные противоречия между обществом и образованием и обозначился бы выход из глобального антропогенного кризиса. Стало понятным, что образование должно претерпеть кардинальные трансформации и уже в XXI веке будет ориентироваться не на прошлое(консерватизм), а на будущее (футуризм). В результате станет формироваться принципиально новая парадигма мирового образовательного процесса – инновационно-опережающее образование. Опережающее образование будет не только быстрее развиваться относительно практической деятельности, но и акцентировать внимание на будущем в самом содержании образования, исходить из принципа темпоральной целостности как системной взаимосвязи прошлого, настоящего и будущего.

В 1993 году ЮНЕСКО создала специальную "Международную комиссию по образованию для XXI века", которая изложила свои достаточно общие соображения по поводу ряда идей – ориентиров новой модели образования, выявила ряд противоречий создания и реализации этой модели, исходя из того, что главная цель ориентации модели образования следующего столетия – это выживание всего человечества. Выживание – это цель, которую поставило себе человечество и которую можно реализовать лишь в случае решения всего комплекса глобальных проблем, угрожающих омницидом. Образование тоже представляет собой одну из **глобальных проблем цивилизации**, и его кризис уже был достаточно подробно описан бывшим директором Международного института планирования образования Ф.Х. Кумбсом, а затем подтвержден и другими исследованиями.

Если учесть, что в Индии в январе 2005 г. состоялся под эгидой ООН общемировой форум по ОУР, а Германии – Всемирная конференция ЮНЕСКО по образованию в интересах устойчивого развития в 2009г., то можно считать, что мировое сообщества уже начало реагировать на объявление декады 2005–2014 гг. переходным десятилетием для начала формирования нашего общего устойчивого будущего.

Различаются понятия «глобализация образования» и «глобальное образование», которые иногда отождествляют. Глобализация образования относится больше к процессу обретения им целостности, взаимодействия и объединения различных национально-государственных и региональных систем образования в будущую единую мировую систему образования. А термин «глобальное образование» используется для характеристики качественно-содержательных трансформаций в мировом образовательном процессе, предметное поле которого «наполняется» глобальным знанием и мировоззрением, и иным содержанием, появляющимся в ходе и результате глобальных исследований.

Сам термин "глобальное образование" и первые концепции этого нового типа образования возникли еще в 70-е годы в США как "образовательный ответ" на первые осознанные глобальные вызовы и перспективу жизни во взаимосвязанном мире на планете. В 1970 г. был создан Американский форум для глобального образования, представляющий собой негосударственную организацию, курирующую развертывание глобального образования в США и за их пределами. По инициативе этого форума в 1995 г. в Нью-Йорке ЮНЕСКО провела международную конференцию "Мосты в будущее", которая определила основные направления развития глобального образования в XXI в., целью которого является

подготовка человека к жизни в опасном, динамичном и взаимосвязанном мире, готового к решению обостряющихся глобальных проблем.

Глобальное образование появилось на этой же "глобальной волне", что и другие интеллектуально-духовные феномены. Это относительно еще не дифференцированное глобальное мировоззрение и знание проявилось и в педагогических науках в виде первых концепций глобального образования. Здесь не так отчетливо выражена эволюционная последовательность – вначале глобальное знание, а затем на его базе – становление глобального образования. На первый взгляд создается даже впечатление, что появление глобального образования предшествовало появлению глобального знания. Однако это не так. В той или иной степени создатели первых педагогических концепций глобального образования уже исходили из накопленного к моменту создания их систем знания о глобальных феноменах, что явствует даже из краткого представления их концепций. Сейчас концепции глобального образования продолжают эволюционировать, принимая новые формы, о метаморфозах которых создатели первоначальных концепций не задумывались.

Образование не сводится только к обучению и воспитанию в специальных образовательных учреждениях, а видится, как упоминалось выше, как более широкий процесс информационно-экологического взаимодействия человека и мира. В этом широком смысле образование – это не просто одна из форм человеческой деятельности, а вся совокупная человеческая деятельность, вся сфера информационного взаимодействия индивида с социальным и природным бытием (т.е. не только один из процессов его социализации), отображаемая в информационной эволюции индивида. При таком широком видении образования оно оказывается элементом, или одним из множества глобальных процессов в потоке универсальной эволюции и может быть положено в основание наиболее общей концепции образования как информационного глобально-космического процесса.

Когда современный мир продолжает оставаться под воздействием экологической катастрофы, ядерной угрозы, финансово-экономического кризиса, Президентом Республики Узбекистан И.А. Каримовым была разработана программа - коренное реформирование сферы образования, создание национальной системы подготовки кадров. Реформирование системы образования в соответствии с Законом Республики Узбекистан «Об образовании» включает обеспечение ее поступательного развития как единого учебно-научно-производственного комплекса на основе государственных и негосударственных образовательных учреждений, формирование конкурентной среды в области образования и подготовки кадров.

Образование провозглашено приоритетным направлением в сфере общественного развития Республики Узбекистан. За годы независимости образование, а вместе с ним педагогическая наука, сделали значительный шаг вперед, внесли вклад в философию и методологию, теорию и практику образования и педагогики.

Реформа системы образования происходит на основе научно обоснованной, всесторонне связанной с коренными преобразованиями в экономике и социальной сфере страны, национальной модели подготовки кадров – модели Ислама Каримова. Именно его фундаментальное социально-политическое, научно-педагогическое основание обеспечило подлинный прорыв в педагогической мысли независимого Узбекистана, выполнение и введение в практику оригинальных теоретических, методологических и инновационных разработок, направленных на осуществление реформирования образования.

Национальная программа по подготовке кадров явилась основой для достижения стратегической цели развития страны – создания развитого демократического государства и гражданского общества, являющегося равноправным членом международного сообщества.

В систему образования введены передовые технологии. Практически все образовательные учреждения подключены к всемирной сети Интернет. Обеспечена интеграция образовательного процесса нашей страны в мировое образовательное сообщество, создана возможность оперативного внедрения в образование самых последних передовых достижений науки и техники. Расширение возможностей использования

информационно-коммуникационных технологий по всем учебным предметам заметно повысило эффективность усвоения знаний учащихся.

За годы независимости Узбекистан является первой страной среди стран-участниц СНГ, где разработаны и внедрены Государственные образовательные стандарты (ГОС). В первые годы реализации Национальной программы по подготовке кадров основной акцент был сделан на формирование совершенно нового, самостоятельного вида системы непрерывного образования – среднего специального, профессионального образования. В соответствии с программой в стране введено 12-летнее всеобщее обязательное бесплатное образование по схеме 9+3.

Президент Республики Узбекистан Ислам Каримов подчеркивает: «Сегодня нет необходимости доказывать, что XXI век, по общему признанию, становится веком глобализации и стирания границ, информационно-коммуникационных технологий и Интернета, веком все более растущей конкуренции на мировом пространстве и мировом рынке». В современном мире наиважнейшей ценностью и основным капиталом общества, его движущей силой становятся образованные граждане, способные к высокопроизводительному труду, обладающие высокими духовными и моральными качествами. Именно потому в XXI веке – веке интеллектуальных знаний, высокого уровня развития смогут добиться те страны, которые избрали своим приоритетом инвестиции в человеческий капитал. Только по-настоящему образованное общество будет способно преодолеть проблемы современности.

ЎҚУВЧИ-ЁШЛАРДА XXI АСР КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-МЕТОДИК АСОСЛАРИ

М.А.Зайнитдинова,
ТВПКҚТМОИ, п.ф.н., доцент

XXI асрнинг энг асосий ва глобал хусусияти – глобаллашув жараёни ҳақида фикр юритилганда Президентимизнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида глобаллашув мазмун-моҳиятига берган тавсифларини келтириш жоиздир: "...Глобаллашув феномени ҳақида гапирганда, бу атама бугунги кунда илмий-фалсафий, ҳаётий тушунча сифатида жуда кенг маънони англатишини таъкидлаш лозим. Умумий нуқтаи назардан қараганда, бу жараён мутлақо янгича маъно-мазмундаги хўжалик, ижтимоий-сиёсий, табиий-биологик глобал муҳитнинг шаклланишини ва шу билан бирга, мавжуд миллий ва минтақавий муаммоларнинг жаҳон миқёсидаги муаммоларга айланиб боришини ифода этмоқда. ... Ҳар бир ижтимоий ҳодисанинг ижобий ва салбий томони бўлгани сингари, глобаллашув жараёни ҳам бундан мустасно эмас. Ҳозирги пайтда унинг гоят ўткир ва кенг қамровли таъсирини деярли барча соҳаларда кўриш, ҳис этиш мумкин. Айниқса, давлатлар ва халқлар ўртасидаги интеграция ва ҳамкорлик алоқаларининг кучайиши, хорижий инвестициялар, капитал ва товарлар, ишчи кучининг эркин ҳаракати учун қулайликлар вужудга келиши, кўплаб янги иш ўринларининг яратилиши, замонавий коммуникация ва ахборот технологияларининг, илм-фан ютуқларининг тезлик билан тарқалиши, турли қадриятларнинг умуминсоний негизда уйғунлашуви, цивилизациялараро мулоқотнинг янгича сифат касб этиши, экологик офатлар пайтида ўзаро ёрдам кўрсатиш имкониятларининг ортиши — табиийки, буларнинг барчасига глобаллашув туфайли эришилмоқда"⁹. Дарҳақиқат, юқорида юртбошимиз таъкидлаб ўтганларидек, глобаллашув жараёнининг хусусиятлари, имкониятларини ҳис эта биладиган, улардан ўз ривожланиш ва эҳтиёжлари, мақсадлари йўлида ижобий фойдалана оладиган, шунингдек, даврнинг ҳам ижобий ҳам

⁹ И.А.Каримов. Юксак маънавият — енгилмас куч. "Маънавият" нашриёти, Т., 2008. 111-112 б.

салбий жиҳатларини таҳлил қилиш салоҳиятига эга бўлган ўқувчи-ёшларни тарбиялаш, биринчи навбатда, таълим тизими олдида турган долзарб вазифалардир.

Мазкур вазифаларни ҳал этиш учун таълим тизимида ислохотлар амалга оширилди, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» мақсад ва вазифаларининг амалга оширилиши йўналишида қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Энг муҳими кадрлар тайёрлаш миллий дастури – “Ислом Каримов модели” воситасида бугунги кунда илмий салоҳиятга эга, билимдон, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишида фаол иштирок этаётган, энг илғор, мураккаб техникалардан фойдаланиб, жаҳон бозорида рақобат қила оладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятига эга, ҳар томонлама етук авлодни тарбиялашдек натижаларга эришилмоқда. Шу ўринда мамлакатимиз Президенти И.Каримов БМТнинг ривожлантиришга қаратилган минг йиллик саммитида нутқ сўзлаб, ўзбек таълим моделининг мақсад ва моҳияти, таълим тизимида амалга оширилган ишлар, умумий мажбурий таълимнинг 9+3 схемаси бўйича 12 йиллик тизимга ўтилиши ва эришилган ютуқлар тўғрисидаги маълумотлари жаҳон ҳамжамияти томонидан маъқуллангани ва юксак баҳоланганини алоҳида қайд этишимиз зарур. Шунингдек, таълим мазмуни ҳамда сифатига қўйиладиган талабларни белгилаб берувчи меъёрий ҳужжат - Давлат таълим стандартлари яратилди ва узвийлаштирилди. Давлат таълим стандарти талабларига эришиш, таълимни инсонпарварлик даражасига кўтариб, таълимда дўстона муҳит яратиш мақсадида кўплаб лойиҳалар, шунингдек, таълим жараёнига инновациялар, фан ва техника ютуқлари, янгиликлари ҳамда ахборот-коммуникацион технологияларни татбиқ этиш йўналишида қатор ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда.

Улар жумласига0 Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда БМТнинг Болалар жамғармаси ЮНИСЕФ томонидан амалга оширилган глобал таълим лойиҳасини ҳам киритиш мумкин.

Мазкур лойиҳада профессор Д.Селби бошчилигидаги Торонто Глобал таълим халқаро университети мутахассислари томонидан “глобал таълим”, ”глобал ўқитувчи” қандай бўлиши кераклиги ҳақида ғоялар, фикрлар илгари сурилади. Шунингдек, глобал таълим назарияси ва амалиётининг ўзаро боғлиқлик элементлари – вақт компоненти, фазовий компонент, ички компоненти, муаммо компонентининг мазмун-моҳияти очиб берилди. Бу ерда ички компонент санаб ўтилган компонентларнинг марказида туриши таъкидланади. Чунки унда масъулиятли вазифаларни бажаришга тайёр турадиган, танлаш имкониятига эга бўлган, келажакни кўра биладиган, шахсий ривожланиши дунё масалаларидан ҳабардор бўлиш билан ёнма-ён юрадиган ўқувчиларни тарбиялаш масаласи илгари сурилади. Мазкур компонентлар бевосита бизга маълум аср глобал хусусиятлари ва ўзгаришлари асосида таркиблаштирилади.

Чунки, асрнинг ўзгариш ва хусусиятлари, янгилиги ва ютуқлари, муаммо ва турли жиҳатлари, сабаб ва оқибатларига нисбатан ўз муносабати ва нуқтаи назарини билдира олиш, доимий изланиш ва ҳаракатда бўлиш, ижобий натижаларга эришиш, мақсад сари интилиш, келажакка ишонч ва умид билан қараш, атроф-борлиққа нисбатан ижобий муносабатда бўлиш, муаммоларни ўз ақлу заковати билан ҳал этишга ҳаракат қилиш, давр имкониятларидан тўлақонли фойдалана билиш каби кўникмаларни ўқувчи-ёшлар онги ва қалбига қандай мазмунда, қандай шаклда, қандай усулда ҳамда қандай воситалар орқали сингдириш масалалари бугунги куннинг долзарб вазифаларидир.

Зеро, бугунги кун амалга оширилган фундаментал тадқиқотларни, илгари сурилаётган ғояларни таълим-тарбия жараёнига татбиқ этишда ҳамда ўқувчи-ёшларда XXI аср кўникмаларини шакллантиришда, бизнингча, қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратишни тақозо этади:

- ✓ Таълим мазмунини белгилаш ва прогноз қилиш йўналишида илмий тадқиқотлар олиб борилиши;

- ✓ педагогика, психология ва хусусий методика йўналишида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилиши ҳамда уларнинг натижалари кенг кўламда нашр этирилиши, амалиётга татбиқ этилиши;

- ✓ бўлғуси педагогнинг касбий профессиограммаси, XXI аср ўқитувчисига қўйиладиган замонавий талаблар қайта кўриб чиқиши;
- ✓ умумий ўрта таълим тизимида фанлар интеграцияси масалаларига эътибор қаратиши;
- ✓ интеграция - таълим мазмунини белгилашда ва унинг ўзлаштирилишида, айниқса, таълим соҳалари кесимида, жумладан, аниқ фанларни ўқитишда ахборот коммуникацион технологияларнинг имкониятларидан, дастурий таъминотлардан кенгрок фойдаланишда; хусусан, информатика, иқтисод фанлари билан интеграция масалалари;
- ✓ таълим-тарбия жараёни сифат ва самарадорлигини талаб даражасига кўтариш учун таълим жараёни натижалари мониторингини таҳлил қилиш баробарида қуйидаги йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш:
- ✓ ДТСнинг сифат ва самарадорлиги кўрсаткичи натижалари асосида ўқитувчиларга бериладиган устама ҳақ масалаларини қайта кўриб чиқиши, таълим мазмуни ва жараёнини табақалаштириш, бу йўналишда ўғил-қиз болаларнинг қабул қилиш даражалари ҳамда имкониятлари, ҳар бир ўқувчининг ёш, психологик хусусиятларини инобатга олиш;
- ✓ фанлар кесимида ўқув-методик мажмуалар уйғунлиги меъёрий асосларининг асосий параметрларига эришиш йўллари ва мавжуд имкониятлар йўналишида таълим мазмунига инновацион технологияларнинг татбиқ этилиши;
- ✓ ҳар бир фанни ўқитиш концепцияси қайта кўриб чиқиши;
- ✓ бошланғич таълим концепцияси асосида таълим мазмуни ва шаклларининг амалга оширилиши масалаларига алоҳида эътибор қаратиш;
- ✓ кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизими самарадорлигини ошириш йўналишида малака оширишнинг бевосита ва билвосита шакллари тўлақонли амалга ошириш имкониятларининг излаб топилиши ва амалга оширилиши.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, юқорида келтирилган масалаларнинг самарали ҳал этилиши узлуксиз таълим сифати ва самарадорлигининг ошишига, шунингдек, эркин, мустақил фикрлайдиган, жаҳон майдонига чиқа оладиган, дунё бозорида рақобат қила оладиган ёшларни тарбиялаш учун хизмат қиладиган илмий-методик асоснинг янада мустаҳкамланишига замин яратади.

XXI АСР – ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ АХБОРОТ - ТАЪЛИМ МУҲИТИНИ ЯРАТИШ АСРИ

У.Н.Тайлақов,

Халқ таълими вазирлиги, “Зиёнет” бўлими бошлиғи

Жамиятнинг XXI асрга қадами унинг барча фаолиятларидаги глобаллашув босқичига тўғри келди. Глобаллашув жараёни, инсонларни ҳозирги замон техникаси ривожланган ҳамда янги технологиялар туфайли ахборотнинг ягона муҳотида фаолият кўрсатиши лозимлигини уқтирмоқда. Айни глобаллашув даврида ҳар бир таълим муассасаси, биринчи навбатда, ўқитувчи кадрлар тайёрловчи узлуксиз таълим муассасаларининг янги таълим дастурларини ишлаб чиқиши ва сифатли педагогик кадрларни тайёрлашда тўғри йўллари танлашлари жуда муҳимдир.

Ахборот ва коммуникация технологияларининг дунё микёсида ривожланиши таълимнинг анъанавий моделидаги «ўқитиш воситалари» тушунчасидан инсоният педагогик амалиёт фаолиятида «таълимий муҳит» тушунчасига ўтишни, ахборот–коммуникация жараёнларининг ривожланиш даврида эса «ягона ахборот таълими муҳити» тушунчасига ўтишни тақозо этмоқда.

XXI асрда таълимда рўй бераётган универсаллик, шунингдек, турли регионлар ва ўқув муассасаларида кечаётган таълимнинг глобаллашуви ва ривожланиши билан глобал

интернет тармоғининг кескин ривожланиши имкониятларидан фойдаланиш очик таълим тизимини вужудга келтирмоқда.

Ҳозирги замон ўқитувчиси, ўз фани бўйича мутахассислигидан ташқари фанни ўқитаётганда ахборот ва коммуникация технологияларининг барча афзалликларидан бемалол фойдалана оладиган, ўқувчи ва талабаларда бу технологияларни амалда ишонч билан қўллаш малакасини шакллантириш қобилиятига эга бўлиши зарур.

Таълимни ахборотлаштиришнинг бош мақсади таълимда янги ахборот технологияларини қўллаш асосида инсон фаолиятини глобал миқёсда ихчамлаштириш ва жамият талабларига муносиб янги дунёвий тафаккурга эга бўлган мутахассис кадрларни тайёрлашнинг сифати ва самарадорлигини кескин кўтаришдан иборатдир.

Ахборот технологиялари таълим муассасаларида билим олаётган ёшларни шакллантириш бўйича янгича ёндашишлар асосида, уларнинг билим, кўникма ва малакаларини аниқлаш билан боғлиқ ўқув жараёнини ташкил этиб, таълимни ана шундай янги сифат босқичига кўтариш имконини бериши билан муҳим.

Узлуксиз таълимнинг ўқув жараёнида замонавий ахборот технологиялари ютуқларидан фойдаланиш орқали талабаларга ахборотнинг ноанъанавий манбаларига йўл очиб, мустақил таълим олишнинг самарадорлигини таъминлаши билан бирга, ижодий фаолият кўрсатиш учун ҳам кенг имкониятлар яратди. Бу жиҳатлар юқори ахборот технологиялари бўйича ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўқувчиларнинг билим даражасини назорат қилиш учун махсус технологияларни яратишни тақозо этади.

Айни пайтда методик адабиётларда, таълим технологияларини жорий этиш бўйича учта ўзаро алоқада бўлган соҳа мавжудлиги, уларнинг биринчиси аудитория машғулоти, иккинчиси электрон кутубхоналар, ниҳоят, учинчиси, интернет тизимидан фойдаланиш эканлиги кўрсатилади.

Таълим муассасаларида ягона ахборот тизимини ташкил этиш, ўқув муассасасини компьютер воситалари билан кенг таъминлашни, шунингдек, уни бошқаришни ва ўқув жараёнини дастурий техник воситалар билан таъминлашни назарда тутати.

Узлуксиз таълим муассасаларида замонавий ахборот технологиялари муҳитини замон талаблари даражасида илмий ташкил этиш муҳим муаммолардан биридир. Зеро, таълим ислохотларининг замонавий босқичи жамиятда юз бераётган янгиланишларнинг тезкорлиги, таълим муассасаларига қўйилаётган янги, янада юқори талабларга тезроқ мослашиш билан боғлиқ долзарб вазифаларни илгари сурмоқда. Бундай шароитларда таълим муассасасини ривожлантириш, унинг замонавий талаблар даражасида фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган тадбирлар салмоғи узлуксиз равишда ортиб боради. Қўйилаётган вазифаларнинг кўпчилиги принципнол жиҳатдан янги талабларни келтириб чиқаради ва уларни ҳал қилишда жамоанинг фақатгина мавжуд тажриба асосида иш кўриши етарли бўлмай қолади. Таълим муассасаларини бошқариш назарияси ва амалиёти борасидаги тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, замонавий шароитда таълим муассасасини бошқариш ундаги ахборотлар алмашинувини бошқариш билан бевосита боғлиқ бўлиб қолмоқда. Бу эса таълим муассасаси ишини яхшилашга ахборот технологияларидан фойдаланишни яхшилаш ҳисобига эришиш мумкинлигини кўрсатади ва бу йўналишда мақсадли изланишлар олиб бориш заруриятини келтириб чиқаради.

Таълим муассасасининг ахборот таълим муҳитини яратиш соф техник муаммо эмас. Бунинг учун муассасадаги тегишли илмий-методик, ташкилий ва педагогик имкониятларни тизимли ёндашув асосида ишга тушириш талаб этилади. «Ахборот–таълим муҳити» тушунчасининг кўплаб таърифлари мавжуд. Уларнинг таҳлили мазкур тушунчани аниқ бир мақсадга йўналтирилган ўқув жараёнини таъминловчи ахборот-техник, ўқув-методик тизимлар мажмуидир, деган хулосага келиш имконини беради.

Ахборот–таълим муҳитининг қуйидаги типологик белгиларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Ҳар қандай даражадаги таълим муҳити тизимлилиқ табиатига эга бўлган мураккаб тузилмали объект ҳисобланади.

2. Таълим муҳитининг яхлитлиги тизимлиликлка эришиш тушунчаси билан бир маънони англатиб, у ўқув муассасаси битирувчисининг шахсий ва касбий моделини амалга оширишдаги таълим ва тарбия мақсадларининг амалга ошишини ўзида мужассамлаштиради.

3. Таълим муҳити таълим ва тарбия ишларининг асосий шарти бўлиш билан бирга, унинг муҳим воситаси ҳамдир.

Ахборот–таълим муҳитини таърифлашда бир қанча ўзаро фарқ қилувчи қарашлар мавжуд, жумладан:

- инсон билан таълим муҳитининг субъект сифатида узвий боғланган ахборот, техник, ўқув-методик таъминотнинг тизимли ташкиллаштирилган мажмуаси;
- анъанавий ва электрон ахборот ташувчилар, виртуал кутубхоналар, тақсимланган маълумот базалари, ўқув-методик мажмуаларини мужассамлаштирувчи компьютер-телекоммуникация технологиялари интеграцияси асосида қурилган ягона ахборот таълим муҳити.

ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ГИЁҲВАНДЛИК ВА ОИВ ПРОФИЛАКТИКАСИ БЎЙИЧА ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

О.Н.Ҳайдарова,
ТВПКҚТМОИ, б.ф.н., доцент

Бугунги кунда “Ўзбекистон Республикасида 2013-2017 йилларда ОИВ - инфекциясининг тарқалишига қарши кураш бўйича Стратегик дастур” ишлаб чиқилган. Ушбу Стратегик дастур доирасида таълим муассасаларида профилактик тадбирларни амалга ошириш юзасидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Профилактик тадбирларни амалга оширувчи мутахассислар ва бевосита ўқитувчи-педагоглар бу касаллик ва унинг профилактикаси юзасидан кенг маълумот ва билимларга эга бўлишлари керак.

ОИТС касаллигининг бошланиши XX асрнинг 80-йилларига тўғри келади. ОИТС тўғрисида гап борганда, икки атамага эътибор беришимиз зарур. ОИВ инфекцияси ва ОИТС нима? ОИВ – одам иммунитетини танқислиги вируси бўлиб, одамнинг турли инфекциялардан ҳимояловчи иммун тизимини заифлаштиради. ОИВ инфекцияси – бу касалликнинг дастлабки босқичи бўлиб, бунда вирус организмга тушган бўлса-да, ташқи жихатдан инсон соғлом кўриниши, ўзини яхши ҳис қилиши мумкин ва ҳатто, касалланганлиги ҳақида тасаввур ҳам қилмаган бўлиши, оқибатда инфекцияни бошқаларга ҳам юктириши мумкин. Фақат лабораторияларда амалга оширилган қон таҳлиллари организмда вирус бор ёки йўқлигини кўрсатиши мумкин. ОИТС (орттирилган иммунитет танқислиги синдроми) – бу ОИВ инфекциясининг сўнгги босқичи бўлиб, бунда иммунитет заифлашганлиги сабабли касалликларнинг бутун бир комплекси кузатилади. Вирус инсоннинг иммунитетини заифлаштиради, натижада, организм ҳатто оддий шамоллаш хасталиклари олдида ҳам ожиз бўлиб қолади.

ОИВ инфекция юктирилган пайдан бошлаб ОИТС ривожлангунга қадар кўп йиллар ўтиши мумкин. Бу касаллик дунёдаги касалликларнинг энг “даҳшатлиси” бўлиб, ҳозирча унинг давоси топилгани йўқ. Касаллик туфайли ҳозирда миллионлаб одамларнинг ҳаёти ўлимга маҳкум бўлмоқда. Мазкур касалликдан вафот этган инсонлар қонида номаълум бўлган вирус топилган бўлиб, у одамнинг инфекцияга қарши курашиш хусусиятини йўқотадиган касалликни чақиради.

Бу вирус биринчи мартаба Конго давлати фуқароси қонида топилган бўлиб, 1959 йилда 397 нафар беморда ҳам кузатилган. ОИВ инфекциясининг тарқалиш жойи, асосан, Африка ва Осиё мамлакатларидир.

ОИТС – бу умумбашарий эпидемияга киради. ОИТС вируси 1983 йили профессорлар Монтансе (Франция) ва Галло (АҚШ) томонидан аниқланган бўлиб, 1984 йилдан бошлаб касаллик сабабларини аниқлаш учун лабораториялар очила бошланди. 90-йилларга келиб, италиялик олимлар бу номаълум касаллик асосан болалар ўртасида учрашини аниқладилар. Флоренцияда бўлиб ўтган халқаро анжуманда бу ҳолат далил сифатида келтирилди.

ОИТС вирусининг турлари 20 мингдан ортиқ бўлиб, бирига қарши вакцина тайёрланса, иккинчиси касалликни чақириши мумкин. Шунингдек, вирус Ер планетасидаги деярли барча мамлакатда тарқалган. XXI аср бошига келиб, ҳар 200-америкалик, Африка мамлакатларининг кўпчилигида эса ҳар бешинчи киши вирус ташиб юрувчи ҳисобланади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига қараганда, ҳозирда 20 млн. киши касалдир, 2017 йилга келиб эса 35-45 млн. киши ОИТС билан оғрийди, улардан 50 % и ўсмир ёшларга тўғри келади.

Дунё бўйича ўсмир ёшларнинг орасида ОИВ ва ОИТС эпидемиясининг профилактикаси бўйича Марказий Осиё Давлатлари: Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон ўз ташаббуслари билан чиқди. Бу масалада бошқа ташкилотларга нисбатан таълим тизими етакчи ташкилотлардан бири бўлиб, у орқали ОИВ профилактикасида кўплаб ўсмир ёшларни қамраб олиш имконига эгадир.

Шунинг учун ҳам ОИВга қарши вакцина йўқлиги, олдиндан аниқ маълумот бериб бўлмаслиги туфайли, ОИВ/ОИТСга қарши курашда асосий роль таълим тизимининг зиммасига тушади. Эпидемияни камайтиришнинг энг яхши йўли одамларнинг хулқ-атворини ўзгартириш (ахлоқ меъёрларини шакллантириш), ОИВ профилактикаси тўғрисида билим бериш орқали тушунчаларни шакллантиришдир.

Ушбу муаммони бартараф этишда таълим тизимининг вазифалари қуйидагилардан иборатдир:

- Таълим муассасалари раҳбарларининг ОИВ профилактикаси бўйича олиб борадиган ишларини аниқлаб олиш;
- Профилактик ишларни амалга оширишда ходимларнинг ўрнини аниқлаш;
- Профилактик таълимнинг асосий принциплари билан таништириш;
- Профилактик ишларни олиб бориш.

Юқорида белгилаб олинган вазифалардан келиб чиқиб, таълим тизимида қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилиши лозим:

- Профилактик таълимни режалаштириш, уни амалга ошириш;
- Чора-тадбирни амалга ошириш бўйича мақсадли молиялаштириш;
- ОИВ/ОИТС профилактикаси бўйича таълим муассасаларини мутахассислар билан таъминлаш.

Таълим тизимида профилактик ишларни олиб бориш учун тавсиялар:

- Ўсмир ёшларда соғлом турмуш тарзи ва одоб-ахлоқ маданиятини шакллантириш;
- Нозик мавзуларни аудиторияларда муҳокама эта оладиган бўлиши лозим;
- Профилактик ишларни амалга оширишда ёшлар психологияси, ҳудудий миллий ҳолат ҳамда бошқа мамлакатлар иш тажрибаси маҳаллий шароитга мослашувчанликни инобатга олиш;
- Халқ таълими ташкилотлари соғлиқни сақлаш ташкилоти билан ҳамкорликда профилактик ишларни амалга оширишини ташкиллаштириш;
- ОИВ инфекцияси профилактикаси бўйича яратилган илмий-услубий мажмуалар билан таъминлаш;
- Келгусида ОИВ/ОИТСнинг профилактикаси бўйича ишни ташкил қилиш учун педагог ва ўқувчилар орасида ОИВ/ОИТС бўйича билим, кўникма ва малакаларни баҳоловчи мониторинг ўтказиш.

Профилактик дастурларга қўйиладиган талаблар:

- ОИВ профилактикаси ўқувчи-талабалар билан олиб бориладиган ишлар орасида энг долзарб муаммолардан бири сифатида қаралиши;

➤ Профилактик дастурлар муайян кетма-кетликда бўлиб, уни амалга ошириш боланинг балоғатга етиш давридан бошлаб, таълимнинг ҳамма босқичларида тизимли олиб борилиши;

➤ Профилактик дастурлар ҳар томонлама тузилган бўлиб, уларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, репродуктив саломатлик бўйича савол ва маълумотлар киритилиши;

➤ Профилактик дастурлар тузишда миллий қадриятларнинг инобатга олиниши;

➤ Ушбу дастурларни амалга оширишда иштирок этувчи ўқитувчи жиддий тайёргарликдан ўтган бўлиши;

➤ Профилактик ўқитиш дастурларини ишлаб чиқишда миллий ҳудудий хусусиятлар инобатга олиниши.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, таълим ташкилотлари ОИВ профилактикаси бўйича оила, маҳалла, жамият, давлат, ҳукукий ташкилотлар билан тарбиявий ишларни олиб бориши муҳим аҳамиятга эга. Тарбиявий ишларни олиб боришда ўқитувчи-педагоглар, психологлар, социал педагоглар ҳал қилувчи роль ўйнайди. Улар стигма, дискриминация, ОИВ ва вирус билан касалланганлар ва инсон ҳуқуқлари тўғрисида чуқур билимларга эга бўлишлари ва уларга амал қилишлари шарт. Бунинг учун педагог-мутахассислар доимо касбий билимларини ва ОИВ профилактикаси бўйича малакаларини мунтазам ошириб боришлари лозим.

МАХСУС ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ – ИМКОНияТИ ЧЕКЛАНГАН БОЛАЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ СИФАТИДА

Ф.Қодирова,

А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ, п.ф.н., доцент

Таълим-тарбия соҳасидаги масалаларнинг тўхтовсиз такомиллашиб бориши махсус педагогика олдига ихтисослаштирилган таълим муассасаларида таълим сифат ва самарадорлигини ошириш вазифаларини муваффақиятли амалга оширишни кўндаланг кўймоқда. Таълимнинг сифати унда қўлланиладиган усул ва воситаларнинг нечоғлик замонавийлигига, қулайлигига ва албатта, ногирон болаларнинг имкониятларига мослигига боғлиқдир. Ўргатиш усуллари таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятининг қандай бўлишини, ўргатиш жараёнини қандай қилиб ташкил этиш ва олиб бориш кераклигини белгилаб беради. Бошқача қилиб айтганда, ўргатиш усуллари ҳар иккала фаолиятни, яъни ўқитувчи томонидан ўқувчиларни билим, кўникма ва малака билан қуроллантиришни ҳамда ўқувчилар томонидан ўша назарда тутилган илмий билим, кўникма ва малакани ўзлаштириш фаолиятида қўлланиладиган йўлларни ўз ичига олади. Демак, ҳар икки ўргатиш усули педагогик жараён иштирокчилари (таълим олувчи ва берувчи) нинг ўзаро фаолияти бирлигини таъминлашга йўналтирилади. Дарс жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятининг турфалиги ўргатиладиган маълумотнинг характериға қараб белгиланади. Айнан мана шу турфалик таълим жараёнида муайян мақсадни амалга оширишга қаратилган янги-янги усуллар ва ёндашувларга талабни келтириб чиқаради. Махсус таълим тизимида қўлланиладиган хусусий усуллар умумий ўргатиш усуллари билан мустаҳкам боғлиқдир. Махсус таълим жараёни, умумий дидактик тамойиллар билан бир қаторда хусусий тамойилларга асосланади. Хусусий тамойиллар имконияти чекланган болаларнинг индивидуал хусусиятлари, таълимдаги алоҳида эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда танланади. Хусусий тамойиллардан энг асосийлари қуйидагилар: таълимнинг коррекцион йўналганлиги; таълим жараёнининг вазиятбоплиги, ҳаёт билан боғлиқлиги; таълимнинг ўқувчи ёши ва имкониятларига мослиги. Маълумки, таълим усуллари ва воситалари ҳар қандай жараённинг сифати ва натижаларига эришиш имкониятини оширишда муҳим

омилдир. Хусусан, кар ва заиф эшитувчи болалар мактабларида овоз кучайтирувчи аппаратлар, кўзи ожиз болалар мактабларида брайл ёзуви воситалари, нутқ нуқсонлари устида коррекцион иш олиб боришда логопедик зондлар ва ҳ. воситалар тузатиш ва нуқсонли анализатор ўрнини босиш воситаларидир. Ўқувчига берилиши лозим бўлган илмий билимлар кўлами ўргатиш усуллари ва шаклларининг ранг-баранг бўлишини тақозо этмоқда. Ўргатиш жараёнида оғзаки, кўргазмали, амалий усуллардан фойдаланишнинг муҳимлиги ўқувчининг ўрганилаётган нарса ва ҳодисаларни ҳиссий идрок этишга, уларни кузатиб мушоҳада қилишга ўқувчини ундаш, мантиқий ва назарий маълумотларнинг ҳаётийлигига ишонч ҳосил қилишга, ниҳоят, назарий билимларни амалиётда, кундалик ҳаётда қўллай олишга ўргата билиши билан изоҳланади. Махсус таълим ўқитувчилари замонавий усуллардан кенгрок фойдаланиши таълимнинг сифатига ижобий таъсир кўрсатиши кўпгина олимларнинг, жумладан, Л.Мўминова, М.Аюпова, Ш.Амирсайдова, У.Файзиева, Д.Назарова, Ф.Қодироваларнинг тадқиқотларида ўз исботини топган. Имконияти чекланган болалар ҳам соғлом тенгдошлари қатори ахборотлар билан ишлашнинг замонавий шакллариغا, таъсирчан-кўргазмали маълумотларга жуда қизиқади. Шу боис махсус таълим ўқитувчилари ўз иш фаолиятларида интерфаол усуллардан самарали фойдаланишга эришишлари учун тегишли малака ошириш курслари ўқув режалари таркибига “Педагогик технологиялардан махсус таълимда фойдаланиш” модули киритилган. Ушбу модул мазмунида айнан ногиронлик тоифаларига мос таълим учун татбиқ этилиши лозим бўлган ўқитиш технологияларидан намуналар берилган. Улар асосан таълимнинг кўргазмалилиги, вазиятбоплиги ва маънавий таъсирчанлиги билан тавсифланади. Таълимда кўргазмалилик усулини намоёниш этиш, иллюстрация ва экскурсия тариқасида олиб борилади. Мавзунинг мазмунига боғлиқ бўлган нарса, ҳодиса ва воқеаларни ҳамма вақт синф шароитида намоёниш қилиш мақсадга мувофиқ эмас. Айниқса, ривожланишида муаммолари бўлган болаларга ҳар бир предмет ҳақида тушунча ҳосил қилиш учун айнан унинг асл ҳолати, расми, муляжлардаги ҳолати ва улардан ҳаётда фойдаланиш жараёнини бевосита кузатишни ташкил қилиш педагогик талабдир. Шунинг учун ҳам, ўтилаётган мавзунинг мазмунига қараб, ўқитишни ташкил этишнинг турли шаклларида фойдаланилади. Ўргатишнинг амалий усуллари доираси жуда кенг бўлиб, ўқитиш жараёнида берилаётган материалларнинг ўқувчилар томонидан амалий эгалланишини таъминлайди. Маълумки, назарий билимларнинг ўқувчи хотирасида мухрланиб, ҳаётий тажрибада қўлланилиши учун машқланиш муҳим аҳамиятга эга. Билимларнинг амалий фаолият орқали кўникма ва малакага айланиши педагогик жараённинг муҳим шартларидан бири эканлиги узоқ асрлик тажриба хулосасидир.

Ҳозирги кунда махсус педагогика фанининг илмий тадқиқот йўналишида долзарб масалага айланган-ўқитишнинг замонавий усуллари, ёндашувлари ҳамда уларни амалиётга самарали татбиқ этиш масаласи махсус таълим тизими учун ҳам тўлиқ маънода ҳосидир. Бу борада А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ да “Имконияти чекланган болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашнинг назарий асослари” мавзусида илмий тадқиқот иши олиб борилмоқда. Ушбу тадқиқот натижаларидан шаклланган амалий хулосалардан муҳими: махсус таълим жараёнида интерфаол усуллардан фойдаланиш ногирон болаларни мулоқотга ўргатиш, ишбилармонликка қизиқтириш, ўз-ўзини баҳолаш ва мавқеини кўтара олишга ундаши билан аҳамиятлидир. Шунинг учун ўқитувчилар қанчалик замонавий ёндашувлардан коррекцион-педагогик жараёнда самарали фойдалана олса, шунчалик ўқувчиларнинг ижтимоий кўникмаларга эга бўлиш имконияти кенгаяди.

МАХСУС ТАЪЛИМ ПЕДАГОГ ХОДИМЛАРИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ

Д.А.Назарова,

XXI аср махсус мактаб, мактаб-интернатлари олдига, умумий ўрта таълим мактабларининг таркибий қисми сифатида, ўз битирувчиларига жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган давр учун зарур бўлган мустахкам ҳамда тизимли билим асосларини бериши, шунингдек, она-Ватанга муҳаббат ва содиқлик, дунё халқлари ва элатларига ҳурматда бўлиш каби инсонпарварлик ғояларини мужассамловчи миллий ғоя руҳини сингдириши, ижтимоий ҳаёт учун зарур бўлган кўникма ва малакалар билан қуроллантириш каби муҳим масалаларни ҳал қилиш муаммоларини қўймоқда. Яъни, алоҳида ёрдамга муҳтож ўқувчилар олган таълимнинг даражаси уларнинг ижтимоий реабилитацияси, мослашуви ҳамда жамият ҳаётига уйғунлашувининг муваффақиятига бевосита таъсир кўрсатади.

Махсус таълим тизимида олиб борилаётган ишларнинг ижобий натижаси педагог ходимлар фаолиятининг сифат жиҳатдан юқорилашуви билан узвий боғлиқ бўлиб, махсус таълим-тарбия жараёнига қўйилаётган янги талаблар ҳар бир педагог ходимга, энг аввало, махсус равишда ташкил этилувчи таълим-тарбия жараёнининг туб моҳияти ва мазмунини англаб олиши ҳамда соҳага оид замонавий ёндашувлар ҳақида мукаммал билимга эга бўлиши, уларни ўз иш жараёнига киритиб бориши каби масъулиятни юкламоқда. Аввало, таълим муассасаси педагогининг ўз малакасини мунтазам равишда ошириб бориши касбий мажбуриятларида устувор ўринни эгаллаган бўлиши лозим. Яъни, бундай мажбурият унинг ижодий фаолияти ҳамда педагогик маҳоратини оширишнинг, ўз ўқувчиларининг ижтимоий ҳаётга мослашувига олиб келувчи коррекция ва компенсациялашнинг янги ёндашувлари, метод ва воситалари билан қуролланишининг муҳим шарт сифатида қаралади.

Кафедра Республикамизда мавжуд бўлган махсус таълим муассасалари, меҳрибонлик уйлариининг раҳбар ва педагог ходимлари, умумтаълим мактабларининг логопедлари ва уйда яқка тартибда таълим олаётган ривожланишида муаммоси бўлган ўқувчилар, инклюзив синф ўқитувчилари малакасини ошириш билан шуғулланувчи ягона марказ ҳисобланади. Ҳозирда малака ошириш таълими самарадорлигига эришишга йўналтирилган қатор ишларни амалга ошириб бормоқдамиз: ўқув жараёнига замонавий ахборот коммуникацион ва илғор педагогик технологиялар, ўқитишнинг интерфаол методларини киритиб бориш устувор вазифалар сифатида белгилаб қўйилган.

Муҳим вазифалардан бири ўқув жараёнига малака оширишнинг самарали шаклларини киритиб боришдир. Ҳозирги кунда малака ошириш курслари ўқув режаларида кўрсатилган блок-модулли тизимнинг мазмунини қайта кўриб чиқиш, дунё миқёсида самарали тизим сифатида ўзини кўп бора оқлаб келаётган масофавий таълим ҳамда «Устоз-шогирд» шаклларини жорий қилишга эришиш устида иш олиб бормоқдамиз.

Жаҳон миқёсида интеграцион ҳамда инклюзив жараённинг тобора кенг тус олиб бораётгани янги йўналишда ҳам кенг қамровли ишларни олиб боришни тақозо этмоқда. Ҳозирги кунда инклюзив синф ўқитувчилари учун малака ошириш курсларини ташкиллаштириб, мазкур курслар ўқув-мавзу режасини такомиллаштиришни лозим, деб ҳисоблаб, ҳозирда мазкур ўқитувчилар учун алоҳида ёрдамга муҳтож болани таълим жараёнида муваффақиятга эришиши учун замин бўлиб хизмат қилувчи индивидуал таълим дастурини ишлаб чиқиш, унинг моҳиятини очиб беришга қаратилган фаолиятни амалга оширмоқдамиз.

Жаҳон инклюзив таълим амалиёти шуни кўрсатадики, бундай ўзига хос жараёнда умумтаълим мактабларининг директорлари ҳамда барча қатлам раҳбарлари етакчилик қилиб боришлари зарурий шартдир. Ана шу билан боғлиқ равишда барча йўналишлардаги курсларнинг ўқув режаларида инклюзив таълим мавзусини ёритиш учун соатлар ажратишга муҳим омил сифатида эътибор қаратмоқдамиз.

Охирги йилларда, таълим самарадорлигига эришиш учун, аввало, унинг илмий-назарий жиҳатдан асослаб берилган замонавий моделини яратиш куннинг бош мавзуси деб ҳисоблаган ҳолда, ушбу мавзуга оид тадқиқот ишлари ҳам жонлантирилди.

Соҳага оид илмий тадқиқотларнинг таҳлили:

- махсус таълим тизими педагог ходимларининг касбий салоҳияти даражасига ортиб бораётган талаблар ҳамда унинг ушбу кунда мавжуд бўлган ҳолати ўртасидаги;

- курсларнинг фақатгина ишдан ажралган ҳолда ташкил этилиши ҳамда ҳар бир тингловчининг шахсий ривожланиши, касбий эҳтиёжларидан келиб чиқиб, яқка йўналтирилганлик тамойилига риоя қилинган, уларнинг ўз устида ишлай олишларида мунтазамликка эришишга олиб келувчи янги иш шаклидан тобора кенг фойдаланиш лозимлиги ўртасидаги;

- турли тоифага мансуб педагог ходимларнинг бир қилип, кўринишдаги курсларда таълим олиши ҳамда улар учун иш тажрибаси, маълумотидан келиб чиққан ҳолда табақаланган равишдаги малака оширишнинг ташкилий-педагогик шарт-шароитларини яратиш ўртасидаги зиддиятлар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Мавжуд муаммолар ечими қуйидагиларга эришишни тақозо этмоқда:

1. Махсус таълим муассасалари педагог ходимлари учун малака оширишнинг масофавий шаклини жорий этиш.

2. Республикамизда мавжуд малака ошириш институтларида ўтказилувчи барча курсларнинг ўқув режаларига инклюзив таълим мавзусини долзарб мавзу сифатида киритишга эришиш.

3. Махсус таълим муассасалари педагог ходимлари малакасини ошириш тизимининг назарий ва методологик асосларини илмий-назарий жиҳатдан асослаб бериш. Махсус таълим йўналишидаги малака ошириш тизимига илмий асосланган моделни жорий қилиш. Бу борада олиб борилаётган тадқиқот ишларини жадаллаштириш, доирасини кенгайтириш.

4. Махсус таълим муассасалари педагог ходимлари малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш мақсадида республикамиз, шунингдек, хорижий мутахассислар билан ҳамкорлик, тажриба алмашишни йўлга қўйиш.

Баён этилган вазифаларнинг самарали ҳал этилиши орқалигина алоҳида ёрдамга муҳтож болалар ва ўсмирларнинг ижтимоий ҳаётда муносиб тарзда ўз ўрнини топиши, мамлакатимиз ҳаётида тўлақонли иштирок эта олишига эриша олишимиз муқаррардир.

РИВОЖЛАНТИРУВЧИ ТАЪЛИМ - МАТЕМАТИКА ЎҚИТУВЧИСИНИНГ МЕТОДИК ТАЙЁРГАРЛИГИНИ МУКАММАЛЛАШТИРИШ ОМИЛИ

**З.Артикбаева, ТДПУ, п.ф.н.,
Л.Камолходжаева, тадқиқотчи-изланувчи**

Мустақил Республикамизда таълимнинг ўрни кундан кунга ортиб бормоқда. Маълумки, таълим ёш авлодни ҳаётга тайёрлашнинг асосий ва энг самарали воситасидир. Шу билан бирга, у ишлаб чиқариш, техника, бошқарув соҳасида инсоният тажрибасини оқилона ўзлаштириш воситаси ҳамдир.

Таълим воқелик ҳодисаси бўлиб, у, асосан, амалий шаклда барча қадимги ижтимоий тизимларга хос эди. Кейинчалик жамият ривожланиши билан ўзига хос таълим шакллари пайдо бўлди. Улар ихтисослаштирилган институтларга айланди. Бу институтлар орқали таълим тизимли равишда ўзининг маърифий ва ижтимоий функцияларини бажаради.

Замонавий жамиятни таълимсиз ижтимоий ҳодиса сифатида тасаввур қилиб бўлмайди.

Тадқиқот объекти сифатида таълим илмий билимнинг муҳим соҳасини ташкил қилади. Педагогика фанининг ривожланиши билан бирга «таълим» тушунчасининг назарий маъноси ҳам аниқлаштириб борилди. И.Я.Лернер турли ёндашувларни таҳлил қилиб, «таълим» ва «таълим жараёни» тушунчаларини фарқлаш зарурлигини таъкидлайди.

Таълим ёш авлодга тўпланган ижтимоий тажриба бойлигини билиш ва амалий фаолиятларини ташкиллаштириш йўли билан жадал узатиш ва улар томонидан ўзлаштириш мақсадига қаратилган махсус ижтимоий фаолият сифатида қаралади.

Таълим жараёни бу - ўқув масалаларининг мақсадли кетма-кет алмашинуви ва таълимнинг барча элементлари таълим олувчиларнинг ижтимоий тажриба мазмунини ўзлаштириш фаолияти натижасида уларнинг хусусиятларини шакллантиришга йўналтирилган ўзгаришидир.

Таълим мазмуни деганда таълим олувчилар томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган педагогик ишловдан ўтган ижтимоий тажриба асослари тушунилади.

Таълим мазмунининг назарий концепцияси олимлар томонидан умумий, ижтимоий таълим, касбий тайёргарлик ва шунга ўхшаш ташкил этувчилардан иборат яхлит дидактик тизим сифатида қаралади.

Математика ўқитувчиларининг касбий фаолиятга методик тайёргарлиги тизими умумий ўрта ва ўрта-махсус таълим масканларида математика ўқитиш соҳасидаги ижтимоий тажрибани (илмий билимларни) жадал узатиш бўйича ўзига хос тизим сифатида намоён бўлади.

Ўқитувчининг методик тайёргарлик тизимининг ривожланганлик даражаси тизим хусусиятларини ҳисобга олиш ҳамда таълим жараёнининг илмийлиги, самарадорлигига боғлиқдир.

Таълим жараёнида ўқиш ўқув фаолиятида ўзгаради ва етакчи фаолият сифатида ўқитишнинг ўзи гавдаланади, ўқув фаолияти эса у томонидан бошқарилади. Кейинчалик таълим олувчилар ривожланишининг етарлича юқори поғонасида фаолиятнинг икки элементи орасидаги муносабат ўзгаради. Ўқитишнинг кўпгина элементлари ўқув фаолияти билан бирлашиб кетади ва барчаси таълим олувчиларга узатилади. Натижада, мустақил таълим олиш юзага келади.

Таълим олувчилар ривожланишининг юқори даражасига фақат ривожлантирувчи таълим орқали эришиш мумкин. Бунда таълим олувчилар билимларнигина ўзлаштириб қолмай, балки билим олиш усуллари ҳам ўзлаштиради. Билим олиш усули бу - субъектив билиш воситаси бўлиб, усиз таълим олувчиларнинг ижодий фаолияти амалга ошмайди. Ривожлантирувчи тизимда билим таълим олувчиларнинг фаол мустақил билиш фаолияти жараёнида олинади. Ўқитувчининг асосий вазифаси таълим олувчиларга уларнинг бу билимларга бўлган эҳтиёжи ва фаолликларига боғлиқ бўлмаган ҳолда тайёр билимларни узатишдан иборат анъанавий тизимдан фарқли, таълим олувчи фаолиятини бошқаришдан иборат бўлади.

Таълим-тарбия сифатини оширишнинг асосий омили ўқитувчи ва таълим олувчининг таълим жараёнидаги ва тадқиқот ишларидаги ўзаро муносабати, ўзаро алоқасидир. Ўқитувчи фақат ахборот узатувчи эмас, балки, ташкилотчи, раҳбар, маслаҳатчи бўлиши, илмий методлар билан қуролланиб, таълим жараёни қонуниятлари ва механизмларини чуқур англаб, уни бошқариши лозим.

Ривожлантирувчи таълим ўқитувчи ва таълим олувчи фаолиятининг ривожланиш жараёнидир. Шунга асосан, ўқитувчи ва тингловчилар фаолияти, умуман олганда, малака ошириш тизимида ўқув-тарбиявий жараёни илмий ташкил қилиш муаммосини ҳал қилишга, хусусан, педагогик жараён субъектлари - ўқитувчи ва тингловчиларнинг мустақил ижодий фаолиятининг шаклланганлик даражасига боғлиқ бўлади.

Тингловчиларда репродуктив кўникмалар: методиканинг амалий масалаларини ечиш, методик муаммоларни ижодий англашнинг тадқиқий малакаларга ўтиш кетма-кетлигининг асосий варианты куйидаги кўринишга эга:

- зарур билимларни эгаллаш;
- кўникмаларни репродуктив даражада шакллантириш;
- фаолиятни намойиш қилиш – яхлит ва элементлари бўйича;
- содда вариантларда (топшириқни сунъий соддалаштириш, уни бўлакларга ажратиш) кўникмаларни мустаҳкамлашни ташкиллаштириш;

- узлуксиз тескари алоқали мустақил амалиётни ташкил қилиш;
- изланувчанлик, продуктив (маҳсулдор, ижодий) босқичга ўтиш;
- турли хил муаммоли вазиятларни ташкиллаштириш – ностандарт масалаларни ечиш, воқеликни мутаносиб моделлаштириш;
- ўз фаолиятини мажбурий таҳлил қилиш бўйича ишларни ташкиллаштириш, уни жамоада муҳокама қилиш;
- тингловчиларнинг муайян муаммолар бўйича индивидуал изланувчан фаолиятини ташкил қилиш, изланиш натижаларини реферат, маъруза, методик мақола, курс иши кўринишида тақдим этиш.

Ўқитувчининг педагогик фаолияти ўз табиатига кўра ижодий характерга эга. Ўқитувчи методик масалалар мажмуасини ечишга киришар экан, у тадқиқотчи каби ўз фаолиятини эвристик изланишнинг умумий қоидаларига мос ташкил этади. Унинг самарадорлиги ўқитувчининг ижодга бўлган эҳтиёжининг қанчалик ривожланганлигига, одатдан ташқари бўлган янгиликни сезишга, зиддиятга сезгирлиги, танқидийлигига, ижодий фарзга мойиллигига; ички курашни ҳис этиш қобилиятига; ахборотга бўлган эҳтиёжга боғлиқ бўлмаган нарсаларни, ҳолатларни боғлашга имкон берадиган ижодий тасаввурларига; ижодий фантазиясига боғлиқдир.

Узлуксиз малака оширишда математика ўқитувчиларида ижодий фаолликни шакллантириш омили ўқув жараёнини оптималлаштириш ва жадаллаштириш, тингловчиларнинг ўқув-билиш фаолиятларини илмий ташкил қилиш, уларнинг биргаликда олиб борадиган илмий фаолиятини уюштириш кабиларда намоён бўлади.

Ўқитувчининг кундалик ишида тадқиқот элементлари ҳар доим бўлган ва у келажакда ортиб боради. Шу сабабли математика ўқитувчисининг касбий-методик фаолияти хусусиятларини чуқур ўзлаштириши, касбий ўз-ўзини англашига шароит яратиш, уларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантирган ҳолда тадқиқот кўникмаларини ривожлантириш, касбий фикрлашга ўргатиш лозим. Бу эса ҳар бир тингловчини тадқиқот фаолиятига жалб қилиш бўйича яхлит тизимни ишлаб чиқишни тақозо этади.

Тингловчиларнинг билиш мустақиллиги ва ижод кўникмаларини ривожлантиришда мустақил иш кенг имкониятларга эга. Дидактикада мустақил иш таълим оловчиларда билиш мустақиллигини ривожлантиришга имкон бериши, билиш мустақиллиги, ўз навбатида, мустақил таълим олишнинг пойдевори эканлиги исботланган.

XXI АСР ХУСУСИЯТЛАРИГА АСОСЛАНГАН МАЪНАВИЙ–МАЪРИФИЙ ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА ДИНИЙ ИНСОНПАРВАРЛИК ҲОЯЛАРИНИНГ ЎРНИ

А.Ш. Тохирён,
ТВПКҚТМОИ, сиёсий ф.н.

“Жамиятни маънавий янгилашдан кўзланган бош мақсад — юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ эркинлиги ва фаровонлигига эришиш, комил инсонни тарбиялаш, ижтимоий ҳамкорлик ва миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик каби кўп-кўп муҳим масалалардан иборат...”, — деб жавоб берган эди, Президентимиз «Фидокор» газетаси муҳбирининг саволига.

Мана шу муҳим масалалардан биттаси ёшларимиз қалби ва онгини миллий истиклол ғояси билан суғориб уларни ҳаёт, замон талабларига жавоб берадиган жамият қурилишининг фаол ва жўшқин иштирокчилари бўла оладиган этиб тарбиялашдир. Бундай тарбияни самарали амалга оширишда эса маънавий-маърифий омилларнинг ўрни бекиёс. Инсоннинг дунёқараши, ғоявий, мафкуравий мустақиллиги айнан шу омилларлар билан чамбарчас боғлиқдир. Қолаверса, Ўзбекистон бугун XXI асрда глобал муаммога айланиб бораётган ва инсон ҳаётига таҳдид солаётган халқаро терроризм, диний экстремизм бошқа бузғунчи

ғояларга қарши курашда фаоллик кўрсатаётган мамлакатлар қаторига киради. Бундай мамлакатнинг фуқаролари, ўз-ўзидан аёнки, ҳар тарафлама билимга, илғор дунёқарашга ва маданиятга эга бўлишлари керак.

Диний қадриятлар маънавийтимизнинг таркибий қисми сифатида миллий ўзликни англаш, маънавий етукликни таъминлаш, комил инсонни шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Ватандошимиз, олим Саййид Аҳмад ибн Мавлоно Жалолиддин Хожайи Косоний Махдуми Аъзам айтганларидек, “дин ва муқаддас китоблар инсон учун ва инсонни ахлоқий камолотга етаклаш учун берилгандир, инсон дин учун эмас, балки дин инсон учун яратилгандир”¹⁰.

Мустақиллик йиллари дин ва диний қадриятларни тиклаш борасида асрларга тенг амалий ишлар бажарилди. Ушбу қадриятлар маънавий ва маърифий ҳаётимизнинг таркибий қисмига айланиб қолди. Президентимиз Ислом Каримов сўзлари билан айтганда: «Биз ислом дини ота-боболаримиз дини экани, у биз учун ҳам иймон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканини доимо юксак қадрлаймиз... Динга ҳурмат ва эътиқод – биз учун ўлмас қадриятдир»¹¹.

Кейинги пайтларда бутун дунёга, жумладан юртимизга хавф солаётган диний ақидапараст ва жангари гуруҳлар ўз фаолликларини жонлаштирган ҳолда диндан, хусусан исломдан ниқоб сифатида фойдаланиб, унинг мазмун-моҳиятига зид ишларни тобора кўпроқ амалга оширмоқдалар. Тараққиётга, демократик ўзгаришларга, диний бағрикенглик жараёнига ақидапарастлик, диний экстремизм, диний мурасасизлик, сиёсий мақсадларга эришишда диний асослардан фойдаланиш каби иллатлар салбий таъсир кўрсатмоқда. Марказий Осиё минтақасига, хусусан, юртимизга салбий таъсир кўрсатувчи мафкуравий таҳдидлар орасида тарихимизни, миллий қадриятларимиз ва айниқса, диннинг моҳиятини сохталаштиришга уринишлар ҳамда ахлоқсизлик ғояларини ёйиб, халқни маънавий жиҳатдан бузишга интилишлар алоҳида ўрин эгалламоқда. Ачинарлиси шуки, ҳали онги шаклланиб улгурмаган, тажрибасиз, ғўр ёшларимиз, шунингдек, етарли даражада диний билимларга эга бўлмаган баъзи кимсалар ана шу уриниш ва интилишларга қўшилиб кетиш эҳтимоли мавжуд. Шундай шароитда халқ ва давлатнинг эзгу мақсадларига ёт ҳамда зарарли бўлган, жамият ҳаётига ўз таъсирини ўтказишга ҳаракат қилаётган бегона ғоялардан ҳимояланиш, нафақат ҳимояланиш, балки уларга қарши самарали маърифий кураш олиб бориш ҳозирги куннинг долзарб вазифасига айланиб қолди.

Дунёда тинчлик ва барқарорликни асраш ҳамда диний экстремизм, фундаментализм ва ақидапарастликка қарши кураш бутун жаҳон ҳамжамятининг ҳамкорлигини назарда тутди. Шу сабабдан турли динларга мансуб қадриятларни асраб-авайлашга, барча фуқароларнинг ўз диний эътиқодларини амалга оширишлари учун зарур шароитларни яратишга, динлар ва миллатлараро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга, улар ўртасидаги қадимий муштарақ анъаналарни ривожлантиришга эътибор қаратишимиз кераклигини айниқса, таълим жараёнига сингдиришимиз лозим.

Маънавий–маърифий йўналишдаги тарбияни амалга оширар эканмиз, бугун икки масалани аниқ ва равшан билиб олишимиз шарт: 1) тинчлик, эзгулик дини–исломни “исломчи”лардан, яъни маърифий исломни сиёсийлашган жангари исломдан ҳимоя қилиш; 2) кўп миллатли ва кўп динли жамиятда, эътиқод эркинлиги қафолатланган шароитда айрим гуруҳларнинг миссионерлик руҳида фаолият юритишларининг олдини олиш талаб этилади.

Дин, шу жумладан, ислом дини ҳам асрлар давомида инсон табиатида чуқур илдиз отган ва ўзига хос муайян вазифаларни бажариб келган. Диннинг юксак роли шундаки, у умуминсоний ахлоқ меъёрларини ўзига сингдириб олиб, уни ҳамма учун хулқ-атвор қоидаларига айлантирган, одамларни баҳамжиҳат яшашга даъват этиб ва кўмаклашиб

¹⁰Тўраев Б.О., Муҳаммаджонов Ф.Я. Саййид Аҳмад ибн Мавлоно Жалолиддин Хожайи Косоний Махдуми Аъзам. Тошкент, 1993, 6-бет.

¹¹ Каримов И. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т., Ўзбекистон, 2000 й., 26-бет.

келган. Диннинг яна бир ижобий томони шундаки, у одамларда ишонч ҳиссини мустаҳкамлаб, уларни поклаб, юксалтириб, ҳаёт синовлари, муаммо ва қийинчиликларни енгиб ўтишда куч бағишлайди. Тўғри, дин ҳамиша умуминсоний ва маънавий қадриятларни сақлаб қолиш, уни авлоддан авлодга етказишга ёрдам бериб келган, ҳамда жамият ҳаётининг бир қисмига айланиб кетган.

Динлар тарихи ва моҳиятини яхши билиш кишининг дунёқарабини кенгайтиради, эзгуликка, яхшиликка етаклайди ва диний бағрикенгликка ундайди. Илоҳий ва муқаддас китобларнинг мазмун-моҳиятини кенгроқ биладиган бўлсак, шу нарса маълум бўладики, динда яхшилиқ, эзгулик, савоб ишлар, меҳр-шафқат, муҳтожларга ёрдам бериш, инсонпарварлик маъқулланади, мақталади ва бу амалларга риоя қилиш талаб этилади. Бунинг акси бўлган текинхўрлик, порахўрлик, жабр-зулм, ўғрилик, қотиллик, дилозорлик қораланади ва бундай гуноҳ ишлардан қайтарилади.

Юқоридагилардан шундай хулоса чиқариш мумкин: дин маънавий маданият тизимида ўзига хос алоҳида ўринга эга бўлиб, инсоният тарихида табиат ва жамият ҳодисаларининг моҳиятини тушунтириб беришнинг ўзига хос шаклларида бири сифатида муҳим роль ўйнаган, комил инсонни шакллантиришда алоҳида аҳамият касб этган.

Қолаверса, ривожланган миллий ва жаҳон динларининг ижобий томонлари шундаки, улар инсонларни маънавий жиҳатдан бой бўлишга ва бир-бирларига ёрдам кўрсатишга ҳамда ҳурмат қилиш ва хайрихоҳ бўлишга, ҳалол ва тўғри яшашга даъват этадилар. Шу билан улар умуминсоний қадриятларни шакллантириш ва ривожлантиришга кўмаклашади.

Истиқлол шарофати туфайли маънавий меросимизга, шу жумладан, диний қадриятларга муносабат бутунлай ўзгарди. Динга маънавиятнинг ва маданиятнинг таркибий қисми сифатида қараш ва баҳолаш шакллана бошлади. Унинг тарихини ўрганиш, ҳозирги ҳолатини тадқиқ қилган ҳолда жамиятда тутган ўрнини аниқлаш, бекиёс имкониятларидан фойдаланиш – асосий вазифалардан бири сифатида белгиланди. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ислом дини ҳаётимизнинг туб замирига чуқур сингиб кетганлигини таъкидлаб, «миллий истиқлол мафқурасида муқаддас динимизнинг моҳияти, унинг инсонпарварлик ғоялари, динга соғлом муносабат масалалари ҳам ўзининг оқилона ифодасини топиши зарур», деб уқтирган.¹²

Давлатимизда, айни пайтда, диний қадриятлар, шу жумладан, исломий қадриятлар қайта тикланмоқда ва маънавий ҳаётимизда ўзининг муносиб ўрнини эгалламоқда. Шу сабабдан ҳозирги тарихий даврда, ёшларнинг маънавий-маърифий тарбиясида, уларнинг янгича тафаккури шаклланишида диний қадриятларнинг ўрни ва аҳамиятини аниқлаб олиш долзарб вазифадир. Зеро, мақсадимиз диний инсонпарварлик ғояларидан самарали фойдаланишдир.

ПСИХОГИМНАСТИК ТРЕНИНГ – ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА

И.Н. Аслонов,
ТВПКҚТМОИ, психол.ф.н.

Ўзбекистон Республикасида Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини самарали ташкил этиш бўйича мақсадли ишлар амалга ошириб борилмоқда. Мазкур дастурда таълим сифатини тўлақонли таъминлаш мақсадида таълим муассасаларида ўқув жараёни қатнашчиларининг руҳий соғломлиги ва жамоадаги психологик муҳитни назорат қилиш, ўқув жараёни иштирокчиларига психологик хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш кўзда тутилган. Бугунги кунда умумий ўрта таълим мактабларида,

¹²И.Каримов. Миллий истиқлол мафқураси–ҳалқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. “FIDOKOR” газетаси муҳбири саволларига жавоблар. –Т.: “Ўзбекистон”, 2000.- 25-бет

академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида амалиётчи психологлар фаолият олиб бормокдалар.

Дарс машғулотлари жараёнида ҳамкорликдаги фаолиятнинг шаклланиши, унинг ижтимоий-психологик жиҳатини ташкил қилиш, ўқув фаолиятини ташкил қилувчи таркибий қисмларни ўрганиш сўнгги ўн йилларда амалга оширила бошланди. Ҳамкорликдаги ўқув фаолияти ўқитувчининг тингловчига кўрсатадиган ёрдамидан бошланади, тингловчиларнинг фаоллиги аста-секин ўса бориб, уларнинг фаолияти бутунлай ўзи бошқарадиган ақлий ва амалий ҳаракатга айланади, ўқитувчи билан тингловчи ўртасидаги муносабат эса шериклик позицияси хусусиятига эга бўлади.

Бугунги кунда таълим жараёнида турли замонавий педагогик методлар билан бир қаторда психогимнастик тренинглардан кенг фойдаланилмоқда. Бошқа тренинг шакллари билан фарқли ўлароқ, психогимнастик тренинг машғулотлари кўп сонли гуруҳлар билан ишлашга имкон яратди.

«Психогимнастика» машғулотлари машғулот олиб боровчидан кўп куч сарфлашни талаб этмайди, аммо, хатти-ҳаракатлар мослашувчанлигини ошириш, ўзлигини намоён этиш ва эмоционал алоқалардан қўрқув ҳиссини камайтириш, ўз-ўзига ва бошқаларга бўлган ишончини ошириш ва мустаҳкамлаш, шахслараро ҳамкорликни оптималлаштириш каби асосий вазифаларни ҳал этади.

Машғулот учун 15 тадан 30 тагача қатнашчи жалб этилиб, машғулотлар ҳафтада бир ёки икки марта 45-60 минут давомида ўтказилади. Биринчи машғулот давомида машғулот шарт-шароитлари белгиланади ва унинг мақсади аниқлаб олинади.

Машғулотларнинг мақсадлари қуйидагича белгиланиши лозим:

- Ўзга кишилар билан ҳамкорликда табиийлик кўникмаларини шакллантириш;
- Ўзининг ва ўзгаларнинг хатти-ҳаракатларига нисбатан кузатувчанлик (сезгирлик)ни ривожлантириш;

- Новербал мулоқот олиб бориш тажрибаларини ўзлаштириш.

Ушбу мақсадларга эришишни белгилайдиган асосий шартлар қуйидагилар бўлиб ҳисобланади:

- Таклиф этилган барча машғулот жараёнларига фаол иштирок этиш;
- Ўзининг ва ўзгаларнинг тажрибасига ҳурмат билан қараш;
- Хатти-ҳаракатга ва ўзаро ҳамкорликка киришиш қоидаларига риоя этиш.

Таклиф этилган машқларнинг ноодатийлиги тингловчиларнинг машғулот мобайнида ўзларига хос бўлмаган хатти-ҳаракатларни бажаришларига имкон яратиб, муомаладаги тортинчоқликни бартараф этишга ёрдам беради. Бу ерда жисмоний ҳаракатларга алоҳида урғу берилади.

Машғулотларни мақсадларига кўра бир неча типларга бўлиш мумкин:

Умумфаоллаштирувчи, тайёрловчи машғулотлар. Улар гуруҳлараро ва гуруҳ ичида ҳамкорлик муҳитини яратиш: эмоционал ва хатти-ҳаракатлардаги эркинлик, одатий тўсиқларни олиб ташлаш мақсадларини амалга оширади. Одатда, бу машғулотлар бутун гуруҳ билан биргаликда бажарилади. Мазкур машғулотларга «Танишув», «Қор устида юриш», «Ҳаракатни ёки туйғуни доира бўйлаб ўтказиш», «Броун ҳаракати» кабиларни киритиш мумкин.

Психометрик машғулотлар. Кейинги ҳамкорлик учун ўзига «ўхшашлик» ёки «фарқлар» бўйича шерик танлаш вазифаси: турли усуллардаги «хотиржамлик» ва «зўриқиш» ҳолатлари; «гуруҳий портрет» ва «хайкалтарошлик» машқларини ўз ичига олади.

Турли хатти-ҳаракатларни амалий бажаришни машқ қилишга мўлжалланган машғулотлар. Жуфтликларда ёки уч киши бўлиб бажарилади. Уларга шерикларини тушунишга йўналтирилган, ўзаро ҳамкорлик стратегиясини ўзгартиришга қаратилган, ўзаро алоқа ўрнатишни ҳис этишга йўналтирилган вербал ва новербал машқлар киради. «етакчилик» ҳолатидан «бўйсунуш» ҳолатига ўтиш, «бир-биридан нусха кўчириш», «психотерапевтик алоқа», «истакларни топиш» ва бошқа машқлар бунга мисол бўлади.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, машғулотларнинг махсусдорлиги биргаликдаги фаолият учун зарур муҳитни таъминлашга боғлиқдир. Ушбу муҳит куйидаги тамойилларга амал қилиш асосида яратилади:

1. Интерпретация ва анализ қилишнинг тақиқланиши. Ушбу тақиқ қатнашчилар билан бир қаторда машғулоти олиб боровчига ҳам тааллуқлидир. Ҳар бир машқ аввалида мулоқотдаги у ёки бу муаммога изоҳ берилиб, мазкур машқнинг мақсадига қисқача тўхталиб ўтилади. Машқ охирида машғулоти олиб боровчи ҳеч қандай баҳолашга оид фикр-мулоҳазаларсиз машғулоти хулосалайди. Қатнашчилар таассуротлари билан ўртоқлашиши мумкин.

2. Тескари алоқани таъминлаш тамойили: ушбу тамойил фаоллик тамойили билан узвий боғлиқ. Мазкур тамойилнинг амалга оширилиши гуруҳлараро жараёнларни бир хилда адекват идрок этишни таъминловчи ўзида «ўзга» образни ифодалашга имкон беради. «Тескари алоқа» деганда амалий машғулоти бажариш чоғида турли ҳолат ва вазиятларнинг барча қатнашчилар томонидан бевосита ўз нуқтаи назарларини акс эттирувчи конструктив, далилларга асосланган фикр-мулоҳазаларини очиқ муҳокама этилиши тушунилади. Шу билан бирга, аниқ бир вазиятга нисбатан ўз муносабатини билдириш абстракт тарзда эмас, балки ўз-ўзини тушуниш ва ўз-ўзини ривожлантириш жараёнларини мужассам этган ҳолда кечади.

3. «Шу ерда ва ҳозир» тамойили: гарчи бирор қатнашчи ўз ҳаётида «ўшанда ва ўша ерда» содир бўлган муаммо ҳақида, кўнглида кечган туйғулар ҳақида фикр билдиришидан қатъи назар, унинг «Шу ерда ва ҳозир» ҳис этаётган туйғулари асосий ва муҳим ҳисобланади.

4. Ўзаро ишонч асосидаги мулоқот: гуруҳда фақатгина ўзаро ишончга асосланган, бири-бирига хайрихоҳлик муҳитигина муҳокама этилаётган масалалар бўйича очиқ мулоҳазалар билдирилишига шароит яратади. Гуруҳларда зарур даражада ишончга асосланган психологик иқлимни таъминлаш гуруҳ раҳбарининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

5. Конфиденциаллик тамойили: гуруҳда кечадиган воқеаларни, гуруҳ қатнашчилари ҳақидаги мулоҳазаларни машғулотида қатнашмаётган кишилар билан муҳокама қилмаслик, сир тутиш. Фақат ўз ҳаракатлари ва кечинмалари ҳақида гапириш мумкин.

Юқорида келтирилган психогимнастик тренинг машғулоти тингловчиларнинг ўз-ўзини таҳлил қилиш, тушуниш, ривожлантириш, шунингдек, гуруҳларда психологик муҳитни яхшилаш, мулоқотдаги тўсиқларни бартараф этишда муҳим аҳамият касб этади.

МУСИҚИЙ ВА УМУМИЙ ҚОБИЛИЯТНИ ЎСТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ

Х.Ғ. Шарафутдинова,
Термиз ДУ, п.ф.н.,
А.Т. Абдурахманова,
Термиз ДУ, ўқитувчи

Қобилиятлар шахснинг индивидуал психологик хусусиятлари саналади. Шунинг учун кишилар бир-бирларидан қобилиятлари билан ажралиб турадилар. Ҳаётда қобилиятсиз киши бўлмайди, аммо, унинг даражаси турличадир. Қобилиятлар сифати ва миқдори билан фарқланади.

Таълим ва ижтимоий турмушда уқувсиз, “яроқсиз” деб баҳоланган кишилар кейинчалик бирон бир соҳада етакчи мутахассис сифатида элга танилиши, юқори лавозим эгаллаши, тадбиркор шахс сифатида камол топиши ҳодисаси тажрибаларда кўп моротаба кузатилган. Шунинг учун, билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш жараёнида умумий

қобилиятлар намоён бўлса-да, лекин, улар билим, кўникма ва малакаларга бевосита тааллуқли эмасдир.

Шахснинг қобилиятида мавжуд бўлган ўрнини босиш (компенсация) имконияти кўриш ва эшитишдан маҳрум бўлган инсонларни махсус ўқитиш орқали рўёбга чиқади. Ҳаётда кўр муסיқачи, артист, шоир, рассом каби касб эгалари етишиб чиққанлиги маълум. Ҳатто, эшитиш қобилияти паст ёки умуман йўқлиги ҳам касбий муסיқавий қобилиятнинг ривожланишига кескин ҳалақит бермаслиги мумкин. Қобилиятли шахслар ижтимоий турмушнинг турли соҳалари ҳамда жабҳаларида ўз ўринларини топа оладилар ҳамда юксак ютуқларга эришадилар, ҳатто, бир неча фаолият турида муваффақият қозонишлари мумкин.

Шахс эгаллаши шарт ҳисобланган фаолият, у хоҳ таълим, хоҳ меҳнат, хоҳ ўйин, хоҳ спорт, хоҳ муסיқа бўлишидан қатъи назар, унинг билиш жараёнларига, ақлий хислатларига, ҳиссий-иродавий жабҳаларига, сенсомотор соҳасига, характерологик хусусиятларига муайян талаблар қўяди ва уларнинг ҳамкорликдаги саъй-ҳаракати туфайли муваффақиятларга эришилади. Шундай экан, ўқувчи ва талабаларнинг танлаган соҳаларида қобилиятларини рўёбга чиқаришнинг педагогик йўллари амалиётга жорий этиш орқали улардаги мавжуд қобилиятларнинг юксак босқичига кўтариш мумкин.

Ўқувчи ва талабаларда муסיқий қобилиятларнинг шаклланиши ва рўёбга чиқиши жараёни ҳам худди бошқа соҳага нисбатан қобилият тараққиётининг қонуниятларига бўйсунди. Муסיқий қобилият болаларда муסיқага нисбатан кизиқишларини ўйғотиш, муסיқий тинглашни шакллантириш, нотани тушуниш кабиларни амалга ошириш жараёнида ривожлантирилиши мумкин. Шунингдек, муסיқий қобилиятни ривожлантиришнинг асосий босқичлари мавжуд бўлиб, унинг энг юқори босқичи бўлган муסיқавий талантни тарбиялаш ҳам муҳим педагогик аҳамиятга эга.

Инсон қобилияти ривожланишининг бир қанча босқичлари мавжуд бўлиб, уларга иқтидор, истеъдод, талант, гениаллик (даҳо)ни киритиш мумкин. Қобилиятларнинг ривожланишини тадқиқ этишда ана шу босқичларда шахс фаолиятининг намоён бўлиши табиатини ўрганиш лозим.

Инглиз олими Ф.Гальтон талантнинг шаклланишини ўрганиб, талант ирсийдир, деган хулосага келган. Олим И.С.Бахлар авлодининг 35 тасини ўрганган. Аммо, кейинчалик олимлар ўз тадқиқотларида талант фақат ирсият билан белгиланмаслигини аниқлаганлар. Инсон қобилиятининг табиий ва ижтимоий таъсирлар натижасида рўёбга чиқиши педагогика ва психологияда ўз тасдиғини топган.

Талантнинг ижтимоий, тарихий, табиий нуқтаи назардан талқини қобилиятлар тараққиётининг юксак босқичи эканлигидан далолат беради. Талант (юнонча *talanton* сўзидан олинган бўлиб, қимматбаҳо, ноёб нарсас, ирсий, табиий хислат деган маънони англатади) муайян фаолиятнинг муваффақиятли ва ижодий равишда бажарилишини таъминлайдиган қобилият ҳамда истеъдодлар мажмуасидан иборат индивидуал хусусиятдир.

Талантнинг асосий белгилари сифатида:

- а) муваффақиятни таъминлаш;
- б) фаолиятни мустақил бажариш;
- в) оригиналлик унсурининг мавжудлиги;
- г) қобилият ҳамда истеъдодлар йиғиндиси;
- д) индивидуал психологик хислатлар;
- е) ижтимоий турмушни ўзгартирувчи, яратувчи имкониятларнинг мавжудлиги кабилар ажратилади.

Талант ҳам қобилиятга ўхшаш ижодиётда юксак маҳоратга, муваффақиятга эришиш имконияти ҳисобланиб, ижодий натижаси инсонларнинг ижтимоий тарихий турмуш шарт-шароитларига боғлиқдир.

Жамиятда талантли шахсларга нисбатан муҳтожлик сезилса, бундай инсонларнинг камол топиши учун зарур объектив ва субъектив шарт-шароитлар яратилса, бундай вазиятда баркамол одамларнинг шаклланишига имконият туғилади.

Шунинг учун ҳам жаҳон цивилизацияси, фан ва техника, санъат ва адабиёт, моддий ва маънавий маданиятни яратишнинг ички имконияти ҳисобланмиш талант тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи омилидир.

МИЛЛИЙ УЙҒОНИШ ДАВРИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ПЕДАГОГИК ҒОЯЛАР

Ш.Э.Неъматов,
ЎзПФИТИ, п.ф.н.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган дастлабки йиллардан бошлаб баркамол шахсни шакллантириш жараёнининг мақсади ва вазифалари ўзгарди. Бу жараёнга умуминсоний ва миллий кадриятлар сингдирила бошланди. Ушбу миллий кадриятлар маърифатпарварлар фаолияти ва улар ёзиб қолдирган бой педагогик меросдир.

Кузатишларимиз шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда аксарият ўқитувчилар миллий уйғониш даври педагогларининг дидактик меросидан хабардор эмас. Бунинг асосий сабаблари сифатида:

- умумий ўрта таълим мактаблари учун яратилган дарсликлар ҳамда ўқитувчилар учун ўқув-методик қўлланмаларда миллий уйғониш даври педагогларининг дарсликларидаги ўқув материалларидан кам фойдаланилганлиги;

- бугунги кунда мазкур давр педагогларининг ҳаёти ва фаолиятлари, улар томонидан яратилган асарларнинг бизгача жуда кам миқдорда етиб келганлиги;

- ўша даврда педагогларнинг таълим-тарбияга оид аксарият асарлари ёқиб ташланганлиги;

- бугунги кунда эса аксарият ўқитувчилар дарс жараёнида факатгина ўқув дастурлари ва дарсликлардаги ўқув материалларидан фойдаланишга ҳаракат қилишлари;

- бугунги кунга қадар ўқув-билув жараёнида миллий уйғониш даври педагогларининг дидактик меросидан фойдаланишнинг йўллари, усуллари, методлари ва шакллари намоён этадиган методик қўлланма ва тавсияномаларнинг йўқлигини кўрсатиш мумкин.

Мамлакатимизда бугунги бозор муносабатлари ривожланаётган жамиятда аждодлар мероси ва улардан таълим жараёнида унумли фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади. Шундай экан, миллий уйғониш даври маърифатпарварларининг илмий-педагогик меросини ўрганиш дидактик муаммо ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов “Тафаккур” журнали бош муҳаррири саволларига берган жавобларида: “Мен Абдулла Авлониининг “Тарбия биз учун ё ҳаёт ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир” деган фикрини кўп мушоҳада қиламан.

Буюк маърифатпарварнинг бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги кунда биз учун ҳам шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарбдир.

Чунки, таълим-тарбия – онг маҳсули, лекин, айти вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб онгни ўзгартириб бўлмайди. Онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб эса биз кўзлаган олий мақсад – озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди¹³”, деб таъкидлаган эди.

Дарҳақиқат, шундай экан, бугунги келажак авлод маърифатпарварлар меросидан унумли фойдаланиши зарур. Бунинг учун олимлардан миллий уйғониш даври педагогикасини мукамал ўрганиш, уларнинг таълим-тарбия соҳасидаги педагогик ғояларидан бугунги кун таълим жараёнида фойдаланиш муҳим дидактик қимматга эга. Зеро,

¹³ И.А.Каримов. Баркамол авлод орзуси. Шарқ нашриёти, 1999. 39-40-б.(Тузувчилар: Ш.Қурбонов, Ҳ.Саидов, Р.Аҳлиддинов)

ёш авлоднинг баркамол инсон бўлиб етишиши учун у халқ, ватан тарихи, таълим соҳасидаги аجدодлар тажрибасидан хабардор бўлиши лозим.

Туркистонда миллий уйғониш ҳаракатлари XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб чоризм томонидан зўравонлик йўли билан босиб олиниб, мустамлака қилинишига қарши норозилик белгиси сифатида ҳамда халқимизнинг озодлик, мустақиллик йўлида олиб борган курашларини қўллаб-қувватлаш, уларга ғоявий раҳнамолик қилиш мақсадида юзага келди.

XX асрнинг бошларидаги янгилик тарафдорлари мустақилликка эришиш учун жамият аъзоларининг умумий маданий савиясини давр талаблари ва имкониятлари даражасида ривожлантириш, халқни янги маданият, маърифатга чорлаш зарурлигини чуқур англаб етганлар. Мазкур даврда таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, янги мактаблар, янги маориф, уни бошқариш йўл ва усуллари, халқнинг маданий савиясини юксалтириш масалалари асосий ўринга кўтарилди.

Миллий уйғониш даври педагоглари энг аввало таълим тизимини янгилаш, шу орқали ёшлар онги ва дунёқарашини мустақиллик ғоялари асосида шакллантириш тарафдорлари бўлган. Уларнинг илмий-педагогик асарлари, дарсликлари, ўқув қўлланмалари ҳамда газета ва журналларда чоп эттирган мақолаларида асосий ғоя – мустақиллик руҳида шаклланадиган баркамол авлодни етиштириш ҳисобланади. Маърифатпарварларнинг асосий мақсади, Туркистон халқининг дунёқарашини, билим савиясини, маданиятини ошириш орқали жамият аъзоларини миллий камолотнинг янги маърифий-маънавий сифат босқичига кўтаришга қаратилган эди. Уларнинг билдирган фикрлари ҳозирги кунда ҳам таълим-тарбия жараёнида ибрат манбаи ҳисобланади. Уларнинг мерос қилиб қолдирган педагогик қадриятларини ҳозирги демократик жамият қадриятлари билан уйғунлаштириш, мустақиллик йилларида таълимда қўлланаётган методлар, педагогик фикр ривожини ўрганиш, тадқиқ этиш ҳам муҳим дидактик қимматга эга.

Шуни ҳисобга олиш керакки, бугунги кунда республикамызда миллий уйғониш даври педагоглариининг ҳаракатларини ўрганиш жуда муҳим ҳисобланади. Чунки, мазкур ҳаракат намояндалари ўз даврида бугунги мустақиллик, янгича ўқитиш тизими ва замонавий мактабларда таълим-тарбия жараёнини амалга оширишни орзу қилганлар. Шунинг учун ҳам, миллий уйғониш даври педагогикасини кенг қўламда тадқиқ қилиш лозим. Жумладан:

- Миллий уйғониш даври педагоглариининг ҳаёти ва уларнинг педагогик фаолиятини чуқур ўрганиш;
- маърифатпарварларнинг мустақилликни қўлга киритиш учун олиб борган фаолиятларини тадқиқ қилиш;
- янгича ҳаракат намояндаларининг маданият ва санъатни ривожлантиришдаги фаолиятларини оммалаштириш;
- миллий уйғониш даври педагоглариининг маърифатпарварлик йўлидаги саъй-ҳаракатлари, янги мактаблар ташкил этганликлари, уларнинг педагогик фаолиятларини чуқур ўрганиш ҳамда улар фаолиятини бугунги кун таълим тизими ва дарсликлар, ўқув қўлланмаларига сингдириш зарур.

Демак, миллий уйғониш даври педагогикасидаги илғор ғоялардан бугунги кундаги таъли тизимимизда фойдаланиш ўқув-тарбия жараёнида кафолатланган натижа олиш имконини беради.

БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ РОЛИ

З. Ш. Турдиев,
ТВПКҚТМОИ, катта ўқитувчи

*Илм ва тафаккур одамлар ҳаётига нур,
онгига зиё, хонадонига файз-барака
келтирадиган мўъжизадир.*

Ислом Каримов

Президентимиз Ислом Каримовнинг “Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт”, деган сўзларида ёш авлодни тарбиялаш борасидаги давлатимиз сиёсатининг мазмун-моҳияти ўз ифодасини топган. Мустақилликнинг илк кунлариданоқ давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ёшлар таълим-тарбияси, уларнинг маънавиятини юксалтириш соҳасидаги ишларнинг тизимли, босқичма-босқич амалга ошириладиган стратегияси белгилаб олинди.

Истиқлол йилларида таълим тизимида олиб борилган ислохотлар, жумладан, “Таълим тўғрисида”ги Қонун ҳамда “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”нинг қабул қилиниши мамлакатимизда таълим-тарбия масканларини дунёнинг энг ривожланган давлатлари қаторида юқори сифат даражасига олиб чиқди, таълим жараёнлари такомиллаштирилди. Таъкидлаш лозимки, ушбу хатти ҳаракатлар ёш авлод камолотида муҳим аҳамият касб этди.

2012 йил 15-17 февраль кунлари пойтахтимиз Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган “Билимли ва ақл-заковатли етук авлодни тайёрлаш – мамлакатни барқарор ривожлантириш ва модернизациялашнинг муҳим шарти” мавзусида бўлиб ўтган Халқаро конференцияда мамлакатимизда, айниқса, таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар дунё жамоатчилиги томонидан ҳолисона эътироф этилиб, юксак баҳоланди.

Бугунги глобллашув замонида ёшларнинг қалби ва онгини эгаллаш учун мисли кўрилмаган даражада кураш бормоқда. Бундай кураш ҳаётнинг турли соҳаларида намоён бўлмоқда. Бундай хатарнинг таъсирини, аввало, ахборот соҳасида кузатиш мумкин. Чунки бугунги кунда ахборот оқими кириб бормаган бирор-бир нуқта ёки манзилни топиш қийин. Ҳатто, дунёнинг энг чекка ва овлоқ жойларига ҳам теле-радио тўлқинлари, телефон алоқаси етиб борган. Қисқача айтганда, қаердаки энергия манбаи бўлса, у ерда ахборот бор. Ахборотнинг эса ҳаммаси ҳам фойдали бўлолмайди. Айниқса, турли кучлар ўртасида шафқатсиз манфаатлар кураши бораётган бир пайтда ҳар қайси ғоявий марказ ўзига маъқул бўлган, ўзига фойда келтирадиган ахборотни тарқатиш ва шунинг орқасидан фойда кўришни орзу қилади.

Бугунги кунда теле-радиоканалларини бурайдиган, матбуот нашрларини варақлайдиган бўлсангиз ёки интернет “чангалзорлари” бўйлаб “саёҳат” қиладиган бўлсангиз, ҳеч шубҳасиз, фойдали ахборотлардан кўра, зарарли ахборотларга кўпроқ дуч келасиз. Айниқса, ҳаётий тажрибага эга бўлмаган ёшлар бу ахборотларни реал ҳақиқат сифатида қабул қилиши, ёлғон ва уйдирма гапларга алданиб қолиши мумкин. Шу тарика, уларнинг ҳаёти арзимаган бир ахборот туфайли бутунлай номаъқул томонга бурилиб кетиши ҳеч гап эмас.

Ўзбекистонда интернетдан фойдаланувчилар сони 7 миллионга яқинлигини инобатга олсак, ахборот манбаи сифатида ОАВ дан ташқари интернетдан ҳам ахборотлар излаш кундан кунга жадаллашмоқда. Таассуфки, хорижий манбалардаги маълумотларнинг бари ҳам бирдек ҳаққоний ва ҳолис эмас. Айтайлик, онги тўла шаклланган мустақил шахс бундай ахборотларни таҳлил қилиш, танқидий кўз билан назардан ўтказиш ва кераклисини танлай билиш имконига эга. Аммо, интернетдан фойдаланувчиларнинг бари ҳам бундай эмас. Уларнинг аксарияти ёшлар, талабалар, ўқувчилар...

Мамлакат мактаблари, лицейлари, коллежлари ўқувчиларининг, олий таълим муассасалари талабаларининг ахборотга бўлган талаб-эҳтиёжларини ҳар томонлама қондириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, шунингдек, интернет тармоғининг миллий сегментида таълим ва билим берадиган ахборот ресурсларини ривожлантириш мақсадида ҳукуматимизнинг бир қатор қарор, фармойиш ва буйруқлари чиқарилган. Шулар жумласига 2005 йил 28 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамоат таълими ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-191- қарорини келтириш мумкин. Мазкур

қарорға биноан, мамлакатимизда 12000 га яқин таълим муассасаларини бирлаштириши кўзда тутилган Ziyonet таълим тармоғи ташкил этилди.

Ўзбекистоннинг турли тузилмалари томонидан ахборотларни узатиш тармоқларида таълим ва ёшлар бўйича яратилаётган ахборот ресурслари ягона Ziyonet ахборот тармоғига бирлаштирилди. Унинг вазибалари: ёшлар учун миллий ахборот ресурсларини шакллантириш ва ривожлантириш; ёшларнинг маънавий ва ақлий жиҳатдан камол топишига кўмаклашадиган ахборотдан кенг кўламда фойдаланишларини таъминлаш: соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ва жисмоний тарбия ва спорт турларини оммалаштириш, ўқувчилар ва ёшлар учун масофадан туриб таълим олиш усулларини ва бошқа ахборот-коммуникация хизматларини таълим тизимига жорий этишда кўмаклашиш ҳамда бошқалардан иборатдир.

Сир эмаски, кундан-кунга дунёда оммавий ахборот воситалари турлари кўпайиб, сифат жиҳатидан такомиллашиб бормоқда. Айниқса, бу жараён телерадиоэшиттиришлар соҳасида яққол кўзга ташланмоқда. Соҳанинг ривожини, албатта, давлат тасарруфидаги теле ва радиоканаллар билан бир қаторда, тижорат мақсадида ташкил этилган нодавлат телеканаллари кўпайиши билан бевосита боғлиқ. Шу билан бирга, таъкидлаш лозимки, кўплаб хорижий нодавлат телеканалларида алкоголь ва тамаки маҳсулотлари рекламалари, уларнинг истеъмолига чақирувчи фильмлар, клип ва мусиқаларни очиқ намойиш этиш одатий ҳолга айланган. Бу эса бутун дунёда ичкиликбозлик ва кашандаликнинг ортишига маълум даражада туртки бўлмоқда.

Аксарият мутахассисларнинг фикрича, бугунги одам ҳис-туйғу ва эҳтиросларга йўғрилган жонли мулоқотдан кўра жонсиз предметларни – радио, телевидение ва матбуотни афзал кўради. Айниқса, шахс сифатида энди шаклланиб келаётган болалар бунга тезроқ дучор бўлмоқдалар. Расмий маълумотлардан аён бўлишича, кейинги йилларда бўш вақти бўлишига қарамай, фарзандлар билан ота-оналарнинг мулоқотлари сезиларли даражада камайган. Энг ачинарлиси, болалар ва ўсмирларнинг бадиий адабиёт мутолаасига қизиқишлари пасайган, улар осон йўлга ўтиб олишган. Яъни, зангори экрандан берилаётган ахборотлар билангина қониқиш ҳосил қиладилар. Бу, албатта, ақлни зўриқтириб китоб ўқишдан кўра осонроқ.

Рухшунослар боланинг шахс сифатида шаклланишида қизиқувчанлик ва бирор бир хусусияти билан бошқалардан ажралиб туришга мойиллик етакчилик қилиши ҳақида кўп таъкидлашади. Бугунги ўқувчи-ёшларнинг дунёқараши, ўй-фикрлари, тафаккуридаги ривожланиш жараёнига телевидениенинг таъсирини аниқроқ тасаввур қилиш учун қуйидаги маълумотларга эътибор қаратишингизни истардик: тадқиқотларга кўра, 6 ёшдан 10 ёшгача бўлган бола ўрта ҳисобда телевизор олдида 30 дақиқадан 3 соатгача ўтирар экан. Бу гўёки қисқа вақтдек кўрингани билан, 3 соат ўсмирлар соғлиғига анчагина зиён етказди. Аслида, мактабгача тарбия ёшидагилар кунига 20–30 дақиқа, 14 ёшгача бўлган ўқувчилар эса узоғи билан 1 соат телевизор кўришлари лозим.

Ёшлиқ ҳаётнинг энг гўзал, энг гуллаган даври бўлиб, бу фаслда инсон ён-атрофга пок туйғулар, беғубор нигоҳ билан қарайди. У жуда ишонувчан бўлади. Шунинг учун бу даврда уларни йўлдан уриш, чалғитиш осон бўлади. Бузғунчи кучлар ёшларнинг ана шундай қалб нозикликларидан фойдаланмоқчи бўлади.

Агар инсон ёшлигидан бошлаб маънавий асосда тарбия топадиган бўлса, унинг қалби ва онгига қарши қаратилган хавф-хатарларнинг моҳиятини ҳам тўғри англаб етади. Шунинг учун ҳеч қачон уларнинг таъсирига тушмасликка ҳаракат қилади.

Бугун янгича фикрлайдиган, ўз келажагини жамиятда демократик қадриятларни мустаҳкамлаш, мамлакатимиз келажагини жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви билан боғлиқ ҳолда кўрадиган янги авлод вакиллари ҳаётга дадил кириб келмоқда. Буларнинг барчаси мухтарам Президентимиз таъкидлаганидек, мамлакатимизда амалга оширилаётган туб сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ўзгаришларни ортга қайтариб бўлмаслиги, ислохотлар муқаррарлигининг ишончли қафолатидир.

XXI АСР – ТАЪЛИМ МАЗМУНИНИ ЭКОЛОГИЯЛАШТИРИШ ДАВРИ СИФАТИДА

А.Ғ.Норбоев, Ў.Н.Абдиев,
Т.Н.Қори Ниёзий номидаги ЎзПФТИ, илмий ходимлар

Инсониятнинг тарихий тараққиёти жараёнида учинчи минг йилликнинг бошланиши экологик муаммоларнинг кескинлашув даври сифатида ўзига хос хусусият касб этмоқда. Ер шарида аҳоли сони ва талабларининг ортиши, фан ва технологияларнинг юксак даражада ривожланиши инсоннинг табиатга таъсир миқёсини ҳаддан даражада орттириб юборди. Натижада регионал ва глобал характерга эга бўлган турли хил экологик муаммолар келиб чиқди ва улар инсоният цивилизациясининг давомийлигига хавф солмоқда.

Жаҳон миқёсида ўтказилган бир қатор сўровлар натижаларига кўра, дунё аҳолисининг аксарияти экотизимларнинг бузилиши, атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва биохилма-хилликнинг камайиши каби экологик муаммолар инсоният учун энг катта хавф туғдирмоқда деб ҳисоблайди¹⁴.

Тараққиётнинг келажакдаги ҳолатини олдиндан башорат қилувчи глобал прогнозли моделларда ҳам 2050 йилларга келиб табиий муҳитнинг ифлосланиши энг катта кўрсаткичларга етиши қайд қилинмоқда¹⁵.

Бу муаммоларнинг қандай даражада ҳал этилиши инсониятнинг келажagini белгилаб беради. Шу сабаб мазкур муаммолар ечими бўйича жаҳонда, шу жумладан Ўзбекистон Республикасида ҳам муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда. Ҳуқуқий меъёрий асослар ишлаб чиқилиб, техник-технологик жиҳатлари ўрганилмоқда.

Шундай бўлсада, экологик муаммоларнинг олдини олишнинг муҳим йўналиши бу узлуксиз экологик таълим ва унинг якуний натижаси ҳисобланадиган экологик маданиятни шакллантиришдир. Рус олими, академик Н.Н.Моисеев таъкидлаганидек: «Ҳар қандай цивилизация асосида таълим – келгуси авлодларга орттирилган тажриба ва билим, маданият ва маънавиятни етказиш ётади. Шундай экан, ҳозирги кескин экологик шароитда инсониятнинг Ер юзида яшаб қолиш муаммоси инсон ва табиатнинг ўзаро таъсирига асосланган таълим-тарбия бериш тизимига боғлиқдир»¹⁶.

Шу маънода таълим мазмунини экологиялаштириш бугунги кундаги долзарб вазифалардан биридир. Ўзбекистон Республикасида ушбу йўналишда ҳуқуқий асос яратилди. 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунининг 4-моддаси учинчи бандида табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига эришиш учун барча турдаги таълим муассасаларида экология ўқувининг мажбурий эканлиги белгилаб қўйилган¹⁷.

Ушбу қонун ва ижтимоий зарурият асосида узлуксиз таълим мазмунига экология масасалари сингдирилмоқда.

Ушбу жараён биргина умумий ўрта таълим босқичи мисолида кўриладиган бўлса, бугунги кунгача умумтаълим фанларининг ўқув дастурлари таркибидаги экологик тарбияга оид мавзуларни қайта кўриб чиқилди ҳамда умумтаълим мактаб ўқувчилари учун яратилаётган дарслик ва ўқув қўлланмалар мазмунига сингдирилди. Жумладан, умумий ўрта таълимнинг оптималлаштирилган Давлат таълим стандартлари шарҳлари ва ўқув дастурларини оптималлаштириш жараёнида 1-2-синфларнинг “Атрофимиздаги олам” ўқув

¹⁴ Азизов А.А., Акиншина Н.Г., Нишонов Б.Э. Барқарор тараққиёт таълими. – Т.: 2009. – Б. 46.

¹⁵ Рафиқов А.А. Географик прогнозлаштириш асослари. – Т.: ЎЗМУ, 2003. – Б. 127.

¹⁶ Корякина Н.И., Жевлакова М.А., Кириллов П.Н. Образование для устойчивого развития: поиск стратегии, подходов, технологий (методическое пособие для учителя) / Общая редакция С.В.Алексеева. – Санкт-Петербург, 2000. – С. 8.

¹⁷ «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. – Т.: “Адолат”, 2007. – Б. 4-28.

дастурига 4 та экологик таълимга оид мавзу (ушбу ўқув дастурларнинг 12 % и) киритилди ҳамда мазкур дастурлардаги 20 та мавзуга экологик таълимга оид тушунчалар сингдирилди.

3-синф “Табиатшунослик” ўқув дастурига эса 6 та (17%) экологик таълимга оид мавзу киритилди. 12 та мавзуга эса экологик таълимга оид тушунчалар сингдирилди. 4-синф “Табиатшунослик” ўқув дастурига 8 та (23,5) экологик таълимга оид янги мавзу киритилиб, 14 та мавзу таркибига экологик таълимга оид тушунчалар сингдирилди.

Шу билан бирга, бошланғич таълимнинг “Ўқиш китоби”, “Математика”, “Тасвирий санъат” ҳамда 6-9-синфларнинг “География” фани ўқув дастурига соф экологик мавзуларга 6 соат ажратилди ҳамда 28 та мавзу таркибига экологик таълимга оид билимлар киритилди. Шундан, 5-6-синфларда “Ботаника” фани ўқув дастурига 12 та, 7-синф “Зоология” фани ўқув дастурига 5 та, 8-синф “Одам ва унинг саломатлиги” ўқув фани дастурига 5 та, 9-синф “Биология” фани ўқув дастурига 7 та, 7-9-синф “Кимё” фани ўқув дастурига 16 та, 5-9-синфлар “Ижтимоий фанлар” ўқув дастуридаги 22 та мавзу таркибига экологик таълим ва тарбияга оид тушунчалар сингдирилди. Умумий ҳолда, умумтаълим фанлари таркибига экологик таълим-тарбияга оид 28 та янги мавзу ҳамда 185 соатлик мавзулар таркибига ушбу йўналиш бўйича тушунча ва билимлар киритилди.

Ушбу ўқув дастурларига киритилган ўзгаришлар 2011-2012 ўқув йили учун чоп этиладиган дарсликлар ва методик қўлланмалар мазмунига сингдирилди¹⁸.

Шу ўринда экологик таълим жараёни ва унинг мазмунига эътибор қаратиш лозим. Ўқувчиларга бериладиган назарий билимларнинг ўзи етарли эмас. Экологик таълим жараёнида назариядан амалиётга – глобал муаммоларни муҳокама қилишдан ўқувчилар билан амалий саъй-ҳаракатларни бажаришга ўтиш даври келди.

Бу соҳада умумий ўрта таълим тизимида синфдан ва мактабдан ташқари ишлар улкан имкониятларга эга. Масалан, ўқувчиларнинг бўш вақтларида электр энергиядан фойдаланиши борасида мустақил иш ташкил қилиш мумкин. Топшириқ: Охирги 24 соат давомида электр энергиянинг нималарга сарфланганлиги бўйича рўйхат тузинг ва жадвални тўлдиринг. Ўнг томондаги устунда кейинги кунда қандай қилиб электр энергиядан фойдаланишни қисқартиришингизни тушунтиринг. Натижаларни, аввало, жуфт-жуфт бўлиб муҳокама қилинг, сўнгра, бутун синф билан муҳокамани давом эттиринг.

Электр энергия нималарга сарфланди	Қандай қилиб электр энергияни камроқ сарфлаш мумкин
1.	1.
2.	2.

Ушбу амалиётга йўналтирилган мустақил ишлар ўқувчиларга вазифа бериш билан чекланмай, балки уларни мустақил тадқиқотлар олиб боришга ва турли илмий ютуқларга эришишга ундайди. Амалий хатти-ҳаракатларга йўлланма беради, ўқувчиларни фаол ижтимоий шахс сифатида шакллантиради, келажақда комил инсон бўлиб етишишларига хизмат қилади.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, бугунги экологик муаммолар кескинлашган бир даврда таълим мазмунини экологиялаштириш, таълим мазмунини бевосита шахс экологик маданиятини шакллантиришга хизмат қилдириш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, немис олими В.Дернгольц таъкидлаганидек: “Экологик маданиятни тарбиялаш инсон мавжудлигининг шартидир”.

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи ҳамда Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири, Олий ва ўрта махсус таълим вазири ҳамда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг республикада узлуксиз экологик таълим тизимини жорий этиш тўғрисидаги ахбороти бўйича парламент эшитувлари тўғрисида”ги 2010 йил 2 ноябрдаги №17/108, № 04/5-64-сонли қўшма қарори ижросининг бажарилиши юзасидан маълумотидан олинди

ИЖТИМОЙИ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА ЎҚУВЧИЛАРГА ВАТАНПАРВАРЛИК ВА МИЛЛИЙ ҒУРУР ТУЙҒУЛАРИНИ СИНГДИРИШ САМАРАДОРЛИГИ ТЎҒРИСИДА

А.Ҳасанов,

А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ,

тарих ф.н., доцент

Малака ошириш жараёнининг муҳим жиҳатларидан бири нафақат тингловчилар қалби ва онгига миллий ғояни сингдириш, балки, уларда мактаб ўқувчилари онгу шуурига ватанпарварлик ва миллий ғурур туйғуларини сингдириш усул ва воситалари ҳақида кенг ҳамда чуқур методик билимлар бериш ҳам ҳисобланади.

Бинобарин, ҳозирги кунда умумтаълим мактаблари олдидаги энг муҳим вазифа – ёш авлоднинг қалбига миллий ғоя ва мафқурани сингдириш, ўз Ватанига муҳаббат ва садоқат туйғусини уйғотиш, ўзлигини англаш, уларда миллий ғурурни шакллантириш, умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш вазифаси қўйилган. Зеро, фуқароси маърифатли, маънавиятли бўлган жамиятгина ҳаёт бўҳронлари, қийинчиликлари, турли ғовларни енгиб, ўз олдида қўйган улуғвор мақсадларга эришади. Шу билан бирга, мустақиллигимизнинг уч таянчи – мустақил сиёсат, иқтисодий қудрат ва халқ маънавияти бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, уларнинг уйғун ривожланиши таъминлансагина, Ўзбекистон буюк давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятида ўз муносиб ўрнини эгаллай олади.

Ҳар бир одам, ўсиб келаётган ёш авлод, бутун халқ ўз Ватани тарихини чуқур билса, теран томирлари қаерларга бориб етиши ва туташганини яхши англаса бугунини теранроқ ҳис этади, қадрига этади ва келажагини ёрқин кўра билади. Зеро, шу Ватанни, ўз халқини билиш, унинг қадрига етиш, буюклигини тан олиш, уни севиш, эъзозлаш ва асраш инсон маънавиятини белгиловчи асосий омиллардан биридир. Шу боисдан, ҳозирги глобаллашув даврида ўқувчилар маънавий-маърифий тарбиясини замон талаблари асосида ташкил этиш зарур. Бинобарин, ёшларни турли мафқуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, уларнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш ва ён атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга хушёрлик ва огоҳлик билан қараш, юртимизда олиб борилаётган янгиланиш жараёнларига дахлдорлик ҳиссини уйғотиш бугуннинг энг долзарб вазифаси ҳисобланади.

Шу билан бирга, баркамол авлодни тарбиялаш, унинг ғурурини, эътиқодини эзгу мақсад сари йўналтириш муҳим аҳамиятга эга. “Миллий ғоя – деб таъкидлайди Президентимиз И.А.Каримов, - биринчи навбатда ёш авлодни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбига инсонпарварлик ва одамийлик фазилатларини пайванд қилишдек олижаноб ишларимизда мададкор бўлиши зарур”.

Шу ўринда, ўқувчи ёшлар қалбида миллий ғурурни шакллантириш масаласига алоҳида тўхталиш зарур. Миллий ғурур – ўз миллий мансублигидан фахрланиш, ўз миллатининг бой тарихи, маданий ва маънавий меросидан, унинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасидан ғурурланиш, ўзлигини англаш, ўзгаларни тушунишга даъват этувчи қудратли кучдир.

Мактаб ўқитувчилари ўқувчиларда юқоридаги сифатларни шакллантириш, уларда ўз миллати истикболи олдида масъулликни ҳис қилиш, айни пайтда, уни янгича шароитлар ва ҳолатларда бойитиб борадиган комил инсонларни тарбиялашни ўзларининг муҳим ишларидан деб ҳисоблашлари зарур. Бунда улар ёшларни мустақил фикрлашга ўргатиш учун мантиқий баҳс-мунозараларни ташкил этиш, “Мен нечун севаман Ўзбекистонни” кўрик-танлови ўтказиш, тарбия жараёнларида оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлигини йўлга қўйиш, “Тарбиялаб, таълим-тарбия берайлик” тамойилиги аҳамият беришлари зарурдир.

Тарбиянинг бош мақсади – ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашда халқнинг бой миллий, маънавий-тарихий анъаналарга, урф-одатлари ҳамда умумбашарий қадриятларга асосланган самарали ташкилий, педагогик шакл ва воситаларни ишлаб чиқиб амалга жорий этишдир.

Тарбиянинг асосий вазифаси – шахснинг ақлий, ахлоқий, эркин фикрловчи ва жисмоний ривожланиши, унинг қобилиятларини ҳар томонлама очиш учун имконият яратишдир.

Бунинг учун:

- ўқувчи-ёшларни эркин фикрлашга ўргатиш, ҳаёт мазмунини тушуниб олишга қўмаклашиш, ўз-ўзини идора ва назорат қила билишини шакллантириш, ўз шахсий турмушига мақсадли ёндашув, уларда режа ва амал бирлиги ҳиссини уйғотиш;

- миллий, умуминсоний қадриятлар, Ватанимизнинг бой маънавий мероси билан таништириш, маданий ҳамда дунёвий билимларни эгаллашга бўлган эҳтиёж ва талабларни шакллантириш, малака ҳосил қилдириш;

- билимдонлиги ва ижодий имкониятларини аниқлаб, уларни ривожлантириш, улар ижодкорлиги, иктидорини юзага чиқариш ва қўллаб-қувватлаш учун шарт-шароит яратиш;

- уларда инсонпарварлик ва муомала одоби меъёрларини шакллантириш (бир-бирини тушунадиган, меҳрибонлик, шафқатлилик, ирқий ва миллий камситишларга қарши кураша олиш);

- ватанпарварлик, дунёвий фикрлаш, жамиятимизда яшаётган одамлар билан ўзаро муносабат-мулоқотни ўрганиш, ўз халқига, давлатига садоқат, унинг ҳимояси учун ҳамиша шай бўлиб туриш, Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатларнинг рамзларига ҳурмат билан қараш ҳамда садоқатли қилиб тарбиялаш;

- қонуний жамоа ахлоқи ва турмуш қоидаларига ҳурмат билан қарашни тарбиялаш, шахснинг ноёб қирраларини белгиловчи фуқаролик ва ижтимоий масъулият ҳисларини ривожлантириш;

- мустақил давлатимиз - Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи сиёсатига тўғри ва ҳолисона баҳо беришга ўргатиш. Унинг тинчликсеварлик, демократия ва бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, ошкора-очик ташқи сиёсатига ва ўз халқининг турмуш даражасини оширишга йўналтирилган, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қиладиган ички сиёсатини тўғри тушуниб етишларига шарт-шароит яратиш;

- турмушда энг олий қадрият ҳисобланган меҳнатга ижодий ёндашиш фазилатларини шакллантириш;

- соғлом турмуш тарзига интилишни тарбиялаш ва ривожлантириш, муносиб оила соҳиби бўлиш истагини шакллантириш;

- ёшларни эркин мустақил фикрлашга ўргатиш;

Шу билан бирга, Президентимизнинг куйидаги сўзларини ҳам унутмаслигимиз лозим: “Тарбиячиларнинг ўзларига замонавий билим бериш, уларнинг маълумотини, малакасини ошириш каби пайсалга солиб бўлмайдиган долзарб масалаларга дуч келмоқдамиз. Менинг фикримча, таълим-тарбия тизимини ўзгартиришдаги асосий муаммо ҳам мана шу ерда. Ўқитувчи болаларимизга замонавий билим берсин, деб талаб қиламиз. Аммо замонавий билим бериш учун, аввало, мураббийнинг ўзи ана шундай билимга эга бўлиши керак”.

ГЕЛИОЭНЕРГЕТИКА НА ОСНОВЕ КОНЦЕНТРИРОВАНИЯ СОЛНЕЧНОГО ИЗЛУЧЕНИЯ

Т.А. Джалалов,
Э.З. Имамов, д.ф.-м.н., профессор,
ТУИТ

В настоящее время можно выделить несколько основных направлений совершенствования современных фотопреобразователей:

- высокая перспективность развития гелиоэнергетики на основе концентрирования солнечного излучения;

- исследования, направленные на увеличение спектра поглощения видимого света;
- выбор подходящих материалов (материалы используемые в фотопреобразователях должны обладать малой себестоимостью, высокой добротностью, достаточно большим сроком службы);

- новые возможности создания высокоэффективных солнечных элементов открывает применение нанотехнологий (например, введением в эпитаксиальную структуру полупроводника слоя квантово-размерных нанокластеров или квантовых точек. Согласно теоретическим расчетам и предварительным экспериментам, эффективность преобразования солнечного света в электрическую энергию в такой структуре может превысить 60%);

- значительно повысить КПД солнечных элементов помогает использование наноструктурных фотоэлементов каскадного типа (в каскадных солнечных фотоэлементах 20–30 слоев элемента обеспечивают преобразование в электричество не только видимого света, но и части инфракрасной и ультрафиолетовой областей спектра).

Из перечисленных направлений совершенствования современных фотопреобразователей более подробно остановимся на гелиоэнергетики с помощью концентрирования солнечного излучения.

Кремневые фотоэлементы, обладая целым рядом технологических и экономических преимуществ перед другими материалами, имеют вместе с тем определенный недостаток, связанный с природой самого кремния (ширина запрещенной зоны у него при 300К равна 1,12 эВ). Дело в том, что оптимальный диапазон преобразования солнечной энергии для кремневых фотоэлементов приходится на инфракрасный спектр (1 - 1,5 эВ), с малой интенсивностью в солнечном потоке, а поглощение более интенсивных коротких электромагнитных волн - вызывает лишь рост энтропии системы.

Механизм устранения этого недостатка кремневых фотоэлементов можно искать в достижениях нанотехнологии, которые могут придать фотопреобразователям принципиально новые качества, значительно повышающие их эффективность.

Развитие фотоэнергетики в странах, достаточно сильно удаленных от экватора, в силу климатических условий весьма затруднительно. Даже на широтах Узбекистана интенсивность солнечного излучения в полдень меньше 1000 Ватт на квадратный метр (или 10^{-3} Вт/мм²). Однако, использование концентрированного солнечного излучения дает эффективный механизм снижения стоимости до 5–8 центов за киловатт-час солнечной энергии.

Проводимые в этом направлении исследования демонстрируют высокую перспективность развития гелиоэнергетики на основе концентрирования солнечного излучения.

Установки, позволяющие осуществлять эффективное концентрирование солнечного излучения, называются концентраторами

Установки, позволяющие осуществлять эффективное концентрирование солнечного излучения называются концентраторами, лучшие образцы которых могут дать до нескольких сотен Солнц (1000 Вт/м² - это одно Солнце). Например, концентрирование солнечной энергии с помощью дешевых линз Френеля позволяет получить коэффициент концентрации до 1000.

Рассмотрим наиболее важные выводы, которые следуют из внедрения концентраторных фотоэлектрических системах:

- солнечное излучение, падающее, например, на поверхность 40х40 мм (1600 мм²), концентрируется на площади менее 3 мм². Элементы при этом не нагреваются из-за малой единичной мощности солнечного излучения, собираемого такими мини-линзами (10^{-3} Вт/мм² * 1000 = ~1 Вт/мм²);

- концентраторных фотоэлектрических системах стоимость электроэнергии может быть уменьшена более чем в 2 раза благодаря снижению в 1000 раз площади солнечных элементов;

- удельный энергопотребление в концентраторных фотоэнергосистемах может быть увеличен в 3 раза за счет большего КПД и обеспечения постоянной точной ориентации на Солнце;

- производство концентраторных фотоэнергосистем позволит во много раз уменьшить потребность в полупроводниковых материалах (один грамм полупроводника, работающего 25 лет в концентраторной фотоэнергосистеме, эквивалентен, по получаемой электроэнергии ~5 т нефти);

- себестоимость 1Вт установленной мощности концентраторных энергоустановок составляет <\$2, т. е. будет снижена приблизительно в 2 раза по сравнению с существующим мировым уровнем;

- применение технологии разработки солнечных энергоустановок и освоение технологии крупномасштабного производства концентраторных фотоэнергосистем, позволит наладить выпуск соответствующей продукции, спрос на который с каждым годом существенно увеличивается на мировом рынке;

- выпуск фотоэнергоустановок на концентраторной основе позволит создание мощных экологически чистых фотоэлектрических станций, которые, к тому же, могут внести существенный вклад в энергетику страны (использование таких энергоустановок в степях, пустынях и горах, где отсутствует централизованное электроснабжение, позволит существенно преобразовать эти места для цивилизованной жизни человека);

- не следует противопоставлять обычные и концентраторные фотоэнергосистемы при оценке перспектив развития фотоэнергетики, поскольку и те, и другие должны использоваться в будущих системах электроснабжения.

Выработка электроэнергии на основе фотоэлементов из кремния позволит установить их на крышах и стенах домов и сооружений, они могут быть объединены в сети. Но энергетические потребности энергоёмких производств потребуют создание достаточно крупных солнечных станций с минимальной стоимостью вырабатываемой электроэнергии. И в этих случаях применение концентраторных фотоэлектрических батарей выглядит вполне естественным решением.

ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТ ДАРСЛАРИДА ЎҚИТУВЧИ ИЖОДКОРЛИГИ ДАРС САМАРАСИНИ ОШИРИШ УСУЛИ СИФАТИДА

Ў.Р. Саидов,
ТВПКҚТМОИ, катта ўқитувчи

Маълумки, Республикамизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, мамлакатимиз йигит-қизларини замон талаблари даражасида тарбиялаш, баркамол шахслар этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратилмоқда. Таълим жараёнига янги ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларни, электрон дарсликлар, мультимедиа воситаларини кенг жорий этиш орқали мамлакатимиз мактабларида, касб-хунар коллеж ва лицейлари ҳамда олий ўқув юртларида ўқитиш сифати тубдан яхшиланмоқда. Таълим муассасаларининг ўқув-лаборатория базасини замонавий турдаги ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси билан мустаҳкамлаш, шунингдек, ўқитувчилар ва мураббийлар меҳнатини моддий ҳамда маънавий рағбатлантириш бўйича самарали тизим янада ривожлантирилмоқда. Иқтидорли ва қобилиятли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, уларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, жисмонан ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳамда Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашга доир комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши фикримизнинг яққол далилидир.

Бундан келиб чиққан ҳолда, эндиликда ўқитувчилардан янги замонавий технологиялар, педагогик инновацияларга таяниб, уларни амалиётга жорий этиш маҳоратига эга бўлиш, доимий равишда ўз устларида мустакил ишлаш, ҳар бир дарсда ижодкор бўлиш каби вазифалар талаб этилади.

Бу каби долзарб вазифани амалга оширишда умумтаълим мактабларининг барча фан ўқитувчилари сингари она тили ва адабиёт фани ўқитувчиларининг олдида қўйиладиган масъулият ҳам каттадир. Дарс жараёнида ўқувчиларда миллий ғурур, миллий ва умумийинсоний қадриятларга, тарихга ҳурмат, ватанпарварлик, инсонпарварлик, аждодларимизнинг маънавий ва маданий меросларини асраб-авайлаш каби хусусиятларни шакллантириш, ёш авлодни комилликка етаклаш вазифаси туради. Бу ўринда, айтиш жоизки, ўқитувчи шахсининг ижодкорлиги масаласи муҳим аҳамият касб этади. Аввало, ўқитувчи ижодкорлиги деганда нима назарда тутилади? Шу ҳақда тўхталиб ўтиш лозим.

Мавжуд илмий ва услубий адабиётларда таъкидланганидек, ўқитувчи қанчалик билимдон бўлса, ўз ишини севса, касб маҳоратини тинмай ривожлантириб, ошириб борса, янги самарали тажрибаларни эгаллаш устида тинимсиз ишласа, ўзи янгиликлар ижод этиш учун изланса, у берган таълимнинг самараси юқори бўлиши шак-шубҳасиз. Қолаверса, таълим самарадорлигини таъминловчи, уни амалга оширувчи, такомиллаштириш йўллари изловчи – бу ўқитувчи шахси ва ўқитувчи – ўқувчи муносабатидаги дўстона ҳамкорлик жараёнидир. Бу жараёнда ўқитувчи ўқув машғулотларини маҳорат билан ўтказишда мавжуд жиҳозлар ва дидактик материаллардан фойдаланиш тажрибасига эга бўлиши, замонавий ахборот ва педагогик технологияларини ўқув машғулотларига татбиқ қила олиши, ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкилий ва педагогик жиҳатдан уюштира билиши, мутахассислиги йўналишидаги илғор тажрибалардан ўз фаолиятида фойдалана олиши, ноанъанавий машғулотлар ва фан янгиликларини ўзлаштириб бориши каби талабларга жавоб бериши лозим бўлади. Бир сўз билан айтганда, ундан ҳар бир дарсда ижодкор бўлиш талаб этилади.

Мактаб адабий таълимида ўқитувчи ижодкорлиги, яъни ҳар бир дарс машғулотида таълим олувчининг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда таълимнинг янгича шакллари – ноанъанавий усуллар, илғор педагогик технологиялар, ахборот ва коммуникация воситаларидан фойдаланиш асосий вазифалардан биридир. Ҳақиқатан ҳам, ўқувчиларнинг бадиий тафаккурини ўстириш, ижодий қобилиятларини ривожлантириш, уларни мустақил фикрлашга ўргатишда, дарснинг сифат ва самарадорлигини оширишда турли қизиқарли усулларни қўллаш муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Жумладан, мактаб она тили ва адабиёт фани таълимида ҳам ўқитувчи ижодкорлигини оширувчи юқорида санаб ўтилган омиллардан фойдаланиш ўқувчи ёшларда ўз она тилига меҳр- муҳаббат туйғуларини уйғотиш, уларнинг том маънода саводхон бўлишига эришиш; тўғри, аниқ, мантиқли нутқ соҳиби қилиб тарбиялаш, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантириш, ёзма нутқни ривожлантириш, нутқ вазиятига қараб фикрни тўғри ифода қилиш малакаларини таркиб топтириш учун хизмат қилиши табиийдир.

Шу ўринда ўқитувчи ижодкорлиги фақат юқорида санаб ўтилган мезонлардангина иборат эмаслигини ҳам қайд этиш лозим. Негаки, ҳар бир ўқитувчи машғулот ўтказиш жараёнида ёки бу жараёнга тайёргарлик кўриш босқичида доимий изланади, тайёргарлик кўради, турли янгича педагогик технологияларни ўзлаштиришига тўғри келади. Бир сўз билан айтганда, касбий талабларга жавоб бериши табиий ҳолдир. Бизнинг фикримизча, ижодкорлик фақат маҳорат билан дарс ўтишигина эмас, балки ўз касбий маҳоратининг барча қирраларини намоён этиш ҳамдир. Дейлик, том маънода ижодкор ўқитувчи бўлиш учун дарсдан ташқари ҳолатларда шеър, ҳикоялар ёзиш, қўшиқ, ашула айтиш, турли хил ўйинчоқлар яшаш, миллий рақсларни ижро этиш, бирор чолғу асбобини чалиш ёки бадиий санъатнинг бошқа турлари билан шуғулланиш ҳам тақозо этилади. Бу хусусиятлари билан ўқитувчи дарс машғулотларини янада жонлантириш, ўз ўқувчилари қалбига йўл топа билиш, уларни санъат ва адабиётга ошно қилиш, таълим сифатини янада бойитиб боришга эришади, албатта. Таълим бериш мураккаб, машаққатли, шу билан бирга, ўқитувчини ўз устида доимий ишлашга даъват этувчи жараёндир.

Катталар таълими билан шуғулланувчи малака ошириш тизимининг мазкур жараёндаги ўрни ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш зарурдир. Негаки, ўқитувчиларнинг малакасини ошириш тизими нафақат “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да белгилаб берилган –

замонавий педагог жавоб бериши керак бўлган талаблар комплексини амалга оширади, балки ўқитувчининг бугунги кундаги иш фаолияти, унинг ютуқ ва қачиликларини аниқлайди, унга амалий, услубий ёрдам беради.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ўқитувчининг соҳавий билими ва касбий маҳорати дарс жараёнида намоён бўлади. Умумий ўрта таълим мактабларида ўқув йили давомида синфлар ва фанлар кесимида ташкил этиладиган очиқ дарслар, семинарлар, давра суҳбатлари ўқитувчи касбий маҳоратини ошириб бориш, ўзаро тажриба алмашиш имкониятини яратувчи муҳим жиҳатлардан бири ҳисобланади ва бу жиҳат ўз устида узлуксиз методик изланиш мазмунининг асосини ташкил этади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, таълимнинг сифати, самараси ва натижаси ўқитувчи фаолияти-ю, ўқувчи билим даражасида кўринади. Бу эса бевосита дарс машғулоти самарадорлиги, ўқитувчи ижодкорлиги билан бевосита боғлиқдир.

УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЎҚУВЧИ-ЁШЛАРНИНГ ЭКОЛОГИК ОНГИ ВА МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УСУЛИ ВА ВОСИТАЛАРИ

Ў.Ғ.Тилавов,

ЎзМУ, катта илмий ходим-изланувчи

Таълим-тарбия соҳасидаги ислохотларнинг мақсади — баркамол инсонни шакллантириш зарурияти билан боғлиқ. Бу мақсадни амалга ошириш, жамият тараққиётининг конкрет тарихий вазиятларидан келиб чиқадиган вазифалар тизимини, хусусан, шахс экологик онги ва маданиятини шакллантириш йўналишларини ҳам белгилаб беради. Уларнинг характери ҳамда амалга ошириш усуллари ва воситалари: бир томондан, жамият ҳаётидаги маълум эҳтиёж ва манфаатлардан келиб чиқса, иккинчи томондан, бу усул-воситалар самарадорлиги жамият ривожланиш даражасига мос келади. Бинобарин, таълим-тарбия жараёнининг узлуксизлигида ўқувчиларга билим бериш билан биргаликда уларда, она табиатни севиш ва ардоқлаш туйғуларини ривожлантириш масаласи бугун долзарб аҳамият касб этади. Шахс экологик онги ва маданиятини ривожлантириш усуллари ҳамда воситаларини жамият тараққиёти даражасидан, реал имкониятларидан қидириш керак. Хусусан, Ўзбекистонда демократик, ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти қурилиши даврида миллий тараққиёт хусусиятлари таълим тизимига экологик муаммоларни сингдириш ва уларнинг ечимини топишда ўзига хос тамойилларни, конструктив-рационал усул-воситаларни белгилаб бермоқда.

Маълумки, баркамол авлодни тарбиялашда мактаб мужассам экологик назарий билимлар ва амалий кўникмаларни шакллантиришнинг дастлабки, лекин асосий босқичи ҳисобланади. Кишиларнинг табиат муҳофазасига доир кейинги фаолиятларининг самарадорлиги айнан шу босқични қай даражада ташкил этиши билан узвий боғлиқдир, чунки ҳар бир фуқаронинг ҳаёти, албатта, ўрта мактаблар орқали ўтади.

Ўқувчи ёшларда экологик онгни ва маданиятни ривожлантириш зарурияти ҳамда долзарблиги шундаки, *биринчидан*, ўрта таълим мактаблари жамиятнинг ҳамма болаларини қамраб олади ва инсон ҳаётида умумий ижтимоий онг шаклланадиган муҳим бўғин ҳисобланади. *Иккинчидан*, экологиянинг турли фанларни табиат муҳофазаси манфаатлари доирасида мужассамлаштириш вазифаси мактаб ўқув фанларининг ўзаро муносабатларини мустаҳкамлаб, ўқувчиларнинг назарий билимларини чуқурлаштириш ва кенгайтириш воситасидир. *Учинчидан*, мактаб таълим-тарбиясининг ижтимоий моҳияти ва мазмуни ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини шакллантиришга, шу жумладан, табиатни муҳофаза қилиш малакаларини ҳаётга татбиқ этишга қаратилганлигидир.

Экологик онг ва маданиятни ёшларда шакллантириш, уларда экологик фаолликни ривожлантиришнинг муҳим воситаси бўлган ўрта мактабдаги таълим-тарбия мажмуаси

ижтимоий характердаги мураккаб жараёндир. Унинг умумийлиги, ташкилий жиҳатдан олганда, биринчидан, инсон онги ва хулқига ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий, маъмурий-ҳуқуқий ва бошқа омилларнинг уйғун таъсирини таъминлашдан иборат. Иккинчидан, умумий манфаатларни, интилишларни мақсадга мувофиқ йўналтириш самарадорлигини ошириш учун оила, мактабгача тарбиядан тортиб то маҳалла ва жамият барча бўғинларининг узлуксиз муқобиллашган фаолиятини талаб қилади, яъни экологик онг ва маданиятни шакллантириш ҳамда ривожлантириш нисбатан мустақил таълим ҳамда тарбия жараёнларининг узвий боғлиқ ҳолдаги фаолиятини тақозо қилади. Ҳозирги кунда узлуксиз таълим мактаб мажмуасида табиатни муҳофаза қилишга йўналтирилган таълим ўқувчиларнинг экологик тафаккурини ривожлантиришга, шунга доир зарур назарий билимларни, амалий кўникмаларни ҳосил этишга, экологик тарбия эса инсонга она табиатни асраб-авайлаш борасидаги маънавий масъулият ҳиссини, бурчини англантишга, табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида фаол ҳаётий мавқени шакллантиришга қўмаклашади.

Шу нуктаи назардан, таълим-тарбия жараёнининг экологик онг ва маданиятни шакллантириш усуллари ҳамда воситалари: тарғибот-ташвиқот, таълим-тарбия институционал тизими ва уларнинг фаолиятида шахс, гуруҳ, миллат, жамиятнинг экологик маънавий хусусиятларини, экологик онгини, дунёқарашини, конкрет билимларини, малакаларини, кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиладиган омиллар тизими ҳисобланади.

Экологик таълимнинг функцияларидан бири адабиётни ўқитишда бадий образлар орқали шахснинг табиатга муносабатини оқилона ташкил қилиш қонуниятлари, назарий-методологик тамойиллари ҳақида системали тасаввурлар ҳосил қилишнинг педагогик-дидактик жараёнини ўзида мужассам этади. Бадий адабиётнинг экологик тарбия функцияси эса, шу соҳадаги таълимга нисбатан кенг қамровли тушунча бўлиб, кишиларда замонавий экологик талабларига мос ижтимоий онгнинг ривожланиш даражасини, маданиятнинг хусусиятларини шакллантириш жараёнини ифодалайди.

Бадий адабиёт воситасида экологик тарғибот – турли кишилар, гуруҳлар, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ва маърифий муассаса-ташкилотлар томонидан юксак экологик қадрият идеалларини жамият ҳаётига татбиқ қилиш усулидир. Бадий адабиётнинг экологик қадриятларни ташвиқот қилиш эса, у ёки бу бадий-маданий, маънавий-маърифий тадбирларнинг идеал образларини, оммавий ахборот воситалари орқали, кенг жамоатчиликка етказиш усулидир. Тарғибот ва ташвиқот усуллари жамият ҳаётида ҳар хандай маънавий-маданий, ғоявий-сиёсий ишлар самарадорлигини оширишда асосий ўрин тутати.

Умумий тарзда олганда, узлуксиз таълимда шахс ижтимоий-экологик ҳаётини янгилашнинг муҳим маънавий усул-воситаси, субъектив омили ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, таълим-тарбияни экологиялаштиришнинг усул-воситаларини аниқлаш ғоят жиддий методологик аҳамиятга эга. Зеро, таълим-тарбиянинг шахс экологик онги ва маданиятини шакллантиришдаги функционал ролини оширишнинг конкрет усул ва воситалари, умуман жамият ривожига кенг қўламда фаол таъсир қилувчи омилдир.

ПЕДАГОГИК ҲАМКОРЛИКНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА БЕЛГИЛАРИ

Ф.И.Юсупова,
ЎзПФИТИ, илмий ходими

Ўқитувчиларга муаммо туғдирадиган ҳолатлардан бири уларнинг ўқувчилар билан дўстона, ўзаро ҳамкорликка асосланган муносабатни йўлга қўя олмасликларидадир. Ўқитувчининг ўз ўқувчилари билан ҳамкорликка асосланган дўстона муносабат ўрнатиши

асосида синф жамоаси орасида кўтаринки муҳит, қувонч ҳисси, ижодкорликка асосланган фаоллик, маҳсулдор билиш фаолияти таркиб топади.

Ўқув жараёнини ўқувчилар билан ўқитувчи ҳамкорлиги асосида ташкил этиш натижасида таълим олувчиларда билиш фаоллиги вужудга келади, синфда дўстона муҳит қарор топади. Таълим жараёни субъектлари орасида ўзаро яқинлик таркиб топади.

Ҳамкорлик жараёнида ўқувчилар фаолият субъекти сифатида жадал ривожланиш имкониятига эга бўладилар. Уларда фаол ҳаётий мавқе шаклланади.

Ўқувчилар билан ўқитувчининг ҳамкорлиги мураккаб педагогик ҳодисадир. Бу қуйидагиларда намоён бўлади:

1. Ҳамкорлик педагогик муносабатларнинг истиқболли шакли сифатида ўқитувчи ҳамда ўқувчиларнинг ўзаро бир-бирларини тушунишлари, бир-бирларига кўмаклашишларига асос бўлади.

2. Ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этиш усуллари ўзаро тенглик асосида мустақиллик, фаоллик ва уюшганлик имконини беради.

3. Ўқитувчи ҳамда ўқувчилар орасидаги ҳамкорлик шакли уларнинг меҳнати ўзаро бир-бирини қўллаб-қувватлаш ва кўмаклашиш асосида амалга оширилганда ўзаро ишлаш кўникмаси тарзида намоён бўлади. Ўқувчилар ўқитувчи билан кучларни бирлаштириш ҳамда ҳаракатларни ўзаро келишиш асосида ҳамкорликка киришадилар.

Ҳамкорлик ўқитувчи билан ўқувчилар нуктаи назарининг юқори даражада уйғунлашган шаклидир. Бундай ҳамкорлик жараёнида субъект-субъект муносабатлари амалга ошади. Ҳамкорликнинг асосий белгилари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиб мумкин:

- мақсадга йўналтирилганлик; бунда ўқитувчи билан ўқувчи ҳамкорликда ягона мақсад сари интиладилар;

- ҳамкорликка киришишга мойилликнинг мавжудлиги; бунда ўқитувчи билан ўқувчилар фаол тарзда ўзаро ҳамкорлик ўрнатишдан манфаатдор бўладилар;

- яхлитлик; бунда фаолият субъектлари орасида бир бутун яхлит тарздаги муносабат таркиб топади;

- таркибланишганлик; бунда ҳамкорлик жараёни субъектлари орасида вазифалар, уларнинг ҳуқуқлари, бурч ва мажбуриятлари, масъулиятлари аниқ тақсимланади;

- келишувчанлик; бунда ҳамкорлик жараёни субъектлари томонидан амалга ошириладиган ҳаракатларнинг ўзаро келишувга асосланганлиги натижасида зиддиятлар қўлами камаяди;

- уюшганлик; бунда ҳамкорлик жараёни субъектлари томонидан амалга ошириладиган ҳаракатларнинг режалаштирилганлиги, уларнинг жараёни ва ўз-ўзларини бошқариш лаёқатига эгаликлари таъминланади;

- натижаланганлик; бунда ҳамкорлик жараёни субъектларининг натижаларни қўлга кирита олиш лаёқатига эгаликлари намоён бўлади.

Педагогик ҳамкорликнинг асосий мақсади шахсга йўналтирилган таълим жараёнида ўқувчиларнинг билимлар ва ҳаракат усулларини ўзлаштиришлари, мулоқот ҳамда ижтимоий фаоллик кўникмаларига эга бўлишлари учун қулай педагогик шароит яратишдан иборат. Педагогик ҳамкорлик шунинг учун ҳам зарурки, бу жараёнда ўқувчилар муайян жамоада фаолият кўрсатиш, самарали меҳнат қилиш кўникмасига эга бўладилар. Шу билан бир қаторда ўқувчилар кичик гуруҳларда ва яқка тарзда ишлаш тажрибасини ҳам ўзлаштирадилар.

Педагогик ҳамкорликнинг муҳим белгилари сирасига:

а) ҳамкорлик жараёнининг умумий мақсадини англаш, унинг ўқитувчи ҳамда ўқувчиларни сафарбар қилиш имкониятини тушуниб етиш;

б) ҳамкорлик жараёнида ютуқларни қўлга киритишга интилиш, шу мақсадда ҳамкорликка асосланган манфаатдорликка эга бўлиш, фаолиятнинг ижобий майлларини ҳосил қилиш;

в) ўқув жараёни субъектлари орасида биргаликдаги ўқув меҳнатини ташкил этиш, бунинг учун ҳамкорлик жараёни субъектларининг қувватларини сафарбар қилиш;

- г) фаолият натижалари учун ўзаро биргаликда масъулиятни ҳис қилиш;
- д) ўқув топшириқларини ечиш жараёнида ўқувчилар билан ўқитувчи орасида фаол-ижобий, некбинликка асосланган муносабат услубини эгаллаш;
- ж) ўзаро ишонч, некбинлик, хушмуомалалик, қийинчиликларни ва муваффақиятсизликларни бартараф этишда ҳамкорлик қилиш;
- з) ўқитиш методлари ҳамда ўқувчиларнинг кизиқишлари, мустақилликлари, ижодкорликлари, амалий ва интеллектуал ташаббускорликларини муайян мақсадга йўналтириш;
- е) ўқувчилар орасидаги ўзаро ҳамкорлик уларнинг умумжамоа меҳнати учун масъулият кўрсатишлари, ишчан мулоқотни амалга оширишларини таъминлаш кабилар кирази.
- Кўриниб турибдики, педагогик ҳамкорлик нафақат ўқувчига мураккаб топшириқларни ечишда ёрдам кўрсатиш, ўқитувчи билан ўқувчи қувватларини бирлаштириш, балки ўқувчиларнинг мустақил жамоавий меҳнатининг педагогик жиҳатдан сайқаллаган шаклидир.

ФИЗИКА ТАЪЛИМИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ОЛИМЛАРИ ИЛМИЙ ҲОЯЛАРИДАН ҲОЙДАЛАНИШ МЕТОДИКАСИ

Д.Б.Холматова,
ЎзПФИТИ, катта илмий ходим-изланувчи

Мустақил мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маърифий соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар таълим тизимига ҳам катта таъсир кўрсатмоқда. Замонавий таълим муҳитининг муҳим тавсифи ҳамда баркамол шахсни тарбиялашнинг шарти сифатида таълимни ривожлантириш, олиб борилаётган ислохотларни давом эттириш ва жаҳон миқёсида муносиб ўрин эгаллаб бориш бугунги куннинг ижтимоий эҳтиёжидир. Буни амалга оширишда таълим жараёни, унинг мазмунини такомиллаштиришда замонавий ёндашувлар, тенденциялар билан бир қаторда миллий, тарихий илмий қадриятлардан оқилона ғойдаланиш зарур. Шу маънода ўтмиш алломаларининг таълим-тарбия тўғрисидаги ғояларидан ғойдаланиш муҳим таълимий ва тарбиявий аҳамият касб этади. Зеро, ўқувчиларни буюк ўзбек физик алломаларининг илмий ғоялари билан таништириш орқали уларда миллий ғурур, ифтихор ва ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш учун қулай шароит яратилади. Шу тариқа ўқувчиларнинг таълимга, шу жумладан, физика фанига бўлган мотивациялари ривожланади. Бу эса таълим сифати ва самарадорлигини оширади.

Амалга оширилган кузатишлар ва қиёсий таҳлилларимиздан маълум бўлдики, шу вақтга қадар физика таълими мазмунига Марказий Осиё олимлари илмий ғояларини сингдиришнинг дидактик асослари масаласига долзарб педагогик муаммо сифатида эътибор қаратилмаган. Бу эса умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ташкил этиладиган физика фани дарсларини ташкил этиш жараёнига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Тадқиқот муаммосининг долзарблигини таъкидловчи омилар сифатида:

1. Марказий Осиё олимларининг физика таълимига оид илмий ғоялари мазмуни ва уни танлаш тамойиллари ҳамда тенденциялари белгилаб олинмаганлиги ва асосланмаганлиги;
2. Олимларнинг физика таълимига оид илмий ғоялари билан таништиришнинг таълим технологияси механизмини ишлаб чиқилмаганлиги, амалиётга жорий этилмаганлиги ва билим, кўникма, малакаларни ривожлантиришнинг зарурий шарти ҳамда таъсирчан механизми сифатида асослаб берилмаганлиги;
3. Ўқувчиларни Марказий Осиё олимларининг илмий ғоялари билан таништиришнинг самарали усул ва йўллари белгилаб берувчи дидактик шарт-шароитларни аниқланмаганлиги ҳамда уларни самарали қўллашнинг мезонлари яратилмаганлиги;

4. Физика таълими мазмунига Марказий Осиё олимлари илмий ғояларини сингдиришнинг дидактик параметрлари мезонлари аниқланмаганлиги ва шу асосда уларнинг таснифи ишлаб чиқилмаганлиги;

5. Дарсдан ташқари мустақил таълим олиш жараёнида ўқувчиларни Марказий Осиё олимларининг илмий ғоялари билан таништиришнинг замонавий технологиясидан самарали фойдаланишнинг педагогик-психологик шароитлари аниқланмаганлиги ва тажрибада асосланмаганлиги.

Назарий манбаларнинг таҳлили, амалиётдаги ҳолатни кузатиш натижалари бу жараёни амалга ошириш ва назорат қилиш талаб даражасида эмаслиги, ўқувчиларда билим, кўникма ва малакаларнинг шаклланмаганлиги, тадқиқот мавзусига оид ўқув-методик адабиётлар, услубий қўлланмалар, тавсиялар, ишланмалар, йўриқномалар ва услубий кўрсатмаларнинг етарли эмаслиги каби долзарб бўлган педагогик муаммоларни инобатга олиш ва уни амалга ошириш йўлида самарали изланишлар олиб бориш, умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари физика фани дарсларида ўқувчиларни Марказий Осиё олимларининг илмий ғоялари билан таништириш технологиясини ишлаб чиқишга оид муаммоларни етарлича ҳал этишда бир қатор педагогик муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Тадқиқот мавзуси шу даврга қадар алоҳида тадқиқот объекти сифатида етарли даражада ўрганилмаганлиги сабабли бу борада тажриба-синов ишларини ўтказиш, тадқиқот натижаларини амалиётда синовдан ўтказиш ва самарали натижаларга эришиш ҳамда эришилган натижаларни миқдор ва сифат жиҳатдан таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Шу боис, тадқиқот муаммосининг назария ва амалиётдаги аҳволини ўрганишга йўналтирилган тажриба-синов ишларини қўйидаги йўналишларда олиб бориш мақсадга мувофиқдир:

1. Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида физика фани бўйича ташкил этилаётган ўқув-тарбия жараёни ва уларнинг мазмунини кузатиш ҳамда таҳлил қилиш;

2. Ўқув манбалари (ДТС, ўқув дастурлари, ўқув режалари, дарслик ва қўлланмалар) мазмуни билан танишиш;

3. Ўқувчилар билан суҳбатлар ва анкета сўровномаларини ўтказиш;

4. Ўқитувчилар ўртасида анкета-сўровномалар ўтказиш;

5. Ўқувчилар иштирокида тестлар ўтказиш ва суҳбатлар уюштириш.

Тажриба-синов ишларини ташкил этишда дастур ишлаб чиқилади. Ишлаб чиқилган дастурга қуйиладиган талаблар қуйидагилардан иборат:

- тажриба-синов ишлари дастурида мақсадга эришишни таъминловчи тадбирлар, олинадиган натижалар, вазифалар кетма-кетлиги сифатида белгилаб чиқилади;

- вазифалар белгиланган умумий мақсаднинг нисбатан аниқ қисмларга ажратилган хусусий мақсадлар сифатида қаралади;

- дастурда тажриба-синов ишлари босқичлари, унинг қисмлари, оралиқ натижалар ҳамда уларга эришиш кетма-кетлиги белгилаб олинади. Қисмлар муайян белгиланган вақт оралиғида тадқиқот илмий фаразида кўзда тутилган тадбирларни амалга оширишнинг узвийлигини таъминлашга хизмат қилади;

- тажриба-синов босқичларини белгилашда оралиқ натижалар ҳамда уларга эришиш кетма-кетлиги, бунинг учун зарур бўладиган муддатлар олдиндан аниқлаб олинади.

Тажриба-синов ишларини ташкил этиш босқичлари қуйидагилардан иборат:

Биринчи босқич: *“Таъхис ва баъорат қилиш (прогнозтика)”* деб номланиб, бу босқичда:

а) прогностик диагностика объектларини белгилаш;

б) муаммо ва мавзуни шакллантириш;

в) тажриба-синов мақсади, илмий фарази ҳамда вазифаларини белгилаш кабилар белгиланган.

Иккинчи босқич: *“Таъхилий-тайёргарлик”* деб номланиб, бу босқичда:

- а) тажриба-синов майдони ва иштирокчилари таркибини аниқлаш;
- б) педагогик жараён тавсифини белгилаш;
- в) тажриба-синов ишлари методик таъминотини ишлаб чиқиш;
- г) тажриба-синов ишлари ташкилий таъминотини ишлаб чиқиш каби вазифалар белгиланган.

Учинчи босқич: “Амалий босқич” деб номланиб, бу босқичда:

- а) таъкидловчи, шакллантирувчи ва назорат қилувчи тажриба-синов ишлари;
- б) тажриба-синов ишларини гуруҳларда босқичма-босқич, параллел ёки аралаш ҳолатда амалга ошириш каби вазифалар белгиланган.

Тўртинчи босқич: “Умумлаштирувчи” деб номланиб, бу босқичда:

- а) тажриба-синов ишларини натижалаш алгоритминини ишлаб чиқиш;
- б) татбиқий босқич каби вазифалар белгиланган.



Тажриба-синов ишларини ташкил этиш босқичлари

Тажриба-синов ишларини юқорида келтирилган талаблар асосида ташкил этиш ва ўқувчиларга Марказий Осиё олимларининг физика таълимига оид илмий ғояларини ўргатишда катта аҳамият касб этади. Бу эса ўз навбатида физика таълими мазмунига янги технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш орқали узлуксиз таълим тизимида ўқувчиларнинг фанга бўлган қизиқиши ва фаоллигини ҳамда ўқувчилар эгаллаши керак бўлган янги билимларнинг натижавийлигини кафолатлайди.

МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

М.М.Бердиева,
Термиз ДУ, ўқитувчи

Мустақилликка эришганимиздан сўнг келажагимиз ворислари бўлган ёш авлод тарбиясига алоҳида эътибор қаратила бошланди. Боланинг мукаммал шахс сифатида шаклланишида интеллектуал ривожланиш алоҳида аҳамиятга эга. Маълумки, боланинг ёши ўлғайиб, мустақил ҳаракат қилиш имконияти ошган сари, унинг атрофидаги нарса ва ҳодисаларга оид дунёқараши кенгайиб боради.

Болаларни интеллектуал ривожлантиришда уларнинг индивидуал хусусиятларини жамоавий ўйинлар орқали кузатиш қулайдир. Бу ўйинларда болалар шахслараро муносабатларни акс эттирадилар. Бу эса, ҳар бир боладан ўзининг бутун қобилиятини ишга солишни талаб этади. Маълум ролларга бўлинган жамоавий ўйин фаолияти болалардан қатъий қоидаларга бўйсунуш ва айрим вазифаларни талаб доирасида бажаришни тақозо қилади. Шунинг учун болаларнинг бундай жамоавий ўйинлари уларни интеллектуал жиҳатдан ривожлантиришда катта аҳамиятга эга.

Мактабга тайёрлаш жараёнида болаларни интеллектуал ривожлантиришда сюжетли-ролли ўйинлар муҳим аҳамият касб этади. Улар ўз мавзусининг бойлиги ва хилма-хиллиги

билан бола дунёсини бойитади. Бундай ўйинлар жараёнида болаларда сардорлик хусусияти юзага кела бошлайди, уларда ташкилотчилик кўникмалари ривожланади.

Мактабгача таълим жараёнида болаларни интеллектуал ривожлантиришга тасвирий фаолият катта аҳамиятга эга. Бола тасаввурининг характерига кўра, унинг атроф-муҳитни қандай идрок этиши, хотира, тасаввур ва тафаккур хусусиятларига баҳо бериш мумкин. Мактабга тайёрлаш гуруҳи болалари чизган расмлар уларнинг ички кечинмалари, рухий ҳолатлари, орзу, умид ва эҳтиёжларини ҳам акс эттиради.

Бу ёшдаги болалар расм чизишга ниҳоятда қизиқади. Расм чизиш болалар учун интеллектуал ривожланишнинг ўзига хос бир шакли бўлиб ҳисобланади. Бола, аввало, кўраётган нарсаларини, кейинчалик эса ўзи биладиган, хотирасида сақлаган ва ўзи ўйлаб топган нарсаларни чизади.

Мактабга тайёрлаш гуруҳи болаларнинг интеллектуал ривожланишларида мусобақа катта аҳамиятга эга бўлиб, айнан шундай ўйинларда муваффақиятга эришиш уларга завқ-шавқ бағишлайди. Бу даврда конструкторлик ўйинлари аста-секинлик билан меҳнат фаолиятига айланиб боради. Ўйин жараёнида болалар оддий меҳнат кўникмаларини эгаллай бошлайдилар, нарсаларнинг хусусиятларини англашга ҳаракат қиладилар, уларда амалий тафаккур элементлари ривожланади.

3-6 ёшли болаларнинг рухий-интеллектуал ривожланишида мусиқа ҳам катта аҳамиятга эга. Мусиқа орқали болалар ашула айтишга, мусиқа оҳангига мос ритмик ҳаракатлар қилишга ўрганадилар. 3-6 ёшлик даврида болаларнинг асосий фаолияти куйидаги изчилликда кечади:

- нарсаларнинг номини ўрганиш;
- индивидуал предметли ўйинлар, жамоавий сюжетли-ролли ўйинлар;
- индивидуал ва гуруҳли ижодий фаолият;
- мусобақалар;
- мулоқотлар;
- шеърлар ёдлаш, эртакларни қайта сўзлаш шулар жумласидандир.

Мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг ўйин фаолиятлари ҳақида фикр юритилганда, уларнинг ўйинчоқлар билан боғлиқ фаолиятини ҳам назарда тутиш лозим. Болаларга ўйинчоқларни беришда уларнинг ёш хусусиятлари, тараққиёт даражалари ва кўпроқ нималар қизиқтиришини ҳисобга олиш керак.

Мактабгача таълим ёшидаги болалар катталарнинг ёрдами билан расмларни таҳлил қилиш асосида идрок қилиш қобилиятига эга бўладилар. Болалар расмларни идрок қилаётганларида тарбиячилар ва ота-оналар турли хил саволлар бериб уларни таҳлил қилишга ўргатишлари лозим. Бунда тарбиячилар болалар диққатини:

1. Расмларда ифодаланган ҳодисаларнинг мазмунини англашга;
2. Расмда акс эттирилган нарсаларнинг ўрнини идрок этишга;

3. Тасвирланган нарсалар ўртасидаги алоқадорликни фаҳмлашга жалб қилишлари лозим.

Диққат ҳар қандай фаолиятнинг асосини ташкил қилади. Шунинг учун диққатнинг бола ҳаётидаги аҳамияти катта. Мактабгача таълим ёшидаги болалар диққати асосан ихтиёрсиз бўлади. Уларда ихтиёрий диққатнинг таркиб топиши учун ўйин жуда катта аҳамиятга эга. Ўйин пайтида болалар диққатларини бир жойга тўплаб, ўз ташаббуслари билан маълум мақсадларини илгари сурадилар.

Бу ёшдаги боланинг хотираси янги фаолиятлар ва унинг ўз олдига қуйган янги талаблари асосида такомиллаша боради.

Мактабгача таълим ёшидаги болалар ўзлари учун аҳамиятли бўлган, уларда кучли таассуротлар қолдирадиган ва қизиқтирадиган нарсаларни беихтиёр эслаб қоладилар. Улар тафаккурининг ривожланиши ўзига хос хусусиятга эга. Мактабгача ёшдаги болаларнинг тафаккурлари жадал ривожлана бошлайди. Унинг асосий сабаблари шундаки:

1. Мактабгача таълим ёшидаги болаларда ижтимоий тажриба ортади;
2. Мактабгача таълим жараёнида бола нутқи самарали ривожланади;

3. Мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг эркин, мустақил ҳаракатлар қилиш имкониятига эгаликларидадир.

Мактабгача таълим ёшидаги болаларда турли соҳага доир саволларнинг туғилиши улар тафаккурининг фаоллашаётганлигидан дарак беради. Бола ўз саволига жавоб топа олмаса ёки катталар унинг саволига аҳамият бермасалар, ундаги қизиқувчанлик сўна бошлайди. Шу туфайли болаларнинг интеллектуал ривожланишига масъулият билан ёндашиш талаб этилади.

УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЁШЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА АЖДОДЛАР ПЕДАГОГИК МЕРОСИНING ЎРНИ

З.Жалилов,
БухДУ, ўқитувчи

Мустақиллик йилларида жамиятимизда юз бераётган ўзгаришлар, фан ва таълим тизимининг ривожланиши аجدодлар меросига нисбатан янгича, ҳаққоний қарашни тақозо қилмоқда. Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда, Абу Ҳомид Ғаззолий ва унинг таълимотидаги илғор педагогик ғояларни ажратиш ва ёшларга ўргатиш орқали уларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш лозим. Абу Ҳомид Ғаззолий таълимотида ифодаланган ёш авлодни ҳар томонлама баркамол шахс қилиб тарбиялаш, жамият тараққиёти учун фидокорлик кўрсатиш, ҳалол лўқма эгаси бўлиш, юрт тинчлиги йўлида хизмат қилиш каби тарбиявий ғоялар алоҳида дидактик аҳамиятда эга.

Ғаззолийнинг фикрича, ёшларни баркамолликка етакловчи асосий мезон – ақл-заковат, кучли фаросат, саховат, ҳалол лўқма топиш ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Абу Ҳомид Ғаззолийнинг қарашлари, ғоялари ўзига хос алоҳида педагогик аҳамиятга эга бўлиб, тарихий ҳамда маънавий илдизларига эга.

Абу Ҳомид Ғаззолий ҳар бир асарида фарзандлар тарбиясига алоҳида урғу беради, ёшларни жамиятнинг келажagini қурувчилар, деб ҳисоблайди. Шу билан бир қаторда, аллома уч хил йўналишдаги олимлар мавжудлигини таъкидлайди:

1. Ўзини ҳам, бошқаларни ҳам ҳалок этувчи олимлар.
2. Ўзини ҳам, бошқаларни ҳам саодатга елтувчи олимлар.
3. Ўзини ҳалок қилиб, бошқаларни саодатга йўлловчи олимлар.

Абу Ҳомид Ғаззолийнинг мазкур фикрларидан аён бўладики, бугунги кунда биз мумтоз меросимизга асосланиб таълим тизимида “Устоз-шогирд” муносабатларини тиклашга қилинаётган ҳаракатимизни олдиндан кўра олган ва устозларнинг сифатларини очиб берган. У “Эй, фарзанд” асарида қуйидаги фикрларни келтиради: “Олимлар суҳбатларида қатнашишга ҳаракат қил; одобдан ташқари сўз ва ҳаракатлар қилма. Жамоат ҳузурига салом бериб кир”.¹⁹

Алломанинг илмий асарларида устозлар ва мураббийлар “олимлар” деб ҳисобланган, улар донишмандларга тенглаштирилган. Ғаззолий таълим олувчилар ва таълим берувчи олимлар ҳамда муаллимлар одоблари, улар орасидаги ҳамкорлик муносабатларига алоҳида тўхталган.

Айниқса, мустақиллик шароитида таълим муассасаларида “Устоз-шогирд” муносабатларини тиклаш борасидаги саъй-ҳаракатларимиз борасида ҳам адиб фикрлари қимматли манба бўла олади. Чунончи, Имом Ғаззолий “Илм” китобида таълим берувчи ва таълим олувчилар одоблари ҳақида батафсил ёритилган. Унда ўқувчи-талабалар риоя қилиши лозим бўлган одоб ва зоҳирий қоидаларни бирма-бир баён қилган. Ғаззолийнинг

¹⁹ Абу Ҳомид Ғаззолий. Эй, фарзанд.- Тошкент: Мовароуннахр, 2005. 60-б.

фикрича, ўқувчи-талабалар билим эгаллашда қуйидаги ахлоқий қоидаларга риоя қилиши керак:

1. Аввало ёшлар қалбини жирканч хулқлар, ёмон сифатлардан поклаш керак. Чунки, илм қалб ибодати, фаришталар қўнадиган бир уйдир. Ғазаб, гина, ҳасад, кибр, манманлик, разил сифатлар копагон итга ўхшайди. Фаришталар қўппаклар орасига кирмайди. Илм нури қалбга фаришталар воситасида киради. Илм шунчаки ривоят эмас, балки қалбга сочиладиган нурдир.

2. Илм толиби дунёнинг бошқа машғулотларидан холи бўлиб, ватандан йироқда бўлиши лозим. Бошқа ишлар ва кишилар билан машғул бўлиш илм олишдан чалғитади. Фикрлар турли томонга сочилса, ёшларда илмнинг моҳиятини англаш, ҳақиқатни билиш қийинлашади.

3. Талаба илм олиб кибрланмаслиги, устозига қарши чиқмаслиги шарт. Балки, барча ишда бутунлай жиловини муаллимга топшириши, унинг насихатига қулоқ солиши, хизматини қилиши лозим. Муаллимнинг кўрсатмаларини гўзал тарзда эшитиши, унга итоатда бўлиши, шукри, хурсандлиги, миннатдорлигини изҳор этиши лозим.

4. Илм олишни ихтиёр қилган талаба жамиятдаги ва одамлар ўртасидаги ихтилофлардан ўзини четда тутиши зарур. Чунки, бу ихтилофлар талабанинг ақлини даҳшатга солади, зеҳнини ҳайратлантиради, фикрини эса заиф қилади. Натижада, таълим олувчилар илм йўлида умидсизликка тушади.

5. Толиби илм барча яхши илмларнинг бирортасини қолдирмасдан ўрганмоғи ва ўз олдига қўйган мақсадига етмоғи муҳимдир. Илмларни ўрганиб қолмасдан, балки, уларни чуқурлаштириши, агар улар барчасини эгаллашнинг иложи бўлмаса, энг муҳимлари билан шуғулланиши, имкон қадар мукаммаллаштириши лозим.

6. Илм олишда шогирд турли илмларга киришиб кетмаслиги, маълум тартиб асосида муҳимини ўрганишдан бошлаши лозим. Чунки, инсон умри барча илмларни ўрганишга етмайди. Шунинг учун, фарзандлар ўз кучи, ақл-заковатини маълум бир соҳани ўрганишга йўналтиришлари зарур.

7. Аввало, бир ўқув фанини мукаммал ўрганмасдан туриб, бошқасига киришмаслик керак. Чунки, илмларнинг заруриятига кўра тартиб-мартабаси бор. Бир илм, иккинчи илмга йўл вазифасини ўтайди. Ўша тартиб ва тадрижийликка риоя қилингандагина муваффақият қозонилади. Илмнинг бир соҳасини мукаммал ўрганиб бўлгач, ундан юқори даражадаги илмга киришмоқ лозим.

8. Фарзандлар шарафли илмларга олиб борадиган сабабларни ҳам билишлари талаб этилади. Сабаблар деганда эса, икки нарса назарда тутилаяпти: биринчиси, натижасининг шарафли бўлиши, иккинчидан, далилнинг қувватли ва ишончли бўлиши.

9. Талаба мақсадга олиб боровчи илмни яхши билиши лозим. Мақсадларга яқин ва юксак бўлган илмлар мақсадларидан узоқ бўлган илмлардан афзалдир. Муҳим бўлган илмлардан мурод аҳамиятли бўлганларидир. Илм толибининг дунё ва охиратдаги ҳолатига боғлиқ бўлган илмлар аҳамиятли ҳисобланади.

Имом Ғаззолийнинг фикрича, толиби илмлар юқоридаги қоидаларни англаши ва тушуниб олиши лозим. Шу билан бир қаторда, улар мавжуд куч-ғайратларини илм олишга сарфлашлари зарурлигини уқтиради. Бу фикрлар ҳозирги вақтда биз миллий меросимиз талаблари асосида ўқув юртларида “Устоз-шогирд” муносабатларини тиклашга қилаётган саъй-ҳаракатларимиз узоқ тарихий ва ахлоқий илдизларга эгалигидан далолатдир.

Биз юқорида айтиб ўтганимиздек, Имом Ғаззолий бутун умрини фарзандлар таълим-тарбиясига бағишлаган. Аллома ўзининг тарбиявий йўналишдаги асарларида мураббийларнинг ҳам вазифалари, яъни билим беришда риоя қилиши лозим бўлган ахлоқий талабларни баён қилган. Биз кейинги тадқиқотларимизда мана шу ахлоқий талаблар ҳақида фикр билдиришга ҳаракат қиламиз.

ТАЪЛИМ–ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА ЭКОЛОГИК КОМПЕТЕНТЛИЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ БАЪЗИ ЖИҲАТЛАРИ

И.А.Хуррамов,

Олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази,
катта илмий ходим-изланувчи

Экологик таълим-тарбия жараёнида компетентлилик ёндашув ҳозирги кунда умумий экологик таълимни модернизациялашнинг назарий-амалий асоси сифатида қараш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. У келгусида атроф-муҳит ҳолати ва унинг барқарор ривожланиши муаммоларини ҳал қилишга ўз ҳиссасини қўшадиган ижтимоий фаол фуқароларни шакллантиришни таъминлашга қаратилган. Компетентлилик ёндашувининг шахсга йўналтирилган ва фаолиятли хусусиятидан келиб чиққан ҳолда экологик компетентлиликни шахснинг мураккаб экологик ҳаракат турларини амалга оширишдаги чуқур мулоҳаза қилинган қобилияти, потенциали ва тажрибаси, экологик компетенцияни эса, шунга мос равишда – ушбу қобилият, потенциал, тажрибанинг мазмунига нисбатан қўйиладиган мос келувчи меъёрий талаблар сифатида таърифлаш мумкин.

Узлуксиз таълимнинг таълим компетенциялари тизимида экологик компетенциянинг ўрнини аниқлаш учун компетенцияларнинг классификациясини кўриб чиқиш, шунингдек компетенциялар рўйхатини тузишга бўлган илмий-амалий педагогик ёндашувларни аниқлаш, уларни тизимлаштириш зарур.

Шу билан бир қаторда, экологик компетенциянинг муаммоларини ҳал қилиш, танқидий мулоҳаза юритиш, сиёсий ва иқтисодий жиҳатларини ҳисобга олиш, саломатлик, эҳтиёжлар, шунингдек атроф-муҳит билан боғлиқ хатти-ҳаракатларни баҳолаш, ҳамкорлик қилиш, масъулиятни зиммасига олиш каби алоҳида элементларини ажратиш лозим.

Экологик компетентлиликни аниқлаш фаолиятнинг қуйидаги соҳаларида амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Билиш соҳасида – ҳар хил манбаларни қўллаган ҳолда атроф-муҳитни ўрганиш усулларини ўзлаштириш, экологик тадқиқотларни амалга ошириш, экологик муаммоларни ҳал қилиш услубларини ўзлаштириш, экологик вазиятлардан чиқиш бўйича тўғри қарорлар қабул қилишни ўрганиш;

Фуқаролик-жамоатчилик соҳасида – атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий заҳиралардан фойдаланиш соҳасида фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини амалга ошириш, маҳаллий (мактаб) ҳамжамияти ҳаётида, экологияни яхшилашга қаратилган ҳаракатларда, табиатни муҳофаза қилиш бўйича жамоатчилик ташкилотларининг фаолиятида иштирок этиш;

Ижтимоий меҳнат қилиш соҳасида – экологик профилга эга бўлган касбга, ишга ёки лавозимга эга бўлишга йўналтириш;

Маиший соҳада – соғлом турмуш тарзи бўйича ҳаёт кечириш, зарарли одатлардан воз кечиш, маиший турмушда табиий заҳиралар истеъмолини қисқартириш ва экологик хавфсизлик талабларига амал қилиш;

Маданий бўш вақтни ташкил қилиш соҳасида – бўш вақтни ўтказишда шахсни маданий ва маънавий жиҳатдан бойитадиган усулларни танлаш, жумладан, бўш вақтни табиат қўйнида ўтказиш.

Ушбу ёндашувни ижтимоий йўналтирилган ёндашув дея аташ мумкин, чунки бунда компетенциялар таркибини асослаш - таълим мазмунини шахснинг тузилишига мос равишдаги қурилишидан - жамоатчилик муносабатларининг йиғиндиси сифатида келиб чиқади.

Шахсга йўналтирилган ёндашув доирасида шахснинг муносабатлари контекстидан табиатга боғлиқ бўлган муносабатларни чиқариб ташлаш ҳеч қачон ўзини оқламайди. Экологик муносабатлар ўз ичига шахснинг ўзига, бошқа одамларга, фаолиятга нисбатан

бўлган муносабатларини олади, бироқ бу муносабатлар экологик муносабатлар кўринишига келтирилмайди.

Юқорида келтирилган ёндашув экологик компетентлиликнинг алоҳида таркибий қисмлари шаклланиши учун имкониятларни кўриш мумкин:

- саломатликни асраш – соғлом турмуш кечириш меъёрларига амал қилиш;
- қиймат-маъно йўналишидаги компетенция – ҳаётни қадрлаш, экологик кадр-қиммат;
- интеграция – экологик ёндашувга замонавий одам яхлит дунёқарашининг асоси сифатида қараш;
- фуқаролик – атроф–муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга амал қилиш, масъулиятни зиммасига олиш, бурчни бажариш;
- ўз-ўзини такомиллаштириш, рефлексия – ҳаётдан маъно қидириш, экологик касбий йўналишни ривожлантириш, экологик маданиятга эга бўлиш;
- ижтимоий ўзаро ҳаракатлар – ижтимоий шерикчилик, экологик муаммоларни ҳал қилиш жараёнидаги ҳамкорлик;
- фаолият – экологик муаммоларни аниқлаш ва ҳал қилиш, экологик тадқиқотларни амалга ошириш, экологик лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш (режалаштириш, лойиҳалаштириш, истиқболни белгилаш, янги инфорацион технологияларни қўллаш).

Шу билан биргаликда, берилган шахс-фаолият ёндашуви экологик компетенциянинг мазмун ва моҳиятини асослашда ўта конструктив ҳисобланади. Шахсга йўналтирилган ёндашувдан фарқли равишда, у фақатгина компетенциялар жамланмаси орқали ижтимоий-маданий тажрибани тузилмалаштириб қолмасдан (ундан кейинчалик таълим мазмуни шаклланади), балки мазмунни танлашда талабаларнинг фақат ижтимоий-маданий тажрибаларга эга бўлишини эмас, уларнинг ўз шахсий тажрибасига эга бўлиши имконини яратадиган асосий фаолият турларидан ҳам келиб чиқади. Бу экологик компетентлиликни барқарор ривожланиш йўлидаги илгарилаб кетувчи экологик таълим доирасида шакллантиришнинг зарурий шarti ҳисобланади²⁰.

Экологик таълим мазмунини модернизациялашга нисбатан муаммоли йўналтирилган ёндашувнинг қўлланилиши, агар экологик компетенцияни аниқлашда экологик муаммоларни ўрганиш ва ҳал қилиш соҳасида тайёргарликка нисбатан қўйиладиган талабларнинг йиғиндиси таркиб топтирувчи сифатида ҳисобга олинадиган бўлса, ўта маҳсулдор бўлиб чиқади. Бундан кўриниб турипдики, замонавий ижтимоий–иқтисодий компетенцияларнинг натижаларига мос келиши:

- маҳаллий, миллий ўлчамларда ҳам, глобал ўлчамларда ҳам атроф-муҳит муаммоларининг долзарблиги;
- ҳаёт фаолиятининг экологик соҳасини долзарблантириш;
- умумтаълим мактаби битирувчиларини атроф-муҳит муаммоларни ҳал қилишга тайёрлаш ҳисобига бажарилади.

Шубҳасиз, ҳозирги кунда иқтисодиётда ва жамоатчилик ҳаётида радикал (туб илдизли) ўзгаришлар кузатилмоқда, фаолиятнинг янги соҳалари ва турлари ўта тезкорлик билан пайдо бўлмоқда ва мактаб (аниқроғи, таълим мазмунини янгилаш жараёнлари) уларнинг изидан етиб улгуролмаётир. Бироқ, компетентлилик ёндашувининг фақатгина ижтимоий-иқтисодий нуқтаи назардан кўриб чиқиши (“таълимнинг меҳнат бозорининг тобора ўзгариб бораётган талабларига муқобил (альтернатив) жавоби”, “ҳодимлардан янги атроф–муҳит муаммоларига муносабатлар”) экологик жиҳатни эътибордан четда қолдирмоқда, экологик жиҳатлар (жамият ва иқтисодиёт билан бир қаторда) атроф–муҳитнинг учта асосий таркибий қисмини акс эттиради²¹, уларнинг биргаликда ҳисобга олиниши барқарор ривожланиш концепциясининг асосий талабларидан бирини ташкил қилади. Экологик жиҳатдан

²⁰ Захлебный А. Н., Дзятковская Е. Н. Экологическая компетенция - новый планируемый результат экологического образования // Экологическое образование: до школы, в школе, вне школы. - 2007. - № 3. - С. 3-8.

²¹ Фрумин И. Д. Компетентностный подход как естественный этап обновления содержания образования // Педагогика развития: ключевые компетентности и их становление: Материалы 9-й научно-практич. конф. - Красноярск: Краснояр. гос. ун-т, 2003. - С. 33-57.

асосланмаган иқтисодий ўсиш ва ижтимоий қайта шаклланишлар истиқболга эга бўлмайди, чунки улар инсон, жамият ва табиат ўзаро муносабатларининг уйғунлашувига олиб келмайди, аксинча, экологик муаммоларнинг чуқурлашувига олиб келади. Компетентлилик ёндашувининг шиори сифатида қабул қилинадиган латинча «Non scholae vitae discimus» («Мактаб учун эмас, ҳаёт учун ўқиймиз») мақоли фақатгина “ҳаёт” тушунчаси гуманитар маънода ҳам, табиий маънода ҳам бир хил англаган ҳолатда ўз маъносига эга бўлади.

Шундай қилиб, муаммоли-йўналтирилган таълим доирасида экологик муаммоларни ҳал қилиш соҳасида, яъни ҳаётни асраш ва барқарор ривожлантиришда педагог кадрларнинг тайёргарлик даражасига (қобилият, шайлик, тажриба) нисбатан қўйиладиган меъёрий талаблар тизими сифатида тушуниш мумкин. Ушбу ҳолатни исботлаш учун тарихий-педагогик таҳлилдан, назарий-амалиётли асослашдан, эксперт сўровларидан фойдаланиш лозим.

ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ПОДГОТОВКИ И РАЗВИТИЯ БУДУЩЕГО УЧИТЕЛЯ

Р.Б.Ярматов,
Джизакский ГПИ, преподаватель

Нами были изучены и проанализированы возрастные особенности студентов во время педагогической практики с позиций психологических подходов, и на этой основе определены ведущие факторы, влияющие на воспитание и развитие будущих учителей.

Во-первых, это мировоззрение, идеалы, убеждения будущего учителя, которые будут отражаться в его дальнейшей деятельности.

Во-вторых, личностные качества будущего учителя – целеустремленность, духовность, общественная активность, идейность, отношение к национальным ценностям и др.

В процессе воспитания и развития будущих учителей принимаются во внимание и такие свойства личности, как богатство эмоционально-чувственной сферы, уровень культуры, интеллектуальная развитость, логическое мышление, стремление к знаниям, интерес к профессиональным знаниям, ценностные ориентации, постоянное стремление к повышению уровня профессионализма, социальная активность, коммуникативная культура, потребность самовоспитания, личного совершенствования.

Воспитание и развитие будущего учителя-одна из важных проблем в психологии. Данная проблема является составной частью общей и возрастной психологии, рассматривающей вопросы, связанные с развитием склонностей, воспитанием характера, формированием поведения личности в конкретных условиях.

Процесс воспитания и развития будущего учителя связан с изменением его личности и поведения, проявлением себя в общественной жизни, с его ценностными ориентациями, поступками и привычками в повседневной жизни – со всем, что относится к психологии личности.

Применительно к рассматриваемой нами проблеме данное утверждение означает, что будущий учитель должен осознанно подходить к своей деятельности, иметь определенное представление о материальной стороне профессии, четко представлять свои перспективы, планировать будущую деятельность и постоянно совершенствовать профессионально-личностные качества.

Подготовленный таким образом будущий учитель проявляет себя в профессионально-общественном плане. Он постоянно занимается самообразованием и особенно повышением профессиональных знаний. У таких специалистов можно наблюдать осознанную деятельность, соблюдение этических и правовых норм, высокий уровень педагогического сотрудничества (то есть отношений учитель-ученик), устойчивый интерес к избранной профессии.

Формирование профессионализма у будущих учителей связано с усвоением духовных и культурных ценностей, овладением общепедагогическими знаниями и одновременно с развитием и совершенствованием личностно-профессиональных качеств. Организуя учебный процесс и внеаудиторную работу со студентами следует ориентироваться именно на комплексную подготовку будущих учителей к профессиональной деятельности.

В число обязательных профессиональных навыков будущего учителя входят:

- изучение индивидуальных особенностей учащихся;
- усвоение новых критериев профессиональной этики;
- самовоспитание: развитие в себе необходимых профессионально-личностных качеств.

К последнему требованию можно добавить что будущие учителя должны уметь критически оценивать себя, в будущей профессиональной деятельности постоянно пополнять свои знания и овладевать секретами профессионального мастерства.

Избранная студентами профессия обязывает их быть неравнодушными, чувствовать настроение учащихся и переживать вместе с ними радости и неудачи, быть в курсе интересов и увлечений своих учеников и умело направлять их на путь познания и самосовершенствования.

Будущего учителя необходимо готовить к профориентационной работе с учащимися. Свой интерес к профессии, ее творческие стороны учитель должен раскрыть перед учащимися.

Среди задач по развитию у учащихся интереса к профессии учителя, можно выделить следующие:

- а) формирование положительного отношения учащихся к профессии учителя, доведение до их сознания значимости профессии, её гуманного характера;
- б) стимулирование у учащихся глубокого овладения знаниями в избранной области;
- в) выявление причин, повлиявших на выбор профессии, и определение их роли для профессионального формирования и развития.

В воспитании и развитии будущих учителей большое значение приобретают их личные качества и психические свойства.

Особо следует отметить аналитические способности и способности к обобщению, способ мышления (проблемное, творческое, теоритическое, эмпирическое, образное мышление), умения делать выводы и резюме, особенности эмоционально-чувственной сферы. Специфика педагогического труда связана и с такими качествами личности, как репродуктивные или продуктивные (творческие) способности, общественные или индивидуальные склонности, психическая устойчивость, традиционное мышление, романтическая увлеченность, мечтательность, быстрота реакции, воспитанность и многими другими.

В процессе подготовки будущего учителя необходимо принимать во внимание умения управлять своим поведением и поступками, его отношения с окружающими.

Профессия учителя предполагает его участие в разных видах деятельности, следовательно, будущие педагоги должны быть к этому готовы. Основные виды деятельности таковы:

- учебно-познавательная деятельность;
- внеучебная, интеллектуально-творческая и общественная деятельность;
- педагогическая деятельность (в процессе практики это может быть учебная и воспитательная деятельность).

Государственная политика в области подготовки кадров и в частности-педагогических кадров направлена на подготовку высокообразованных специалистов, способных выполнить ответственную задачу воспитания всесторонне развитого молодого поколения.

БЎШ ЎЗЛАШТИРУВЧИ ЎҚУВЧИЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ИМКОНияТЛАРИ

Л.Элибоева,
Бухоро ДУ, ўқитувчи

Республикамизда 1997 йилда Олий Мажлиснинг IX сессиясида Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” қабул қилинган, ДТСларни ишлаб чиқиш, таълим мазмунини янгилаш ва педагогик технологиялар билан таъминлаш давлат сиёсати даражасидаги устувор мақсадга айланиб, ижтимоий буюртманинг асосини ташкил қилди. Шу мақсадда, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил августда қабул қилинган 390-сонли қарори билан таълимнинг ДТСлари тасдиқланди. Ижтимоий буюртманинг ўта муҳим жиҳатини таърифлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов шундай ёзган эди: “Янги дарсликларни, замонавий педагогик ва ахборот технологияларини ўз вақтида ишлаб чиқиш ва жорий этишни таъминлашни алоҳида назорат остига олиш зарур”²². Бу вазифаларни адо этиш педагог олимлар ва амалиётчилар олдида бир қатор муаммоларни ечиш заруриятини қўйди. Бунинг учун ўқувчининг ўзлаштиришига ёрдам берадиган яширин имкониятларини рўёбга чиқаришга хизмат қиладиган ўқув топшириқлари, машқлар тизимини ишлаб чиқиш, уларни назарий жиҳатдан асослаш, ўқув жараёнини замонавий талаблар асосида ташкил этиш, унинг таркибини асослаш ва кафолатланган натижаларга эришиш йўллари кўрсатиш кабилар шулар жумласидандир. Шундай муҳим масалалар сирасига ўқувчилар фаоллигини оширишнинг самарадор усул ва воситаларини назарий ҳамда амалий жиҳатдан тавсифлаш муаммосини ҳам киритиш мумкин.

Кейинги йилларда олиб борган кузатишларимиз шуни кўрсатадики, узлуксиз таълимнинг асосий бўғинларидан бири бўлган бошланғич таълимда ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг ўзлаштиришига монелик қиладиган омиллар кўзга ташланади. Жумладан, мактаблардаги моддий-техника базаси талаб даражасида бўлса-да, ўқувчиларнинг саводхонлиги, математик ҳисоблаш кўникмалари ДТС талабларидан айрим ҳолатларда паст эканлигининг гувоҳи бўламиз. Ҳар бир синфда 7-8 нафар паст ўзлаштирувчи ўқувчи кўзга ташланади. Бундай ҳолатларнинг келиб чиқиш сабаблари ирсий ҳам бўлиши мумкин. Баъзи ҳолатларда мактабларда ўқув-тарбия жараёнининг ногўри ташкил этилиши оқибатида ҳам келиб чиқмоқда. Жумладан, синфларда ўқувчилар сонининг кескин 30-35 нафарга оширилиши ҳам ўқувчиларнинг ўзлаштиришига таъсир қиладиган омил саналади. Бундай шароитда ўқитишнинг янги замонавий усулини тадқиқ қилиш лозимга ўхшайди. Ҳозирги кунда мутахассисларни қизиқтирадиган муаммолардан бири таълим жараёнининг “самарадорлиги” ва “сифати”ни ошириш масаласи ҳисобланади. “Самарадорлик” ва “сифат” инсон фаолиятининг барча соҳаларида энг кўп қўлланиладиган тушунчалардир. Аммо уларнинг педагогик моҳиятини таҳлил қилишга оид ишлар бармоқ билан санарли даражада оз. Бу тушунчаларнинг мазмуни, ҳажми ва уларнинг педагогик жиҳатларини ўрганишга оид адабиётларнинг танқислиги самарадорлик ва сифат тушунчаларининг ўта мураккаблиги, фанлараро ҳодиса эканлиги билан изоҳланади.

Самарадорлик таълим жараёнида қўйилган мақсад билан эришилган натижа ўртасидаги тафовутга кўра ўлчанади. Агар эришилган натижа қўйилган мақсадга қанча яқин бўлса, таълим жараёни шунча самарали амал қилган ҳисобланади. Акс ҳолда натижа қўйилган мақсаддан қанча тафовут қилса, таълим жараёнининг самараси шунча паст саналади. Булардан маълум бўладики, самарадорлик таълим жараёни жиҳатидан ўрганиладиган, таҳлил қилинадиган ҳодисадир.

Таълимнинг сифати дейилганда билим, фаолият усуллари атрофлича чуқур ўзлаштириш, билим ва фаолият усулларидаги тезкорлик - оперативлик билан фойдаланиш, муаммо, топшириқ, тест ва машқларни бажариш суръати, ўрганилган билимларни татбиқ қилиш даражаси – секин, ўртача, тез, матн мазмунини қисқартириб ёки кенгайтириб сўзлай олиш,

²² Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. ТАТ, 7-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1999.–412 б.

билимларнинг тўлиқлиги кабилар тушунилади. Мисол тариқасида таълим сифатининг энг сўнгги белгиси – билимларнинг тўлиқлигини олиб кўрайлик. Билимларнинг тўлиқлиги Давлат таълим стандартларида белгиланган меъёрий талабларга, ўқув дастурларида белгиланган билим, кўникма, малака, ижодий фаолият тажрибаси мазмуни ва ҳажмига кўра таҳлил қиланади.

Бошланғич синфларда бўш ўзлаштирувчи ўқувчиларнинг фаоллигини ошириш ўз моҳиятига кўра комплекс муаммо бўлиб, у жамиятнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланганлиги, мамлакат фуқароларининг сиёсий, маърифий, маданий тарбияланганлиги, мактаб ўқитувчиларининг замонавий ўқитиш воситалари, усуллари, тамойиллари бўйича атрофлича билимга эгалликлари, ёшларнинг ўқиш-ўрганишга иштиёқмандлиги билан узвий боғлиқ ҳодисадир. Бу жиҳатдан ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштиришлари алоҳида аҳамият касб этади.

Педагогик ва психологик луғатларда «ўзлаштириш» деярли бир хил талқин қилинган. «Билимларни ўзлаштириш, - деб ёзилган педагогик луғатда, - билим, малака, кўникмаларни эгаллашга йўналган билув фаолиятидир». Ўрганилаётган ҳодисани таҳлил қилиш, таҳлил қилинганларни қайта кўшиш, умумлаштириш жараёнлари асосида тушунчалар ётади. Бола умумлаштиришга аста-секин етиб келади. Билиш фаолиятининг ўзига хослиги, бинобарин, умумлаштиришнинг ҳам турли-туманлиги, фаолиятнинг индивидуаллигига боғлиқ*.

«Ўзлаштириш - деб ёзилган психологик луғатда, - индивиднинг ижтимоий-тарихий тажрибани эгаллашининг асосий йўли». Ўзлаштиришда инсон хатти-ҳаракатларининг мазмуний, эмоционал, мотивлаштириш, усулий нуқтаи назарлари иштирок этади. Ўзлаштиришнинг самарадорлиги, унинг сифати шахснинг қобилиятига боғлиқ. Ўзлаштириш кишининг ижтимоий-тарихий тажрибани эгаллашида кўзга ташланади**.

Психологик адабиётларда «ўзлаштириш» ҳодисаси турли нуқтаи назардан таҳлил қилинган. Агар Ж.Брунер ўзлаштиришнинг давомийлигини ҳисобга олиб, унга билимларни «идрок қилиш, тушуниш ва уларга ишлов беришдан тортиб, токи уларни болаларнинг шахсий мулкига айлантиришга бўлган йўлни босиб ўтишлари» йўсинида таърифлаган бўлса, К.К.Платонов «олдин тушунилган билимларни эсга олиш имкониятининг мавжудлигидир» деган аниқликни берган. Л.И.Божович ўзлаштиришнинг давомийлигини, К.К.Платонов ўзлаштирилган билимнинг зарурият туғилганда фойдаланиш имкониятига эгаллигини ҳисобга олишган. Ҳақиқатан ҳам ўзлаштириш давомли жараёндир. Маълум бир билимни атрофлича ўзлаштириш учун ўрганилаётган объектлар таҳлил қилинади, қайта бирлаштирилади, у турли ўқув ҳолатларига татбиқ қилинади. Шу билан бирга, амалий фаолиятда атрофлича таҳлил қилинган, тушунилган, шахсий фаолият таркибига ўтган билимларгина ишлатилади. Зеро, билимларни фаолиятда ишлатиш бу уларни эсга тушириш демакдир.

ҚОБИЛИЯТНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАР

М.К.Ержанова,

К.Убайдуллаев номидаги РПКҚТМОИ, катта ўқитувчи

Ҳар бир ота-она ўз фарзандини дунёга келтирар экан, соғлом педагогик-психологик муҳитда унинг ҳар томонлама етук, маънавий бой, баркамол шахс бўлиб етишини хоҳлайди. Қизиқишлар барча болаларда мавжуд. Фақат буни биз диққат билан англай олишимиз шарт. Қизиқишлар психологик жиҳатдан «Мен» нинг таркибида бўлади. Қизиқишлар болаларда ўз ўрнида тўғри шакллантирилса, у қобилият даражасига бориб етади. Мен амалиётда шу нарсага амин бўлдимки, кўпчилик ота-оналар фарзандларидаги бирон нарсага бўлган қизиқишни сезиб қолсалар, фарзандимнинг шу нарсага қобилияти бор деб гапирадилар. Аслида, қобилият қисқа вақт ичида шаклланадиган хусусият эмас. Бунинг учун биринчи

*Краткий педагогический словарь. –М.: Политиздат, 1984. –с. 289

**Краткий психологический словарь. –М.: Политиздат, 1985. –с. 368.

ўринда ота-она, мактаб ўқитувчиси, мактаб амалиётчи психологи ҳамкорликда бу болалардаги қизиқишларга ёрдам беришлари керак.

Болаликнинг беғубор дунёси орзу-умид ва хаёлларга жуда ҳам бойдир, улар кичкиналигидан турли нарсаларни ёзиш-чизиш ва хатти-ҳаракатлари билан қизиқишларини намоён этиб, «мен фалончи бўламан» дея такрор-такрор айтишади. Ростдан ҳам уларнинг ушбу ҳаракатларида айрим нарсаларга лаёқати борлигини кўриб қоласиз, аслида эса қобилиятсиз боланинг ўзи бўлмайди, фақат биздан шу қизиқишларни вақтида англаб, уни тўғри йўналтириб бориш лозим бўлади. Биз бу орқали нафақат қобилиятни юзага чиқарган балки фарзандимиз учун ҳақиқий ҳаётда ўз ўрнини топишга ёрдам ҳам берган бўламиз, сабаби ҳар қандай киши ўзи севган касби орқали бахтга эришиши, ҳақиқий касбининг эгалари бўлиши мумкин. Ўз навбатида эса қобилиятни шакллантиришдаги ижобий омил бўлган қизиқишларни қуйидагича белгилаш мумкин.

Қизиқиш шахснинг муҳим психологик жабҳаларидан бири ҳисобланиб, унда инсоннинг индивидуал хусусияти бевосита мужассамлашади. У шу жиҳатлари билан бошқа шахслардан ажралиб туриши ва ўзининг «мен»ига эга бўлиши мумкин. Шунингдек, у инсонларнинг дунёқараши, эътиқодлари, идеаллари, яъни унинг олий мақсадлари, эзгу ниятлари, орзу умидлари билан ҳаётда бевосита муҳим роль ўйнайди ҳамда уларнинг муваффақиятли кечишини таъминлаш учун хизмат қилади. У билимларни онгли, пухта, барқарор англаган ҳолда ўзлаштиришда, кўникма, малакаларни шакллантиришда, шахс қобилияти, зеҳни, уқувчанлиги ривожлантиришга, оламни мукамалроқ тушунишга, билим савиясининг кенгайишига ёрдам беради. Қизиқишнинг психологик моҳиятидан келиб чиққан ҳолда ёндашилганда, қизиқиш, инсонда интилиш, фаоллик, ички туртки, эҳтиёжни рўёбга чиқариш манбаи ролини бажаради.

Жаҳон психология фанининг йирик намоёндалари шахснинг қизиқишини унинг яхлит руҳий дунёси билан, бинобарин, одамнинг ақлий фаолияти, билиш жараёнлари, иродаси, характери, темпераменти, ҳиссиёти, қобилияти билан, умуман олганда, инсон тузилишининг барча қирралари билан боғлиқ тарзда тушунтиришга ҳаракат қиладилар.

Қизиқишлар ўзларининг даражаларига қараб барқарор ва беқарор турларга ажратилади. Барқарор қизиқишга эга бўлган шахс узоқ вақт давомида ёқтирган предметларига, объектларига, ҳодисаларига нисбатан ўз майлини ҳеч ўзгаришсиз сақлаб тура олади. Шу боисдан инсон эҳтиёжларини ўзида мужассамлаштирувчи, шахснинг руҳий фазилатига айлана бошлаган қизиқишлар барқарор қизиқишлар дейилади. Барқарор қизиқиш шахс қобилиятининг ривожланганлигидан дарак бериши мумкин. Ана шу нуқтаи назардан олиб қараганимизда, мазкур қизиқиш ташхис қилувчанлик хусусиятига эга. Бироқ инсонларда барқарор қизиқишнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш учун уларнинг меҳнат фаолияти ва ўқув жараёнидаги қизиқишларининг ташқи ифодасини атрофлича ўрганишга тўғри келади. Барқарор қизиқиш тўғрисида мулоҳаза юритилганда, унинг бошқа таркибий қисмлари ва қирраларини ҳисобга олиш лозим, чунки бу нарса кўп жиҳатдан шахснинг иродавий сифатлари, характерининг вазминлигига боғлиқ.

Қизиқишнинг барқарорлиги унинг нисбатан жадал тарзда намоён бўлиши ҳамда узоқ давом этиши билан ифодаланади. Қизиқишларнинг баъзи ҳолатларда беқарор бўлиш инсонларнинг ёш, жинс, типологик хусусиятига боғлиқдир. Бундай тоифадаги одамларда қизиқишлар ғоятда эҳтиросли кечади, бироқ қисқа муддатли бўлиши мумкин.

Ҳаётий мисол тариқасида айтадиган бўлсак, кичик ёшли болаларда турли йўналишлардаги ранг-баранг қизиқишлар намоён бўлади. Танишларимдан бири келиб ўғлининг мусиқага бўлган қизиқишини англаб қолганлигини ва уни шакллантириш мақсадида мусиқа мактабига жалб этганлигини айтди. Лекин, муаммо шундаки, у мусиқа мактабидаги бир тўғаракга бир-икки ой қатнашгандан сўнг бошқа йўналишга ўзгаришини айтиб келади. Энди нима қилиш керак, балки, бу ундаги ўткинчи қизиқишдир, деб маслаҳат сўраб қолди. Бу ҳолатда маслаҳатимиз болага ўзидаги етакчи қизиқишни англаб олишига имкон бериш керак, деб ҳисоблаймиз. Чунки бола вақт ўтиши мобайнида ўзидаги етакчи қизиқишни тўғри англаб олади.

Қизиқишнинг қобилият даражасида шаклланишида айрим вақтларда ота-оналарнинг ўзлари ҳам фарзандларига нисбатан тўсиқ бўлиши мумкин. Масалан, ота-она ўғил фарзандининг расм чизишга бўлган қизиқишини кўриши мумкин. Бу ота-она учун муаммо эмас, рассомчилик санъати олдиндан ривожланиб, бу бизнинг менталитетимизда кадрланиб камол топиб келаётган касблардандир. Шу сабаб, ота-она фарзандига шароит яратиб беришга имкон қадар ҳаракат қиламиз дея, битта акварель буёқ, мўйкалам, қора қалам, расм дафтари, плакат ва ҳоказоларни олиб бериши мумкин. Шу билан бу улар тарафидан яратилган шароит деб ҳисобланади, лекин, фарзандда қизиқиш қайнар экан у ўзи қилаётган ишидан вақт ўтган сари қониқиш ҳосил қилмайди. Ишдан ҳориб келган ота-она фарзандига бир кун ёрдам бериши, икки кун ёрдам бериши, хархашага чидаёлмай, учинчи куни ҳам ёрдам бериши мумкин, аммо ота-онанинг сабри бундан у ёғига етмаслиги маълум. Чидамлилик етмаганлиги сабаб, ота-она болага: «сендан рассом чикмайди, йиғиштир шу ишингни» - деган қўпол танбехни беради. Шу вазият туфайли болада энди кўзга ташланиб қолган қобилият шу жойнинг ўзида ҳам йўққа чиқиши мумкин. Биз шу жойда қаттиқ хатоликка йўл қўйган бўламиз. Биз ўз соҳамиз ва ўз мутахассислигимиз доирасида ҳар қандай кучли билимга эга бўлишимиз мумкин, лекин фарзандимизга рассомчилик санъатидан билим бераолмаслигимиз аниқ. Хато қилган жойимиз - биз фарзандимизни яхши бир устоз қўлига топширмадик. Фарзандимиз ҳоҳлаган билимни биз бера олмадик, унинг эҳтиёжини қондирмадик. Бу ўғил болаларда учрайдиган муаммо бўлса, киз фарзандларимизда ҳам шунга ўхшаш муаммо мавжуд. Бу омилга яна қўшимча миллий менталитет ҳам таъсир қилиши мумкин. Чунки бизда қиз болалар тарбиясига ҳар доим жиддий ёндашилиб келинган.

Юқорида келтирилган ҳаётий тажрибалардан келиб чиқиб, қуйидаги фикрларни билдиришимиз мумкин. Қобилият тушунчаси психологияда шахсий психик хусусиятлар таркибига кириб, характер ва темпераментдан кейинги учинчи хусусият қаторида намоён бўлади. Демак, ушбу хусусиятларнинг барчаси «Мен» нинг таркибида мавжуд бўлиб, лекин қобилиятлар шахсларда характер ва темпераментчалик намоён булмайди. Барча ота-оналар фарзандларидаги қизиқишларни вақтида аниқлаб, уни ривожлантиришга шароит яратсалар, ўсиб келаётган келажак авлоднинг орасида анчагина қобилиятли болаларни камол топтирган бўламиз.

5-6 ЁШЛИ БОЛАЛАРДА ҲАРАКАТ СИФАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

А.Р.Мусаева,
ЎзДЖТИ, ўқитувчи
Н.Р.Ҳайдарова,
ЎзДЖТИ, ўқитувчи

Маълумки, ҳозирги кунда Республикамизда аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, соғлиғини мустаҳкамлаш, жисмоний тарбия ва спортни аҳоли ўртасида оммалаштириш, келажакимиз бўлмиш ёш авлодни ҳар томонлама етук ва жисмонан баркамол қилиб тарбиялаш бўйича жуда катта ишлар амалга оширилмоқда. Бундай хайрли ишлар нафақат мустақил Ўзбекистонимиз келажаги учун ғамхўрлик кўрсатиш, балки ҳозирги мураккаб шароитларнинг давр тақозоси ҳамдир.

Шу сабабли боғча ёшидаги ва бошланғич синф ёшидаги болаларининг жисмоний тарбия машғулотларини сифатли янги шаклларни қўллаган ҳолда ўтказиб бориш алоҳида аҳамиятга эга. Қизиқарли ва сифатли машғулотларни ўтказиш бола соғлиғини мустаҳкамлашга, иш қобилиятини ва ҳаракат фаоллигини оширишга имкон яратади.

Шундай экан, жисмоний сифатларни оқилона ривожлантириш, уларни ёш навқирон даврданоқ тўғри парвариш қилиш катта аҳамиятга эга. Жисмоний сифатлардан асосан мушак

кучи инсоннинг шахсий жисмоний сифатлари даражасини кўрсатиб берувчи табиий субстандир.

Алоҳида ҳаракат сифати ўзгариши ҳар қандай таҳлилнинг дастлабки нуқтаси бўлиши мумкин. Болаларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш учун энг оддий, махсус кўникма ва малака талаб қилмайдиган, машқлар йиғинидисидан синов назорат дастури сифатида фойдаланилди.

Тезкор куч зичлиги тести таҳлили шуни кўрсатадики, ёши улғайган сари натижалар сезиларли ўзгариб боради.

Натижаларни яхшилаш негизида ёш омиллари билан бир қаторда, асосий гимнастика воситаларидан фойдаланиш ётади. Масалан: 6 ёшли бола 5 ёшли боладан анча узоқроқда сакрайди, 4 та ўғил болада ўсиш камроқ (14 см), лекин бу 4 та ўғил болада моксисмон югуриш ва жойдан узунликка сакраш яхши натижа бери. (1-жадвал).

1-жадвал

5-6 ёшли болаларда узунликка сакрашнинг ўртача кўрсаткичлари

Ёши	Ўғил бола	Қиз бола
5	111±11,3	95±10,3
6	116±12,8	111±12,3

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, болалар бу каби машқларни биринчи марта бажармоқдалар (параллел ўриндикда қўлни букиб ёзиш, бурчак ушлаб туриш) шунинг учун натижалар анча паст бўлди (2-жадвал).

2-жадвал

Ўғил ва қиз болаларда дастлабки синов натижалари

Тестлар	ўғил болалар				қиз болалар			
	5 ёш		6 ёш		5 ёш		6 ёш	
	натижа	балл	натижа	балл	натижа	балл	натижа	балл
2x10 м га моксисмон югуриш	7,7	1,5	7,4	3,0	8,12	3,41	7,75	5,12
Узунликка сакраш	113	0,7	122,2	2,2	104,2	0,5	11,8	1,3
қўллар 90° букилгунча тортилиш	2,5	2,0	2,1	1,8	1,3	2,05	0,7	0,9
2 та параллел ўриндикда қўлларни букиб ёзиш	8,2	3,2	7,7	3,0	7,4	2,3	7,1	2,2
90° га оёқларни кўтариш	9,0	5,25	11,8	6,2	8,7	4,3	11,0	5,25
Осилиб туриб бурчак ушлаш	5,2	2,5	5,8	2,6	6,6	2,9	8,5	3,7
Эгилувчанлик		6,72		6,73		6,58		6,86
ЖАМИ		21,9		25,5		22,9		25,3

Оёқ мушакларининг портлаш кучини аниқлаш учун баландликка сакраш Абалакова кўрсаткичлари рўйхатга олинди (3-жадвал).

Бу ерда ёши улғайган сари натижалар фарқи камайиб боради ва тенглашади, қиз болаларда ҳам, ўғил болаларда ҳам. Аммо қиз болалар ҳам катта натижа кўрсата олишини айтиб ўтиш жоиз.

3-жадвал

Абалакова бўйича баландликка сакрашнинг ўртача натижалари

Кўрсаткичлар	Ёши	қиз болалар	ўғил болалар
		X ± V	X ± V
Қўлларни силкитмай баландликка сакраш	5	28,3±4,2	27,6±3,7
	6	33,1±3,8	31,1±3,7
Қўлларни силкитиб баландликка сакраш	5	30,7±4,3	30,1±4,2
	6	35,5±4,4	34,6±3,1

Шундай далиллар ўзига жалб қиладики, 6 ёшли ўғил болаларда кўлларни силтаб сакраш яхши натижа (11,2%) берди, қиз болаларда эса нисбатан кам (4,18%).

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, амалиётни назария билан бирга кўллаш жисмоний ривожланишга ва жисмоний тайёргарликнинг ўсиб боришига ёрдам беради.

НУТҚ РАВОНЛИГИ – ЎҚУВЧИ-ЁШЛАР ФАОЛЛИГИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

А. Юнусова,

Андижон шаҳар 13-ақли заиф болаларга ихтисослаштирилган
давлат таълим муассасаси, логопед

Юртбошимиз Ислом Каримов ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” номли асарида таълим ва тарбияни уйғун ҳолда олиб бориш зарурлиги тўғрисида фикр билдириб, “Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди – бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси”, - деган эди.

Дарҳақиқат, республика таълим тизимининг барча ўқув даргоҳларида бу соҳада шарт-шароитлар яратилган бўлиб, ўқувчи ёшлар замонавий билимларни эгаллаши учун моддий-техник база билан етарли таъминланган. Минг-минглаб ўқувчилар ҳозирданоқ икки-уч тилда бемалол гаплаша оладилар. Бир сўз билан айтганда, ёшларимиз ўзларининг истеъдоди ва салоҳияти билан катта ҳаётга кириб келмоқда.

2015 йилгача бўлган даврда таълим соҳасида асосий эътибор, унинг сифати, жамият ва иқтисодий, илмий-техника ривожланишининг замонавий босқичи эҳтиёжларига мослик даражасини ошириш, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона ва ташкилотларнинг барча ходимлари малакасини узлуксиз ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини яратишга қаратилиши кўзда тутилган²³.

Биз кўзлаган эзгу ниятларга эришиш учун ёшлар таълим-тарбиясида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар кўлами кенгайтирилди. Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб, ёшларнинг миллий ғояга садоқатли кадрлар бўлиб етишишига ғамхўрлик қилинди. Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги, комил инсон тарбияси, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик каби юксак тушунчалар Ўзбекистонда яшовчи барча халқларнинг олижаноб ниятларидир. Ўқувчи-ёшларда бундай ғояларни таркиб топтириш узлуксиз давом эттириладиган жараён бўлиб, оила, маҳалла ва барча таълим муассасаларининг биринчи даражали иши ҳисобланади. Ёшларни маънавий ва жисмоний баркамол қилиб тарбияласак, давлатимиз ва жамиятимиз тараққий топади.

Мамлакатимизда ёш авлод камолотини таъминлаш соҳасидаги улкан ишларни кўллаб-қувватлаш йўналишида ўқувчи ёшларнинг нутқ равонлигини ошириб бориш орқали уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириб бориш, маънавий ва маданий савиясини юксалтириш, истеъдодини юзага чиқариш ва ҳар томонлама ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Нутқ равонлиги ҳар бир шахс, айниқса, ўқувчи-ёшлар фаоллигини оширишда, уларнинг маънавий камолотида алоҳида ўрин тутади. Мактабгача таълим муассасаларида ҳамда махсус ёрдамчи мактабларда олиб бориладиган логопедик машғулотларда нутқ камчилигига эга бўлган ўқувчи-ёшларнинг нутқ равонлигини таъминлаш ва бу борада коррекцион ишлар амалга оширилади.

²³Ўзбекистон Республикаси аҳоли фаровонлигини ошириш лойиҳаси. -Т.: 2007 й. 11- бет.

Ҳозирда, ўқувчи-ёшлар нутқида сирғалувчи (“с”, “з”), шипилловчи (“ж”, “ш”, “ч” товушлари), сонор (“л”, “р” товушлари), тил орқа (“к”, “г”, “х” товушлари) ва чуқур тил орқа (“қ”, “ғ”) товуш камчиликлари кўп учрайди. Бундай нутқ камчиликларига эга бўлган ўқувчи-ёшларга ўз вақтида логопедик ёрдам кўрсатилмаса, бундай ўқувчилар дарсларда, турли хил тадбирларда фаол қатнаша олмайдилар. Бинобарин, улар мактабда, тенгдошлари орасида ўзларини жуда ҳам ноқулай ҳис этадилар ва бир умрга нутқ камчилигига эга бўлиб қоладилар. Бу эса уларнинг маънавий баркамоллигига соя соладиган жиддий нуқсон ҳисобланади.

Шунинг учун, оилада ота-оналар ўз фарзандларининг нутқ равлонлигига уларнинг ёшлик чоғиданоқ жиддий эътибор билан қарашлари, нутқ камчилигига эга бўлган болаларни ўз вақтида логопед-мутахассис кўригидан ўтказишлари талаб этилади. Логопедия машғулотларида ўқувчиларнинг нутқи махсус усул ва воситалар ёрдамида текширилиб, уларнинг нутқ камчиликлари аниқланади ва коррекцион ишлар олиб борилади.

Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалардан хулоса қилиб айтганда, ўз иш тажрибаларимизга таянган ҳолда айтиш жоизки, биринчидан, нутқ камчилигига эга бўлган ўқувчи-ёшларнинг бундай қусурларини коррекциялаш ва бартараф этиш мумкин.

Иккинчидан, бундай муолажалар уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириб боришда муҳим роль ўйнайди ва ўзининг самарасини беради.

Учинчидан, нутқ камчилигига эга бўлган ўқувчи-ёшларнинг ижтимоий фаол бўлган баркамол авлод бўлиб шаклланишида, уларнинг нутқ равлонлигини таъминлаш муҳим педагогик-психологик жараён сифатида амал қилади.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

**Н.А.Жумахўжа, М.А.Юлдашев, Д.С.Расулова,
ТВПКҚТМОИ**

Кўп тилни билиш юксак маънавият, тамаддун ва тараққиётга эришишнинг муҳим омилidir. Бизнинг ҳалқимиз азал-азалдан изланувчанлик, миллий бағрикенглик ва тараққийпарварлик фазилатлари эвазига жаҳон тилларини ўрганиб, дунё халқлари билан мулоқотга киришган, тараққиётга интилган. Буни Фаробий, Беруний, Ибн Сино, Паҳлавон Маҳмуд каби жаҳонгашта алломаларимиз фаолияти мисолида кўришимиз мумкин. Тил билган эл билади, дейди доно ҳалқимиз. XIX асрда яшаб ижод этган маърифатпарвар шоиримиз Аваз Ўтар кўп тилни билиш жаҳон халқлари билан алоқага киришишнинг муҳим воситаси эканлиги ҳақида башорат тарзида махсус ғазал ёзган. Ғазал байтлари бугунинг руҳини ёрқин ифодалаб турибди:

Ҳар тилни билув эмди бани одама жондур

Тил воситаи робитаи оламиёндур.

Ғайри тилини саъй қилинг билгали, ёшлар

Ким, илму ҳунарлар ривожин андин аёндур.

Лозим сиза ҳар тилни билув она тилидек,

Билмакка ани ғайрат этинг, фойдали кондур.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2012 йил 10 декабрда қабул қилган қарори ҳалқимизнинг азалий орзу-ҳаваси, шу жумладан, Аваз Ўтар ғояларига ҳамоҳангдир. Мазкур тарихий қарорга биноан: “Замонавий педагогик ва ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш йўли билан, ўсиб келаётган ёш авлодни чет тилларга ўқитиш, шу тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда бунинг негизида, уларнинг жаҳон цивилизацияси ютуқлари ҳамда дунё ахборот

ресурсларидан кенг кўламда фойдаланишлари, халқоро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантиришлари учун шарт-шароит ва имкониятлар яратиш мақсадида”, Республика миқёсида, шунингдек, ТВПКҚТМОИда зудлик билан бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Мазкур қарорда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистонда узлуксиз таълим тизимида чет тилларни ўрганиш бўйича давлат таълим стандарти, ўқув дастур ва ўқув режа ишлаб чиқилди. Янги яратилган давлат таълим стандарти чет тилларни ўқитиш бўйича Европа кенгаши томонидан 2001 йилда қабул қилинган “Чет тилларни ўрганиш, ўргатиш ва баҳолашнинг умумевропа компетенцияси” CEFR²⁴ талабларига мос келади.

Мазкур ҳужжат дунёнинг ривожланган давлатларида чет тилларни ўргатишда асосий меъёр сифатида қабул қилинган ҳамда тил ўрганишда ўқувчиларнинг билим даражасини аниқлаш ва уларга халқаро намунадаги сертификат беришда мезон вазифасини ўтайди. CEFR талабларига кўра, ўқувчиларнинг билими олти даража (A1,A2,B1,B2,C1,C2) асосида баҳоланади.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимида чет тилларни ўргатиш мазкур давлат таълим стандартига мувофиқ қуйидаги икки босқичда амалга оширилади:

А 1-даража: бошланғич таълим (1-4- синфлар);

А 2 -даража: умумий ўрта таълим (5-9- синфлар);

Бугунги кунда Давлат таълим стандартига мос равишда 1-синф учун мўлжалланган Kid’s English дарслиги яратилди. Мазкур дарслик ўқиш ва ёзувсиз фақат гапириш ва эшитишни ривожлантиришга мўлжалланган.

Тошкент вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрда “Чет тилларни ўрганишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сонли қарорида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш ҳамда маънавий–маърифий ишларни амалга ошириш мақсадида турли тадбирлар ташкил этиб борилмоқда. Жумладан, мазкур қарор асосида вилоят ва туманлар кесимида барча фан ўқитувчиларининг дарсларини инглиз тилида ташкил этиш бўйича амалий семинар-тренинглар ўтказилмоқда.

Жорий йилнинг 30 январь куни Тошкент вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, Тошкент вилояти ХТБ ҳамда Чирчиқ шаҳридаги 5-умумтаълим мактаби билан ҳамкорликда “Замонавий педагогик технологиялар ва улардан таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш” мавзусида семинар-тренинг тақдими ўтказилди.

Тошкент вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, Тошкент вилояти ХТБ ва Чирчиқ шаҳар ХТБ ҳамкорлигида Чирчиқ шаҳар 9-умумтаълим мактабида семинар-тренинг ташкил этилди. Семинарда Чирчиқ шаҳрининг барча мактаблари ғолиблари ўз фанлари бўйича инглиз тилидан очик дарслар ва тўғрақ ишларини намойиш этдилар.

Шунингдек , Олмалиқ шаҳар 16-умумтаълим мактабида ҳам мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида интерфаол семинар–тренинг бўлиб ўтди. Тадбирда Тошкент вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ўқитувчилари ва инглиз тили методистлари, Олмалиқ шаҳар ХТМФМТ ва ТЕР мудири ўринбосари, Олмалиқ шаҳар телевидениесидан вакиллар ҳамда 16-умумтаълим мактабининг ўқитувчилари фаол иштирок этдилар.

Қарорда белгиланган инглиз тили ўқитувчиларининг малакасини ошириш банди ижросини таъминлаш мақсадида 2013 йилнинг 4-8 февраль кунлари Тошкент Давлат Шарқшунослик институтида вилоятлараро видеоконференция бўлиб ўтди. Шунингдек, 4-23 март кунлари Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида инглиз тили ўқитувчилари учун махсус ўқув тренинглари ташкил этилди. Мазкур ўқув тренингларда Тошкент вилоятидан 17 нафар инглиз тили ўқитувчиси тренер сифатида тайёрланди ва Халқ таълими

²⁴ CEFR (Common European Framework of Reference)

вазирлигининг тегишли сертификатлари билан тақдирланди. 20 апрель куни Халқ таълими вазирлиги томонидан Республика мультимедиа марказида чет тилларни ўқитишнинг ахволини ўрганишга доир видеоконференция ўтказилди. Унда бевосита Халқ таълими вазири У.И.Иноятовнинг ўзи барча вилоят ва шаҳарлардаги мутасадди раҳбарлар, мутахассислар билан мулоқотга киришди, мавжуд ҳолатни таҳлил этди, муаммоли вазиятлар ечимини топиш юзасидан йўл-йўриқлар кўрсатди. Шунингдек, инглиз, немис, француз тиллари бўйича яратилган янги дарслик ва ўқув-услубий воситаларнинг видео тақдироти бўлиб ўтди.

Тошкент вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти негизида 2013 йилнинг апрель-август ойларида Тошкент вилоятида умумтаълим мактабларидан жами 1700 нафар инглиз тили фани ўқитувчиларининг малакасини ошириш режалаштирилди.

Халқ таълими тизимида хорижий тилларни босқичма-босқич амалга ошириш учун ишлаб чиқилган чора-тадбирлар, режа ва дастурлар инглиз немис ҳамда француз тили фани ўқитувчилари учун мактабларда, малака ошириш курсларида ўқитувчи- мураббийларга зарур маълумотларни етказиб бориш, малака ошираётган бошқа фан ўқитувчилари учун инглиз тили фанини ўргатиш (8 соатлик) махсус курсини, мазкур таълимнинг мазмун моҳиятини барча умумтаълим муассасалари ўқитувчилари онгига сингдириш, “Электрон таълим” тармоғи имкониятларидан фойдаланиш ва масофавий таълим турларининг амалиётга жорий этилганлигини инобатга олиб, педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш курсларига янги ўқув режа, дастур, маъруза матни ишлаб чиқиш, инглиз тилини ўрганишнинг самарали тизимини ташкил этиш бўйича малака ошириш соҳасида ўқув муассасалари, ўқув марказлари ва нодавлат, нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорлик шартномаларини тузиш ва ҳамкорликда фаолият олиб бориш, “Филология” йўналишида ўқиб бугунги кунда инглиз тилидан қайта тайёрлаш курсида ўқиш эҳтиёжи бўлган ўқитувчиларга амалий ёрдам бериш ва зарур шароитда қайта тайёрлаш курсларини ташкил этиш, хорижий тил ўқитувчиларига услубий ёрдам бериш мақсадида илмий-амалий семинарлар, давра суҳбатлари, илғор тажрибага эга, новатор инглиз тили фани ўқитувчилари иш тажрибасини оммалаштириш ҳамда улар ишлаб чиққан услубий тавсияларни нашр этишда яқиндан ёрдам бериш ишларини амалга ошириш йўлга қўйилмоқда.

Бу ишларни бажаришда, эришилган ютуқлар билан бир қаторда, бир қанча ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжуд. Ушбу вазифаларни бажариш хорижий тил фанларини чуқурроқ ўқитиш заруриятини туғдирмоқда. Илм-фаннинг янги ютуқлари жадаллик билан ҳаётимизга кириб келаётган ҳозирги даврда ёш авлодга таълим ва тарбия беришда ахборот коммуникация технологияларининг ўрни бекиёсдир.

Инглиз тили фанидан 5-синф учун, француз ва немис тили фанлари бўйича 5-9-синфлар учун электрон дарсликлар яратилганди, эндиликда 1-синф ўқувчилари учун чиқарилган дарслик, ўқитувчи китоби ҳамда мультимедиадан фойдаланган ҳолда ўйин дарсларини ўтиш болаларнинг дарс давомида зерикиб қолмасликлари, 1-синфданок хорижий тилга бўлган билим, кўникма ва малакаларини ҳосил қилишга катта ёрдам беради.

Электрон дарсликнинг афзалликлари мустақил билим олиш ва фикрлашни, билим самарадорлигини ошириш, ўз билимининг назорат қилишга эришиш, фанга қизиқишини орттириш, тингланган аудио-видео материаллар орқали ўрганилаётган тилдаги сўзлар талаффузига амал қилиш, вақтдан унумли фойдаланиш, тинглаб-тушуниш малакасини пайдо қилиш, мамлакатшуносликка оид материалларни кўриш орқали мамлакатимиз ҳамда тили ўрганилаётган мамлакат ҳақида тасаввурга эга бўлишлари учун катта мактаб вазифасини ўтайди.

Инглиз тили фанидан ўқувчиларнинг билимларини чуқурлаштириш, кенгайтириш, инглиз тилини ўрганишга бўлган қизиқишларини ривожлантириш, узлуксиз таълим тизимининг кейинги турларида ўқишни давом эттириш, онгли равишда касб танлашга ёрдам бериш, инглиз тилида оғзаки ва ёзма нутқларини, ўз фикрларини баён эта олиш кўникмаларини шакллантириш, кишилар орасидаги бевосита мулоқот нутқи орқали амалга оширилар экан, инглиз тилини амалий билиш нутқ фаолиятининг кўриш, тинглаб тушуниш,

гапириш, ёзиш, таржима каби турларига хос бўлган кўникмаларини шакллантиришни тақозо этади.

Инглиз тилини чуқур ўргатиш жараёнида ўқувчиларнинг тафаккури ўсади ва тилни ўзлаштириш орқали она тилидан олган билимларини ривожлантиради.

Бугунги кун ўқитувчиси ХХІ аср қиёфасини ўзида тўла шакллантирган, ўз соҳаси эмас, балки фанлараро боғланишни таъминлаш учун бутун бир соҳанинг билимдон эгаси, нутқи равон, изчил, гўзал адабий тилда сўзловчи, сўзи билан амали бир, жамиятда баркамол, эътиқоди бут, маънавий мафкураси, фикри ва зикри соғлом, баркамол фарзандларни тарбияловчи мукамал инсон бўлмоғи лозим.

Шуни ҳам унутмаслик лозимки, чет тилларни ўргатиш зинҳор она тили таълими имкониятларини чегириш ҳисобига бўлмаслиги лозим. Аксинча, чет тили таълими она тили таълими билан уйғун, қиёсий таҳлил асосида олиб борилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Бу борада Президентимиз И.А.Каримовнинг қуйидаги сабоқлари доимий дастуриламалимиз бўлмоғи лозим: “Аммо шунга алоҳида урғу беришимиз зарурки, чет тилларни ўрганиш, минбаъд она тилини эсдан чиқариш ҳисобига бўлмаслиги лозим.

Ўз фикрини мутлоқо мустақил, она тилида равон, гўзал ва лўнда ифода эта олмайдиган мутахассисни, авваламбор, раҳбар курсисида ўтирганларни бугун тушуниш ҳам, оқлаш ҳам қийин” (И.А.Каримов. Баркамол авлод – Ўзбекистон тарақиётининг пойдевори. “Баркамол авлод орзуси” китоби, “Шарқ”, Т: 1999. 15-бет).

Ушбу масалада атоқли ёзувчи А.Қаҳҳор ҳам Чет тиллари институти талабалари билан учрашувда унутилмас сабоқларини айтиб кетган: “Сизлар ҳар қаердан келгансизлар, институтни битирганларингдан кейин жойларга бориб ўқувчиларга инглиз, немис, француз, испан тилларини ўргатасизлар. Менинг сизларга айтадиган энг зарур гапим шуки, сизлар жойларга чет тиллар билан бирга, балки биринчи навбатда ўз она тилимизга – ўзбек тилига чексиз муҳаббат туйғусини олиб боринглар!

Ўзбек тили ғоят бой, ниҳоятда чиройли, ҳар қандай фикру туйғуни ифода қилишга қодир эканини амалда кўрсатинглар, қаерда ва қандай шароитда ишламанглар, тил маданиятимизнинг машъали бўлинглар”.

Биз ана шу методологик асосларга таянган ҳолда иш тутишимиз лозим.

II ШЎБА

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИГА АХБОРОТ ТАЪЛИМ ВОСИТАЛАРИНИ ТАТБИҚ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

ЁШЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЎРНИ

А.Т.Абдужамиллов, Э.З.Имамов,

Тошкент ахборот технологиялари университети

Ёшлар бир неча авлодларни ўзаро боғловчи шундай бўғинки - йиллар давомида тўпланган тажриба ва интеллектуал потенциал бирдан кейингисига айнан ёшлар орқали ўтади.

Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда оммавий ахборот воситалари (ОАВ) жуда катта роль ўйнайди. Келажак авлоднинг ватанпарварлик руҳиятини кучайтириш мақсадида жамоатчилик миллий хавфсизлик масалалари, муҳофаза соҳасидаги давлат сиёсати, ватан хавфсизлигини таъминловчи органларнинг тузилиши ва бошқа бўлиб ўтаётган ҳодисалар ҳақида ОАВ ёрдамида объектив ва тезкор равишда зарурий билимларни етказди.

Ватанпарварлик тарбияси: моҳияти, мазмуни, тизими. Ватанпарварлик маънавий руҳиятнинг мустаҳкамлигини белгилаб берувчи муҳим манба ҳисобланади. Ватанпарварлик – асрлар давомида шаклланган энг чуқур ҳислардан биридир. Бундай таъкид ватанпарварлик ижтимоий мазмунининг тарихий ривожланганлигини кўрсатса, унинг моҳиятини ирқий ёки биологик ҳодиса сифатида тушунтиришни инкор этади.

Шу билан бирга, вазиятни, халқнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини, халқаро муносабатларни, айниқса, ахборот коммуникацион технологияларининг ривожланишини инобатга олган ҳолда ватанпарварлик тарбиясига янгича ёндашув зарурияти пайдо бўлмоқда. Мамлакатни мустаҳкамлаш заруриятини чуқур тушуниш, бунинг ижтимоий аҳамиятини тўғри талқин қила олиш керак.

Ватанпарварлик тарбиясининг моҳияти шундан иборатки, у тарбиявий ишларнинг таркибий қисми бўлиб, ёш авлодда Ватанни асрашда зарур бўладиган юқори ҳисни шакллантиришда мақсадли фаолиятни олиб боришни назарда тутди.

Ватанпарварлик тарбияси асосий ижтимоий вазифага эга – мамлакатни мустаҳкамлашда режали равишда инсон факторини фаоллаштириш ҳамда шахсга нисбатан Ватан тақдирига жавобгарлик ҳиссиётини шакллантиришдир.

Ижтимоий ҳолат нуқтаи назаридан ёшларнинг онгида ватанпарварликни шакллантириш, Ватанни ҳимоя қилишга тайёрлаш, Ватанни ҳимоялашда аجدодларимиз орттирган тажрибани ёшларга етказиш лозим. Бу тарбия жараёнининг асосий (сиёсий, меҳнат, маънавий) ташкил этувчиларини акс эттиради.

Ватанпарварлик тарбияси бир неча тамойилларга эга:

- илмийлик;
- инсонпарварлик;
- демократия;
- Ўзбекистонга оид тарихий ва маданий мероснинг, маънавий қадриятлар ва анъаналарнинг устуворлиги;
- ёшларнинг ривожланиши тизимли ва узлуксиз бўлиши;
- тарбия ишлари олиб боришнинг шакллари, усуллари ва воситаларининг кўп қиррали бўлиши.

Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш – режа асосида амалга ошириладиган, узоқ муддатларга мўлжалланган жараён бўлиб, қуйидагиларни талаб қилади:

- барча таълим турларида ижтимоий аҳамиятга эга бўлган қадриятларни ўрганишни;

- фуқаролик ва ватанпарварликни шакллантириш ва ривожлантириш заруриятини;
- давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан оммавий ташкил этиладиган ватанпарварлик руҳидаги тадбирларни ўтказиб турилишини;

- ОАВлари томонидан ватанпарварлик тарбиясига хос муаммоларни кўриб чиқиш, уларни ёритиш, ечимини излаш ишлари олиб борилишини доимий равишда ёритиб турилишини.

Бугунги кунда ОАВ кўпчилик учун асосий ахборот манбаи вазифасини бажарган ҳолда жамоат фикрини бошқара оладиган имкониятни кўпайтиради. ОАВ жамиятнинг барча соҳаларига таъсир кўрсата олишини намойиш этмоқда.

Ватанпарварлик позицияларини шакллантиришда жамоат фикри ахборотнинг электрон ва босма манбаларига асосий эътиборини қаратади. ОАВларининг ватанпарварлик тарбияси жараёнидаги роли ҳар томонлама кенгайтирилиши лозим. ОАВларида ватанпарварликни хотира, атрофдаги инсонларга эътибор, шахсий жавобгарлик, юрт қаҳрамонларига нисбатан, ўз Ватанига, халқига нисбатан фахр кўринишларида ёритиш анъанаси намойиш этилиши лозим.

Юртдошларимизнинг халқаро спорт мусобақаларидаги ғалабаларининг ёритиб борилиши; маданият ва спорт соҳаларидаги ютуқларимиз ҳақидаги ҳикояларнинг ёшларимизга етказилиши - ОАВларининг ватанпарварлик ҳиссини шакллантириш усулидир.

Ёшларнинг ватанпарварлик онгини мустаҳкамлаш учун ОАВлари мамлакатимизнинг ривожланишига оид бўлган турли даврлардаги воқеа ва ҳодисаларни ёритиб бориши ва ватанпарварлик руҳи билан бойитиши; кундалик ҳаётдаги қаҳрамонларни излаш ва уларни кўпчиликка танитиш; буюк ва ватанпарвар деб тан олинган шахсларнинг инсонийлик чизгиларини ёритишни кенгайтириши муҳимдир.

Ёшларимиз ўзларининг тарихлари билан фахрланадилар, ўзларини ватанпарвар деб ҳисоблайдилар. Ўзига ва давлат учун ҳам меҳнат қилиш заруриятини, юртига хизмат қилиш муқаддас бурч эканлиги, жамоат ишларида фаол қатнашиш зарурлиги ОАВларида янада кенгроқ ташвиқот қилиниши мақсадга мувофиқ.

ОАВлари ватанпарварлик ғояларини шакллантиришга, уларни ривожлантиришга ва ёшларимиз орасида тарқатишга масъул.

ОАВларининг мафкуравий вазифалари. Ташвиқот сиёсий боғланишларнинг бир шакли. Унинг вазифаси ОАВлари ёрдамида маълум мафкурани омма тафаккурига етказиш. Ташвиқот - фаоллашган мафкура. Бироқ бунда ташвиқотнинг мафкурадан фарқли томони – ахборот манбаи ва ахборотга берилган ходиса ўртасидаги ойдинлик. Ахборот манбаи кўп ҳолларда аниқ кўрсатилмаганлик сабабли ахборотнинг оммага таъсири сезиларли даражада камаяди.

Ҳозир жамиятда демократия ва сўз эркинлиги қай даражада ривожланганлигига қарамасдан, унда ОАВ ташвиқотчилик вазифасини бажаради.

ОАВларининг мафкуравий вазифаси ва моҳияти омма тафаккурининг ўсиши ва ривожланишига ёрдам кўрсатишдир.

ЭФФЕКТИВНОСТЬ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ МУЛЬТИМЕДИЙНЫХ РЕСУРСОВ НА УРОКАХ РУССКОГО ЯЗЫКА И ЛИТЕРАТУРЫ

С.М.Туйчиева,
ТОИППКПК, доцент,

С.Холмирзаева,
ТОИППКПК, старший преподаватель

XXI век – век информационных технологий. Качественную роль в управлении образования могут сыграть именно современные информационные технологии, основой

которых являются компьютеры и компьютерные системы, различные электронные средства, аудио- и видеотехника.

В основных положениях проекта «Образование» четко прослеживается идея о повышении качества образования через активное внедрение в его процесс новейших информационных ресурсов. Это проявляется как в обеспечении учебных заведений техническим оборудованием (создание компьютерных классов, подключение к глобальной сети Интернет), так и программной (в т.ч. и учебно-дидактической) оснащённостью.

Многочисленные исследования эффективности применения мультимедийных обучающих программ для решения различных педагогических задач во многих отраслях знаний показали более высокие результаты в сравнении с традиционными. Их выводы сводятся к одному — применение мультимедийных технологий в образовании поднимает его на качественно новый уровень, что говорит о целесообразности их дальнейшего развития и применения в качестве одного из инструментов для решения основной идеи национального проекта - обеспечение качества образования.

Сегодня мультимедийные ресурсы способствуют возникновению устойчивого ощущения самодостаточности личности, а сферу образования превращают в область социальной жизни, в которой созданы необходимые условия для проектирования человеком своей жизнедеятельности. Обучение русскому языку как иностранному в средних общеобразовательных школах имеет определенную специфику. Отсутствие языковой среды затрудняет процесс активного усвоения языка, развития устной, разговорной речи. И в этом и учителям и учащимся могут помочь мультимедийные ресурсы.

На уроках русского языка и литературы могут быть применены следующие мультимедийные ресурсы:

1. Компьютерные тесты, предназначенные для контроля за уровнем усвоения знаний учащихся, используемые на этапе закрепления и повторения пройденного (1С: Репетитор. Русский язык. Программа-тренажер по русскому языку "Фраза"). Отвечая на вопросы компьютера, ученик сам задаёт темп работы и ответов на вопросы, сразу же получает оценку за свою работу. Может воспользоваться подсказкой, может посмотреть количество допущенных ошибок, что даёт возможность проанализировать, насколько глубоко он усвоил данный материал. В случае неудовлетворительного результата школьник может вернуться к тестированию после повторного прохождения курса или уточнения отдельных вопросов. Благодаря этому учащиеся приобретают навыки самоконтроля за усвоением учебного материала.

2. Программные средства обучающего характера, предназначенные для работы с учебной информацией. Эти программные средства подразумевают диалог ученик - компьютер, в ходе которого ученик приобретает навыки работы по предложенному плану, инструкции, при этом контроль за их выполнением и управление ходом обучения осуществляет компьютер.

3. Электронные учебники и электронные конспекты уроков, которые имеют гиперссылки, анимацию, речь диктора, интерактивные задания, мультимедийные эффекты.

Мультимедийные обучающие системы не являются панацеей для решения всех современных проблем образования. Однако, если они соответствуют определенным основным концепциям своего построения, то могут являться в сочетании с традиционными формами обучения хорошим инструментом для улучшения качества образования.

Мультимедийные образовательные ресурсы должны создаваться на основе следующих концепций:

- концепции максимального использования анимации и графики (позволяет на 30% улучшить восприятие учебного материала);
- концепции интерактивности (включает возможность получить быстрый ответ на интересующий вопрос с помощью поисковой системы);
- концепции использования обучающих примеров и тестов;
- концепции контроля обучающей системы действий обучаемого;

- концепции моделирования изучаемых явлений и их исследования;
- концепции дружественного интерфейса, включающего помощника и систему подсказок по пользованию программой и т.д.

Обучающая система должна быть связана обратной связью с обучаемым и решать определенные задачи:

- обеспечить обучаемому возможность самостоятельного выбора стратегии обучения и получения качественных знаний;
- отслеживать уровень подготовки и направлять процесс обучения.

Без решения этих задач любая система может в лучшем случае считаться не обучающей, а информационно-справочной.

4. Медиатексты в электронном формате (компьютер, Интернет). Художественные тексты применяются на уроке для анализа поэтического или прозаического текстов, для анализа эпизодов.

5. Создание слайдов с текстовым изображением.

6. Использование учителем при объяснении учебного материала информации, заимствованной из сети Интернет, позволяет осуществлять проблемное обучение посредством поиска информации в сети Интернет для подготовки домашнего задания, для написания реферата, научно- исследовательской работы.

7. Выполнение творческих (создание школьных литературных газет в электронном виде) и научно-исследовательских работ на персональном компьютере с возможностью проверки этих работ учителем и для дальнейшего использования данного материала в учебном процессе.

8. Компьютерная демонстрация мультимедийного урока или отдельной части. Деятельность учителя заключается в управлении темпом подачи материала, акцентировании внимания учащегося на наиболее важных моментах, повторении и разъяснении непонятных положений. Ученики в тетрадях делают пометки, выписки, цитаты, составляют конспект излагаемого материала. У учащегося таким образом формируются учебно-информационные умения и навыки.

Итак, при использовании мультимедийных ресурсов изменяется структура и содержание учебного занятия, повышается темп урока за счёт увеличения объёма самостоятельной работы учащихся, осуществляется индивидуализация и дифференциация обучения. Учащиеся получают доступ к богатейшим информационным ресурсам, возможность работать совместно над интересующей их проблемой. , что XXI век – век глобализации задает новые задачи и открывает новые пути решения в процессе образования.

ПЕДАГОГЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШДА МАСОФАЛИ ЎҚИТИШ ТИЗИМИ УЧУН ЎҚУВ МАТЕРИАЛЛАРИНИ ЯРАТИШГА ҚЎЙИЛГАН ТАЛАБЛАР

М.Т.Эргашева,

А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ, б.ф.н.,доц.

*Дунё – бу тенги йўқ синфхона, ҳаёт эса, ундан
қўрқмайдиганлар учун унутилмас ўқитувчи.*

Жон Гарднер

XXI аср бошларида масофали ўқитиш йўли билан педагогларнинг малакаларини ошириш муҳим масалалардан бири бўлиб қолди. Янги аср таълимининг ривожланиш тенденцияси – ахборот технологияларини ўқув-тарбия жараёнига кенг қўллаш ва тарқатишдан иборат. Масофали ўқитиш, ўқув жараёнини анъанавий ташкил этишининг

асосий шакллари ўз ичига олади. Маъруза, семинар ва амалий машғулотлар, лаборатория амалиёти, назорат тизими, тингловчиларнинг мустақил ишлари шулар жумласидандир. Ўқув жараёнини ташкил этишнинг ушбу барча шакллари амалиётда тингловчиларнинг мустақил билиш фаолиятини турли ахборот манбалари билан осонгина бирлаштиришни, курс олиб бораётган ўқитувчи ёки тьютор билан тезкор ва тизимли алоқа қилиш ҳамда тингловчиларнинг гуруҳ бўлиб ишларни амалга ошириш имкониятини беради. Масофали таълим тизимининг анъанавий таълим шаклидан фарқи – унинг эгилувчанлигига боғлиқ равишда тингловчиларнинг мустақил ишлаш имкониятининг катталиги, ўқув-услубий таъминотнинг турли-туман шаклдалиги бўлиб, улар тингловчиларнинг қаердалигидан қатъи назар таълим жараёни самарадорлигини кўтаришга имкон беради.

Шунингдек:

- Мутахассис уйда туриб ўз малакасини оширади, бошқа таҳсил олувчилар билан коммуникация технологиялари орқали боғланиб туради:

- Таълим олувчиларнинг турли гуруҳлари билан ишлаш имкони яратилади;

- Таълим олувчилар ўзларига маъқул бўлган ўқиш тартибини ва жадвалини амалга ошириш имкониятига эга бўладилар;

- Илмий ва педагогик фаолиятни бирга олиб бориш имконияти яратилади.

Масофавий таълим энг келажаги порлоқ деб тан олинган ўқитиш шаклларида бири ҳисобланади. Масофали таълим, анъанавий таълимга қараганда, бир қатор илғор йўналишлари мавжудлиги билан ажралиб туради ва унда интерфаол усуллардаги каби таълим жараёнининг марказида тингловчи туради. Тингловчилар бу жараёнда ҳам ўқитувчилар билан қатъий мулоқотда бўладилар. Курснинг хусусияти, унинг такомиллаштирилганлиги ва ундаги муаммоли вазиятга қараб, ҳар бир тингловчи бошқа тингловчилар, психолог, техник мутахассислар ва бошқарувчилар билан мулоқотда бўлади. Асосийси эса, масофали ўқитишда қатнашган тингловчиларнинг мустақил ишлаш кўникмаси кескин ошади.

Ўқитувчи ва тингловчилар учун фанлар бўйича яратиладиган ўқув курс қўлланмалари ҳамда материаллар қуйидаги талабларга мос келиши керак:

- ўқитиладиган фаннинг ўқитиш дастурига ва унинг мазмунига мос келиши;

- ўқитиш матнининг тушунарли бўлиши ва унинг соддалаштирилиши;

- матнни маълумдан номаълумга, соддадан мураккабга, хусусийдан умумийга тамойилида кетма-кет баён қилиниш имкониятининг мавжудлиги;

- матн монолит ҳолатда бўлмаслиги, ўқиганда «қабул қилиш ва хотирага олиш» қулай бўлиши, сатр бошлари, параграфлар, бўлимлар ажралиб туриши муҳим роль ўйнайди.

Масофали ўқитишда электрон дарсликлар ва қўлланмалар марказий ўринни эгаллаши лозим. Улар тингловчилар учун таълим бериш тизимлари вазифасини ўтиши лозим. Ҳар бир курс қўлланмаси энг камида учта асосий: таълимий, машқли ва назорат қилиш қисмларидан таркиб топиши лозим. Улар тингловчининг билим олишини вақт бўйича чегараламайди. Шунинг учун ҳам ўқув материални ўзлаштириш вақти тингловчининг хоҳишига кўра қисқариши ёки узайиши мумкин. Электрон дарсликлар ва курс қўлланмалари тингловчиларга ахборотни ўқиш, маърузаларни эшитиш, амалий ва лаборатория машғулотларига мўлжалланган вазифаларни бажариш, ўз билимларини текшириш ва зарур ҳолларда уларни тўлдириш, ўз-ўзини назорат қилиш каби билим шакллари тавсия этиши мумкин. Яъни, бир вақтнинг ўзида билим бериш ва тингловчиларнинг ўзлаштириш даражаларини аниқлаш дастурий таъминотига эга бўлиши лозим.

Педагоглар малакасини оширишда масофали ўқитиш тизимида фойдаланиш учун мўлжалланган электрон дарсликлар ва курс қўлланмаларидаги элементлар гиперматнли, намоишли, матн билан тушунтириш қийин бўлган боблари (масалан, лаборатория машғулотлари: вертуал лабораториялар), анимациялар билан таъминланиши, асосий тушунча ва модулларнинг изоҳли луғатининг мавжудлиги хусусиятларига эга бўлмоғи лозим.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бугунги кундаги глобализациялаш жараёнида электрон дарслик ва курс қўлланмалари қанчалик кўп ишлаб чиқилиб, тажрибадан ўтган бўлса, республикамизда шунчалик масофали ўқитиш ривожланишига кўпроқ асос яратилган бўлади.

“XXI асрда техник ривожланган давлатларда ахборотларнинг асосий қисми қозғосиз қўринишида- ЭҲМ хотирасида сақланади. Демак, XXI асрда ушбу ахборотлардан фойдалана олмаган киши XX аср бошидаги ўқиниши ҳам, ёзиниши ҳам билмайдиган кишига ўхшаб қолади”.

В.М. Глушков

MASOFALI O‘QITISH TEXNOLOGIYASINING CHIZMACHILIKNI O‘QITISHDAGI AMALIY AHAMIYATI

A.Valiyev, TDPU, dotsent v.b.,

S. Saydaliyev, TDPU, p.f.n.,

S.Mardov, TDPU, talaba

Jamiyat rivojining bugungi kundagi bosqichi bevosita texnologiyalarning takomillashuvi bilan xarakterlanadi. Ayniqsa, axborot uzatish tizimida tobora yangi o‘zgarishlar va texnologiyalar rivojlanib, kuchayib bormoqda. Insonlarda axborot va kommunikatsion texnologiyalar hamda kompyuter texnologiyasidan foydalanishga bo‘lgan ehtiyoj kuchaymoqda va ular takomillashmoqda.

Respublikamiz ta’lim sohasida ulardan foydalanish o‘qitish sifatini oshirishga, o‘quvchilarning fikrlash doirasini kengaytirishga, ularda mustaqil o‘zlashtirish faoliyatini kuchaytirish hozirgi zamonning dolzarb masalasiga aylanib qoldi.

O‘zimizning zamonaviy inovatsion pedagogik texnologiyalarimiz asosida “Inovatsion maktab”lar tizimini yaratib, ularda barcha predmetlarni o‘qitishda axborot kommunikatsion texnologiyalaridan foydalanishimiz kerak. Shunda “o‘qituvchi–o‘quvchi” o‘rnida “o‘qituvchi–kompyuter–o‘quvchi” tizimi hosil bo‘ladi. Natijada, o‘qituvchi endi bilim axborotlarini yetkazuvchi yagona markaz emas, balki texnologiyalarini qo‘llash bilan masofaviy ta’lim beruvchi va oluvchi imkoniyatiga ega bo‘lib bormoqda.

Internetning dunyoga kelishi va rivojlanishi telefon yoki televidenie emas, balki kompyuter texnologiyasining rivoji evazigadir. Bugungi kunda bu sohadagi rivojlanish boshqa sohadagi rivojlanishdan ancha oldin va sur‘atlari tezkor.

Axborot – kommunikatsion texnologiyalari tizimiga: axborot texnologiyalariga didaktik yondashuv, axborot – pedagogik texnologiyalar, masofali o‘qitishda chizmachilik darslarida ta’lim-tarbiyalar kiradi.

Ta’lim jarayonida **axborot texnologiyalarining bir qator didaktik imkoniyatlari** mavjud. Davrimiz talab-ehtiyojiga ko‘ra, axborot texnologiyalarini ta’lim muassasalari o‘quv jarayonini sistemalashtiruvchi, bog‘lovchi, amaliy-tashkiliy omil sifatida qaralishi mumkin. Axborot texnologiyalari kutubxonalar, hujjatlar va o‘quvchilarning ijodiy ishlari kabi axborotlar jamlanmasi, ma’lumotlar bazasini tuzish, ta’lim jarayonini sistemalashtirish, o‘quvchilarning amaliy-ijodiy ishlairni tashkil qilish imkonini beradi.

Kundan kunga masofaviy tarmoq kurslari va tanlovlari ommalashib bormoqda. O‘qituvchi endi bilim axborotlarini yetkazuvchi yagona markaz emas, kompyuter texnologiyalarini qo‘llash bilan masofaviy ta’lim berish va olish imkoniyatiga ega bo‘lib bormoqda.

Axborot texnologiya vositalari o‘quvchiga o‘z tasavvurlarini “elektron ko‘rinish”da namoyon etish va o‘z mahsulotining raqobatdoshligini, o‘z g‘oyalari ommaviyligini tekshirish imkonini beradi. O‘quvchiga haqiqiy qiziqarli va o‘ziga xos resurs yaratish uchun u birinchi navbatda, barcha ma’lumotlarni o‘rganib chiqishi, uning talablari ruhiyatining xususiyatlarini sezishi, resursning yangiligini belgilashi va amaliy ahamiyatini anglab yetishi zarur. Bularning barchasi o‘quvchining

o'z bilimdonliklarini shakllantirishga, uning hayotdagi amaliy yo'nalishini belgilash malakalariga tegishlidir.

Masofali o'qitishda o'qituvchi dars jarayonini kompyuterlar, sun'iy yo'ldosh aloqasi, kabelli televideniya kabi vositalar asosida tashkil qilinishi talab qilinadi.

Masofali o'qitish shaklining an'anaviy shakllaridan afzalliklari quyidagilar:

1. *O'qitishning ijodiy muhiti.* An'anaviy metodlar asosida ta'lim berishda o'quvchi faqat berilgan materialni o'zlashtiradi. Masofali o'qitish uslubi asosida esa, o'quvchilarning o'zlari axborotlar omboridan kerak bo'lgan ma'lumotlarni qidirib topish va o'zlarining tajribalarini boshqa o'quvchilarga o'rgatish va almashish imkoniyatiga ega.

2. *Ish joyidagi katta o'zgarishlarning mavjudligi.* Masofali o'qitish uslubi asosida ta'lim berish turli o'quvchilarga (ayniqsa, ishlab chiqarishdan ajralmasdan bilim olayotgan talabalarga) juda keng sharoit yaratib beradi.

3. *O'qitish hamda ta'lim olishning yangi va unumli vositasi.* Statistik ma'lumotlar shuni ko'rsatmoqdaki, masofali o'qitish uslubi asosidagi ta'lim o'ta unumlidir. Bunday uslubda ta'lim olayotgan o'quvchilarning ustunligi ularning eng yaxshi va sifatli didaktik materiallar hamda salohiyatli o'qituvchilar bilan ta'minlanishidir. Ushbu uslubda o'quvchilar Internet tarmog'i orqali jahon yangiliklari bilan tanishishlari ham mumkin.

Masofali o'qitishda tashkiliy-uslubiy modellarni amalga oshirish ketma-ketligi quyidagichadir:

1. Keyslarga komplekt qilingan va o'quvchi (talaba)larga mustaqil o'rganish uchun yuborilgan sistemalashtirilgan o'quv-uslubiy materiallar (keys-texnologiya) mavjudligi, vaqt o'tishi bilan keyslarning mazmunlari o'zgartirib borilishi, ular magnit tashuvchilar va yozuvlar bilan to'latilishi, mashg'ulotlarni o'tkazish va amaliy bajarish uchun televizion (TV) texnologiyasini qo'llay boshlanishi kabilar. Bunda o'quvchi davriy ravishda o'quv markazlaridagi tyutorlarning kunduzgi maslahatlariga kelib turadi.

2. Multimediali o'qitish (bunda texnologiya o'qituvchi maslahatchi, keyslar, o'yinli vaziyatlar, imitatsion modellarni bo'lishini taqazo etiladi).

3. Tarmoqli masofali o'qitish (birinchini o'zida mujassamlashtirgan) – masofadan boshqarish, shu jumladan, xorijiy o'quv yurtlarining o'qituvchilari bilan muloqot qilish imkonini ta'minlaydi.


4. Virtual universitet (masofali o'qitishni tashkil etishning eng yuqori shakli, masalan, Yevropa ittifoqi virtual universiteti).

Masofali o'qitish – o'qituvchilarning malakasini oshirish va qayta tayyorlash tizimi kam harajatli, an'anaviy o'qitish sistemasiga qaraganda samaradorli hamda kelajagi porloq shakllardan biri hisoblanadi. Quyida chizmachilik fanining ba'zi mavzularini grafik ko'rinishdagi axborotlarni kompyuter orqali yuborish yoki masofali grafikaviy o'qitishko'rib chiqiladi.

Mavzu: *Detalning berilgan ikkita ko'rinishi bo'yicha uning chapdan ko'rinishi bajarilsin (1-chizma).*

1-usul. Detalning chapdan ko'rinishini aksonometrik proyeksiya (yaqqol tasviri) yordamida aniqlash.

a) detalning berilgan ikkita ko'rinishi skaner uskunasi yordamida kompyuter monitoriga (ekranga) olib o'tiladi (iloji bo'lsa ikkala ko'rinish kompyuterda chizib chiqilishi mumkin). Detalning har bir elementi (qismi) $A(A', A'')$, $B(B', B'')$, $C(C', C'')$ ko'rinishda belgilanib chiqiladi (1-chizma).



1-chizma


2-chizma

b) detalning ostki qismi parallelepipedning yaqqol tasviri frontal dimetriyada chizib olinadi va undan detal bosh ko'rinishining o'ng tomoniga eni X va balandligi Z o'lchamda chiziladi (2-chizma).


c) detalning $B(B', B'')$ elementi asosi A ning ustiga chizib chiqiladi (3-chizma).

d) detalning eng ustki qismi $C(C', C'')$ silindr uning B elementi ustiga chiziladi (4-chizma).


e) barcha yordamchi chiziqlar o'chirilsa, 5-chizmadagi ko'rinishga ega bo'ladi. Natijada detalning uchta ko'rinishi, ya'ni kompleks chizmasi hosil bo'ladi.



3-chizma



4-chizma



5-chizma

Masofali ta'limda ham iqtisoddan, ham vaqtdan, ham sifat ko'rsatgichi jihatlaridan yutiladi va bu hozirgi zamon talabi hisoblanmoqda.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ ЎРНИ

Б.Б.Мусаев,
ЎДЖТИ, п.ф.н.,
А.А.Таламетов,
ЎДЖТИ, катта ўқитувчи

XXI асрдаги ҳар қандай ривожланиш инсоннинг юқори интеллектуал даражасига боғлиқ. Шу сабабли ҳозирги замон ёшлари билими ва тарбияси давр талабига жавоб берадиган ҳамда умуминсоний таълим-тарбия шакл-тамомойиллари билан ҳамоҳанг бўлиши зарурдир. Республикамиз Президенти И.А.Каримовнинг бевосита раҳбарлигида ва ташаббуси билан ишлаб чиқилган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», «2002-2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастури» асосида нафақат умумтаълим мактабларида, лицейларда, касб-хунар коллежлари ва олий таълим муассасаларида, балки ҳар бир оиланинг ҳаётида замонавий ахборот ва компьютер технологиялари, рақамли ҳамда кенг форматли телекоммуникация алоқа воситалари, интернет тизимини татбиқ этиш, ўзлаштириш ва янада ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш ҳақидаги қарорлари фикримизни яққол мисоли бўла олади.

Ёшларимизни касб-хунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мўлжални мустақил тўғри ола билиш салоҳиятига қодир, истикболдаги вазифаларни ҳал этиш қудратига эга, мустақил фикрловчи, эркин, комил шахс қилиб шакллантириш, дунёга, ҳаётга янги кўз билан қарайдиган, ишнинг кўзини билувчи, келажагимиз пойдеворини қурувчи ва юксалтирувчи мутахассис кадрларни тайёрлаш Республикамиз педагоглари олдида турган энг муҳим ва масъулиятли вазифадир. Ёшлар тарбияси ҳамда уларни тарбиялашда таълим тизимининг қанчалик аҳамиятга эга эканлиги тасдиғини Президентимизнинг қуйидаги фикрларида аниқ кўриш мумкин: «Биз олдимизга қандай вазифа қўймайлик, қандай муаммони ечиш зарурияти туғилмасин, гап охир-оқибат барибир кадрларга бориб тақалаверади. Муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажагимиз, мамлакатимиз келажаги, ўрнимизга ким келишига ёки бошқачароқ, айтганда, қандай кадрларни тайёрлашга боғлиқдир». Шу сабабли ҳам олий таълим муассасаларининг ўқув жараёнига компьютер технологиялари ёрдамида электрон ўқув-методик мажмуаларнинг яратилиши ва уни ўқув жараёнига жорий этилиши, талабаларнинг мустақил билим олишида, ўзлаштирилган билим даражалари савиясини аниқлашда, мустақил фикрлаш қобилиятини шакллантиришда катта аҳамиятга эга.

Бугунги кунда талабаларнинг мустақил таълим олиш қобилиятларини шакллантиришда компьютерлардан фойдаланиш орқали эришиш мумкин бўлган ютуқлар ёки натижалар ўз самарасини бериб келмоқда. Мустақил таълимни ўргатиш ва ўрганиш жараёнида компьютерлар, мультимедиа тизимлари ва ҳатто, мультимедиа лабораториялари бутун дунёда аллақачон фойдаланиляпти. Мустақил таълимни ўргатиш ва ўрганиш дастурлари учун ишлатиладиган мультимедиа тизимлари видео, расмлар, товуш ва ўқитувчиларнинг товушларини қайта ишлаш ва ёзиш имконини беради. Бу тизимдаги турли хил компонентлар бир-бирларига ўзаро таъсирларини кўрсатиш, кучайтириш ёки кенгайтириш учун боғланган бўлиши мумкин. Бу, гўёки ҳамма ҳам қандай фойдаланишни билмайдиган ёки ҳамма ҳам эга бўлмаган жуда кучли юқори техникавий жиҳоз мавжуддек намоён бўлиши мумкин, лекин ҳақиқат шуки, юқорида тилга олинган жиҳозларнинг аксарияти, дарҳақиқат, кундалик ҳаётда жуда оддийдир. Телевизорга ўхшаб, мультимедиа системаларининг ҳам яққол кўзга ташланадиган ўзига хос хусусиятлари шундаки, улар бир пайтнинг ўзида икки сезгига: “кўриш ва эшитиш” сезгисига ҳужум қилади. Бу хусусият орқали мультимедиа тизимлари мустақил таълим олувчи билан ишлашда муҳим аҳамият касб этади. Бу воситанинг барча қисмларидан фойдаланиш, ўқитиш–ўрганиш муҳитини яхшилаш учун устунлик яратади. Биз қуйидаги жадвалда афзаллик ва ноафзаллик томонларини кўришимиз мумкин:

<i>Компьютердан фойдаланишнинг афзаллик томонлари</i>	<i>Компьютердан фойдаланишнинг ноафзаллик томонлари</i>
✚ компьютерлар томонидан намоёиш этиладиган видео, расм ва товушлар бир пайтнинг ўзида кўриш ва эшитиш қобилиятини оширади, ваҳоланки, анъанавий манбалар бир пайтнинг ўзида бундай икки қобилиятга таъсир эта олмайди; ✚ компьютерлар талабаларни кўпроқ мустақил ўрганувчи бўлиб тайёрланишга ёрдам беради; ✚ компьютер талабалар томонидан эгалланадиган ўрганиш стратегияларига таянч бўла олади; ✚ ўқитувчиларнинг масъулияти талабаларга ўзларини устида ишлашлари учун зарур бўладиган стратегияларни беришни ўз ичига олади; ✚ CD-ROMли компьютерлар катта маълумот ва кенг қамровли турли хил рўйхатлар ва талаффузларни таъминлаши мумкин;	✚ баъзи талабалар ва ўқитувчиларини компьютерлар эсанкиратиб қўяди; ✚ кўп талабалар ва ўқитувчилар анъанавий дарс усулларида ўзгаришларни инкор этишади; ✚ баъзи талабаларга мустақил ўрганувчи бўлишга кўникиш жуда қийин бўлади. Тартибсиз талабаларда компьютерлар билан ишлашда муаммолар бўлади; ✚ компьютерлар ҳаётий реал мулоқот алмашинувининг баъзи муҳим хусусиятларини таъминлай олмайди; ✚ компьютерлар техника механизмидир ва уларга бошқарув зарур, шунингдек, компьютерлар дарсга ёки ўрганиш вақтига ҳалал берадиган нарсадир. ✚ компьютерлар дарс жараёнида ўқитувчи билан ҳамкорликда ишлаш муҳитини таъминлай олмайди.

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, афзалликларнинг мавжудлиги билан бир қаторда ноафзалликлар ҳам мавжуд, улар компьютер билан ёки технологиялаштирилган муҳитда ишлашда ҳисобга олиниши керак.

МАТЕМАТИКА ФАНИНИ ЎҚИТИШДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚўЛЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Р.М. Юсупов,
Жиззах ДПИ, доцент,
Н.Алламуродова,
Жиззах ДПИ, магистрант

Бугунги кунда нафақат, табиатшунослик соҳасида, балки энг умумий маънода ўқувчиларда дунёқараш ва ижодий фикрлашни шакллантириш нуқтаи назаридан ўқув предмети сифатида математиканинг роли бекиёслиги ҳаммага яққол аён. Шунинг учун ҳам катъий пойдевор мактабда математикани ўқитишжараёнида шакллантириладиган билимлар максимал даражада реал ҳаётга ва кундалик амалиётга яқинлашиши лозим. Бу эса ўз навбатида, мактабда математикани ўрганишни ўқувчи фанни доимий тарихий ривожланишда кўра оладиган, уни ўрганишни хоҳлайдиган, билиш жараёнида қониқиш ҳосил қила оладиган даражада ташкил этишни тақозо этади. Мактабда математикани ўрганишни бундай ташкил этишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларнинг роли бекиёсдир.

Ахборот-коммуникация технологияларини мактабда математикани ўқитишда қўллаш ўқитувчига қуйидаги имкониятларини беради: кўргазмалилик ҳисобига ўқув материални ҳисоблашга сарфлайдиган вақтни қисқартириш ва ҳисоблаш ишларини тез бажариш; ўқувчилар билимини интерактив режимда текшириш. Бу эса ўз навбатида, ўқитиш самарадорлигини оширади, шахснинг бутун потенциални (билим, маънавий-ахлоқий, ижодий, коммуникатив ва эстетик), ўқувчиларда эса ахборий маданиятни ривожлантиришга имкон беради.

Математикани ўқитиш жараёнида ахборот-коммуникация технологияларида фойдаланиш таълим сифатини оширишни, яъни замонавий жамият учун энг муҳим муаммоларда бирини ҳал этишни кўзда тутати. Ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда мактабда математикани ўқитишни ташкил этиш эвазига:

✓ ўқувчилар учун янги ва ўзгача кўринишдаги ишлар эвазига, бир томондан бу жараённинг қизиқарли шаклда, иккинчи томондан эса, замонавий компьютерларнинг мультимедиа имкониятларини қўллаган ҳолда уларни ёрқин ва қизиқарли шаклларда бажариш;

✓ кўргазмали ўқитиш муаммоларини самарали ечиш, ўқув материалларини намоиш этишни кенгайтириш эвазига ўқувчиларга уни янада тушунарли ва имкон даражасида аниқ кўринишга келтириш, ўқувчиларнинг ўзларига керак бўлган ўқув материалларини исталган вақтда телекоммуникация воситаларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб қидириш орқали ахборотлар базасидан олишни амалга оширишлари мумкинлиги ва шу орқали келажакда ўқувчиларда масофадан туриб ахборотни қидиришга эҳтиёжни шакллантириш;

✓ мустақил, маълумотларни қабул қилишнинг қулай усулларини қўллаган ҳолда материални индивидуал ҳолатда ўзлаштириш ва чуқур ўрганиш, турли даражадаги машқлар, ўқитиш жараёнини индивидуаллаштириш эвазига ўқувчиларда яхши таъсурот ва яхши асосланган билимларни шакллантириш;

✓ компьютер натижаларни қайд қилиб бориши (оралиқларни, баҳо қўймаган ҳолда) натижасида ўқувчиларнинг саволларга жавоб бериши катъийлашади. Хатоларини аниқ қайд қилиб, мустақил равишда таҳлил қилиши ва йўл қўйилган хатоларни тўғрилаши, ўз

фаолиятини тескари алоқа эвазига назорат қилиш ва шулар эвазига ўзини ўзи назорат қилиш кўникмалари такомиллашади;

✓ мустақил равишда ўқув-тадқиқот ишларини амалга ошириш (моделлештириш, лойиҳалар услуби, тақдиротлар ишлаб чиқиш ва бошқалар) эвазига ўқувчиларда ижодий фаолликни ривожлантириш;

Замонавий ахборотлашган жамият барча турдаги ўқув муассасалари ва биринчи навбатда мактаб олдида қобилиятли, яъни қуйидагиларни ўзида мужассамлаштирган битирувчиларни тайёрлаш вазифасини қўймоқда: ҳаётий вазиятларга тез мослашувчан; мустақил танқидий фикрлаш; маълумотлар билан саводли ишлаш; турли ижтимоий гуруҳлар билан муросали бўлиш; ўз қарашлари, ақл-идроки, маданий даражаси устида мустақил ишлаш.

Барча фанлар каби математикани ўқитишда ҳам ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш инсоннинг физиологик хусусиятларига асосланади. Инсон хотирасида эшитилган маълумотнинг $\frac{1}{4}$ қисми, кўрган маълумотларнинг $\frac{1}{3}$ қисми, ҳам эшитган ҳам кўрган маълумотларнинг $\frac{1}{2}$ қисми, шунингдек, ўқув жараёнда фаол иштирок этса $\frac{3}{4}$ қисми қолар экан.

Ахборот-коммуникация технологиясини мактабда математика бўйича ташкил этадиган дарсларнинг қуйидаги босқичларида қўлланилиши мумкин:

- ўқитувчи-маслаҳатчи ёрдамида мустақил ўрганиш;
- қисман
- алмаштириш (лавҳали, қўшимча маълумотларда танлаш асосида фойдаланиш);
- машқ қилувчи дастурлардан фойдаланиш;
- ташхисловчи ва назорат қилувчи дастурлардан фойдаланиш;
- мустақил уй топшириқлари ва ижодий топшириқларни бажариш;
- ҳисоблаш ишлари ва графикларни куриш учун компьютерлардан фойдаланиш;
- тажриба ва лабаратория ишларини имитацияловчи дастурлардан фойдаланиш;
- ўйин дастурларидан фойдаланиш.

Маълумки, математикани ўқитишга анъанавий ёндошувда ўқув-ахборотли ўзаротаъсирлашувдаги асоси фаол иштирокчи бўлиб икки компонент, яъни ўқувчи ва ўқитувчи ҳисобланади. Ахборот-коммуникация технологияларига асосланган ёндошувда эса ўқувчи учун, шунингдек ўқитувчи учун интерактив рақиб пайдо бўлади, натижада тескари алоқа ўқув ахборотли ўзаро таъсирлашувнинг уч компонент (ўқувчи, ўқитувчи, компьютер) ўртасида амалга оширилади. Шунингдек, ягона ўқув манбаси сифатидаги ўқитувчининг роли ўзгаради. Ўқитувчи ўқув материали узатишга, билимлар мажмуасини хабар қилишга асосий вақтни сарф этмайди. Ўқув материални айтиб беришга сарфланадиган ўқитувчининг вақти ижтимоий ва бошқарув масалаларини ечишга сарфланади.

Ўқув ўзаро таъсирлашув тузилмасининг ўзгариши эса ўқувчи мустақил ўрганишда эришган ўқув ахборотдан фойдаланишга имкон берадиган хусусиятга эга бўлган ўқувчи, ўқитувчи ва компьютер фаол ўзаротаъсирлашувга олиб келади. Бунинг эвазига ўқитиш жараёни ахборотнинг пассив истёъмолчиси даражасидан ахборотни фаол ўзлаштирувчи даражасига кўтарилади. Янада такомиллашган вариантда ўқув масалаларни мустақил қўйиш, уни ҳал этиш учун фаразни олға суриш, уни тўғрилигини текшириш ва қидирилаётган қонуният бўйича хулосалар ва умумлашмаларни шакллантириш даражасига ўтади.

Таълим муассасаларида ўқитиш жараёни шахсни такомиллаштириш учун оптимал шароит яратиш керак. Таълим тизими ўқувчиларга ўзини ўзи ривожлантириш мақсадида ўзининг шахсий сифатларини амалга оширишга ёрдам бериш ва ўқитиш жараёнида уларда мустақиллик намоён бўлишини таъминлаши лозим. Бундай сифатларни ўқувчи ва ўқитувчи ўртасидаги муносабатлар ўзаро бир-бирини ҳурмат қилишга ва ўзаро ишончга асосланган, ўқув жараёнларини психологик босимдан ҳоли бўлган ўқитиш технологиялари орқали шакллантириш мумкин. Бундай ўқитиш технологияларига муаммоли ўқитиш ва ривожлантирувчи ўқитиш технологиялари киради. Рейтинг технологиясига асосланган

таълим тизими эса ўқув жараёнида бундай ўқитиш технологияларини амалга оширишга имкон беради.

Математика бўйича ўқув мавзулари мазмунини аниқловчи тест тузилмаси, тест топшириқлари типлари, уларнинг ўқув материални қамраб олиш кенглиги, таълим олувчининг билим даражасини тушунчалар, далиллар, образлар, мантикий боғланиш мажмуаси сифатида аниқлашга ёрдам беради. Тест топшириқларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш жиддий илмий ёндошувни, педагогик жамоанинг юқори даражадаги профессионализмининг талаб этади. Ана шуларни эътиборга олиб, ушбу ишда мактаб математика курси бўйича ўқувчиларнинг билим, кўникмаларини ташхислаш ва назорат қилиш, шунингдек, уй топшириқларини бажариш жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашга ҳаракат қилинган.

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИОН ТАЪЛИМ МУҲИТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ КОМПОНЕНТЛАРИ ВА ОМИЛЛАРИ

Н.А.Алимов, Р.М.Юсупов,
Жиззах ДПИ доцентлари

Мустақил Республикамизда таълимнинг бугунги ривожини унинг сифатига бўлган доимий ўсиб боровчи талаблар, таълим натижаларининг замонавий жамият эҳтиёжларига ҳамоҳанглиги билан тавсифланади. Бугунги кун ёшлари ахборот–коммуникация технологиялари билан эркин мулоқотда бўла олиши, касбий маҳоратни доимий ўсиб боришига тайёрлиги, олинган билимларни инновацион технологияларга ўткази олиши, ўзида мустақил билим олиш, танқидий мушоҳада юритишни шакллантириш ва ривожлантириш малакаларига эга бўлиши лозим. Бугунги кунда мустақил иш узлуксиз таълим олиш, ўз малакасини доимий ошириш, мустақил таълим олишга тайёрлик имконини берувчи таълимнинг муҳим компонентларидан бири сифатида қаралмоқда. Бу ўқитиш технологияларини модернизация қилиш зарурлигини тақозо этади ва ўқув жараёни ўқув-услубий, ташкилий-техник таъминотида ёндошувларни тубдан ўзгартиришни тақозо этади. Ўқитишнинг интерфаол усулларини амалга ошириш имконини берувчи, таълим олувчилар ўзлаштиришини фаоллаштирувчи қатор дидактик имкониятларга эга ахборотлар ҳамда мустақил таълимнинг кенг манбаи бўлган ахборот-коммуникация технологиялар таълимни муваффақиятли модернизация қилиш имконини беради.

Умумий ўрта таълим мактаблари учун ахборот-коммуникация технологияларини турли хил воситаларини яратиш ва тўплаш педагогик характердаги бир қатор муаммоларни вужудга келтиради. Энг аввало шуни таъкидлаш лозимки, педагогик мақсадли турли хил ахборот ресурсларини ишлаб чиқиш, тўплаш ва улардан амалиётда фойдаланиш бўйича аниқ бир тизим мавжуд эмас, яъни бундай воситалар бир-бири билан ҳеч қандай боғланмаган. Умумий ўрта таълим мактаблари доирасида фойдаланиладиган ахборотлаштириш воситалари турли хил методик ва технологик ёндошувларни талаб қилади.

Умумий ўрта таълим мактабларида ахборот технология ва ресурсларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ яна бир муаммо – бу ўқув, дарсдан ташқари ва ташкилий-педагогик фаолиятда ахборот-коммуникация технологиялари воситаларининг имкониятларидан мажмуавий фойдаланишга қобилиятли педагогик кадрларни оммавий тайёрлашнинг амалий жиҳатдан мумкин эмаслигидир. Бу муаммо-ларнинг ечими умумий ўрта таълим мактабларининг барча фаолият соҳаларида фойдаланиладиган ахборот ресурслари ва технологияларини бир хиллаштирилган битта тизимга бирлаштириш заруриятини юзага келтиради. Бундай тизим ролига ахборот-коммуникацион таълим муҳити даъвогар бўлиши мумкин.

Ҳозирги кунда ахборот-коммуникацион таълим муҳитини шакллантиришга кўпгина уринишлар мавжуд бўлиб, улар асосан ахборотлаштиришнинг алоҳида восита ва технологияларини бир-бири билан ўзаро боғлашнинг техник муаммоларини ҳал этишга қаратилган ва ҳозирга қадар ахборот-коммуникация технологиялари воситаларидан фойдаланишни тавсифловчи мазмун ва методларни бир хиллаштириш масаласи ҳал этилмаган.

Манбаларда ахборот-коммуникацион таълим муҳити ўргатувчи фаолиятни амалга ошириш учун фойдаланиладиган компьютерли воситалар ва уларнинг ишлаш усуллари мажмуаси сифатида таърифланган.

Умумий ўрта таълим мактабларида ахборот-коммуникацион таълим муҳитини ўқув, дарсдан ташқари, илмий-тадқиқотчилик фаолияти, ўлчаш, ўқитишни назорат қилиш ва натижаларни баҳолаш, таълим муассасасини бошқаришга оид фаолиятга мос ҳолда интеграллашган кўп компонентли тизим сифатида қуриш лозим.

Ахборот-коммуникацион таълим муҳитининг энг аҳамиятли компонентларидан бири умумий ўрта таълим мактабларида ўқув фаолиятни ахборотлаштиришга йўналтирилган дастурий-методик мажмуа ҳисобланади. Ўқув компонентни лойиҳалаш, қуриш ва ишга тушириш психолого-педагогик, методик ва технологик характердаги талаблар ва йўриқномаларнинг кенг қўламли мажмуасига мос ҳолда амалга оширилиши лозим. Ўқув компонентда тўпланган ахборот ресурслар ўқув нашларига (дарсликлар, ўқув ва методик қўлланмалар) қўйилган дидактик талабларга жавоб бериши керак. Бундан ташқари, бундай ресурсларга ахборот-коммуникацион таълим муҳити компонентларини яратиш ва ишлатишда ахборот ва телекоммуникация технологияларининг имкониятларидан фойдаланиш билан шартлашилган махсус дидактик талабларни ҳам қўйиш мумкин. Муҳитнинг ўқув компоненти эса, ахборот ресурсига қўйилган дидактик талаблар аниқ предмет соҳасининг ўзига хослиги ва хусусиятини, замонавий ўқитиш методларини амалга ошириш имкониятини эътиборга олишни кўзда тутадиган методик талаблар билан узвий боғлиқ.

Ахборот-коммуникацион таълим муҳитининг яна бир муҳим компоненти бўлиб, ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини ўлчаш, баҳолаш ва назорат қилиш воситалари ҳисобланади. Ҳар қандай таълим муассасаси, шу жумладан умумий ўрта таълимдаги фаолиятнинг муҳим соҳаларидан бири бу - қоидага кўра асосан педагоглар, баъзан эса ўқувчилар жалб қилинадиган илмий ва методик тадқиқотлар ҳисобланади. Умумий ўрта таълим мактаблари фаолиятининг илмий-методик соҳасига ахборот-коммуникация технологиялари воситаларини жорий этиш эса ўз навбатида, алоҳида йўналишни юзага келтиради. Шунинг учун ҳам ахборот-коммуникацион таълим муҳити доирасида педагоглар томонидан амалга оширилувчи илмий-тадқиқотчилик ва методик фаолиятларни ахборотлаштиришнинг турли воситаларини интегралловчи махсус компонент ажратилиши лозим. Бу компонент нафақат илмий фаолият нуқтаи назаридан аҳамиятли ахборот ресурсларига кириш воситаларини, балки ўтказиладиган тадқиқот учун муҳим ҳисобланган ахборотли лавҳаларни қайта ишлаш, сақлаш ва ҳисобга олиш инструментариаларини ҳам тақдим этиши лозим. Бундай воситалар илмий тадқиқотлар натижалари соҳасида педагогларнинг олис масофавий ўзаро таъсирлашувини ташкил этишда жуда фойдали бўлиб ҳисобланади.

Умумий ўрта таълим мактаблари амалиётида ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланиш борасида тўпланган тажрибалар таҳлили шуни кўрсатдики, уларнинг имкониятлари мактаблардаги дарсдан ташқари фаолиятда аҳён-аҳёнда ва тизимсиз фойдаланилмоқда. Дарсдан ташқари тадбирларни янада юқори даражага кўтаришга қобилиятли ахборот технологиялари асосий ўқув фаолиятнинг мазмуни билан тўғридан-тўғри боғланмаган. Шахслараро дарсдан ташқари мулоқатда компьютерли телекоммуникациялардан фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади.

Ахборот-коммуникацион таълим муҳитининг дарсдан ташқари компонентини ташкил этувчи ахборот ресурслари режалаштириладиган ёки ўтказиладиган дарсдан ташқари тадбирларда, синф раҳбарининг фаолиятини қўллаб-қувватловчи ахборотли воситалар, ўқувчиларнинг дарсдан ташқари мулоқатининг ахборот таъминоти воситалари, маданий-

оммавий ва спорт тадбирларини ўтказиш учун зарур бўлган ахборот воситалари, мактабда дарсдан ташқари фаолиятни бошқариш ҳақида ўқувчи ва педагогларга ахборот берувчи восита бўлиб ҳисобланалади.

Мактабда ахборот-коммукация технологияларини қўллашнинг кенг қўламли соҳаси бўлиб, ташкилий-бошқарув фаолият ҳисобланади. Уни автоматлаштиришда эса машғулоти режалаштириш, ўқув юклама ва тарификацияни ҳисоблаш, ўқитувчилар ва ўқувчилар ҳақидаги электрон маълумотлар базаси ва бошқа шу каби кўпгина дастурий тизимлар ва қобикларда фойдаланилади. Ахборот-коммукацион таълим муҳитини моделлаштириш, лойиҳалаш ва компоновка қилиш (жойлаштириш) да мактабнинг ташкилий-бошқарув фаолияти доирасида ахборотни қайта ишлаш ва узатишни автоматлаштирувчи интеграллашган ахборот ресурсларининг махсуслаштирилган компонентини ажратиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Мактаб фаолиятининг барча соҳаларини қамраб олган ахборот-коммукацион таълим муҳитини шакллантириш таълим жараёни кўрсаткичларини ҳар томонлама таҳлил этиш учун қўшимча шароит яратади, умумий ўрта таълим мактабларининг ҳолати, ундаги сифатий ва миқдорий ўзгаришлар ҳақидаги яхлит тасаввурни шакллантиришга имкон беради.

ПЕДАГОГЛАРНИНГ КАСБИЙ МАҲОРАТИНИ ОШИРИШДА АХБОРОТ-КОММУКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Т.Т.Қодиров,

А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ, ф.м.-ф.н., доцент,

Кенжаев Р.Х.,

А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ, ф.м.-ф.н., доцент

Ҳар қандай миллатнинг равнақи, умумбашарият тарихида тутган ўрни, мавқеи ва ишхрати бевосита ўз фарзандларининг ақлий ва жисмоний етуқлигига боғлиқдир.

Ислом Каримов

Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмунини мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий таррақиёти истиқболларидан, жамият эҳтиёжларидан, фан, маданият, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқларидан келиб чиққан ҳолда қайта қуриш назарда тутилади деб таъкидланган. Шунинг учун ҳам бугунги кунда таълим тизимига ахборот-коммукация технологияларининг жадал суръатлар билан кириб келиши давр талабидан келиб чиқмоқда. Ушбу соҳанинг бошқа фанларга интеграцияси таълим самарадорлигини оширишга хизмат қилмоғи керак.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Ҳайъат мажлисининг 2009 йил 15 февралдаги 2/5-ХБ-сонли қарори билан тасдиқланган Малака ошириш ва қайта тайёрлаш давлат талабларининг қайта такомиллаштирилган вариантынинг “Умумий қоидалар” бўлимида таъкидланганидек, “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган давлат талабларига мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларидан, таълим муассасаларининг эҳтиёжларини, янги педагогик технологияларни ва ўқитишнинг ноанъанавий шакллари ривожлантиришдан, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш соҳасидаги жаҳон ютуқлари ва анъаналаридан келиб чиқиб Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш давомида тузатишлар киритилиши ва тўлдирилиши мумкин”.

Мазкур талаблар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги «Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада

такомиллаштириш тўғрисида»ги 25-сонли қароридаги «Педагог кадрларнинг тайёрланганлигига қўйиладиган талаблар. Умумий малака талаблари» билан тасдиқланган ва барча педагог ходимлар учун умумий ҳисобланади.

Замонавий билимлар сари кенг йўл очиш, таълим тизимини такомиллаштиришда ахборот-коммуникация ва интернет технологияларидан самарали фойдаланиш бугунги куннинг асосий талабига айланди. Мамлакатимиз таълим тизимини ахборотлаштириш, хусусан, малака ошириш жараёнида педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг касбий маҳоратларини оширишда ахборот-коммуникация технологияларидан кенг қамровли фойдаланишни жорий этиш ҳукуматимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда ва жадал суръатлар билан амалга оширилмоқда.

Ҳозирги кунда республикаимиз халқ таълими тизимида фаолият кўрсатаётган педагог ходимларнинг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги билим, кўникма ва малакаларини оширишга бўлган талаб кундан-кунга ортиб бормоқда.

Ахборот-коммуникация технологияларининг ватанимиз таррақиётидаги ўрни ва аҳамиятини, ривожланиш истиқболларини, таълим жараёнида мақсадли қўлланишини, таълим жараёнини ахборотлаштиришнинг муҳим аҳамиятини ҳис қилиш ва унинг истиқболлини кўра билиш ҳар бир педагог учун давр талаби бўлиб қолди. Мана шу талабдан келиб чиқадиган бўлсак, педагогларга малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида ахборот-коммуникация технологияларини ўргатишдан асосий мақсад-уларда ахборот маданиятини шакллантириш, ўз касбий маҳоратларини ошириш ва мутахассислик фанини ўқитишларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш олиш кўникмасини ҳосил қилишдан иборат.

Ахборот-коммуникация технологиялари ва илғор педагогик технологияларнинг интеграцияси фанни ўқитишга кўرғазмали ёндашувни кучайтиришга, ўқув жараёнини муаммоли, ижодкор ва тадқиқотли характерда ўтказилишига, фаннинг мазмунан янгиланишига, ўқувчининг ўз устида мустақил ишлишни ўрганишига, ўқув жараёнининг ривожланишига олиб келади.

Таҳлилий мулоҳазалар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, умумтаълим мактабларида фаолият кўрсатаётган кўпчилик фан ўқитувчиларининг компьютер саводхонлиги, ахборот-коммуникация технологияларини ўзлаштириши ва ўқув жараёнида улардан фойдаланиш бўйича билимлари қониқарли эмас. Натижада умумтаълим мактабларида ўқув жараёнида ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан фойдаланиш даражаси жуда ҳам паст, самарадорлик тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади.

Бу камчиликларни бартараф қилиш учун нима қилиш керак? Аввалом бор педагогларнинг ахборот маданиятини шакллантириш масаласига жиддий эътибор қаратиш керак. Шунинг учун малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида педагогларнинг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги бўшлиқларини тўлдириш ҳамда касбий маҳоратини ошириш мақсадида қуйидагиларга эътибор қаратиш керак:

- ахборот технологияларини янада ривожлантириш тўғрисидаги давлат сиёсати, ҳукумат қарорлари, халқ таълим вазирлигининг меъёрий ҳужжатлари мазмун-моҳиятини ёритиб бериш;
- таълим соҳасига ахборот технологияларини жорий қилишнинг инновацион усуллари ва уларнинг имкониятларидан унумли фойдаланиш бўйича амалий кўрсатмалар бериш;
- иш фаолиятини фаоллаштирувчи дастурий воситалардан фойдаланиш асосларини ўзлаштиришларига эришиш;
- электрон дарсликлардан ўқув жараёнида мақсадли фойдаланиш асосларини ўргатиш;
- интернет ресурсларидан самарали фойдаланиш йўллари бўйича тавсиялар бериш.

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ – ТАЪСИРЧАН ТАРБИЯ ВОСИТАСИДИР

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ёш авлодга қаратилаётган эътибор, бу борада амалга оширилаётган ислохотлар давлат сиёсатининг ажралмас қисми сифатида намоён бўлиб халқаро миқёсда эътироф этилмоқда.

Мамлакатимизда ёш авлоднинг юксак маънавий мезонлар асосида ўсиб-улғайиши учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Бугунги кунда юртимиз ҳаётининг қайси соҳасини олманг – соғлиқни сақлаш ёки таълим дейсизми, иқтисодиёт ёки кичик бизнес дейсизми, маданият ва спорт жабҳалари дейсизми – уларнинг барчасида ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари алоҳида эътиборга олинаётганини кўрамиз.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари тадрижий ривожланиш йўлини босиб ўтди. Ўтган йиллар давомида, айниқса охириги 10 йилда оммавий ахборот воситаларини янада либераллаштириш, сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган кенг қамровли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди. Бу ўринда, аввало, оммавий ахборот воситалари ривожини таъминлайдиган, демократик талаб ва стандартларга мос келадиган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди.

Жамият ривожининг бугунги босқичи бевосита технологияларнинг такомиллашуви билан характерланади. Замонавий технологик жараёнлар ҳар қандай соҳага ўз таъсирини ўтказгани каби, ахборот узатиш тизимига ҳам тобора янги ўзгаришлар олиб кирмоқда. Шундайлардан бўлиши Интернет, айти даврда дунё бўйича жадаллик билан глобал аудиторияни эгаллаб бормоқда. Бинобарин, бугун Интернет ўзида барча соҳалар имкониятларини мужассам этмоқда.

Ахборот технологиялари жамият тузилмасининг шу қадар ажралмас қисмига айланиб улгурдики, энди у шунчаки технологик жараён эмас, аксинча, ижтимоий жараёнга айланиб бормоқда. Давлатнинг иқтисодий қудрати, халқаро нуфузи, демократик институтларнинг ривожига даражаси – бари-бари ахборот технологиялари тараққиётига боғлиқ бўлиб бормоқда.

Бугунги кунда ахборот инсониятнинг ниҳоятда муҳим ва чексиз, поёни йўқ ресурсига айланди. Бу эса қайси соҳага оид бўлишидан қатъи назар, интернетнинг миллий сигментида ўз ахборотларимизни тобора кўпайтириб боришни тақозо этади. Қачонки, маҳаллий сайтлар, порталлар керакли ахборотни етказа бера олмас экан, у ҳолда фойдаланувчи хорижий интернет манбаларига мурожаат қилиниши табиий ҳол.

Ёшларни Интернетдан олинаётган ахборотларга танқидий ёндашиш ва унинг фойдали манбалари асосида ўз дунёқарабини кенгайтириш, ғаразли маълумотларни инкор эта билиш идрокни шакллантириш ғоят муҳимдир.

Маълумки, айти кунда Интернетнинг UZ доменидаги сайтлар сони 5000 дан ошди. Улар орасида таълимга оид портал ва сайтлар ҳам бир нечтани ташкил этади. Лекин, улар таълимнинг маълум бир жабҳасинигина қамраб олади. Фаолият доираси ҳам чекланган. Таълимнинг барча йўналишларини ўз ичига олган ягона портал, шунингдек, таълим муассасаларини бирлаштирувчи тармоқ шу пайтга қадар мавжуд эмас эди.

Юқоридаги ҳолатлар сабаб, ёшлар ўртасида хорижий ахборот интернет-сайтлари оммалашшига имконият яратмоқда. Интернет тармоғида агрессив (тажовузор) контент мавжудлиги ахлоқсиз, экстремистик, тажовузор, ноҳолис сайтлар эса ёшлар маънавиятига жиддий хавф ҳисобланади. Буларнинг ҳаммаси миллий телекоммуникация тизимида ўқув-таълим, илмий, ёшлар ҳамда болалар муассасалари ва ташкилотлари учун мўлжалланган ахборот материалларини бирлаштирувчи ягона ахборот-ресурс майдончага эга бўлган жамоат таълим ахборот тармоғини шакллантириш заруратини юзага келтирди. Биноан, «Жамоат таълими ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарор қабул қилинди. Унга кўра, мазкур таълим тармоғининг мақсади – Интернет тармоғида маҳаллий ахборот таълим ресурсларини яратиш ва шакллантириш учун зарур шароит яратиш ҳамда АКТни таълим жараёнига сингдиришга кўмаклашишдан иборатдир.

Берилаётган ҳукукий кафолатлар самараси ўлароқ, ҳозирги кунда юртимизда фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситаларининг ортиши билан бирга нодавлат матбуот нашрлари, радио, телевидение фаолияти жонланди, уларнинг Интернет глобал тармоғига кириш имкониятлари кенгайди. Айни чоғда, оммавий ахборот воситаларининг мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик янгиланишлар ва модернизациялаш жараёнидаги аҳамияти, таъсири, масъулиятини ошириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Шу ўринда мавзуга оид айрим кузатувларимизни айтиб ўтмоқчимиз. Кундалик турмушини янгиликлар, сериаллар ва шоуларсиз тасаввур қила олмайдиган, ҳатто кун тартибини ТВ дастурларига қараб тузадиган юртдошларимиз ҳам кам эмас. Олимларнинг аниқлашларича, экран ортида содир бўлаётган воқеалар одамларнинг руҳиятига у ёки бу шаклда таъсир кўрсатар экан. Масалан, ялмоғиз кампирнинг борлигига ишонадиган беш ёшли бола турли "ваҳшиёна" мультфильмларни кўриб, ҳар куни ухлашдан олдин каравоти остига мўралайдиган бўлиб қолиши мумкин. Афсуски, кўпчилик ота-оналар болаларининг фанларни бўш ўзлаштириши, муомалада кўпол бўлишида телевидениени айбдор қиладилар-у, аммо бунинг олдини олишга шошилмайдилар.

Ҳозир телевизорсиз хонадон йўқ. Инсониятнинг энг ғаройиб кашфиётларидан бири бўлмиш телевизор бугун қайсидир маънода ҳаётимиз мазмун-моҳиятига айланиб қолган. Айрим оилаларда ота-оналар фарзандлари экран олдида тинчгина ўтирганларидан хурсанд бўладилар. Болам телевизорни қанча кўп кўрса, у шунча кўп нарсани ўрганади, дунёқараши кенгайди, билими ошади, деб ўйлайдилар. Ваҳоланки, мактаб ўқувчиси дарс тамом бўлгач ёки уй вазифаларини бажарган заҳоти телевизор кўрса, унинг бош мия фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Телевизор мияга қўшимча юк бўлиб, толиқтириб қўяди. Шунинг учун ўқувчилар кино, театр, музейга борган кунлари телевизор кўрмаганлари маъқул. Акс ҳолда, бола асабий бўлиб қолади, уйқуси бузилади, эрталаб ўрнидан туролмай инжиқланади. Дарсга борса, ухлаб қолиши мумкин.

Шу каби кузатув ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, болалар телевизор кўрмасликлари керак экан-да, деган хулоса чиқармаслик керак. Болалар телевизор кўришлари лозим, албатта, лекин улар кўраётган теледастур ва ажратилаётган вақтни тўғри ташкил этиш керак. Яъни, дам олиш ёки бошқа кунлари дарс тайёрлаб бўлгач, тоза ҳавода сайр қилиб, сўнг телевизор кўрсалар ҳар томонлама мақсадга мувофиқдир.

Афсуски, бугунги ёш авлоднинг ота-онаси ҳам, устози ҳам, яқин дўсти ҳам телевизор бўлиб қолмоқда. Биз болаларга телевизордан фойдаланишни бутунлай чеклаб қўйиш фикридан йироқмиз. Фақат бу жараёни назоратга олиш зарур. Шундай экан, теледастурлар биратўла театр, музей, саёҳат ва мутолаанинг ўрнини тўлдиришига йўл қўймайлик. Агар экран орқали дунёни танир эканмиз, мустақил изланиш ва фикр юритиш қобилиятидан аста-секинлик билан маҳрум бўлиб боришимиз натижасида санъатга, гўзалликка бўлган эҳтиёж ва бу тушунчаларнинг асл моҳиятидан маҳрумликка дучор бўламиз.

Президентимиз ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида таъкидлаганидек, “Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги куни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори, авваламбор, фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир. Биз бундай ўтқир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак”. Ўз навбатида оммавий ахборот воситаларининг жамиятдаги ўрни, ҳаётимиздаги таъсирчан мавқеи ҳам ёшларимизнинг турли хилдаги тарбиясида алоҳида роль ўйнашини назарда тутмоғимиз даркор.

ЁШ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШДА ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИНИНГ АҲАМИЯТИ

Б.Хуррамов,
Сурхондарё ВПКҚТМОИ, ўқитувчи,
З.Шукурова,

Термиз шаҳри 8-умумий ўрта таълим мактаби, ўқитувчи

Ахборот-коммуникация технологиялари ва унинг жамиятдаги ўрни юқори даражада эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Хурматли Президентимиз Ислом Каримов фармойишида “Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, рақамли ва кенг форматли телекоммуникация алоқа воситалари ҳамда Интернет тизимини янада ривожлантириш, уларни ҳар бир оила ҳаётида жорий этиш ва кенг ўзлаштириш асосий вазифалардан этиб белгилансин”, - дея таъкидлаб ўтиши, бу соҳанинг кенг маънода оммавий тарғиб қилинишига яққол далилдир.

Бугунги кунда ўқитиш ва ўрганиш жараёнида Интернет-технологияларига катта ўрин ажратилмоқда. Бундай технологиялар таълим жараёнига кўмаклашиб, ўқитиш дастурлари, ўқув қўлланмалари, электрон дарслик ва журналлардан фойдаланиш имкониятини яратмоқда, фойдаланувчиларнинг тестларда, тадқиқот ва илмий ишлар танловларида, масофавий лойиҳаларда, илмий мактаб ишларида иштирокини таъминламоқда.

Билим олиш жараёнида Интернет тармоғидан фойдаланувчиларнинг ўқув-тадқиқотчилик маданиятини шакллантириш самарадорлигини оширишга имкон беради.

Бугунги кунда Интернетда жуда кўп веб-форумлар, чатлар мавжуд бўлиб, ўқувчилар бир-бири билан мулоқотга кириша олишади. Чатларнинг имкониятларидан таълим-тарбиявий мақсадларда фойдаланиш учун ўқитувчи муайян мавзуда мулоқот, баҳс, мунозара ташкил этиши мумкин. Бундай мақсадларга, масалан, “Виртуал аудитория”, “Таълим тармоғи” каби лойиҳаларни киритиш мумкин. Интернетда бундай фаолият шаклини қўллаш таълим мазмунини бойитади, ўқувчиларни ўзаро ғоялар, фикрлар алмашинувига жалб этади, бир-бирларига ёрдам беришга кўмаклашади, ҳамкорликда янги билимларга эга бўлиш имконини беради, гуруҳдаги ўқув иши учун масъулиятларини кучайтиради, натижада эса уларнинг ўқув-тадқиқотчилик маданияти юксалиб боради. Интернет тармоғидан фойдаланишда яна бир жиддий муаммо мавжудки, у ҳам махсус дастурий таъминотнинг йўқлиги туфайли, интернет-саҳифаларга наркотиклар, ахлоқсиз ўйинлар, диний, ирқий дискриминацияни тарғиб қилувчи материаллар ва бошқа салбий, ёт ғоялардан иборат материаллар кириб қолиши мумкин. Шунинг учун ҳам ўқитувчиларнинг вазифаси – Интернет тармоғида мавжуд маълумотларни, ахборотни тушуниб, кераклисини танлаб олиш шароитларини яратишдан иборатдир. Агар ўқитувчи ўз фани бўйича Интернет-сайтлар рўйхатини тузиб, ресурслар билан ўқувчиларни таништиради, уларнинг фаолияти мақсадга йўналтирилган бўлади, улар бегона сайтлардаги материаллар билан танишмай қўядилар. Ҳар ҳафта бўлиб ўтадиган маънавий дарсларида ҳам Интернет маълумотларидан кенг фойдаланиш мумкин. Интернет кенг имкониятлар яратиб берувчи тармоқ бўлиб, фан ўқитувчилари ва ўқувчиларда бу тармоқда ишлаш кўникма ва малакаларини ривожлантириш, такомиллаштириб бориш таълим-тарбия жараёни самарадорлигини оширишга хизмат қилиши лозим.

Ҳозирги кунда қайси бир соҳани олмайлик унинг ривожининг замирида ахборот-коммуникация технологиялари ётади.

Оддий кундалик ҳаётимизда фойдаланилаётган технологияларга мисол қилиб қуйидагиларни айтишимиз мумкин:

Коммуникация технологиялари:

- Мобил телефонлар
- Мобил интернет
- MMS ва SMS

Интернет тизими хизматлари:

- Қидирув тизимлари
- Веб саҳифалар ва браузерлар
- Электрон почта
- Кўнгилочар сайтлар

Мультимедиа воситалари:

- Видео плеерлар
- MP3 плеерлар
- CD плеерлар
- DVD плеерлар

Ахборот-коммуникация технологиялари ривожланган соҳаларидан бири интернет ва унинг хизматларидир.

Ҳозирда нафақат шаҳар жойларда балки чекка-чекка қишлоқларда ҳам ахборот-коммуникация технологияларининг кириб борганлигини кўришимиз мумкин.

Бунга мисол қилиб, RAYNET хизмати, бир ҳудуддан иккинчи бир ҳудудга компьютер техникаси ёки телефон тармоғи ёрдамида юборилаётган почта хизмати ва бошқаларни айтишимиз мумкин.

Ҳозирги кун талаби ҳам ушбу технологияни мукамал билиш, амалда қўллаш олиш, ёшларнинг компьютер саводхонлигини ошириш, интернет тармоғидан унумли фойдаланиш билим ва кўникмалари шаклланган малакали кадрлар тайёрлашдан иборат.

Бугунги кун ёшлари ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга, фан ва таълим янгиликларини ўрганишда интернет тизимидан етарлича жавоблар олишмоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз ёшларига зиё ва илм ўчоқларини очишда яқиндан ёрдам бериб келаётган интернет хизматларидан Ziyonet тармоғини мисол қилиб олишимиз мумкин. Бунда ўқувчи ёшлар, талабалар, ёш педагоглар ва барча таълимга қизиқувчилар учун миллий ўзлгимизга хос ва мос бўлган таълимга оид маълумотлар мужассамлашган.

Ҳозирда мамлакатимиз ёшларини АКТ соҳасини тарғиб этиш ва унга жалб қилиш борасида ҳукуматимиз томонидан қуйидаги танловлар ва олимпиадалар ташкил этилмоқда:

– **Халқаро ва Республика кўрик танловлари:**

• “Келажак Овози” Мегатанлови – ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлари ва техник ишланмалар номинацияси.

– **Интернет олимпиадалар:**

• мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида Информатика ва дастурлаш бўйича олимпиада.

– **Дастурлаш бўйича жаҳон чемпионати:**

• олий ўқув юртлари талабалари ўртасида дастурлаш бўйича жаҳон чемпионати мусобақалари.

– **Компьютер ўйинлари чемпионати:**

- Uzbekistan Cyber Games, World Cyber Games.

Ёшларни АКТ таъсирларидан асраш борасида қилинадиган ишлар:

Алоқа воситаларидан фойдаланиш:

– мобил алоқа тизимлари - тезкор алоқа воситаси сифатида фойдаланиш, аҳамияти ва салбий оқибатлари;

– мобил алоқа тизимлари – мультимедиа ва ахборот тарқатувчи восита сифатида, аҳамияти ва салбий оқибатлари;

Шу билан бир қаторда, ҳар бир нарсанинг фойда ва зарари бўлгани каби, АКТ ижобий ва салбий томонларини айтишимиз мумкин:

Ёшлар онгига таъсирини камайтириш чоралари:

- оилада;
- маҳаллада;
- ўқув муассасасида тушунтириш ишларини олиб бориш.

АКТдан фойдаланиш маданиятини шакллантириш:

- уяли телефонлардан фойдаланиш тартиб-қоидаларини кенг тарғиб қилиш;

- уяли телефон имкониятларидан тўғри йўлда фойдаланиш кўникмаларини тарғиб этиш;
- интернет ресурсларидан тўғри ва оқилона фойдаланишни ташкил этиш.

Ёшлар ва коммуникация воситалари:

• Ижобий:

- болалар телефонларда, оддийроқ бўлса ҳам, дастурлар яратишни ўрганади, кейинроқ дастурлардан фойдаланиш ва улар ёрдамида ишлашни ўрганади, телефонига мусиқани юклаб олиш ёки телефонини компьютерга улаб техникани ҳам ўзлаштириши мумкин.

• Салбий:

- мобил телефон орқали кўп гаплашганда, ундан тараладиган электромагнит тўлқинлари инсоннинг эшитиш ва мия тизими учун зарарли ҳисобланади;
- телефон туфайли ёш болаларда жиззакилик, руҳий тушкунлик, лоқайдлик каби иллатлар юзага келади.

• Бунда, аввало, ота-онанинг онгида "Фарзандимга уяли алоқа воситаси керакми?" деган фикр пайдо бўлсагина пировард натижага эришиш мумкин.

Ёшлар ва компьютер ўйинлари:

• Ижобий:

- ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни, клавиатура билан ишлашни ўргатади. Бу, ўз навбатида, замонавий ахборот воситаларини ўзлаштиришга хизмат қилади;
- компьютер ўқув ва машқ (тренажёр) ўйинлари ақл-идрокни, билим ва салоҳиятни ўстиришга хизмат қилади, бу эса қувонарли ҳолат.

• Салбий:

- ўйинларнинг асосий мақсад ва ғоясини таҳлил этадиган бўлсак, улардан фақат кўпуровчилик, ваҳшийлик ва шафқатсизликни ўрганиш мумкин;
- компьютер ўйинлари ёшларнинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатади, бунда болалар инжиқ, хаёлпараст, таъсирчан, баджаҳл бўлиб қолади.

Интернет кафелар, уларнинг ижобий ва салбий оқибатлари

Ижобий:

- фойдаланувчиларнинг аксарияти ёшлар;
- компьютер саводхонлигини ошириш;
- янги замонавий технологияларни ўзлаштириш;
- очиқ ахборот манбаидан фойдаланиш;
- маълумотларга тезкор эга бўлиш;
- турли миллатлар маданияти билан танишиш;
- электрон тижорат ютуқларидан фойдаланиш;
- электрон хабарлар алмашиш ва мулоқот қилиш;
- ўзаро фикр алмашиш ва мунозаралар ташкил этиш ва ҳоказо.

Салбий:

- виртуал жанговар компьютер ўйинлари;
- дахшатли фильмлар;
- ёшлар онгини заҳарловчи турли фильмлар ва ахборотлар.

Интернет кафе хизматидан ижобий фойдаланиш:

Махсус назорат ташкил этилган Интернет кафелар. Бундай Интернет кафеларда мавжуд технологиялардан ва шарт–шароитдан факатгина ижобий фойдаланиш ташкил этилган.

Бундай Интернет кафелар ахборот–коммуникация технологияларининг кенг тарғиб қилиниши, ривожланиши ҳамда ёшларнинг илм ва тафаккурини ошишида муҳим аҳамият касб этади.

Интернет кафе хизматидан салбий фойдаланиш:

Нazorat мавжуд бўлмаган Интернет кафелар. Бундай Интернет кафеларда ёшлар, умуман, ихтиёрий фойдаланувчилар кўнглига келган ишларни қилиши, яъни тафаккуримизга ёт бўлган ахборотлардан фойдаланиши, турли хил стратегик ва ваҳшийликка йўналтирилган

ҳамда руҳиятга таъсир этувчи ўйинларни ўйнаши, турли жанрдаги мусикаларни тинглаши видеофильмларни ва роликларни томоша қилиши мумкин.

Бундай Интернет кафелар ёшларнинг тарбиясида салбий оқибат касб этади.

Хулоса ўринда шуни айтишимиз мумкинки, бугунги кун баркамол авлод ёшларини тарбиялашда ахборот-коммуникация технологияларини ўрганиш етакчи ўринни эгаллайди. Яъни, бугунги куннинг замонавий малакали мутахассиси бўлиш учун замонавий билимдан орқада қолмаслигимиз кераклигини баркамол авлод ёшлари онгига сингдиримиз керак бўлади.

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ДАРСЛАРИДА АХБОРОТ ТАЪЛИМ ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Я.М.Абдуллаев,

ЎзПФТИ, катта илмий ходим-изланувчи

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган илк даврлардан бошлаб юртимизда бир қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизнинг истиқлол йўлидаги биринчи қадамлириданок миллий маънавиятимизни тиклаш ва янада юксалтириш, унинг миллий заминини мустаҳкамлаш, замон талаблари билан уйғунлаштиришга катта аҳамият бериб келинмоқда.

Узлуксиз таълим тизимида ёш авлодни жисмоний бақувват, чاقқон, иродали, ватанпарварлик руҳида тарбиялаб вояга етказишда жисмоний тарбия ва спорт машғулотларининг аҳамияти катта бўлиб, дарсларни янги усуллар билан ташкил қилиш ва ўтказиш, ўқувчи-ёшларни спорт машғулотларига оммавий равишда жалб қилиш ва ривожлантириш бугунги кундаги долзарб педагогик вазифалардан биридир.

Шу сабабли, таълим муассасаларида жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва оммавий спорт ишларини янада ривожлантириш, аҳоли ўртасида жисмоний тарбия ва спорт ҳаракатини кучайтириш, спорт турларининг оммавийлигини оширишда жисмоний тарбия фанининг аҳамияти беқиёс.

Фан ва техниканинг жадал суръатлар билан ривожланиши глобаллашуви жараёни, республикаимиз таълим муассасалари таълим жараёнида илғор ахборот технологияларини самарали жорий этишни талаб этмоқда. Жамиятдаги ўзгаришлар ёш авлоддан фан ва техника ютуқларидан мунтазам хабардор бўлиш, шахсий ҳаётида компьютер техникасидан самарали фойдалана билишни талаб этмоқда.

Хусусан, таълим тизимида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш ўқитувчи ва ўқувчилардан янги ахборот муҳитида бемалол ишлай олиш кўникмаларини шакллантиришни талаб этади. Шу жумладан, жисмоний тарбия дарсларида ҳам ахборот таълим воситаларидан фойдаланиш таълим сифати ва самарадорлигини оширишда муҳим роль ўйнайди.

XXI асрда замонавий таълимни ахборот технологияларисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Ахборот-коммуникацион технологиялари асосида ўқув машғулотларини ташкил қилиш ўқувчининг фикрлаш қобилиятини янада ривожлантиради. Чунки ўқувчи олган янги билимларни амалий тарзда шахсий фаолияти ёрдамида қабул қилади.

Масалан:

1. Жисмоний тарбия дарсларида электрон доскадан фойдаланиб дарслар ўтилса, ўқувчиларга машғулотлар давомида жисмоний ҳаракат фаолияти аниқ кўрсатиб берилади.

2. Жисмоний тарбия дарсларида спорт заллари биносини электрон доскада масофадан бошқариш, Ўзбекистон спортчиларининг жаҳон миқёсида олаётган ўрни ва натижаларини кўрсатиб бериш, спортчиларининг машғулот жараёнларида бажараётган ҳолатларини олиб кўрсатиш ўқувчиларнинг спортга нисбатан қизиқишларини янада орттиради.

3. Ахборот таълим воситалари орқали ўқувчиларга назарий билим бериш билан бирга билим, кўникма ва малакалари ошади.

4. Жисмоний тарбия таълимига оид ўқув ва синфдан ташқари ишларни муваффақиятли олиб бориш учун тегишли моддий база - жисмоний машқлар билан шуғулланишга мослаштирилган мактаб, спорт майдони ва гимнастика зали ёки хонаси зарур. Болалар фаоллигини оширишнинг қимматли воситаси фақат кўрсатишдан иборат топшириққина эмас, балки машқларни ўтказиш, тушунтириш ва ўйинни ташкил этиш каби методик усуллар ҳам бу борада муҳим восита ҳисобланади.

Жисмоний тарбия дарсларини муваффақиятли ўтказишда ўқитувчи, унинг пухта тайёргарлиги ҳал қилувчи рол ўйнайди. Ўқитувчи дарсга тайёрланиб, машқларнинг ҳар бир синф учун тушунарли ва дастур программаларига мувофиқ бўлишини, дарснинг зичлиги ва етарлича оғир бўлишини, машқларни тоифалаштириши ҳамда ўқувчиларга индивидуал ёндашиши, дарсни олиб бориш ва ўқувчилар активлигини ошириш методларини белгилаши каби кўпгина масалаларни ҳал этиши лозим.



Кўшиқ, музика жўрлигидаги ўйинлар, болаларнинг эстетик тарбиясига ёрдам беради.


Ўйинлар характернинг ижобий ва салбий хусусиятларини очади, бу эса ўз навбатида болаларни яхшироқ ўрганишда катта аҳамиятга эга.

ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ БЎЙИЧА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Н.А. Гулбоев,
ТВПКҚТМОИ, доцент

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли қарори 1-иловасининг 8- бўлимида педагог кадрларнинг тайёргарлигига қўйиладиган талабларда, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишга катта эътибор берилган.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, замонавий педагог жавоб бериши керак бўлган талаблар комплексини белгилайди. Мутахассиснинг педагогик ишга тайёргарлигининг зарур ва етарли даражасини таъминлайдиган асосий (фундаментал) талабларини қуйидагича белгилаш мумкин:



Педагогнинг янги педагогик ва ахборот технологияларини эгаллаганлик, интернетнинг глобал тамоғи билан ишлаш амалий кўникмаларига эгаллиги, *ўқитиш (дарс бериш) маҳорати*га қўйиладиган талабларнинг асосий қисмларидан бири ҳисобланади.

Халқ таълими вазирлигининг 2012 йил 3 январдаги 1-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Халқ таълими раҳбар ва педагог ходимлари малакасини ошириш курсларининг ўқув режаси”нинг “Умумқасбий фанлар” ўқув блоки таркибига кирувчи “Ахборот технологиялари” – 8 соат ва “Мутахассислик фанлари” ўқув блокига кирувчи “Фанни ўқитишда ахборот технологиялари” – 12 соатли модуллари бўйича малака ошириш курслари тингловчиларининг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган Давлат талаблари, ўқув-мавзу режа ҳамда дастурлари тузилган.

Тошкент вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида ушбу Давлат талабларини бажариш мақсадида ва Халқ таълими вазирлигининг 2012 йил 21 апрелдаги “Умумий ўрта таълим мактабларида фаолият кўрсатаётган ўқитувчиларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан таълим жараёнида фойдаланиш бўйича малакасини оширишни ташкил этиш тўғрисида”ги 125-сонли буйруғи 4.10- бандига асосан ТВПКҚТМОИ ўқитувчиларининг туман (шаҳар) мактабларидаги фан ўқитувчиларига услубий-амалий ёрдам бериш режа-жадвали қуйидаги тартибда ишлаб чиқилган:


№	Туман (шаҳар) номи	Жами мактаблар сони	Услубий-амалий ёрдам бериладиган мактаб рақамлари	Масъул шахс, тел. рақами	Масъул шахснинг маълумоти, мутахассислиги ва лавозими	Изоҳ
			Апрель ойи 2013 йил			
1	2	3	4	5	6	7
	Олмалик ш.	45	3,5,7, 11,12,14,16,19,22,18,20,24	Н. Гулбаев +99890 9612781	Информатика ўқитувчиси, доцент	

Жадвалдаги 4-устунда бир ойлик режа кўрсатилган, бундан фойдаланиб чорак, ярим йиллик ва йиллик режалар тузиш мумкин. Изоҳ устунида ҳар бир мактабдаги муаммо қайд қилинади. Тажрибалар асосида ҳозирги кунда учраётган баъзи муаммоларни келтирамыз:

- ахборот ташувчи (дискета)лар яроқсиз ҳолга келган ёки компьютерда у билан ишлайдиган қурилманинг йўқлиги;
- ахборот ташувчи (компакт диск)лар яроқсиз ҳолга келган ёки қурилма тўғри келмайди (DVD, CD);
- маълумотларни чоп қилувчи қурилмалар ёки овоз чиқариш драйверлари йўқлиги;
- антивируслар ўрнатилмаганлиги ёки база эскирганлиги;
- компьютернинг математик таъминотида камчиликлар мавжудлиги;

- электр таъминотидаги узилишлар ва бошқалар.

Режа асосида масъул шахслар туман (шаҳар) мактабларидаги фан ўқитувчиларига ҳар ойда “камида 3 та мактаб” шиори остида услубий-амалий ёрдам беришни қуйидаги схема асосида амалга оширмоқдалар:



Ушбу жадвалга асосан масъул шахслар туман (шаҳар) мактабларига бориб, услубий-амалий ёрдам олувчилар билан учрашади ва режа ишлаб чиқади, алоқа усуллари ва воситалари билан таништирилади. Дастлаб, мулоқотлар алоқа каналлари (мобил телефонлар) орқали амалга оширилади.

Тажрибалар шуни кўрсатдики, масъул шахслар ва услубий-амалий ёрдам олувчилар ўртасидаги масофа 25 км дан ошгач, алоқаларда курьерлар ёрдамидан фойдаланиш самара бермоқда. Масалан, Тошкент – Олмалиқ шаҳри орасидаги масофа 50 км. Дастлаб, масъул шахс режа асосида Олмалиқ шаҳридаги камида 3 та мактабга бориб, услубий-амалий ёрдам олувчиларни аниқлайди, режа тузади ва алоқа каналлари орқали ишни бошлайди. Институтга ҳар куни 50 га яқин шаҳар мактаб ўқитувчилари малака ошириш учун қатнайди.

25 км дан кам масофада масъул шахс ва услубий-амалий ёрдам олувчиларнинг ўзаро келишуви асосида алоқа ўрнатилади. Курьер алоқадан фойдаланишга чегара йўқ, ўзаро келишув асосида хоҳлаган вақтда курьерлар хизматидан фойдаланиш мумкин. Масъул шахс, тингловчилар орасидан зарурий шахсларни аниқлайди (мактаб жойлашуви асосида) ва улар орқали объект билан яъни услубий-амалий ёрдам олувчи билан алоқани ўрнатади ва зарурий материалларни етказиб туради. Шу тартибда ҳар ойда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан таълим жараёнида фойдаланиш бўйича ўқитувчилар малакаси ошириб борилади.

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ИННОВАЦИОН МЕТОДЛАР

С.Б. Ибрагимова, А.Ю. Частоедова,
ЎДЖТИ катта ўқитувчилари

Ўзини камол топтира олмаган инсон, ўзгалар камолотини таъминлай олмайди.

Конфуций

Ҳозирги кунда олий таълим муассасаларида малакали ва рақобатдош кадрлар тайёрлаш комплекс чора тадбирлар асосида олиб борилади. Шундай тадбирлар жумласига ўқув жараёнига замонавий ахборот-коммуникация, интернет ва мултимедиа технологияларини татбиқ этиш ва ўқитиш даражасини меҳнат бозори талаблари ҳамда етакчи компаниялар истаklarига мос даражада ташкил этиш киради.

XXI аср маънавият ва маърифат асри, илм – фан, маданият ва ахборотлар асри деб таърифланиб келмоқда. Демак, ҳозирги даврнинг муҳим белгиси ва хусусиятини ҳисобга

олиб, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамияти даражасига чиқиши учун, халқимизнинг эркин ва фаровон ҳаёт кечириши учун ақлий салоҳиятига, ёшларнинг замонавий билимларига эга бўлишга, фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқларини ўзлаштиришга боғлиқ.

Мамлакатимизда қабул қилинган Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури замон талабларига тўла - тўқис жавоб бера оладиган, чинакам маърифатли, бозор муносабатлари шароитида ўз билим ва кўникмалари билан Ватан истиқболи манфаатлари йўлида самарали фаолият кўрсата оладиган мутахассислар тайёрлашни назарда тутади.

Ҳозирги замонда инсон фаолиятининг бирон бир соҳасини компьютерлар ва ахборот технологияларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Улардан оқилона ва самарали фойдалана олиш бугунги кунда ҳар бир ўқимишли ва зиёли инсон учун жуда зарур бўлиб қолмоқда. Турли соҳа мутахассислари ўзлари учун мос амалий дастурлардан фойдаланмоқдалар. Таълим жараёнига ахборот технологияларининг жорий этилиши ҳозирда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу эса ўз навбатида таълим самарадорлигини оширишга, дарсларнинг қизиқарли ва мазмунли бўлишига олиб келади.

Таълим жараёнида инновацион методлар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда. Бундай бўлишининг сабабларидан бири, шу вақтгача таълимда ўқувчи - талабаларни фақат тайёр билимларни олишга ўргатилган. Ўқитувчи бу жараёнда шахснинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади ва шу билан бир қаторда, бошқарувчилик функциясини бажаради. Таълим жараёнида ўқувчи-талаба асосий фигурага айланади. Уни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологиялар уларни эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил, ҳатто, хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади.

Информатика фанини ўқитишда педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш юқорида айtilган эзгу ниятларнинг амалга ошишига хизмат қилади, деб ўйлаймиз. Шу сабабдан ўқитувчилар дарсни қизиқарли ва мазмунли ўтиши, талабаларда билим ва кўникмалар ҳосил қилиши, дарсга қизиқарли материалларни тайёрлашлари учун ўз устларида ишлаш талаб қилинади.

Информатика ва ахборот технологиялари фанидан маъруза машғулотининг ўқитиш технологиясини мисол тариқасида баён қилишимиз мумкин.

Визуал материаллар

- Бошқариш қурилмаси – дастур бажарилиши жараёнини ташкил қилади;
- Арифметик-мантиқий қурилма- арифметик-мантиқий амалларни бажаради;
- Ёдда сақлаш қурилмаси ёки жорий хотира- маълумот ёки дастурларни ўзида сақлайди;
- Ташқи қурилмалар маълумотларнинг кириш чиқишини таъминлайди.

Компьютернинг турли техник қисмлари орасидаги ўзаро боғланиш — бу, аппарат интерфейси, дастурлар орасидаги ўзаро боғланиш эса — дастурий интерфейс, аппарат қисмлари ва дастурлар орасидаги ўзаро боғланиш — аппарат — дастурий интерфейс дейилади.

Топшириқлар.

1. Дастур сўзига оид кластер тузинг.
2. Шахсий компьютернинг дастурий ва аппарат таъминоти иерархик (дарахтсимон)

схемасини тузинг.

«КАСКАД» таркибий мантиқий схема услубидан фойдаланилади

«КАСКАД» таркибий-мантиқий схема - иерархик ғоялар таркибини аниқлаш имконини беради. Тизимли, ижодий, таҳлилий мушоҳада қилиш кўникмаларини ривожлантиради

Схемани тузиш қоидалари билан танишилади.

Жуфтларга бирлашади, ўзсхемаларини такқослайди ва қўшимчалар киритади

Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари (балларда)	Гуруҳлар		
	1	2	3
- мавзуга мос келиши, кўргазмалилик (0,5);			
- мантикийлик, аниқлик (0,5);			
- хулосаларнинг аниқ шакллантирилганлиги (0,5);			
Бошқалар томонидан тўлдирилганлиги учун (0,1)			
Регламент (0,2)			
Назорат саволларига тўғри жавоб учун (0,21)			
Жами (2,0)			

ФИЗИКА ФАНИ ДАРСЛАРИДА MICROSOFT EXCEL ДАСТУРИДАН ФЙДАЛАНИШ

М.Тузикенов,

К.Убайдуллаев номидаги РПКҚТМОИ, катта ўқитувчи

Ҳозирги вақтда бир қатор системаларда электрон жадваллардан кенг миқёсда фойдаланиб келинмоқда. Электрон жадвал нима? У қандай мақсадда фойдаланилади? **Microsoft Excel** - электрон жадвалларни ҳисоблашни автоматлаштириш учун қўлланилади.

1– Амалий топшириқ

Мавзуси: Excel дастурида формулалар билан ишлаш.

Амалий топшириққа қўйиладиган натижалар: Тингловчиларга ҳисоблаш ишларида формулалардан фойдаланишни ўргатиш.

Амалий топшириқни бажаришда тингловчилар қуйидаги БКМларга эга бўладилар:

Билим: Ячейкага формула киритиш қоидалари, формула кўчириш белгиси ҳақида тушунчага эга бўлади.

Кўникма: Excel дастурида формула ёрдамида қўшиш, айириш, кўпайтириш, бўлиш ва ячейкаларга формулаларни кўчириш амалларини бажара олади.

Малака: Ҳужжатларда ҳисоблаш ишларида формулалардан фойдалана оладилар.

Амалий топшириқни бажариш тартиби:

Ер юзига яқин масофада таъсир этувчи оғирлик куч формуласини тузиш ва ҳисоблаш.

1. Массаси 1кг жисмга ер юзига яқин масофада таъсир этувчи оғирлик кучини топинг?


$$m=1\text{ кг } F=m \cdot g= 1\text{ кг} \cdot 9,8\text{ м/с}^2=9.8\text{ Н}$$

F- ?

Ушбу мисол бўйича Microsoft Excel дастуридан фойдаланиб, чиқариш йўлларини қараб чиқамиз.

1. Ячейкаларга намунадаги маълумотларни киритинг.

2. В1,С1,Д1 ячейкаларга масаладаги сонни киритинг. В устунинин керакли бўлимини блокка олинг. Асосий менюдан Правка → Заполнить → Прогрессия бандларини танланг, экранга Прогрессия фикрлашиш (мулоқот) ойнаси чиқади, бу ойнага қуйидаги параметрларни қўйиб, ОК бандини танланг.



Бунда устуннинг қолган рақамлари автоматик тарзда ҳосил бўлади, ёки 1 ва 2-сонлари ёзилган катакчалари блокка олиб формула кўчириш белгисидан териб, керакли ячейкага тортилади.

3. D1 устунига бўлса жавобини ўзлаштирадиган ҳисоблаш формуласини тенгликдан сўнг киритинг. Ячейкага формула киритишдан олдин «=» тенглик белгисини киритиш ёдингиздан чиқмасин. Формула бўйича ҳисоблаб 9.8 сон жавоби чиқади. Формулани ёзиб бўлганингиздан сўнг Enter тугмасини босинг, бунда D1 ячейкада формула ўрнини натижанинг сони пайдо бўлади.

4. Бу формулани қолган қаторларга киритиш учун формула кўчириш белгисидан фойдаланамиз. Бунинг учун курсорни формула ёзилган D1 ячейкага қўйинг, чунки формула сиғмай қолиши мумкин, шунинг учун ишланади.

5. 1 сонли белгига (ромга қаранг) сичқонча курсорини яқинлаштиради. Бунда курсорнинг кўринишидан + га ўзгаради. Энди сичқончанинг чап тугмасини босиб турган ҳолда пастга қараб ҳаракатлантирамиз.

	СУММ			
		X	✓	$\sum$ =b1*c1
	A	B	C	D
1	1	1	9.8	=b1*c1
2				

	D	
	9.8	

формула кўчириш белгиси

Бунда формула асосида автоматик ҳисобланади.

2- амалий топшириқ

Амалий топшириқ мавзуси: Excel дастурида диаграммалар билан ишлаш.

Амалий топшириқ кўрсатмалари: 1) Синфларнинг ўзлаштириш таблицаси ва диаграммасини тузиш.

Амалий топшириққа қўйиладиган натижалар: Тингловчиларга диаграммадан фойдаланишни ўргатиш.

Амалий топшириқни бажаришда тингловчилар қуйидаги БКМларга эга бўлади:

Билим: Диаграмма тушунчаларига эга бўлади.


Кўникма: Таблица асосида диаграмма кўриш, ўрнатиш амалларини бажара олади.

Малака: Ҳужжатларда берилган кўрсаткичлар асосида диаграмма яратишда диаграмма элементларидан фойдалана олади. Тизимдан маълум белгилар асосида берилганларни ажрата олади.

Амалий топшириқни бажариш тартиби:

1. Куч 1,5 маратоба ортганда тезланиш 1,5 марта ортади.

	А	В
1	Ғ куч	А тезланиш
2		2 1/2
3		3 1/3
4	1/2	
5	1/3	



1. А ва В устунларга маълумотларни киритинг.

2. Таблицани белгиланган ва асбоблар панелидаги  диаграмма тугмасини босинг.

3. Очилган ойнадан диаграмма турини танланг, ойна пастидаги «Далее» тугмаси босилади.

4. Кейинги ойнадан тўғридан-тўғри «Далее» тугмасини босиб ўтилади.

5. Кейинги очилган ойнада “Диаграмманинг номи”, **х** ва **у** ўқларида нималар жойлашганлиги мос равишда ойначаларга киритилади ва ойна пастидаги «Готово» тугмаси босилади. Шунда экранда худди юқоридаги расмга ўхшаш диаграмма пайдо бўлади.

3- амалий топшириқ

Амалий топшириқ мавзуси: Excel дастуридан филтрлар билан ишлаш.

Амалий топшириққа қўйиладиган натижалар: Тингловчиларга филтрлардан фойдаланишни ўргатиш.

Амалий топшириқни бажаришда тингловчилар қуйидаги БКМларга эга бўлади:

Билим: Филтр тушунчаларга эга бўлади.

Кўникма: Таблицааларга филтрлар ўрнатиш амалларини бажара олади.

Малака: Хужжатларда берилган кўрсаткичлар асосида филтрлар яратишда филтр элементларидан фойдалана олади.

Амалий топшириқни бажариш тартиби:

1. Мактабингиз ўқитувчилари ҳақида маълумотни киритинг: В устунини ўқитувчилар исм-фамилияси, С устунига туғилган йиллари, Д устунига қайси фандан дарс беришини ёзинг.

2. Рўйхатни белгиланг. Менюдан Данные-Филтр-Автофилтр бобини танланг (Рўйхат) пастидаги кўринишда келади.

	А	В	С	Д
1	Исм, шарфи	т.йил	малака	
2	1 Алиев А.	1966	Меҳнат	
3	2 Боранбаев Ж.	1972	Физика	
4	3 Даулетов О.	1975	Химия	
5	4 Турымбетов А.	1980	Биология	
6	5 Юлдашов К.	1982	Физика	
7	6 Якубов М.	1984	Физика	

Агар шу рўйхатдан фақат физикларни ажратиш олиш керак бўлса, Д устундаги мутахассислик сўзидан кейинги  тугмаси устида сичқончанинг чап тугмаси босилади, очилган рўйхатдан меҳнат сўзи танланади ва яна сичқончанинг чап тугмаси босилади. Рўйхат қуйидаги кўринишда бўлади.

	A	B	C	D
1		Исм, шарфи	т.йил	малака
3	2	Боранбаев Ж.	1972	Физика
6	5	Юлдашов К.	1982	Физика
7	6	Якубов М.	1984	Физика

Рўйхатни яна олдинги ҳолга қайтариш учун тугмачани босиб очилган рўйхатдан “Всё” боби танланади. Бошқача устундаги маълумотларни айрим белгилари бўйича филтрлаб кўринг.

МАХСУС ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ

Г. Алимжонов,
А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ

Ҳозирги ижтимоий ривожланиш ҳар бир шахснинг шаклланиши, инсон ҳаётининг фаровонлашиши, шунингдек, жамиятнинг гуллаб-яшнаши учун зарур шарт бўлиб қолган таълим, ахборот ҳамда билимларнинг ўрни бекиёс ортиб бораётгани билан тавсифланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ва уларнинг ижросини таъминловчи қатор ҳужжатларда замонавий ахборот ва педагогик технологияларни қўллаш орқали узлуксиз таълим самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор берилиши зарурлиги муҳим омил сифатида белгиланган.

Таълим беришнинг замонавий усулларида энг муҳими ахборот технологиялари бўлиб, уларни қўллаш ўқувчиларнинг нафақат замонавий билимлар билан қуролланиши, балки энг муҳим омил саналган шахсий сифатларини ривожлантириш ва такомиллаштириш имконини ҳам беради.

Махсус таълимда АКТларни қўллаш катта имкониятларга эга бўлиши билан бирга уни жорий этиш йўлида кўп қийинчиликлар мавжудлигини таъкидлаш лозим. Яъни, янги технологиялар таълим тизимининг анъанавий тартибини ўзгартириб, алоҳида эҳтиёжли болалар таълимидаги илгариги нофаол ёндашувларга нисбатан муносиб муқобилликни илгари суради.

Мавжуд афзалликларига қарамай, улардан ўқувчиларнинг ўзига хос эҳтиёжларини, шунингдек, таълим ресурсларидан фойдаланиш имконият тамойилларини ҳисобга олмаган ҳолда қўлланилса, бундай технологиялар таълимда катта тўсиқларни юзага келтириши шубҳасиз. У ёки бу функционал чекланишлари бўлган ўқувчиларнинг таълимий эҳтиёжлари жуда ҳам хилма-хил бўлиб, улар, бир томондан, ўзларининг соғлом тенгдошлари билан бир хил билимлар олиш эҳтиёжига эгалар. Бошқа томондан эса, уларда бошқа (кўпинча алоҳида таълим эҳтиёжлари деб белгиланадиган), функционал чекланишлар билан боғлиқ бўлган эҳтиёжлар ҳам мавжуд бўлиб, улар ўқув жараёнида одатдаги таълим методларидан фойдаланиш имкониятини бермайди. Шу муносабат билан ушбу тоифа ўқувчиларнинг турлича бўлган ўзига хос эҳтиёжларини кондиритиш имконини берадиган АКТлардан фойдаланиш катта аҳамиятга эгадир.

Ўқув-методик жараёнда АКТлардан фойдаланишнинг афзалликлари янги технологияларнинг коммуникация ва ўзаро фаолият жараёнини йўлга қўйишга, таълим ресурсларидан энг қулай кўринишда фойдаланиш имконини беришга ҳамда мотивацияни оширишга ёрдам бериши билан боғлиқ. АКТларни махсус таълимда қўллаш соҳалари жуда ҳам хилма-хил бўлишига қарамай, улардан фойдаланишнинг қуйидаги асосий йўналишларини ажратиш кўрсатиш мумкин:

- компенсаторлик (ўрнини босиш) масалаларини ҳал этиш учун АКТлар;
- дидактик масалаларни ҳал этиш учун АКТлар;

- коммуникатив масалаларни ҳал этиш учун АКТлар.

Махсус таълим соҳасида АКТнинг имкониятларини ўрганиш ва амалда қўллаш сўнгги йиллар давомида бошланди. Бу имкониятдан фойдаланиш алоҳида эҳтиёжли одамларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш учун катта аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Интеграция ва ундан фойдаланиш имконияти тамойилларига асосланган махсус таълим тизимини яратиш, унинг самарадорлигини ошириш учун алоҳида эҳтиёжли ўқувчилар таълим жараёнида қандай тўсиқларга дуч келаётганлигини тасаввур қилиш жуда ҳам муҳим.

Ўқувчиларда мавжуд бўлган турли касалликлар ва нуқсонлар туфайли келиб чиққан функционал чекланишлар ўқув дастурини ўзлаштиришда жиддий тўсиқ бўлиши мумкин. Кўпгина ҳолларда у ёки бу камчиликларни келтириб чиқарган патоген омиллар организмдаги бир нечта тизимларнинг бузилишига сабаб бўлади. Бундай комплекс бузилишларга эшитишдаги ва кўришдаги муаммолар мисол бўлади.

Ўқувчиларнинг индивидуал эҳтиёжларини тўлиқ кондириш учун зарур бўлган оптимал дастурий-аппарат таъминотини танлаш учун, улар соғлигининг функционал аҳволини ҳисобга олиш ҳамда АКТларнинг таълим жараёнидаги роли ва имкониятлари тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиш аҳамиятлидир.

Сўз, аввало, компьютернинг коммуникацияни енгиллаштирувчи, айрим ҳолларда эса, атрофдаги олам билан муносабатнинг ягона имконияти бўлиб қоладиган ноёб ресурс сифатига эгаллиги ҳақида бормоқда. Масалан, замонавий коммуникация технологиялари мулоқотда қийналадиган инсонларга ўз қобилиятларини энг мос келадиган ҳолда амалга ошириш, мулоқотдаги қийинчиликлар ҳаракат нуқсонлари туфайли мураккаблашадиган шахслар учун эса, бундай технологиялар кўп ҳолларда ташқи олам билан алоқада ўз фикрлаш ва эҳтиёжларини ифода этиш имконини берувчи ягона усул ҳисобланади.

Бундан ташқари, айрим ўқувчилар тоифаларининг ҳаракатланиш имкониятлари чекланганлиги ҳамда мутахассис ўқитувчиларнинг етишмаслиги муносабати билан масофавий коммуникация методларидан фойдаланиш коррекцион таълим жараёни учун долзарбдир.

Таълим соҳасидаги коммуникациялар ва технологиялар масалалари бўйича Британия агентлиги томонидан ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра махсус таълим тизимида АКТлардан фойдаланиш ўқувчиларнинг ўқиши, коммуникацияси ва ўзаро фаолияти самарадорлигини ошириш имкониятини беради.

Хулоса қилиб айтганда, махсус таълим тизимида АКТлардан фойдаланишнинг умумий афзалликлари қуйидагилардан иборатдир:

- компьютерлар ўқувчиларнинг автономлигини ва таълим олиш имкониятларини оширишга ёрдам беради;
- алоҳида таълимий эҳтиёжлари бўлган ўқувчилар топшириқларни ўзининг ўқув фаолияти маромида бажара оладилар;
- кўришида муаммоси бўлган ўқувчилар ўзларининг кўрадиган тенгдошлари билан бир қаторда интернетдан фойдаланиш имкониятини оладилар;
- ихтисослаштирилган қурилмалар ва дастурлар коммуникацияда қийинчиликлари бўлган ўқувчилар орасидаги, уларнинг тенгдошлари ва ўқитувчилари билан ўзаро муносабатларини енгиллаштиради;
- коммуникациянинг техника воситаларидан фойдаланиш ўқувчиларнинг мактабда ҳам, жамоатда ҳам ёқимли “имидж”ини ҳосил қилади;
- ўқувчиларнинг АКТларга ишончи, уларнинг уй вазифаларини тайёрлаш ва бошқа эҳтиёжлари учун Интернетдан фойдаланишларига ёрдам беради.

АКТлардан фойдаланишнинг ўқитувчилар ва педагог ходимлар учун афзалликлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

- АКТлардан фойдаланиш махсус таълимда ишлаётган педагогларнинг ҳамкасблари билан муносабатда бўлишларига имконият яратиб, уларнинг замон билан ҳамнафас фаолият кўрсатишлари учун ёрдам беради;

- реал вақт режимида коммуникацияни амалга ошириш имконияти ўз касбий фаолиятини англашнинг, яъни рефлексиянинг ривожланишига ёрдам беради;
- АКТлардан фойдаланиш педагогларнинг касбий кўникмаларини такомиллаштиради;
- технологияларни тенгқурлари билан муносабатлар жараёнига қўшиш таълим самарадорлигини оширишга ёрдам беради;
- ахборот ресурсларининг электрон формати таълимдан фойдаланиш имкониятини жиддий равишда оширади.

Республикамизда махсус таълим тизими ўқувчиларни ҳозирги ахборотлаштирилган жамият шароитларида ҳаётга тайёрлаш ва мослаштириш имконини берадиган, уларнинг индивидуал эҳтиёжларига жавоб берадиган ҳамда таълим олишда юзага келувчи тўсиқларни минималлаштиришга ёрдам берувчи таълим муҳитининг оптимал шароитларини яратиш лозимлиги кун тартибда турган долзарб вазифадир.

“Microsoft Office 2010” ПАКЕТИДАГИ ДАСТУРЛАР ФАЙЛЛАРИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ТУРЛАРИ

Д.Ф.Муҳаммадиев, Н.М.Алиева,
Ўз ДЖТИ, Информатика ва ахборот технологиялари
кафедраси ўқитувчилари

Ҳозирги ахборот технологиялари ривожланган замонда ахборотни қайта ишлаш ва айниқса, унинг хавфсизлигини таъминлаш жуда муҳим ҳисобланади. Компьютерлар, компьютер тизимлари ва тармоқлари ахборотни сақлаш ва қайта ишлашни, уни истеъмолчиларга тақдим этишни, шу билан бирга, энг замонавий ахборот технологияларини қўллашни амалга оширадиган, ахборотни қайта ишлайдиган барча автоматлаштирилган тизимларнинг асоси ҳисобланади.

Компьютер тизимлари ва тармоқларининг хавфсизлиги деганда, улар меъёрий ишлаш жараёнига тасодифий ёки олдиндан мўлжалланган аралаштиришдан ҳамда уларнинг ташкил этувчиларини ўғирлашга, ўзгартиришга ёки бузишга бўлган интилишлардан ҳимоя қилинганлиги тушунилади.

Ахборот хавфсизлиги концепцияси, ахборот хавфсизлигини таъминлаш усуллари ва уни ҳимоя қилиш воситалари, умумий кўринишда, учта оддий саволга жавоб бериши керак: нимани, нимадан ва қандай ҳимоя қилиш керак?

«Нимани ҳимоя қилиш керак?» саволи билан ҳимоя қилиш объекти тушунчаси, яъни ахборотларни йиғиш, сақлаш, узатиш ва қайта ишлаш учун мўлжалланган физик, аппаратли, дастурли ва ҳужжатли воситаларнинг комплекс боғлангандир.

«Нимадан ҳимоя қилиш керак?» саволи хавф (тахдид) тушунчаси билан, яъни ахборотнинг йўқотилишига ёки очик эълон қилинишига олиб келадиган, ҳимоя қилиш объектига ноқонуний таъсир этишни потенциал имкониятлари билан боғлангандир.

«Ахборотни қандай ҳимоя қилиш керак?» саволи билан ҳимоя қилиш тизими тушунчаси, яъни тадбир ва воситалар комплекси ҳамда улар асосида ҳимоя қилиш объектининг хавфсизлиги хавфларини турли-туман кўринишларини пайқаш, қайтариш ва йўқ қилишга йўналтирилган фаолият бўлиб, у ажралмас равишда боғлангандир.

Замонавий ахборотлашган жамиятда кўпроқ «ахборот» тушунчаси сотиб олиш, сотиш, бирор бошқа нарсага алмаштириш мумкин бўлган махсус товарнинг белгиланиши каби ишлатилади. Бунда ахборот нархи унинг ўзи жойлашган компьютер тизимининг ўзидан юзлаб ва минглаб марта ошиб кетади. Шунинг учун, табиийки, ахборотни руҳсат этилмаган мурожаат этишдан, била туриб ўзгартиришдан, ўғирлашдан, йўқ қилишдан ва бошқа жиноий ҳаракатлардан ҳимоя қилишнинг жиддий зарурлиги келиб чиқади.

Бундай ҳаракатлардан ҳимоя қилишнинг энг кўп тарқалган турларидан бири – паролли ҳимоя ҳисоблананди. Пароллар, одатда, тизимга кириш учун калит сифатида ишлатилади, лекин улар бошқа мақсадлар учун ҳам ишлатилади: дискни блоклаш, маълумотларни шифрлашдаги буйруқларда, яъни мос ҳаракатлар фақатгина дастур таъминотининг қонуний эгалари ва фойдаланувчилари томонидан амалга оширилишига қатъий ишонч талаб этиладиган барча ҳолатлардир.

Ишлатиладиган паролларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:


- фойдаланувчи томонидан ўрнатиладиган пароллар;
- тизим ишлаб чиқарадиган пароллар;
- тизим ишлаб чиқарадиган мурожаат қилишнинг тасодифий кодлари;
- яримта сўз;
- таянч иборалар;
- “савол- жавоб” туридаги интерактив кетма-кетликлар;
- “қатъий пароллар”.

Фойдаланувчи томонидан ўрнатиладиган пароллар энг кўп тарқалган гуруҳдир. Кўпчилик ҳолатларда бундай паролни фойдаланувчининг ўзи ўрнатади, парол етарлича узун бўлиши керак. Муваффақиятсиз паролни яратишга имкон бермайдиган усуллар бор. Масалан, тизим пароль ўз ичига ёзма ва босма ҳарфларни рақамлар билан аралашганини олишни талаб этиши мумкин; очикдан-очик пароллар тизим томонидан инкор қилинади.


Паролли ҳимояга мисол тариқасида “**Microsoft office**” пакетидаги дастурларининг файлларининг ҳавфсизлигини таъминлаш усулларини келтираимиз.

“**Microsoft office Word 2010**” дастурида жорий файлни паролли ҳимоя қилиш усуллари:


1. “**Файл**” меню бўлимидан “**Сведения**” банди танланади ва ундан “**Защитить документ**” буйруғи берилади ва қуйидаги ойна очилади.




Бу ойнадан “**Зашифровать паролем**” банди танланади ва қуйидаги ойна очилади:




Ихтиёрий парол киритилади ва **ОК** тугмаси босилади натижада файлни очишда қуйидаги ойна очилади.



2. “Файл” меню бўлимидан “сведения” банди танланади ва ундан сўнг “Защитить документ” буйруғи берилади. Очилган ойнадан “Ограничить редактирование” банди танланади ва қуйидаги ойна очилади:



“Да, включить защиту” тугмачаси босилади ва ихтиёрий пароль териблиб **ОК** тугмаси босилади.



Натижада, файл очилади, лекин унинг ичидаги маълумотларни ўзгартириб бўлмайди. Фақатгина пароль қўйган фойдаланувчигина бу имкониятга эга бўлади. “**Microsoft office 2010**” пакетидаги қолган барча дастурларда яратилган файлларнинг паролли ҳимояси юқорида кўрсатилганидек бўлади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг паролли усули ахборотни маълум даражада бир нечта хавфлардан ҳимоя қилади ва компьютер фойдаланувчисининг яратган файлларини бегона фойдаланувчилар томонидан кўпайтирилишидан, ўзгартирилишидан ва айниқса, ўзлаштирилишидан сақлайди.

“ИНФОРМАТИКА ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ” ФАНИНИ ЎҚИТИШДА КОМПЕТЕНТЛИ ЁНДАШУВ

Б.Тўраев,
ТДПУ, катта илмий ходим-изланувчи

Ахборот технологияларининг шиддат билан ривожланиб бораётган замонавий шароитларида таълим тизими ҳам инновацион педагогик технологиялар, янгича ўқитиш услублари асосида олиб борилиши бугунги куннинг энг муҳим талабларидан биридир. Таълимда лойиҳалаш услубларидан фойдаланиш ахборот технологияларини ўрганишга бўлган ижодий ёндашувни ривожлантириш имконини беради ва ИКТ-компетенцияни шакллантиради.

Ахборотлашган жамият ривожланишининг замонавий боскичида ахборот технологияларини ўқитиш янги цивилизацияларнинг тезлаштирилган таракқиёти учун белгиланган аҳамиятга эга. Ахборот технологияларини ўқитиш когерент бўлиши лозим, яъни сезиларли даражада вақтдан орқага қолишларсиз ва реал ахборот дунёсида ушбу ахборот технологияларини оммалаштириш билан уйғун равишда бўлиши беради.

Таълим тизимида компетентли ёндашувни амалга ошириш учун реал ҳаётда ва касбий амалиётда асосий компетентлигини қўллаш қобилиятига эга бўладиган ахборот технологиялари йўналиши кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш зарур. Компетентли ёндашув таълим олувчининг ижтимоий, коммуникатив, ахборот, касбий ва бошқа шахсий сифатларини шакллантиришга йуналтирилган бўлиб, замонавий ижтимоий-иқтисодий шароитларни ўзида деярли тўлиқ амалга ошириш имконини беради. Бу ёндашув таълим олувчилар шахсини тўлиқ тарбиялаш ва муҳим амалий вазифаларни ҳал қилиш имконияти асосида шакллантириш сингари компетенциялар концепциясига асосланган. Касбий компетентлик самарали касбий фаолият билан боғлиқ. Агарда мутахассис фақатгина билса – демак у фаолиятнинг у ёки бошқа турини амалга ошириши мумкин. Олий маълумотли компетент мутахассис фақатгина билиш билан чекланмасдан, балки ҳар қандай муаммоли вазиятларда энг яхши кўринишда жавоб берадиган касбий малакаларини амалга оширишга қодир бўлиши лозим.

Ахборот технологияларига йўналтирилган техника олий таълим муассасалари талабаларининг “Информатика ва ахборот технологиялари” фани бўйича компетентлик мазмунига бир неча ўзаро боғланган жиҳатларни киритамиз:

- 1) информатика ва ахборот технологиялари фани бўйича саводхонлик;
- 2) ахборот технологиялари билан ишлашда турли хил стандарт ва ностандарт ҳолатларда самарадорликни намоён қилиш тажрибаси;
- 3) ахборот технологиялари бўйича мотивацияни намоён қилишга тайёргарлик.

Информатика ва ахборот технологиялари фани бўйича саводхонлик, ахборот технологиялари йўналиши талаба эга бўлиши керак бўлган, уни шу соҳада мутахассис дейиш мумкин бўлган билим, малака ва кўникмалар тўпламини тавсифлайди.

Талабанинг ахборот технологиялари бўйича компетентлигини намоён қилиш тажрибаси турли стандарт ва ностандарт ҳолатларда касбий фаолиятнинг доимо ўзгариб турувчи шароитида ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда оптимал ва ностандарт бошқарувчилик қарорларини қабул қилишни ва амалда қўллашни кўзда тутати.

Ушбу таркибий қисмнинг алоҳида ажратиб кўрсатилиши талабада ахборот технологиялари бўйича ҳар томонлама чуқур билимларнинг мавжудлигини, уларнинг танқидий ишлаб чиқирилишини ва англашилишини, назарий қоидаларни амалиётга татбиқ қилиш малакасини, ахборот технологиялари имкониятларидан фойдаланишнинг янги шакллари ишлаб чиқиш, ахборот маконида ўз-ўзини такомиллаштириш лаёқатини тавсифлаш имконини беради.

Талабаларнинг ахборот технологиялари бўйича компетентлигини намоён қилишга тайёргарлиги деганда уни ахборот технологияларидан фойдаланишга ундовчи, компьютернинг техник ва дастурий таъминоти билан ишлашни белгиловчи, касбий масалаларни замонавий даражада ҳал қилишга йўналтирувчи ички ва ташқи ҳаракатлантирувчи кучлар йиғиндиси тушунилади.

Ахборот технологиялари соҳасидаги сўнгги ютуқлардан фойдаланиш, ўқитишнинг истиқболли услублари ва касбий кўникмаларни такомиллаштириб бориш илгарилаб боровчи таълимнинг асосий ташкил этувчилари ҳисобланади. Масофавий таълим технологияси, Internet-технология, ишбоп ўйин, ўргатувчи дастурлар, касбий тренинглар – энг кўп талаб қилинадиган бугунги кундаги таълим технологияларидир. Ахборот технологиялари ўқитувчиларининг асосий услубий вазифалари мазкур таълим технологияларидан ўқув фанларида фойдаланишларидир.

Компетентли ёндашув билим, малака, кўникмани инкор этмаган ҳолда белгиланган компетенцияларга таянади, лекин улардан принципиал жиҳатдан фарқ қилади: билимдан –

нафақат у ҳақдаги ахборотлар, балки фаолият кўринишида мавжудлик; малакадан – таъсир этишнинг турлича объектларини кўчириш; кўникмадан – ҳаттоки ностандарт вазиятларда инсоннинг иш юрита олишини тушуниб етиш.

ИКТ воситаларидан самарали фойдаланиш таълим жараёнидаги барча иштирокчиларнинг ИКТ-компетенцияларини шакллантириш билан боғлиқ. Ушбу алоқадорлик орқали ИКТ-компетенцияни ахборот ва коммуникацион технологиялар соҳасида ўзлаштирилган билим, малака ва кўникмаларни амалий фаолиятда фойдаланишга тайёрлик деб аташади.

ИКТ – компетентлик ахборот ва коммуникацион технологиялар соҳасида олинган билим, малака ва кўникмаларни амалий фаолиятда фойдаланиш учун зарур ва шунинг билан биргаликда касбий яроқлилик мезони ҳисобланади[2].

Тавсия қилинган ёндашув информатика ва ИКТ воситалари ва услублари асосида амалий фаолият, интеллектуал усуллар ва умумий билимларни шакллантириш ҳисобига талабанинг шахсий сифатларини очиш, ривожлантириш ва амалга ошириш учун шароитлар яратади.

ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ЭЛЕКТРОН ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИНИ ЯРАТИШНИНГ ПСИХОЛОГИК-ПЕДАГОГИК ТАЛАБЛАРИ

Д.Н.Тайлакова,

Ўз ПФИТИ, изланувчи-тадқиқотчи

Электрон ўқув адабиёти (ЭЎА) яратиш катта маҳорат талаб қиладиган ва узоқ давом этадиган жараён. ЭЎА таълим жараёнида яхши самара бераётган ва уларга катта эҳтиёж сезилаётган ҳозирги кунда ҳар бир предмет, курс учун бундай воситаларни яратиш давр талаби бўлиб қолди.

Республикамизда айни даврда электрон ўқув нашрлари яратиш соҳасида аппарат шаклланимда. Бунда қуйидагилар асосий тушунчалар бўлиб ҳисобланади: ЭЎА - давлат таълим стандарти асосида мутахассислик ва йўналишлар бўйича фанларнинг алоҳида муҳимроқ бўлимларига оид нашрлар, намунавий ва ишчи режа, шунингдек, машқлар ва масалалар тўплами, харита ва схемалар альбоми, тузилмаларга оид атласлар, хрестоматия, диплом лойиҳаси бўйича кўрсатмалар, маълумотнома, энциклопедия, тренажёр кабилардир.

ЭЎАни архивланган файл ёки файллар кўринишида Интернет сайтига жойлаштириш варианты ҳам мавжуд. Шундай қилиб, ЭЎА:

- ўқув дастурига мос келиши ва ўқув-услубий нашрларга қўйилган талабларга жавоб бериши керак; қўлланма умуман янги ёки биринчи марта эълон қилинаётган бўлиши, аввал чоп этилган ўқув - услубий қўлланманинг электрон версияси бўлиши, шунингдек, умумий, махсус ва факультатив курсларга мўлжалланган бўлиши ҳам мумкин;

- ўрганилаётган курс (ёки унинг қисми)нинг мазмунини очиб бериши, ўқув - услубий мақсадга эришиш учун етарли ҳажмга эга бўлиши лозим;

- ўқув-услубий мақсадларга эришиш учун хизмат қилувчи иллюстратив элементларни ўз ичига олиши, яъни унда компьютернинг мультимедиа имкониятларидан мумкин қадар максимал даражада фойдаланиш зарур;

- қўлланма бошқа бобларга гипермуружаат қилиш, зарур бўлганда ташқи веб - манбалар ва ресурсларга ҳам муружаат қилишни ўзида жамлаши керак;

- ўқувчининг ўқув материални ўзлаштириш ва мустақил баҳолаш учун ўз-ўзини текшириш имконини берувчи назорат саволларига эга бўлиши керак.

ЭЎАни лойиҳалаштиришда қуйидаги психологик-педагогик талаблар инобатга олинади:

- *мазмуннинг илмийлиги*: педагогика, психология, кибернетика, тизимли дизайн назариясининг асосий тамойилларини ҳисобга олган ҳолда ўқув фаолиятининг мазмунини кўриш имкониятини таъминлаш;

- *очиқлик (ойдинлик)*: ўқув фаолиятини бошқаришнинг ихтиёрий усулини татбиқ қилиш имконияти; бир томондан ўргатувчи дастурни қайта ишловчиларнинг назарий қарашлари, бошқа томондан ўқитиш мақсадларига ҳам мос келувчи танлашнинг мавжудлиги; ўқув фаолиятини бошқариш усулларига ўзгаришлар киритиш, модификация имкониятларини таъминлаш;

- *мақсадга йўналтирилганлик*: ўқувчини ўқитишнинг яқин ва узоқ мақсадлари, мақсадга эришиш даражалари ҳақидаги доимий ахборотлар билан таъминлаш;

- *мотивлаштиришни таъминлаш*: ишнинг фаол шакллари, юқори кўргазмалилик, ўз вақтидаги тесқари алоқа, мақсадга йўналтирилганлик билан мустаҳкамланувчи доимий юқори мотивлаштиришнинг шаклланиши; мотивлаштириш компьютернинг ўзигагина бўлган қизиқиш ҳисобига бўлмаслиги лозим;

- *кириш назоратининг мавжудлиги*: ўқувчининг иш олдидан ўқитишни индивидуаллаштириш мақсадидаги диагностикаси, шунингдек талаб қилинган биринчи ёрдамни кўрсатиш;

- *ўқитишни индивидуаллаштириш*: ўқув фанини яқкалаштиришнинг мазмуни ва ўқув топшириқларининг қийинлиги, ўқувчиларнинг индивидуал ва ёш имкониятларига мос келиши, тажрибадан ўтган билим, кўникма ва малакаларни ҳисобга олган ҳолда кўрилиши лозим.

Индивидуал ёндашувни татбиқ қилиш учун дастур ўқувчининг динамик моделини ўз ичига олиши керак:

- *ўқитишни ҳамкорликда олиб боришни таъминлаш*: дастур имкон қадар ҳамкорликдаги фаолиятни моделлаштириши лозим;

- *мантқий ва тизимли фикрлашни шакллантириши*: ижодий фикрловчи қарама-қаршиликларни кўра олишга лаёқатли, шунингдек, мустақил равишда муаммоларни қўя олувчи ва ҳал қила олувчи мутахассисларни тайёрлашни таъминлаши лозим;

- *тизимли тесқари алоқани таъминлаш*: тесқари алоқа педагогик нуқтаи назардан тўғри бўлиши керак, яъни у нафақат йўл қўйилган хатоликлар ҳақида, балки уларни бартараф этиш борасидаги ахборотларни ҳам ўз ичига қамраб олиши керак;

- *ривожланган ёрдам тизимининг мавжудлиги*: ёрдам тизими кўп даражали, педагогик нуқтаи назардан асосланган, масалани ечиш ва уни ечиш усулининг ўзлаштирилиши учун етарли бўлиши керак;

- *ўқув материали тўлиқлиги*: билимлар базаси, топшириқлар банкини кўп даражали ташкил этишнинг мавжудлигига оид қўйилган талабларга риоя қилиш;

- *интеллектуал ядронинг мавжудлиги*: дастурий воситалар бундай ядронинг эксперт тизимлари ва сунъий интеллект воситаларини қуришда берилганларни қайта ишлаш усуллари татбиқ қилиш ҳисобига таъминлаш мумкин;

- *педагогик эгилувчанлик*: дастур ўқувчига ўқиш стратегияларини ёрдам характери, ўқув материалининг берилиш тезлигини танлаш ҳақида мустақил қарорни қабул қилишга имкон бериши керак. Аввал ўтилган ўқув материалга кириш, дастурдан унинг ихтиёрий жойида чиқиш имконияти таъминланган бўлиши керак;

- *икки томонлама мулоқотни таъминлаш*: ўқувчи савол бера олиш имкониятига эга бўлиши керак, бошқариш нафақат компьютер томонидан, балки ўрганувчи томонидан ҳам амалга оширилиши керак;

- *орқага қайтиш имконияти*: мустақил ишлаш давомида ўқувчи йўл қўйган хато ҳаракатларини ортга қайтариш ҳоллари кўриб чиқилган бўлиши керак;

- *ўқувчининг рефлексияси учун махсус ажратилган жойнинг мавжудлиги*: дастур ўргатилаётган ҳаракатларни кетма-кет тўғрилаш мақсадида рефлексиянинг натижаларини тўплаши керак;

• *ўқитиш жараёнининг боришини ва унинг натижаларини ҳужжатлаштириш имконияти*: дастурни тузувчи дастурга зарурий ахборотни тўплаши ва қайта ишлашига мўлжалланган модулларга эга бўлиши керак;

• *тушунарли, қулай интерфейсининг мавжудлиги*: дастур ахборотни матн, графика, анимация, гиперматн, мультимедиа кўринишида намоён қилишнинг барча усулларида адекват фойдаланилган ҳолда тузилган бўлиши керак. Ўрганувчи ахборот материални ҳар икки томонлама, "олдинга", "орқага" тарзда варақлаш имконига эга бўлиши керак. Ўрганувчи шрифтнинг ўлчами ва типини ўрнатиш, шунингдек, ихтиёрий фрагментни исталган маротаба қайтариш имконига эга бўлиши керак;

• *дастурнинг статистик (матнли, график, иллюстратив) қисмларининг аниқ нусхасини олиш имкониятини таъминлаш*: танланган ахборотни шахсий электрон конспектга нусхалаш, уни тахрирлаш ва дастурий маҳсулотдан чиқмаган ҳолда чоп этиш имконияти;

• *ривожланган қидирув тизимининг мавжудлиги*: "лупа", "автокўрсатиш" ҳолатлари.

Кейинги босқичларда ЭЎАни безаш усуллари ишлаб чиқилади. Бу жараён WEB -дизайн бўйича мутахассислар, дастурий таъминотни қайта ишловчилар, шунингдек психологларнинг таклифлари асосида бажарилади.

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАРДА “ОҚСИЛЛАРГА ХОС СИФАТ РЕАКЦИЯЛАРИ”НИ ТУШУНТИРИШДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ

С.А Мавлонова,

ТДПУ, 2- курс магистранти,

Ф.А. Алимова,

ТДПУ, доцент

Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да кўрсатилганидек, таълимни ахборот билан таъминлаш тизимини шакллантириш ва уни ривожлантириш ҳамда жаҳон ахборот тизими билан боғлаш, оммавий ахборот воситаларининг таълим соҳасидаги вазифаларини амалга ошириш билан белгиланди. Шундай экан, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” да Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришиб ижтимоий ва иқтисодий ривожланишининг ўзига хос йўлини танлашда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” тузилмасини ва мазмунини қайта ташкил қилиш ва чора-тадбирлар кўриш зарур бўлиб қолди. Бинобарин, биз бўлажак ўқитувчилар ўз фанимизнинг сир-асрорларини ёш авлодларга етказишда бор имкониятларимизни ишга солмоғимиз даркор.

Бизга маълумки, оқсиллар мавзуси органик кимё фанидаги мураккаб мавзулар қаторига киради. Ушбу мураккаб мавзунинг ўқувчиларга оддий тарзда тушунтириш ўқувчилар тасаввур доирасини мавзуга нисбатан гавдалантира олмасликка сабаб бўлади. Шунга кўра, оқсиллар мавзусини ўргатишда аминокислоталар, уларнинг турлари, оқсилларнинг таркибий элементлари, оқсил моддаларга хос реакциялар ўргатилади. Оқсилларнинг бирламчи, иккиламчи, учламчи, тўртламчи структураларини ўргатишда ахборот воситасидан фойдаланиб, анимациялар орқали тушунтириш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқилган.


Оқсилларнинг сифат реакцияларини ўрганишда бир қатор реакциялардан фойдаланиш мумкин. Оқсилларнинг турли-туманлиги улар таркибидаги аминокислоталар сони, сифати ва тартиби билан ўлчанади. Оқсил биосинтези жараёнида бирор таъсир натижасида аминокислоталарнинг ўрин алмашилиши ёки тушиб қолиши сабабли турли ирсий касалликлар келиб чиқиши мумкин. Оқсил ёки аминокислоталарнинг етишмовчилиги ҳам турли касалликларга олиб келади. Шунинг учун, турли биологик суюқликлар таркибидаги оқсиллар ва аминокислоталарнинг таҳлили муҳим аҳамиятга эга.

Оқсилларга хос сифат реакцияларини ўтказиш учун ҳар доим ҳам шароит бўлавермайди. Ушбу жараёни компьютер техникаси ёрдамида тушунтириш тажрибани қайта кўриш имконини беради. Шу билан бирга, ўқувчи тажрибанинг моҳиятини тушуниб етади. Яъни, қайси бир кимёвий боғнинг узилиши рўй беради, қайси бир кимёвий боғ туфайли оқсилларда рангнинг ўзгариши амалга ошишини кўз ўнгида тасаввур этади.


Фанни ўрганишда оқсилларнинг сифат реакциялари қуйидагиларни ўз ичига олади:

Нингидрин реакцияси. Нингидрин таъсирида оксидланган α – аминокислота дезаминланади, декарбоксилланади. Натижада, карбонат ангидрид, аммиак, алдегид ҳосил бўлади. Оксидланган нингидрин қайтарилган нингидриннинг иккинчи молекуласи билан аммиак иштирокида бирикиб, бинафша-кўк рангли конденсацияланган маҳсулотни ҳосил қилади.


Ушбу реакция жараёни икки босқичда бориб, 1-босқичда нингидриннинг аминокислота билан реакцияси натижасида дикетоксигидринден, NH_3 , CO_2 ва алдегид ҳосил бўлади. 2-босқичда дикетоксигидринден, NH_3 ва нингидрин таъсирлашиб, бинафша-кўк рангли модда – аминодикетогидринден ҳосил бўлади.



Ксантопротеин реакцияси. Оқсил эритмасига концентрланган нитрат кислота қўшилганда, бензол ҳалқанинг нитроланиши натижасида сариқ ранг ҳосил бўлади. Оқсил таркибида тирозин аминокислотаси нитрат кислота таъсирида сариқ рангли динитротирозинга айланади. Эритмага ишқор қўшилганда эса, у сарғиш-пушти рангга ўтади, яъни, сариқ рангли нитробирикма ҳосил бўлади.



Фоли реакцияси. Таркибида олтингугурт тутган оқсил таркибидаги аминокислоталардан цистеин ва цистен борлигини аниқлаш учун ишқорий шароитда кўрғошин тузлари таъсир эттирилади. Қора рангли кўрғошин сульфиднинг ҳосил бўлиши олтингугурт тутган аминокислоталар борлигидан далолат беради. Ушбу реакцияда цистеинга ўйвчи натрийнинг сувли эритмаси қўшилади. Бунда серин, натрий сульфид ва сув ҳосил бўлади. Мазкур эритмага натрий плумбат қўшиб, қора рангли чўкма ҳосил бўлишини кузатамиз.



Академик лицейларнинг табиий фанлар йўналиши ўқувчилари юқоридаги реакцияларни тўлиқ тасаввур қилиши ва фикрларини жамлай олиши учун мавзуни пухта эгаллаш лозим. Ушбу рангли реакциялар аввало, кимёвий формулалар асосида компьютер экранига чиқарилади. Сўнг уларнинг кимёвий идишларда содир бўлиш жараёни тасвирланади.

Хулоса қилиб айтганда, оксилларга хос сифат реакциялари мавзусига компьютер техникасини қўллаш ўқитиш самарадорлигига катта ижобий таъсир кўрсатади. Ўқувчиларнинг мавзу юзасидан мукаммал билим эгаллашлари мавзунинг қай даражада яхши тушунганлиги, мавзудаги содир бўладиган жараёнларни тасаввур қила олиши билан бевосита боғлиқ. Компьютер техникасини қўллаш орқали ҳам вақтдан ютилади, ҳам кимёвий модда ва идишларсиз реакциянинг содир бўлишини кузатиш мумкин. Шу билан бирга, қайси функционал гуруҳ орқали кимёвий реакциянинг бораётганлигини кўриш мумкин.

ВИДЕОМАЪРУЗА ВА ВИДЕОДАРСЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯНИНГ ЎРНИ

Д.Ф.Муҳаммадиев,
ЎзДЖТИ, ўқитувчи
Н.Р.Ҳайдарова,
ЎзДЖТИ, ўқитувчи

Ҳеч кимга сир эмаски, ҳозирги кунда Интернет ва умуман, ахборот технологиялари ҳаётимизни кескин ўзгартириб юбормоқда. Амалий таҳлиллар таълим жараёнида катта самарага эга бўлиши учун ўқув жараёнида интерфаол, дидактик ўйинлар ва машқ қилдиргичлардан фойдаланиш тақозо этилади. Улар таҳсил олувчиларнинг жамоада ёки индивидуал фаолиятини самарали йўлга қўйиб, касбий малака ва кўникмаларини шакллантиришга ёрдам беради. Интерфаол ўйинлар маълум бир касбий сифатларга ва малакага эга бўлажак ўқитувчи шахсини шакллантириш мақсадида, келажакда касбий фаолияти билан боғлиқ вазиятларни моделлаштириш имкониятини беради. Айнан дидактик ўйинлар ва машқ қилдиргичларни яратиш электрон ўқув-методик мажмуалар яратишда катта қийинчиликлар туғдиради. Бу каби иш турлари дастурий-техник ҳамда методик қийинчиликлар билан боғлиқ.

Электрон дарслик – компьютер технологияларига асосланган таълим усулларида фойдаланишга мўлжалланган ўқитиш воситаси бўлиб, ундан мустақил таълим олишда ва ўқув материалларини ҳар томонлама самарали ўзлаштиришда фойдаланиш мумкин. Электрон дарсликда фаннинг ўқув материаллари ўқувчига интерфаол усуллар, психологик ва педагогик жиҳатлар, замонавий ахборот технологиялари, аудио ва видео анимациялар имкониятларидан ўринли фойдаланилади.

Электрон дарсликлар асосида ўқув машғулотларини лойиҳалаштириш, ундан ўқув жараёнида кенг фойдаланиш, долзарб масалага айланмоқда, чунки улар таълим соҳасида

оммавий равишда қўлланила бошланди. Охирги вақтларда электрон ўқув нашрларининг турли хиллари яратилиб, улар ўз таркибига оддий гиперматн дарсликдан тортиб, масофавий ўқитишнинг комплекс тизимларигача қамраб олмоқда.

Электрон дарсликларни қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

- матннинг электрон версияси;
- китобнинг гиперматнли электрон версияси;
- график, жадвал, расмлар ва гиперматнлар мавжуд дарслик;
- анимация, овоз, график, жадвал, расмлар ва гиперматнлар мавжуд дарслик;
- анимация, овоз, график, жадвал, расм, гиперматнли ва тест тизимлари мавжуд дарсликлар.

Ушбу соҳанинг янгилиги ва ўқув-услубий таъминотнинг йўқлиги, ишлаб чиқиладиган электрон дарсликларнинг сифат даражасига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Бундан ташқари, дарсликларни яратишнинг ягона стандартлари мавжуд эмаслиги ва дастурий воситаларнинг турли ишлаб чиқарувчилар томонидан яратилиши электрон дарсликларни ўқув жараёнида самарали қўллашга тўсқинлик қиляпти, дейиш мумкин. Шунинг учун ҳам яратилаётган электрон дарсликларнинг баҳолаш мезонларини белгилаб олиш лозим. Авваламбор, электрон дарсликлар ўтиладиган дарслар сифатини юксалтиришга қандай таъсир кўрсатишини билиш керак. Электрон дарсликларнинг анъанавий дарсликларга нисбатан қуйидаги афзалликларини келтириш мумкин:

1. Ўқув ахборотларининг тақдим этилиш шакли.
2. Керакли ахборотларни қидириш имконияти.
3. Олинган билимлар даражасини назорат қилиш усуллариининг мавжудлиги.

Шулардан келиб чиқиб, электрон дарсликларни яратишда қуйидаги тамойиллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

- мультимедиа маълумотлари (матн, график, аудио, видео, анимация) асосида ахборотларни тақдим этиш;
- қидириш ва йўллаш имкониятларини киритиш;
- олинган билимлар даражасини назорат қилишнинг объектив тизимини киритиш;

Электрон дарсликлардан ўқув жараёнида кенг фойдаланишнинг асосий муаммоси – бу компьютер экранидан катта ҳажмдаги ахборотларни ўқишдир. Ушбу муаммони ҳал қилиш учун электрон дарсликларни матн ва овоз шаклида тақдим этиш мумкин. Бу икки усул битта ўқув материални турли шаклда тақдим этиши билан фарқланади, холос. Электрон дарсликнинг матн усулида материал, гиперматн кўринишида тақдим этилиб, унда график, чизма, диаграмма, фотография, анимация ва видео қўлланади.

Электрон дарслик материали ўқитувчига диктор овози билан етказилиб, слайд-шоу кўринишидаги материал билан бирга бериледи. Аудио ва видеоахборотларнинг ўзаро биргаликда қўлланиши ўқитиш самарадорлигини кескин юксалтиради.

Электрон дарсликни яратишда келажакда айрим муаммоларни ечиш лозимлиги аён бўлди. Шулардан асосийси, бу – ўзбек кирилл алифбосидаги «Қ», «Ғ», «Ў», «Х» ҳарфларини тўғридан-тўғри матнга киритишдир. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, электрон дарсликни олдин бирон бир нашриётда чоп этилган дарслик асосида яратиш лозим, чунки фойдаланиладиган материалларни таҳрир қилиш талаб этилмайди ва улардан сканер орқали фойдаланиш мумкин бўлади. Бозор муносабатлари ахборот маҳсулотларининг янгилиги, ишончлилиги ва тўлиқлиги даражаларига юқори талаблар қўймоқда. Чунки бусиз самарали маркетинг, молия-кредит ва инвестиция фаолиятини юритиш мумкин эмас.

Сўнгги йилларда турли технологияларни видео, аниқроғи, видеодарслар орқали ўрганиш тобора одат бўлиб бормоқда. Сабаби, маърузаларни видео шаклда ёзиш муаммо бўлмай қолди. Бунинг учун видеотасвирга тушириш, видеоёзувни намойиш этиш каби оддий технологияларни билиш кифоядир. Шунинг учун видеодарсларни ташкил қилиш оммавий тус олмоқда. Чунки, видеодарслар орқали ўрганиш жуда осон ва тез самара беради, муҳими, ҳар ким ҳам ўз билимларини видео форматида ёзиб бошқаларга ўргатиш имконига эга.

Одатда, бу дискларда оммавий фойдаланувчиларга мўлжаллаб менюлар ишлаб чиқилади ва у орқали маърузанинг ихтиёрий дарсини кўриш мумкин бўлади. Видеороликлар барча компьютерларда ўқиши мумкин бўлиши учун оммавий видеоформатларда ёзилади. Сўнгги вақтларда эса флеш-роликлар кўринишидаги видеодарсларни ёзиш ҳам одат бўлмоқда. Бунга асосий сабаб, видеоҳажмининг кичик бўлишидир. Ўқув видеомаърузаси фақатгина видеофилм эмас. Ҳар бир видеомаъруза бир канча ўзаро бир-бирини тўлдирувчи элементлардан иборат бўлиб, бу элементларни қўллаш таълим жараёнини соддалаштиради. Улар ёрдамида билим олиш таълимнинг бошқа одатий ва мультимедиали тизимларидан бир канча афзалликларга эга: бирон бир фанни, ҳунар ёки технологияни ўрганиш учун ҳеч қаерга бориш шарт эмас, бемалол уйда ўрганиш мумкин; видеодарсларни кўриш учун махсус вақт ажратиш шарт эмас, куннинг исталган вақтида ўрганиш мумкин; мавзу тушунилмаган ҳолда, видеороликни тўлиқ қайта ёки ихтиёрий жойидан кўриш имкони бор; видеодарслар ёрдамида таълим олишда одатий воситаларга нисбатан вақт ва маблағ тежалади; энг асосийси, видеодарсларда интерфаол муҳит мавжуд.

Бироқ ҳамма ҳам сифатли ва фойдали видеомаърузалар, видеодарсларни ярата олмайди. Айтиш мумкинки, ҳозирги кунда турли хил веб-технологияларни, Photoshop ва Flash дастурларини ўргатувчи видеомаърузалар мавжуд. Уларнинг аксарияти рус ва инглиз тилида, шу боис, ўзбек тилида видеомаърузаларни яратиш долзарб масалалардан биридир. Веб-дастурлаш соҳаси бўйича Adobe Dreamweaver CC4 дастурини ўргатувчи мультимедиали ўқитиш тизими яратилган. Уларнинг мавжуд аналогларидан фарқи шундаки, видеодарслар тўлиқ ўзбек тилида яратилган ва фойдаланиш менюси имкон даражасида соддалаштирилган.

Мультимедиали таълим тизимини яратишда бир қатор жараёнларни бажариш керак, жумладан: таълим соҳасини танлаш ва зарур фанларни таҳлил қилиш, видеодарслар ёзишга мўлжалланган дастурлар орасидан энг яхшисини танлаш, видеодарсларни ёзиш ҳамда монтаж қилиш ва бошқалар. Видеодарслар ёзадиган дастурлар бир нечтадир. Улардан Webinaria, UltraVNC Screen Recorder, Captivate, BB FlashBack Express, Camtasia Studio, Jing кабиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Улар компьютер экранидagi ҳаракатларни, микрофондан овозларни ёзади ҳамда компьютерлар ўқийдиган видео файллар форматига ўгириб беради.

Ахборот технологияларининг таълим тизимига кенг татбиқи, айниқса, электрон тақдиротлардан ўқув машғулотларда намоиш ва кўргазмали материал сифатида фойдаланиш ўқитувчи-педагог учун катта ёрдамдир. Ўқув материалининг электрон тақдиротда анимациялар шаклида берилиши ўтилатган мавзунини тушунишни енгиллаштиради ва кўргазмалиликни оширади.

ELLIPSOID MAVZUSINI O'QITISHDA ZAMONAVIY KOMPYUTER DASTURLARIDAN FOYDALANISH TA'LIM SAMARADORLIGINI OSHIRISH OMILI

M.P.Masharipov,
TSHPKQTMOI, katta o'qituvchi,
D.S.Nuriddinova, A.G.Sheraliyeva,
o'qituvchilar

O'zbekiston Respublikasida amalga oshirilayotgan ta'lim sohasidagi islohatlar respublikaning ravnaqini ta'minlaydigan istiqboldagi rejalarini amalga oshirishda muhim o'rin tutadi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 27.01.2010 yilda PF-1271 farmoni bilan tasdiqlangan "Barkamol avlod" yili Davlat dasturida ham zamonaviy kompyuter texnologiyalariga katta o'rin berilgan va darslarni zamonaviy kompyuter texnologiyalari asosida o'tish ta'kidlangan.

Mamlakatimizda axborot texnologiyalari hayotimizning ijtimoiy, iqtisodiy, ma'naviy va boshqa jabhalarida o'z aksini topmoqda. Ayniqsa ta'lim sohasini kompyuter texnologiyalarisiz tasavvur qilib bo'lmaydi.

Shu bois, darslarni kompyuter texnologiyalari yordamida o'tkazish talabalarni darsga befarq bo'lmaslikka, mustaqil fikrlash, ijod etish va izlanishga majbur etishi, kompyuter savodxonligini oshirish hamda o'zi tanlagan kasbiga bo'lgan qiziqishlarini kuchaytirish bugungi kunning dolzarb masalalaridandir. Bu esa bo'lajak pedagog kadrlarning puxta kasbiy tayyorgarlikka ega bo'lishi va o'z kasbining mohir ustasi bo'lib yetishishiga katta yordam bo'ladi.

Zamonaviy usullar yoki o'qitishning samarasini oshirishga yordam beruvchi texnologik treninglar talabalarda mantiqiy, aqliy, ijodiy, mustaqil fikrlashni shakllantirishga, qobiliyatlarini rivojlantirishga, izlanishga, adabiyotlarni o'qishga, yetuk mutaxassis bo'lishi uchun mustahkam zamin yaratadilar. O'qituvchi esa, ularning bu faoliyatiga imkoniyat va sharoit yaratib bera olishi kerak. Bu esa o'qitish jarayoni samaradorligini oshirishning asosi hisoblanadi.

Mashg'ulotning borishi: Tashkiliy qism (3 daqiqa) salomlashish, yo'qlama, xonaning holati (o'qitish shart-sharoiti), yangiliklar.

Talaba fikrini darsga jalb etish. Bu bosqich mashg'ulotga tayyorgarlik bosqichi hisoblanib, talabalarining mashg'ulotga tayyorgarligi, guruhning ruhiyati, tajriba o'tkazish uchun kerak bo'ladigan o'quv vositalarining yetarliligi nazorat qilinadi.

O'tilgan mavzuni takrorlash (7 daqiqa). Bu bosqichda amaliy topshiriqlarni bajarishda kerak bo'ladigan nazariy ma'lumotlar olinishi kerak. Buning uchun "Meni tushun", "Keys stadi" dan foydalanish ancha qulay.

Darsning borishi: O'qituvchi yangi mavzuni va rejani 1- slaydda ekranda namoyish etadi.

Mavzu: Ellipsoid va uning xossalari.

Reja:

Ellipsoid va uning kanonik tenglamasi.

Ellipsoidning xossalari.

Ellipsoidning grafigi.

Yangi mavzuning bayoni (Asosiy qism 35 min).

O'qituvchi: yangi mavzuni bayonini

2- slayd namoyish etiladi.

O'qituvchi:

1- Ta'rif: Koordinatalari (1)tenglamani qanoatlantiruvchi fazodagi barcha nuqtalar to'plamini

Ellipsoid deyiladi.

Bu tenglamani Ellipsoidning kanonik tenglamasi deyiladi. Musbat a,b,c sonlarni Ellipsoidning yarim o'qlari deyiladi.

Ellipsoidning shaklini va geometrik xossalarini uning kanonik tenglamasidan foydalanib, kesish metodi orqali o'rganamiz.

Ellipsoidning xossalari:

1°. (1) tenglama ikkinchi tartibli algebraik tenglama. Shuning uchun ikkinchi tartibli sirt.

2°. Ellipsoidning simmetriya markazini sirtning markazi, simmetriya o'qlari esa uning o'qlari deyiladi.


3°. (1) tenglamaning o'ng tomoniga e'tibor beraylik. Unda musbat son yig'indisi birga teng,

demak $\frac{x^2}{a^2} \leq 1, \frac{y^2}{b^2} \leq 1, \frac{z^2}{c^2} \leq 1$ yoki $x^2 \leq a^2, y^2 \leq b^2, z^2 \leq c^2$.

Bundan $-a \leq x \leq a, -b \leq y \leq b, -c \leq z \leq c$ (2) (1-chizma).

Maple dasturi yordamida Ellipsoid tasvirini namoyish etadi.

```
with(plots): implicitplot3d(x^2/16+y^2/4+z^2/36=1, x=-4..4, y=-2..2, z=-4..4,title=
'Ellipsoid', color=x+y, thickness=9);
```



4°. (1) dagi qo`shiluvchilardan biri birga teng bo'lsa, qolganlari no'l bo'lishi kerak.

$$\frac{x^2}{a^2} = 1, \frac{y^2}{b^2} = 0, \frac{z^2}{c^2} = 0.$$

5°. a) Ellipsoidni xOy koordinata tekisligi $z=0$ bilan kessak, kesimda $\frac{x^2}{a^2} + \frac{y^2}{b^2} = 1$ XOY tekisligida yotuvchi ellips hosil bo'ladi.


Mavzuni mustahkamlash (20 min):

1- **masala:** Har bir nuqtasidan $F_1(4,0)$, $F_2(-4,0)$ nuqtalargacha bo'lgan masofalar yig'indisi 10 ga teng nuqtalar to'plamining tenglamasini toping.


O'qituvchi: Masala shartini doskaga yozib hisoblaydi va uning grafigini Maple dasturi yordamida ekranda namoyish etadi.

Izlanayotgan nuqtalar to'plami berilishiga ko'ra ellipsdir va $2a=10$, $a=5$, $c=4$, $b^2=a^2-c^2$ munosabatdan $b^2=9$, $b=3$. Demak, izlanayotgan ellipsning kanonik tenglamasi va grafigi quyidagicha bo'ladi. $x^2/25+y^2/9=1$

```
>with(plots):implicitplot3d(x^2/25+y^2/9=1,x=-5..5,y=-5..5,z=-5..5,color=x+y,
title='Ellipsoid', scaling= CONSTRAINED);
```



2- **masala:** $x^2+y^2=16$ aylanani Ox o'qqa qisish natijasida $x^2/16+y^2/9=1$ ellips hosil bo'ladi. Qisish koeffitsientini toping.



Ellips tenglamasidan Ellipsoidni xOy koordinata tekisligi $z=0$ bilan kessak, kesimda

$$\frac{x^2}{a^2} + \frac{y^2}{b^2} = 1$$

xOy tekisligida yotuvchi ellips hosil bo'ladi. Bundan, $a^2=16$, $b^2=9$, $k=b/a$ $k=3/4$.

(4- chizma)

```
with(plots):implicitplot3d (x^2/4+y^2/3+z^2=1,
x=-2..2, y=-2..2, z=0..1, color=x+y, title='Ellipsoid', scaling= CONSTRAINED);
```

“Test” usulidan talabalarni yuqoridagi masala bo'yicha olgan bilimlarini baholashda foydaniladi.

Ushbu usulda talabalarga tarqatma materiallarda ko'rsatilgan topshiriqlar bo'yicha avval yakka tartibda mustaqil ravishda va keyin guruh fikrini bilib, boshqalarni ham fikrini e'tiborga olish kabi ko'nikmalari shakllantiriladi.

Savol	To'g'ri javobga+ Noto'g'ri javobga -			
Har bir nuqtasidan $F_1(4,0)$, $F_2(-4,0)$ nuqtalargacha bo'lgan masofalar yig'indisi 10 ga teng nuqtalar to'plamining tenglamasini toping.	$x^2/2+y^2/9=1$	$x^2/5+y^2/4=1$	$x^2/25+y^2/9=1$	$x^2/9+y^2/3=1$
Ellipsoidning kanonik tenglamasidagi $a=b=c$ bo'lsa, ...	$x^2+y^2+z^2=a^2$ markazi koordinata boshida va radiusi a ga teng.	to'g'ri javob yo'q	$x^2+y^2+z^2=a^2$ markazi koordinata a va b da radiusi a ga teng.	$x^2+y^2+z^2=a^2$ markazi koordinata – a va b da radiusi a ga teng.
Agar $a=b$ bo'lsa	teng tomonli giperbola deyiladi	Qo'sh tomonli giperbola deyiladi	qo'shma giperbolalar deyiladi	to'g'ri javob yo'q
Giperbolaning asimptotalari	$y=bx/a$ va $y=-bx/a$	$x=ax/b$ $y=-ax/b$	$x=b/a$ $x=-b/a$	$y=a/b$ $y=-a/b$

Talabalar bilimni baholash (10 daqiqa) Savol – javob o'tkazishda, munozarali masalalarni hal etishda, nazariy savollarga javob berishni bahs-munozarali o'tkazishda va dars jarayonining jadallashtirishda “**Blits**” yoki “**blum**” metodidan foydalanish talabalarni o'z fikrini himoya qilish, erkin fikirlash, ochiq holda bahslashish va bahslashish madaniyatini o'rgatadi.

Yakka xato	To'g'ri javob	Guruh bahosi Guruh xatosi To'g'ri javob	Savolnap	Tarifi yoki formulasini kiritng
			Ellipsoid	Koordinatalari $\frac{x^2}{a^2} + \frac{y^2}{b^2} + \frac{z^2}{c^2} = 1$ tenglamani qanoatlantiruvchi fazodagi barcha nuqtalar to'plamiga aytiladi.
			Markazi $M(2;-4)$ nuqtada radiusi $r=4$ bo'lgan aylanani aniqlang.	Yechish. hamma hol uchun $p=D^2+E^2-4F$. $p=(-4)^2+8^2-4 \cdot 4=64$, $(x-2)+(y+4)=16$.
			Ellipsoidning kanonik tenglamasi	$\frac{x^2}{a^2} + \frac{y^2}{b^2} + \frac{z^2}{c^2} = 1$
			Ellipsoidning kanonik tenglamasidagi $a=b=c$ bo'lsa $x^2+y^2+z^2=a^2$ markazi koordinata boshida va radiusi a ga teng.	Sferani anglatadi ya'ni sferik sirt
			Ellipsoidning kanonik tenglamasidagi $a \neq b \neq c$ bo'lsa, u holda ellipsoid ... deyiladi.	Uch o'qli ellipsoid

Darsni yakunlash va uyga vazifa: (5min). Uyga vazifalarni “KEYS” texnologiyalaridan foydalangan holda amalga oshirish talabalarning egallashi lozim bo'lgan bilimlar hajmining o'sishiga olib keladi.

ИНГЛИЗ ТИЛИ ДАРСЛАРИДА КОМПЬЮТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИ

Ж.Гиясов,
ЎзПФИТИ, илмий ходим

Бугунги кунда мамлакатимизда хорижий тиллар, жумладан инглиз тилини ўрганиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Чет тилларни ўргатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2012 йил 10 декабрь) Қарори бизга, бу борада дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Мазкур Қарорга кўра, таълим тизимининг барча босқичлари олдида “чет тилларни узлуксиз ўрганишни ташкил қилиш, шунингдек, ўқитувчилар малакасини ошириш ҳамда замонавий ўқув-услубий материаллар билан таъминлаш”ни янада такомиллаштириш вазифаси қўйилди.

Шундай экан, инглиз тили дарсларини самарали педагогик усуллар ёрдамида ташкил этиш ўқитувчиларнинг мақсад сари илдам одимлашларида етакчи восита бўлиб хизмат қилади. Умуман олганда, компьютер ўқув фанларини ўзлаштириш давомида ўқитувчига муҳим ёрдамчи восита бўлиб, унинг тўлиқ ишончига кирди десак, муболаға бўлмайди. Компьютер ёрдамида ўқитувчилар ўз фаолиятлари давомида кўргазмали материаллар намойиш этиш, тест дастурлари, ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантирувчи воситалар уйғунлигини таъминлаш имкониятига эга бўлдилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўқув машғулотларини компьютер воситасида ташкил этилиши ўқувчиларнинг билим олишга қизиқишини оширади; берилган материалларни ўзлаштиришини енгиллаштиради, уларда мустақил фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга имкон яратади. Ҳар қандай ўқитувчидан ўз предмети доирасида етарли даражада компьютер саводхонлигидан хабардор бўлиши ва ундан оқилона фойдаланиши талаб этилади. Бу эса ахборотлашган таълим жараёнида ўзига хос дидактик қимматга эга.

Бошқа кўпгина ўқув фанлари қатори, инглиз тили фанини ўқитишда ҳам бевосита компьютер техникасидан фойдаланишга эҳтиёж сезилади. Республикамизда инглиз тили фанини ўқитишда компьютер технологияси воситасидан фойдаланиш ўқувчиларнинг билим самарадорлигини янада оширишда ёрдам берибгина қолмасдан, уларга компьютерни чуқур ўзлаштиришига ҳам кўмаклашади.

Маълумки, ҳозирда инглиз тили хорижий тил ҳисобланиб, асосан ўзбек тилида мулоқотда бўладиган ўқувчилар учун уни ўрганиш, сўзлашиш бироз қийинчилик туғдиради. Бунга асосий сабаблардан бири, инглиз тилини ўрганиш давомида доимий мулоқотда бўлмаслик, ўқувчиларнинг инглиз тилида сўзлашишга кўрқиши, ўз хатоларидан уялиб қолишдан чўчиши ҳам бўлиши мумкин. Бу эса ўқувчиларнинг тилни ўрганишга бўлган қизиқишларини чеклаб қўяди. Бундай ҳолатларни бартараф этиш учун инглиз тили фанини компьютер воситасида ташкил этишга эҳтиёж сезилади.

Компьютер воситаси ёрдамида ташкил этилган дарсларда ўқувчилар эркин, индивидуал, мустақил фаолият юритишларига шароит яратилади. Бугунги ўқувчи-ёшлар компьютер билан осон мулоқотга киришади, у билан бирга ўқийди, ўрганади. Умуман олганда, дарс жараёнини компьютерлаштириш ўзига хос имкониятлар яратади. Жумладан:

- мавзуларни тушунтириш учун зарур бўлган жадвал, схема, расмлар ва бошқа кўргазмалардан кичик ҳажмда, хилма-хил тарзда фойдаланиш;
- инглиз тилидаги сўзлар, товушлар, уларни ҳосил қилишда иштирок этадиган механизмлар жараёнини кузатиш;
- фанни ўрганишда фойдаланиладиган кўргазмали материалларнинг рангли ва ҳаракатли бўлиши ўқувчи диққатини тортиб, компьютер тасвирларини узатиш, сақлаш ва маълум муддат давомида мониторда сақлаб туриш;
- шеърлар, кичик ҳажмдаги ҳикояларни қисқа муддатда ёдлаш;
- компьютерлашган тест дастурлари воситасида ўқувчини баҳолаш ва назорат қилиш;

- ўқувчиларни фақат дарсда эмас, балки дарсдан ва синфдан ташқари машғулотларда мустақил таълим олишини таъминлаш;
- ўқувчиларнинг ёшига мос тарзда тайёрланган ўқув фильмларини намойиш этиш;
- DVD, CD материалларидан фойдаланиш ва ҳоказолар.

Компьютерлашган дарслар таълимда дидактик тамойилларни тўлиқ қўллаш имконини беради. Мазкур тамойилларнинг сифат кўрсаткичлари ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаларини юқори натижалар билан намоён қилишга ёрдам бериши, қайси бир фан доирасида бўлишидан қатъи назар, ўқитувчи компьютер билан мулоқотни тўғри йўлга қўя оларкан, ўз-ўзидан дарс жараёнидаги фаоллик яққол кўзга ташланади.

Компьютер техникаси баён этилаётган мавзунинг мазмунига мос келадиган материаллардан унумли ва тўғри фойдаланиши ўқувчиларнинг ўтилаётган мавзуга бўлган қизиқишини ва унинг осон ўзлаштирилишини таъминлашга ёрдам беради. Шунингдек, дарс жараёни фаол ташкил этилади, ўқувчидаги индивидуал ҳаракат тезлашади.

Шунингдек, инглиз тилини юқори савияда ўрганишда самарадорликка эришиш қуйидагиларга жиддий эътибор қаратиш талаб этилади:

- маълумотлар (мавзулар, машқлар)ни ягона бир тизим асосида яъни кириш, асосий қисм, умумлаштириш, яқунлаш, материалларни тизимли тарзда узатиш;
- дарс жараёнида ўқувчилар билимининг назорат қилиниши билим ва кўникмаларни мустаҳкамлаш давомида дастурлаштирилган тест ва ўйин дастурларидан фойдаланиш;
- дарс материалларининг замонга мос тарзда янгиланиб турилиши, ўқув материалларини янги маълумотлар билан бойитиш;
- ўқув жараёни учун янги маълумотларни олишда интернет материалларидан фойдаланишнинг қулайлиги (инглиз тилидаги Интернет сайтлари ва порталларни доимий кузатиш ва ўрганиш) кабиларда ўз аксини топади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, ўқув жараёнида ўқувчиларнинг янги маълумотлар бўйича билим ва кўникмаларини юқори кўрсаткичларда ҳосил бўлиши ўқитувчининг педагогик маҳоратига кўп жиҳатдан боғлиқ. Ўқитувчи дарс давомида янгиликларга интилиб, ноанъанавий усуллар, замонавий педагогик технология элементларидан унумли фойдаланишга жиддий эътибор қаратсагина ўзи кутган ижобий натижаларга эришиши мумкин.

ЁШЛАРНИНГ ИНТЕРНЕТ ҲАМДА ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРДАН НОТЎҒРИ ФОЙДАЛАНИШИНING САЛБIIЙ ОҚИБАТЛАРИ

И.И.Мадаминов,
ТВПКҚТМОИ, катта ўқитувчи

Хозирги кунда интернет тармоғи энг оммабоп ва тезкор ахборот тарқатиш воситасига айланди. Мамлакатимизда ҳам интернетдан, шу жумладан, ижтимоий тармоқлардан фойдаланувчиларнинг аксариятини ёшлар ташкил этади. Глобаллашув жараёнида, инсон онгини эгаллашга интилиш тобора кучаяётган ҳозирги шароитда ёш авлодни ижтимоий тармоқлардаги салбий ахборотлардан асраш энг муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.

Ижтимоий тармоқ деб - таркибида бир нечта иштирокчилар бўлган ва улар орасида мулоқот ўрнатувчи, кўплаб фойдаланувчига эга веб сайтлар тушунилади. Фойдаланувчилар орасида мулоқат ўрнатиш, умумий қизиқишларни аниқлаш, гуруҳлар орасидаги мулоқотни интернет тармоғи орқали бажариш ижтимоий тармоқ функциялари ҳисобланади. Ижтимоий тармоқнинг мақсади интернетда ўзаро қизиқишлар ёки фаолиятга эга шахслар билан мулоқот куришдан иборат. Ўзаро алоқа ички почта ёки хабар алмашиш тизими орқали амалга оширилади.

Хозирги кунда ижтимоий тармоқларнинг ўрни ва аҳамияти кундан кунга кучайиб бораётганини алоҳида таъкидлаш ўринли. “Twitter”, “Odnoklassniki” ва “Facebook” сингари ижтимоий тармоқлар бугунги кунда инсонларнинг, айниқса, ўқувчи-ёшлар ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб бораётгани кундай равшан.

Жумладан, юртимизда “Odnoklassniki” ижтимоий тармоғи бугунги кунда кўплаб одамларнинг доимий ҳамроҳига айланиб бормоқда. Бу ижтимоий тармоқнинг асосий мақсади инсонларни бир-бирига яқинлаштиришга хизмат қилишга мўлжалланган, лекин бу аудиторияни баъзи бир нопок одамлар ҳам эгаллаб олишган. “Odnoklassniki” ижтимоий тармоғи орқали ҳарф, белги ва “пробел”ларни ўз ичига олган қисқа-қисқа жумла-хабарларни тез фурсатда алмашиш ва кузатиб бориш имконини яратиб беради.

Ушбу ижтимоий тармоқ фаолият механизми билан яқиндан танишар экансиз, шу сайтдан рўйхатдан ўтган ҳар бир одамнинг профилида жойлаштирилган сурат, қисқа хабарлар, ахборотларнинг бошқа кўринишлари (сурат, аудио-видео репортажлар) илова қилинади. Шунчаки қизиқиш билан бошланган виртуал ҳаёт саргузаштлари шу каби турлитуманлиги билан кишини тобора ўзига жалб қила бошлайди. Шу тариқа интернет орқали танишган бир-бирига бегона бўлган бекорчилар тўдаси шаклланади. Воқеа жойидан тўғридан-тўғри репортажлар — мобил воситалари орқали аудио, видео ва фото лавҳалар тайёрланиб, энг таъсирлилари ижтимоий сайтларга жойлаштириб борилади. Ижтимоий тармоқларда “саҳҳат” қилаётган одамлар бу воқеа-ходисаларга ўзларининг фикрларини ёзиб қолдиришни бошлашади. Инсонлар сайтда жойлаштирилган маълумот (лавҳа) тўғри ёки нотўғрилигини билмаган ҳолда ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдиришади. Шу йўл билан инсон, айниқса, ўқувчи-ёшлар ҳақиқат билан ёлғон ўртасидаги чегарани пайқашдан маҳрум бўлиб қолмоқда.

Интернет бутун дунёни эгаллаб олган тармоқ экани барчага маълум. Сиз ижтимоий тармоқлар орқали ўтирган жойингизда дунёнинг нариги четидаги киши билан “юзма-юз” ўтириб суҳбатлашиш, ўзаро фикр алмашиш имкониятига эгасиз. Шундай экан, турли сайтлар, ижтимоий тармоқлар, форум ва чатлардаги “таниш”ларингиз ҳақида маълумотлар ҳаққоний бўлмаслиги ҳам мумкин. Сиз “дўст”ларингизга шахсий ҳаётингиз, ўй-кечинмаларингиз, нозик ҳис-туйғуларингиз ҳақидаги барча маълумотлар, сирларингизни ишониб айтаверасиз. Уларнинг далдаси, ширин алдовлари, сохта мулозаматлари кун сайин сизни интернет билан мустаҳкамроқ боғлайверади. Бориб-бориб интернетсиз яшай олмай қоласиз. У сизнинг иккинчи ҳаётингизга айланиб, барча реал нарсалар, ҳаётий ҳақиқатлардан узоқлаша борасиз. Бу эса интернетга сизни бошқариш имкониятини тухфа этади. Шу ўринда ҳар қандай ахборот хуружлари, оммавий маданият хавфидан ҳимояланмаган интернет сайтлари, ижтимоий тармоқларнинг салбий таъсиридан бутун миллатни, айниқса ўсиб келаётган ёш авлодни ҳимоя қилиш ҳар бир онгли инсоннинг бурчи эканини таъкидлаш лозим. Ёш авлодни тарбиялаш жараёнида интернетдан фойдаланиш маданиятини шакллантириш учун қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

- ✓ ўқувчиларга нафақат информатика дарсларида, балки фанларни ўқитиш жараёнида, маънавий-маърифий тадбирлар орқали ижтимоий тармоқларнинг яратилиши мазмун-моҳиятини етказиб бориш;

- ✓ интернетда, шу жумладан, ижтимоий тармоқлардан ишлаш жараёнида билдирилаётган фикр-мулоҳазаларни ишончли ва ахлоқий меъёр қоидаларига риоя этган ҳолда баён этиш;

- ✓ ижтимоий тармоқдан рўйхатдан ўтиш жараёнида киритилаётган маълумотлар, жойлаштирилаётган шахсий фотосурат, аудио, видеоларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш;

- ✓ таълим-тарбия жараёнида, хусусан, информатика дарсларида ўқувчи-ёшларга чет элда эмас, балки, Ўзбекистонда ишлаб чиқилган www.sinfdosh.uz, www.vsetut.uz ... каби ижтимоий тармоқлардан айнан улар учун яратилганлигини тушунтириш ва улардан тўғри фойдаланиш, мулоқот ўрнатиш усуллари юзасидан тавсиялар бериб бориш;

✓ Ўзбекистонда ишлаб чиқилган ижтимоий тармоқларда ахборот хавфсизлиги таъминланганлигини, сайтларнинг доимий назорати олиб борилишини, чет эл сайтларидан қолишмаслигини тушунтириб, амалий мисолларда кўрсатиб бориш;

✓ чет эл ижтимоий тармоқларида бизнинг миллий менталитетимизга тўғри келмайдиган салбий томонларни ўқувчиларга тушунтириб бориш;

✓ ёшларни салбий ахборотлар таъсиридан ҳимоялаш;

✓ ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш маҳоратини ошириш;

✓ интернетдан фойдаланиш маданиятини шакллантириш;

Интернет ҳамда ижтимоий тармоқлардан тўғри фойдаланиш маданиятини шакллантириш орқали ёшларимизнинг ахборот хуружларидан сақланишига замин яратган бўламиз.

ТАЪЛИМДА АХБОРОТ РЕСУРСЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА ТАҚДИМ ЭТИШ

Ж.О.Балтабаев,

Нукус ДПИ, ассистент,

Н.Юлдашев,

Нукус ДПИ, 2-курс талаба

Ўқитишда дастурий воситаларни фойдаланиш, маъруза – гуруҳ билан қиёслашда, фаоллик тамойилини амалга ошириш учун катта имкониятларга эга. Ўқувчида айнан, қайси фаоллик тури ривожланишига асосий диққатни қаратиш зарур. Масалан, ўқувчилар тўғри жавоб бериши учун, матнни етарлича диққат билан ўқиши ва у олдин тақдим этилган маълумотларни эслаши. Бу вазиятда хотирада сақлаш фаоллигининг бош шакли руёбга чиқади. Фаолликнинг бу турлари ҳам ўзига яраша муҳим жиҳатларга эгадир, лекин билимларни онгли равишда ўзлаштириш учун кўпроқ ақлий фаоллик аҳамиятга эга бўлиб, у шундай вазиятларда вужудга келадики, ўқувчилар бир қанча топшириқларни ечиши зарурдир.

Дастурий воситалар билан ишлашда нафақат ўқув материални мустаҳкам ўзлаштириш, балки ўқувчиларнинг билишга оид имкониятларини, уларнинг ақлий қобилиятларини ривожлантиришни кўзда тутиш зарур.

Дастурий воситалар ўрганилаётган ҳодисаларнинг моҳиятини очиб берадиган ахборотдан таркиб топиши зарур. Ўрганилаётган ҳодисаларнинг қонуниятларини ва тамойилларини очишга кўпроқ эътибор қаратиш лозим. Шу боис, ўқувчилар энг асосийси қидиришда қийналмасликлари, балки уни ўзлаштиришни оширишга қаратиши энг зарурий бўлиши керак.

1. *Хоҳлаган ахборот ресурсни ишлаб чиқиш таълим мақсадини қуришдан бошланади.*

Мақсадлар саволларга жавоблар сифатида қўйилади:

- дастур билан ишлаш якунида ўқувчи нимани билиши ва уйдасидан чиқиши керак?

- у қандай саволларга жавоб бериши лозим?

- у қандай операциялар, методлар, кўникмалар ва бошқаларни эгаллаши керак ва қай даражада?

2. *Ўқув материални йиғиш ва ташкил этиш.*

Биз ахборотлар манбаси ҳақида гапириб ўтгандик.

Нимани ҳисобга олиш зарур:

- ўқув материали замонавий педагогик ва техник даражага мувофиқ бўлиши керак;

- ахборот ўрганилаётган ҳодисаларнинг тамойиллари ва қонуниятлари моҳиятини очиб бериши, тасодифий ва аҳамиятсиз ахборотларни чиқариб ташлаш зарур;

- ўқув материали билишга қизиқишни шакллантириб, аниқ ва тушунарли равишда ифода этилиши зарур;
- ўқувчиларнинг ақлий фаоллигини жонлантирувчи саволларни қўйиш, топшириқларнинг ҳар хил шакллари татбиқ қилишга риоя қилиш;
- йўл кўрсатиш мақсадида ўхшаш нарсаларни, тасаввур, ҳис-туйғу, фикр ва шу кабиларнинг бир-бирини эслатадиган ўзаро боғланишларни, таққослашларни мақсадга мувофиқ фойдаланиш.

Материалнинг кетма-кетлик тақсимланиш қоидаси:

- маълумдан номаълумга;
- оддийдан мураккабга;
- аниқликдан мавҳумликка;
- кузатишдан муҳокамага;
- умумий кўриб чиқишдан батафсил таҳлилга.

Ахборотларни тақдим этиш шакллари эса оламиз (матн, расм, схема, жадвал, диаграмма, график...).

3. Экранда ўқув ахборотларининг тақдим этилишига қўйиладиган умумий талаблар:

Матн ҳажми кадрда 20-30 символгача 8-10 сатрдан ошмаслиги энг мақбулдир. Кадрда ахборотлар миқдорини аниқлашда талаблар орасидаги ўзаро нисбатдан келиб чиқиб, кадрда мужассам бўлган ахборотларнинг янги ҳажми ва ўқувчиларда ақлий ҳаракатлар кўникмасини шакллантириш даражаси, ушбу кадр ўқувчиларни уйлашга ундайди.

Ўқувчиларда майда бўлинишларда ўрганилаётган ҳодисаларнинг тўла тасаввури гавдаланмайди. Ахборотларнинг кичкина миқдори ўқувчиларнинг ақлий фаоллигини рағбатлантирмайди, бундан ташқари агарда ахборотлар миқдори кичик бўлса, дастурларни ўтиш вақти кўпаяди. Агарда кадрда ахборотлар миқдори жуда кўп бўлса, бу таълим жараёнини бошқариш ва ўқув материални ўзлаштириш қийин кечади:

- диққатни тўплаш воситаларидан фойдаланиш;
- матнда бир вақтнинг ўзида учта ранг бериш тавсия этилмайди;
- экраннинг доимий ҳажми (барча кадрларда бирдек ахборот, доимий зонадан фойдаланиш);
- қатъий изчил услубдаги матн ва графиклар берилиши.
- Таълимда муҳим аҳамият матнга тегишлидир. Матн ёрдамида ўқувчиларга янги материал, вазифа, ёрдам, маълумот ва бошқалар кўрсатилади.

4. Матнга қўйиладиган талаблар:

- илмийлик – барча вазиятлар, таърифлар ва хулосалар қатъий илмий аснода қурилган бўлиши керак;
- мантиқийлик – матнли материал шундай тузилиши керакки, баён қилинаётган тушунчалар орасида мантиқий боғлиқлик осон изига тушиши керак;
- тушунарлилик – янги атамаларнинг маъноси изоҳланган бўлиши керак;
- бир маънолилик – матнни ҳар хил ўқувчиларнинг бир хил фикрда шарҳлаши;
- лўндалик (қисқа ва аниқлик) матнли баён имкони борича қисқа ва ҳеч қанақа ортиқча нарсаларсиз бўлиши лозим;
- тугалланганлик – матнли ахборотларнинг ҳар бир қисмининг мазмуни мантиқан тугалланган бўлиши.

Савол – ушбу дидактик восита ўрганилаётган ўқув материали бўйича билимларни текшириш, ўзига хос хатоларни аниқлаб олмоқ ва тушунтиришга йўналтирилган бўлади.

5. Саволнинг қўйилишига талаблар:

- савол аниқ шаклланган, ўқув материали атамалари билан қатъий мувофиқ бўлиши керак;
- савол аниқ қўйилган бўлиши лозим – у жавобнинг мазмуни қандай бўлса, унинг шаклида шундай бўлишини аниқлаши лозим;

- савол бир хил маънога эга бўлиши керак, яъни бир қанча ҳар хил маъноси бўйича ишончли жавобларнинг мавжуд бўлишига йўл қўймаслик;
- саволларни таърифлаш имкони борича қисқа ва аниқ бўлиши лозим;
- саволнинг қўйилиши етарли даражада ахборотли бўлиши керак;
- ўқувчиларга берилаётган саволлар ўқув материали баёни мантиқига қатъий мувофиқ келиши керак.

ДАРС САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА АХБОРОТ ТАЪЛИМ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЎРНИ

К.Расулова,
Қашқадарё ВПКҚТМОИ

Умумий ўрта таълим мактаблари замонавий компьютерлар, шунингдек, Халқ таълим вазирлиги томонидан яратилган замонавий ахборот таълим ресурслари - электрон дарслик, электрон қўлланма ва электрон дарс ишланмалари билан таъминланмоқда.

Бу эса педагог ўқитувчиларга қатор қулайликлар яратмоқда. Лекин шунинг билан бир қаторда, амалиётдаги аҳвол шуни кўрсатмоқдаки, ўқитувчилар компьютер техникасидан фойдаланиш жараёнида бир қанча камчиликларга йўл қўймоқдалар. Яъни:

- аксарият ўқитувчиларда компьютерлардан фойдаланиш даражаси етарли эмаслиги;
- тақдим этилган электрон ахборот таълим ресурс (ЭАТР)ларидан фойдалана олиш кўникмаси йўқлиги;
- ЭАТРларда келтирилган расм, видео, анимацияларни намоиш қилиб берувчи дастурлардан фойдалана олмаётганликлари;
- Интернетда жойлаштирилган ЭАТРларни қидириб топиш ва уларни кўчириб олиб ва фойдаланиш кўникмаси шаклланмаганлиги;
- ЭАТРларни олиш имкони бўлмаган ҳолатларда ўзлари томонидан ахборот таълим ресурсларини яратиш имкони ҳамда малакаси йўқлиги;
- тақдим этилган ЭАТРлардан фойдаланиш натижасида ўз тажрибасидан келиб чиққан ҳолда қўшимча таълим ресурсларининг яратилмаётганлиги, бу борадаги ташаббусларнинг етарли эмаслиги.

Таълим-тарбия жараёнида ЭАТРларидан оқилона фойдаланишни йўлга қўйиш учун ўқитувчилардан ахборот коммуникация технологияларига оид қуйидаги билим, кўникмаларга эга бўлиш талаб этилади, яъни:

- **электрон дарслик** – дарсликнинг электрон кўриниши бўлиб бунда нафақат ўқитувчи балки ўқувчининг билим олиш маҳоратини оширувчи воситадир;
- **ўқув филмлар** – бу электрон дарсликка қўшимча материал сифатида ишлаб чиқарилган бўлиб, ўқувчиларнинг баъзи ўзлаштириш қийин мавзуларни ёки лаборатория жараёнларининг видео шаклида тақдим этилиши;
- **виртуал лабораториялар** – бунда ўқувчи кимё, биология, физика дарсларида бажарилиши лозим бўлган лаборатория машғулотларини компьютер техникаси ёрдамида виртуал тарзда бажарилиши;
- **мультимедиа** — бу интерактив тизим бўлиб, матн, товуш, видеотасвир, график тасвирларни, видеони қўзғалмас ҳаракатини турли (мультипликация) анимациялар орқали жонлантириш, овозини кучайтирувчи воситадир;
- **ўргатувчи дастурлар** – компьютер ёки шунга ўхшаш техникалардан қандай фойдаланишни ўргатиш учун мўлжалланган дастурлар;
- **ўйинлар** – ўқувчиларни фанларга қизиқтириш учун фанлар кесимида тайёрланган мантиқий топшириқлар ёки ўқувчи-ёшларнинг фикрлаш доирасини кенгайтиришга мўлжалланган машқларни бажаришга кўмак берувчи фаолият туридир.

Электрон ахборот таълим ресурслари фойдаланувчига кулай бўлиши учун унинг мулоқот (меню) элементлари таркибида компьютер экранда пайдо бўлувчи кичик дарча кўринишидаги буйруқлар рўйхати ёки мультимедиа элементлари тавсияномаси мавжуд бўлади. Фойдаланувчилар электрон ахборот таълим ресурслари тавсияномасида келтирилган исталган буйруқни танлаши мумкин.

Ҳозирги кунда электрон ахборот таълим ресурсларини, маълумотларни тез ва сифатли сақлаш учун флеш хотиралар CD-R, DVD-R лазер дискларидан фойдаланиб келинмоқда. Баъзи умумтаълим мактабларида фаолият олиб бораётган ўқитувчиларимизда электрон ахборот таълим ресурсларидан фойдаланиш кўникмалари камлиги сезилиб қолмоқда. Ўқитувчиларнинг электрон ахборот таълим ресурсларини компьютер техникасига ўрнатиш, кўчириб олиш, керакли дастурларни ўрнатиш каби камчиликларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Бунинг сабаби билан қизиқиб кўрганимизда кўплаб ўқитувчиларнинг компьютер техникасининг бузилиб қолиши, дискларнинг носозлиги ёки компьютер техникасидан унумли фойдаланиш кўникмаси камлигини сабаб келтиришмоқда.

Ахборот ресурс марказлари мактабнинг компьютер хонаси интернет тармоғига уланган бўлиши ҳам ўқитувчиларнинг электрон ахборот таълим ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Шу ўринда электрон ахборот таълим ресурсларининг нафақат диск, флеш хотира ёки бошқа маълумот ташувчи қурилмалар, балки, интернетдан олиш мумкинлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Электрон ахборот таълим ресурсларини www.uzedu.uz, www.eduportal.uz, каби сайтлардан ҳам олиш мумкин. Бу сайтларда нафақат кўчириб олиш, балки дарс жараёнининг ўзида тўғридан тўғри фойдаланиш мумкинлигини алоҳида таъкидлаш ўринли.

Умумтаълим мактабларида фаолият олиб бораётган ўқитувчилар учун жуда ҳам кўплаб имкониятлар яратиб берилмоқда. Яратилган имкониятлардан ўқитувчиларимиз фақатгина унумли фойдалангани ҳолда таълим сифатининг ошишига ўз ҳиссаларини қўшган бўладилар.

Хулоса қилиб айтганда, умумий ўрта таълим мактабларида ахборот таълим воситаларидан мақсадга мувофиқ фойдаланилса нафақат дарс самарадорлигининг ошишига имкон берувчи вақтнинг тежалишига ва бу вақтдан ўқувчилар фаоллигини оширишга доир топшириқлардан кенг фойдаланишга, балки, ДТСнинг талаблар даражасида ўзлаштирилишига ҳамда мустақил фикрлайдиган, фан-техника имкониятларидан оқилона фойдалана оладиган ёш авлоднинг шаклланишига замин яратилади.

ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА АХБОРОТ- КОММУНИКАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Ж.С.Ҳакимов,
ТВПКҚТМОИ, ўқитувчи

Давлатимиз томонидан таълим жараёнини ахборотлаштириш, унинг моддий базасини бойитиш, ўқув жараёнида ахборот коммуникацион технологияларидан самарали фойдаланиш учун керакли замонавий дастурий воситалар билан таъминлаш юзасидан кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда.

2003 йил 11 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисидаги» қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш чора тадбирлари тўғрисида», Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 июндаги «Ўзбекистон Республикаси ХТВ ҳузурида

мультимедия умумтаълим дастурларини ривожлантириш марказини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида»ги ва бошқа эълон қилинган қарорлари бунинг яққол мисолидир.

Ахборот коммуникацион технология воситаларининг ривожланиши барча соҳаларга, шу жумладан, таълим соҳасига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиб келмоқда..

Компьютер технологияларидан фойдаланиш таълим жараёнини янги сифат кўрсаткичларига эришиш, дарсни ташкил этиш ҳамда бошқариш жараёнини тезлаштириш ва самарадорлигини ошириш имкониниятини яратади. Таълим жараёнида ахборот коммуникацион технологияларидан фойдаланиш натижасида таълим тамойиллари, моҳияти, концепциялари, усуллари ва услубияти ўзгаради.

Давлат таълим стандарти ва миллий кадрлар тайёрлаш тўғрисидаги қонунга кўра, ҳар бир бўлажак мутахассис ўз соҳасини мукамал билиш билан бир қаторда ахборот коммуникацион технологияларини етарлича ўзлаштирган ҳамда ундан амалиётда фойдаланиш малака ва кўникмасига эгалланган бўлиши керак..

Ахборот технологиялари асосида таълим жараёнини ташкил этишда кўпроқ оммалашган замонавий атамалар технология, педагогик технология, ахборот, ахборот технологияси, компьютер технологияси, мультимедия, интернет, масофали ўқитиш, амалий дастурлар мажмуаси ва ҳоказаларни ишлатишга ва улардан фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу эса ахборот коммуникацион технологияларидан таълим тизимида фойдаланишда натижаси тушунарлироқ, аниқроқ ва самаралироқ бўлиш имконини беради.

Ҳар қандай таълим жараёни доимо маълум бир методикага ёки кенг оммалашаётган янги педагогик технологияларга таянади.

Бугунги кунда таълим жараёнида ахборот ва телекоммуникацион воситалар ёрдамида ўқитишнинг кўплаб замонавий технологиялардан фойдаланилмоқда. Айниқса, MS Office дастурлари, мультимедиа технологиялари, масофадан ўқитиш тизими, Интернет технологиялари, интеграллашган математик пакет (Maple, Matchad, Matlab)лар каби ахборот коммуникацион технологияларининг замонавий воситаларидан фойдаланиб таълим жараёнини ташкил этиш ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

MS Office дастурлари дарсларни ташкил этишда кўргазмаларни курашлари яратиш, жадвалли маълумотлар билан ишлаш, материалларни намойиш кўринишида бериш, маълумотлар базасини яратиш имконини беради. MS Office дастурлари ичида таълим жараёни учун Excel дастурининг имкониятлари кенгрок. Оддий арифметик амалларни бажариш, ифодалар ва функциялар қийматларини ҳисоблаш, функциялар графигини чизиш, тенглама ва тенгламалар системасини ечиш ва ҳоказалар бўйича билим ва малакаларни шакллантиришда Excel дастуридан фойдаланиш дарс жараёнини ахборот технологиялари асосида ташкил этиш ва унинг самарадорлиги ошириш, талабаларни ўқув материалларини мукамал ўзлаштириши ва эгаллашига, уларнинг мазмуни ва моҳиятини узок вақт эсда сақлаб қолишига, билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашга имкон беради.

Microsoft Power Point орқали тақдимот бу – экранда киритиладиган ва тарқатма материаллари бўла оладиган маърузалар режаси, матни, назарий ва амалий материаллар слайдлар ёрдамида тайёрланиб, уларни юпка пленкаларда, оддий қоғозларда ва 35 миллиметрли слайдларда ёки тўғридан-тўғри компьютер экранда намойиш қилиш мумкин. Дарс ўтиш жараёнида слайдларда ахборотларни исталган шаклда ва кўринишдаги матн, графика, жадвал ва диаграммалар шаклида ташкил этиш ва намойиш қилиш мумкин.

Бугунги кунда намойиш слайдларини яратишда таълим жараёнида ўқитишнинг замонавий технологияларидан фойдаланиш ўзининг ҳар томонлама ижобий самарасини бермоқда. Ана шулардан бири мультимедиа технологиясидир. Мультимедиа бу – аниқ бир маҳсулот сифатида мужассамлашган график, аудио-музыка, видео-расмлар, ахборотлар, анимациялардан иборат бўлиб, унда фойдаланувчи учун тескари мулоқотнинг ҳам имконияти мавжуддир.

Мультимедиа воситаларидан таълим соҳасида фойдаланиш ва улар ёрдамида талабаларни ўқитиш, мультимедиа технологияларини таълим соҳасининг турли хил педагогик фаолиятларида қўлланилишининг асосий жиҳатларини ажратиб беради, яъни

катта аудиторияларда маърузалар ўқиш жараёнида уни кўргазмали ва тушунарли тарзда баён қилиш учун тартибли равишда мультимедиали намойиш ва слайдларни кўрсатиш мақсадга мувофиқдир. Маърузачининг нутқи орқали бир вақтнинг ўзида намойишлар катта экранда мультимедия проектори ёрдамида кўрсатилади. Намойишлар ўз навбатида матнлар, товушлар, чизмалар, ҳаракатлар, тасвирлар ва бошқа анимацион элементлар орқали тўлдирилган бўлиши лозим. Мультимедиа технологиялари таълим жараёнини кўргазмали қуроллар ва воситалар билан таъминлаш муаммосини маълум бир даражада ҳал қилиши мумкин.

Таълим жараёнини мультимедиа технологиялари асосида ташкил этишда видео-маърузалар, анимацион моделлар, компьютерли лаборатория амалиётларидан фойдаланиш ўзининг ижобий самарасини беради.

Шу билан бирга, мультимедиали ўқув қўлланмалари ўқув материалларини яхши ўзлаштириш ва эгаллаш, улар мазмунини узоқ вақт эсда сақлаб қолиш, билимларни мустақамлаш имконини беради ҳамда талабаларнинг ўқишга ва илмий изланишларга қизиқишларини янада оширади, мустақил фикрлаш ва олган билимларини амалиётга татбиқ этиш билим ва малакаларини янада шакллантиради.

МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

**Д.Султонмуродов, ЎзМУ, магистрант,
А.Музробов, ТВПКҚТМОИ, МЎХММ ходими**

Масофадан ўқитиш 1850 йилда Россияда Сиртдан ўқиш институти ва 1856 йилда Германияда чет тилларни ўқитиш бўйича Сиртқи институтни очилишидан бошланган ҳисобланади. XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида бошқа мамлакатларда ҳам бирин-кетин сиртқи институтлар очила бошланди. Ўқитишнинг бундай шакли жорий бўлиши ва ривожланиб бориши ҳамма учун фойдаланиш имкони бўлган почта алоқаси шаклланиб боришига олиб келади. Шу сабабли ҳам, баъзида, ўқитишнинг бундай шаклини "почта орқали ўқиш" деб аташларини учратиш мумкин.

Францияда аввал 1939 йилда Сиртдан ўқиш Миллий Маркази сифатида очилган даргоҳ 1980 йиллардан бошлаб масофадан ўқитишнинг ҳозирги пайтдаги барча жиҳатларини назарда тутган ҳолда Масофадан ўқитиш Миллий Маркази номи билан юритила бошлади. Бу марказ Европада ҳозирги кундаги йирик марказлардан бири ҳисобланиб, унинг таркибига 8 та институт киради. Институтларнинг ҳар бири маълум соҳаларга ихтисослашган ва уларда тегишли соҳалар бўйича масофадан ўқиб олиш таълим олиш имкониятлари яратилган.

1974 йилда Германияда FernUniversität in Hagenга асос солинди (ҳозирги Хаген Очик Университети). Ўтган асрнинг 70-йилларида очилган Испания Масофадан Ўқитиш Миллий Университети (Universidad Nacional de Educación a Distancia - UNED) ўз мамлакатада 58 та ва мамлакатдан ташқарида 9 та марказдан иборат структурага эга. UNED нинг штаб-квартирасида 800 дан ортиқ профессор-ўқитувчи асосий штатда ишлайди, 2500 дан ортиқ тьютор эса ҳудудлардаги марказларда ўриндошлик асосида фаолият кўрсатишади. Масофадан ўқийдиганларнинг сони эса 120 мингдан ортиқни ташкил қилади.

1960-1970 йиллар масофадан ўқитишни педагогик жиҳатдан идрок қилиш, унинг моделлари асосларини яратиш юзасидан қарашлар, ғоялар, фикр-мулоҳазалар илгари сурилган ва педагогик жамоатчилик ичида баҳс-мунозараларга бой бўлган давр ҳисобланади.

1970-1980 йиллар масофадан ўқитишнинг классик шакллари пайдо бўлиши ва муқимлашуви билан характерланади. 1970 йилларнинг ўрталарига келиб кўпгина мамлакатларда "очик", "масофавий" каби номланувчи университетлар; "электрон", "виртуал" коллежлар пайдо бўла бошлади.

1969 йилда Қиролликнинг Фармойиши билан Британия Очiq Университети ташкил этилиши масофадан ўқитишнинг назарий асослари ва амалиётини ривожлантиришга катта туртки (импульс) бўлди. 1997 йилда бу университетда масофадан ўқиётганларнинг сони 215 мингга ташкил қилган. Бу университет Россияда ҳам 1992 йилда очилган Масофадан Ўқитишнинг Халқаро Маркази (Международный центр дистанционного обучения - МЦДО "ЛИНК") орқали фаолият кўрсатади. МЦДО "ЛИНК" Россия ва Ҳамдўстлик мамлакатларида 80 дан ортиқ марказга эга. 1970 йилларга келиб Америкадаги баъзи инженерлик коллежлари ўқув курсларини телевидение орқали ўтишга бошлади.

1984 йилга келиб бу жараён Миллий Технологик Университетнинг (NTU) очилишига олиб келди. 1991 йилга келиб, NTU 40 та университет қошидаги инженерлик коллежларидан ташкил топган консорциумга айланди. Айна пайтда, NTU нинг инженерлик дастурларини 1100 талаба масофадан эгаллади. Масофадан ўқитиш дастурлари бўйича АҚШ да PBS-TV телевиденияси ихтисослашган. Таълим бўйича тўртта TV канал бутун мамлакат бўйича масофавий курслар дастурларидан фойдаланиш имконини берса, суний йўлдошлар ёрдамида эса бошқа мамлакатлар ҳам бундай дастурлардан баҳраманд бўлишлари мумкин. Айниқса, АҚШ ҳарбийлари бундай имкониятдан самарали фойдаланишини кузатиш мумкин.

Янги ахборот коммуникацион технологияларнинг жамиятимиз ҳаётига жадал кириб келиши ва жуда тез суръатлар билан ривожланиб бориши ахборот алмашуви жараёнини таҳлил қилиб туришни ва бундай технологиялар имкониятларидан фойдаланиб ушбу жараёни самарадорлигини ошириш йўллари кидиришни долзарб қилиб қўйди. Жамият ҳаёти, хусусан, таълим, маълум маънода ахборот алмашуви жараёнидан иборат. Мамлакатимиздаги ҳозирги жорий таълим тизими асосан таълимнинг "синф-дарс" шаклини назарда тутган бўлиб, ахборот алмашуви таълимнинг шундай шаклига мосланган. Ҳозирги кундаги аксарият дарслик, қўлланма, ўқитишнинг турли дидактик воситалари таълимнинг шундай шаклини назарда тутиб яратилган. Педагогика назарияси ва амалиётидаги, шунингдек педагогик психологиядаги аксарият тадқиқотлар ҳам таълимнинг айнан шу шаклини назарда тутиб бажарилган.

Янги ахборот коммуникацион технологиялардан фойдаланиб таълим жараёнини ташкил қилиш масаласини қарайдиган бўлсак, бунда энди ўқитишнинг "синф-дарс" шакли (ёки усули) умуман олганда инкор этилмагани ҳолда, таълим жараёни қатнашчиларини "битта синф" эмас, балки исталган узоқликдаги масофага кўчирган ҳолда янги ахборот коммуникацион технологиялар имкониятларидан самарали фойдаланиб таълим жараёнини ташкил қилиш назарда тутилади.

Ўқитишнинг масофавий шаклини умумий ўрта таълимдан бошлаб кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш таълимигача қўллаш мумкин. Лекин масофавий таълимнинг моҳиятига кўра уни кадрларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашда қўллаш жуда қўл келади. Зеро бунда, катта ёшдаги ўқувчилар бўлмиш ўқитувчиларни "ўзини ўзи бошқара оладиган индивид сифатида ҳис қилишлари", "ҳаётий ва касбий тажрибага эгаликлари", "ўқиш орқали ўзининг муҳим ҳаётий муаммоларини ҳал қилишга ва маълум мақсадларга эришишга интилишлари", "ўқиш давомида эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини кечиктирмасдан татбиқ қилишга шайланганликлари" каби мотив ва омиллар масофадан қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг самарали бўлишига ижобий таъсир кўрсатади.

Масофадан ўқитиш дунёдаги таълим амалиётида янгилик бўлмай қолди. Ҳозирги кунда ўнлаб мамлакатларда масофадан ўқитиш расман жорий қилинган ва бу йўналишда маълум тажриба тўпланган бўлиб, ўқитишнинг бу шакли орқали минглаб "ўқувчилар" таълим олишмоқда.

Хуллас, соҳага тегишли адабиётларда келтирилаётган таъриф ва тавсифларни умумлаштириб масофадан ўқитишни қуйидагича тавсифлаш мумкин: масофадан ўқитиш бу, махсус психологик-педагогик ва ахборот коммуникацион технологиялар муҳитида бир-

биридан узоқда бўлган қатнашчиларнинг билвосита алоқасига асосланган ҳолда билим, малака, кўникма ва уларни эгаллаш усуллари узатиш ҳамда ўзлаштириш жараёнидир.

III ШҶЪБА

УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЎҚУВЧИ-ЁШЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТЕХНОЛОГИЯЛАР

МАТЕМАТИКА ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИНГ МЕТОДИК АСОСЛАРИ

М.А.Зайнитдинова,
ТВПКҚТМОИ, п.ф.н., доцент,
А.Султонова,
катта ўқитувчи

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 2012 йил 17 февраль кунин янги барпо этилган Симпозиумлар саройида «**Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишининг энг муҳим шартин**» мавзусида халқаро конференциянинг очилиш маросимида нутқ сўзлади. Дарҳақиқат, юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш бугунги кун педагогин, тарбиячисининг энг асосий вазифасидир. Бу вазифани ҳал этишда математика фани ва уни ўқитиш методикасин ўзининг етарлича ўрнига эгаки, унинг муваффақиятли ўзлаштирилиши баробарида мустақил фикрлайдиган, атроф-борлиқ ва воқеликка нисбатан ўзининг муносабатини билдира оладиган, муаммоларни мантикий мушоҳада этиш салоҳияти орқали ижобий ҳал эта оладиган ўқувчи-ёшларни камол топтириш вазифаси амалга оширилади.

Бизга маълумки, таълим-тарбия жараёнини педагогик технологияларни қўллаш орқали, яъни аввалдан лойиҳалаштирилган таълим жараёнини яхлит тизим асосида, босқичма-босқич амалга ошириш, аниқ мақсадга эришиш йўлида муайян метод, усул ва воситалар тизимини ишлаб чиқиш, улардан самарали, унумли фойдаланиш ҳамда таълим жараёнини юқори даражада *бошқариш*ни ифодалайди.

Таълим жараёнида бошқариш – бу, йўналтириш; вазифа қўйиш; ўргатиш; ёрдам бериш; қўллаб-қувватлаш; маслаҳат бериш; раҳбарлик қилиш; кузатиш; талаб қилиш; кўрсатма бериш каби функцияларни амалга оширишдир.

Мазкур вазифаларни ҳал этиш учун математикадан узвийлаштирилган Давлат таълим стандарти талаблари асосида ҳар бир мавзунинг педагогик технология асосида дарс ишланмаси – лойиҳаси “Дарс муқаддас” тавсиясининг мантикий давоми бўлган “Ўрган-ўргат” тамойили асосида яратилмоқда ва таълим-тарбия жараёни амалга оширилмоқда.

Математика дарсларида ўқувчиларда ижодий тафаккур этиш кўникмасини шакллантириш, математикага оид атама ва тушунчаларнинг мазмун-моҳияти кўникма ва малака даражасида ўзлаштирилиши, олинган билимларни амалиётга татбиқ этиш даражаси юқори бўлиши, яъни юқори даражада тафаккур этиш қобилияти ривожланиши учун ўқитувчидан 5-6- синфларда математика ўқитиш, 7-9-синфларда алгебра ва геометрия курсини ўқитиш мақсадлари ва мазмунига мос равишда технологияларни танлаш ҳамда қўллаш талаб этилади. Тафаккурни юқори даражада ривожлантириш учун ва бунга мос равишда технологияларни танлашда Бенжамин Блум томонидан ишлаб чиқилган таксономия асосида ўқув жараёни ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир. Блум таксономиясига кўра у тафаккурни 6 та даражага бўлади:

Баҳолаш

синтез

анализ

қўллаш

тушуниш

Билим

Таксономия асосида куйи даражадан – билим даражасидан бошлаб тафаккур доираларига мос равишда мисол ва масалалар, топшириқлар ва уларнинг ўзлаштирилиши учун интерфаол методлар танланади.

Математика дарсларида узвийлаштирилган Давлат таълим стандарти талабларига эришиш учун замонавий педагогик технологиялар асосида ўтилиши, шунингдек дарсларда интерфаол методларни танлаш ва уларни қўллаш учун юқорида келтирилган таксономияга асосланган ҳолда қуйидаги тавсияларга риоя этилиши мақсадга мувофиқдир:

✓ Ҳар бир дарс технологиясини ишлаб чиқишда мавзу бўйича ўзлаштирилиши керак бўлган ДТС талаблари, дарс мақсадларидан келиб чиқиб асосий мазмунни танлаш, бунда ўзлаштирилиши мураккаб бўлган мисол ва масалалар, мавзуга оид қизиқарли тарихий материалларни киритиш ва уларнинг ўзлаштирилиш учун интерфаол методларни танлаш;

✓ 5-6-синф математика дарсларида тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини ўқувчилар чуқур ўзлаштиришлари учун интерфаол методларни танлаш; бунда ўқитувчи дарс жараёнида асосан ўқувчиларни билимларни ўзлаштириш сари йўналтириш; ўргатиш; ёрдам бериш; қўллаб-қувватлаш; маслаҳат бериш каби бошқариш функцияларини амалга оширади; “Тушунчалар таҳлили”, “Синквейн”, “Кластер”, “Зинама-зина” каби методларни қўллаш;

✓ 7-9-синф алгебра ва геометрия дарсларида бевосита 1-9-синфларда математикага оид дастлабки билимларни мустаҳкамлаш ва уларни ривожлантириш йўналишида ўқувчилар фаоллигини оширишга йўналтирилган методларни танлаш; бунда ўқитувчи асосан йўналтириш; вазифа қўйиш; қўллаб-қувватлаш; раҳбарлик қилиш; кузатиш; талаб қилиш; кўрсатма бериш каби ўқув жараёнини бошқариш функцияларини амалга оширади; “Тушунчалар таҳлили”, “Венн диаграммаси”, “Блок-сўров” методлари, “ФСМУ”, “Лойиха” технологияларини қўллаш;

✓ функциялар, координаталар системаси, формулалар билан ишлашга оид, мантикий масалаларга оид мавзуларни ўтишда АКТнинг имкониятларидан фойдаланишга доир технологияларни қўллаш;

✓ Амалий мазмундаги машқ (топшириқ)лар тизимини ишлаб чиқиш; бунда ишлаб чиқилган машқ (топшириқ)лар тизимининг самарадорлигига эришиш асосий шарт ҳисобланади. Шунингдек, ишлаб чиқилган машқлар тизимини қуйидаги гуруҳларга бўлиш мақсадга мувофиқдир:

а) машғулот жараёнида ўқувчилар томонидан бажарилиши лозим бўлган машқлар;

б) дарсдан ташқари шароитларда бажарилиши кўзда тутилган машқлар - уй вазифалари ва бошқалар.

Ўқувчилар эътиборига ҳавола этилаётган машқлар бир-бирини тўлдириши, ўзаро алоқадорлик, боғлиқлик ва энг муҳими эволюцион хусусият касб эта олиши лозим.

Шунингдек, математика таълимининг сифат ва самарадорлигини оширишда ўқувчилар фаолликларини оширишга йўналтирилган қуйидаги педагогик технология турларидан фойдаланиш тавсия этилади:

Педагогика технология тури	Мақсади	Моҳияти	Амалга ошириш механизми
Муаммоли таълим	Ўқувчиларнинг билиш фаоллиги ҳамда ижодий мустақиллигини ошириш	Ўқувчиларга кетма-кет ва мақсадли равишда билимларни ўзлаштириш борасидаги фаолликни юзага келтиришга хизмат қилувчи масалаларни бериб бориш	Тадқиқотчилик методлари, билиш фаолиятига йўналтирилган масалаларни ечиш
Мужассамлаштирилган ўқитиш	Шахснинг ҳис қилиш хусусиятларига максимал даражада яқинлаштирилган таълим	Машғулотларни блокларга бириктириш ҳисобига фанларни чуқур ўзлаштиришга эришиш	Ўқувчилар иш қобилияти динамикасини ҳисобга олувчи таълим методлари

	жараёнининг тузилмасини яратиш.		
Модулли таълим	Таълим мазмунини шахс индивидуал эҳтиёжлари ва унинг базавий тайёрлиги даражасига мувофиқлаштириш	Ўқувчиларнинг индивидуал ўқув дастури асосида мустақил ишлашлари	Муаммоли ёндошувни амалга оширишнинг индивидуал мароми
Ривожлантирувчи таълим	Шахс ва унинг қобилиятларини ривожлантириш	Ўқув жараёнининг потенциал имкониятлари ва уларни амалга оширишга йўналтириш	Ўқувчилар фаолиятини турли соҳаларга йўналтириш
Дифференциал таълим	Ўқувчиларнинг лаёқати, кизиқиш ва қобилиятларини аниқлаш учун шароитлар яратиш	Турли ўзлаштириш даражалари бўйича мажбурий меъёр (стандарт)дан кам бўлмаган ҳажмдаги дастур материални ўзлаштириш	Индивидуал таълим методлари
Фаол (мажмуавий) ўқитиш	Ўқувчилар фаоллигини ташкиллаштириш	Бўлажак касбий фаолиятнинг предметли ва ижтимоий мазмунини моделлаштириш	Фаол ўқитиш методлари

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ўқитувчининг интеллектуал салоҳияти, ижодкорлик маҳорати орқали математикадан ташкил этиладиган дарс жараёнида ўқувчиларнинг фаол иштироклари, ижодий билим даражалари ортишига ва ўз навбатида, жамиятимизнинг эркин, мустақил фикрли, баркамол авлод вакили бўлиб шаклланишларига замин яратади.

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШДА ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ МАСАЛАЛАРИ

О.Н.Ҳайдарова,
ТВПКҚТМОИ, б.ф.н., доцент,
М.Маматкулова,

Оҳангарон тумани 52-мактаб биология фани ўқитувчиси

“Ёмон нарса шуки, биз ҳозиргача катта ва бўлинмайдиган маконнинг бир заррачаси эканлигимизни тушуниб етмадик. Биз узоқ вақт, худо берган вазифамизни денгиздаги балиқларга, осмондаги қушларга, ер юзидаги барча тирик жониворларга “хўжайин” бўлишимиз керак деган тушунчага суяниб келдик. Биз ер бизга эмас, биз ерга тааллуқлигимизни тушуниб етмадик”.

Р.Эдбере

XX асрга келиб, инсоният ғоят мураккаб, оламшумул муаммолар қаршисида турганлигини англай бошлади. Жаҳон миқёсида юз бераётган жараёнлар таҳлили шуни кўрсатадики, ҳозирги вақтда инсоният учун, долзарб глобал экологик муаммолар вужудга келди.

Улар, иқлим ўзгариши, озон қатламининг емирилиши, чўлланиш ва ернинг деградацияда, биохилма-хилликнинг қисқариши, ичимлик сувининг ифлосланиши ва етишмаслиги, аҳоли сонининг ортиб бориши, чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши, уларни зарарсизлантириш муаммолари, ўрмон ва тупроқнинг инқирозларидир.

Шуни ёддан чиқармаслигимиз керакки, атроф-муҳит химояси, табиатнинг бекиёс инъомидан оқилона фойдаланиш ҳамда уни асраб-авайлаш нафақат давлат ва мутасадди ташкилотларнинг, балки, барчамизнинг зиммамиздаги масъулиятдир.

Ушбу вазифани амалга оширишда таълим тизимида синфдан ва мактабдан ташқари ишларни ташкил этиш ҳамда олиб бориши мақсадга мувофиқдир.

Инсонда ўзининг ўраб турган табиатга бўлган муносабати ва унга боғлиқлик ҳисси қанчалар кўп бўлса, унинг табиатга нисбатан қайғуриши ҳамда жавобгарлиги ҳисси ҳам шунчалар кўп бўлиши керак.

Инсоннинг шахс бўлиб етишишида асосий омиллардан бири унинг атроф-муҳитга бўлган муносабатида билинади. Инсон доимо табиатга қараб интилади. Кўпчилигимиз катта шаҳарларда яшашимиздан қатъи назар, табиат қўйнида, яъни ўрмонларда, қўлларда, шаҳардан ташқарида дам олишга ҳаракат қиламиз. Биз табиатнинг ҳаётимиздаги ролини ҳар доим тушунмасакда, лекин табиат билан ўзимизнинг бирлигимизни жуда яхши ҳис этамиз. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, сизнинг табиатга бўлган муносабатингизни аниқлаш мақсадида қуйидаги машғулоти ўтказишни мақсадга мувофиқ деб билдик.

Сиз атроф-муҳитнинг қандай рангга бурканганлигига аҳамият берасизми? Табиат қандай ранглар жилосига ва чексиз товушларга эга? Шундай фантастик бой маданиятнинг бунёд бўлишига неча миллион йиллар керак бўлганлигини, шу гўзал табиатнинг емирилиш жараёнини тўхтатмасак, уни бир неча ўн йилларда поймол қилишимизни ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?

Ўзингизнинг табиатга бўлган муносабатингизни қуйида келтирилган саволлар ёрдамида баҳолашингиз мумкин. Бу муносабат асосан сиз уни қанчалик тушуниб етишингизга боғлиқ. Албатта, берилаётган саволлар инсоннинг табиатга муносабатининг барча тарафларини қамраб олмайди. Лекин, олинган натижалар, алоҳида берилган саволлар ҳам сизни табиатга ва унга бўлган алоқангиз тўғрисида фикр юритишингизга ёрдам беради.

Иш тартиби: “*Менинг табиатга бўлган муносабатим*” жадвалида келтирилган саволларни ўқиб чиқинг, учта келтирилган жавобдан бирини танлаб олиб уни алоҳида вараққа тўғри келадиган баҳоларни баллар сифатида ёзинг. Иш охирида тўпланган баллар натижасини йиғинг. Қанча балл тўплаганингизни ҳисобланг. Натижани қуйида келтирилган жадвалдаги баҳолар билан таққосланг.

20 балдан кам. Тўпланган натижаларга қараб хулоса чиқарадиган бўлсак, табиат билан санъат орқали танишсиз, атроф-муҳит тўғрисида олинган билимлар табиат билан мулоқатлардан ҳосил бўлган ҳиссиётлар сизни кўнглингизга таъсир қилмайди. Сиз табиатга нисбатан манманлик муносабатидасиз, унга боғлиқлигингизни ҳис этмайсиз. Сиз атрофингизни ўраб турган табиатга нисбатан узоқлашиб ва узулиб қолган ҳиссиётларингизни енгиб ўтишингиз лозим. Сизга инсон тарихи билан табиат тарихи ўртасидаги узлуксиз алоқалар, унинг ҳаётимизга бўлган аҳамияти билан танишиш фойдали бўлади.

21 дан 29 балгача. Сизни табиатга бўлган муносабатингиз унчалик фаол эмас ва бу ҳақдакам мулоҳаза қиласиз. Табиатга кўпроқ эътибор беринг. Ундан ўзингизни жалб қиладиган томонларини топинг. Табиатда содир бўлаётган ҳодисалар ҳақида фикр юритинг, унинг сабаблари ва келиб чиқадиган натижалар тўғрисида яратилган санъат асарлари билан танишинг. Атрофингизни ўраб турган инсонларга таъсирига эътибор беринг.

30 дан 39 балгача. Сиз табиатга бўлган муносабатни тўғри ва чуқур мулоҳаза қиласиз. Бироқ, айрим ажратиб олинган жавобларнинг ҳаммаси бу соҳада ижобий эмаслигини ўзингиз англаб турибсиз. Табиатга ва атрофингиздаги одамларнинг хулқига эътиборлироқ бўлинг. Атроф-муҳитни ҳимоя қилишда фаол қатнашинг. Санъат асарлари билан доимо кизиқиб туринг, яъни рассомларнинг асарлари билан танишинг, мусиқалар эшитинг ва кўпроқ ўқинг.

40 балдан юқори. Сизни табиатга бўлган муносабатингиз етарлича фикрланмаган. Сизнинг дунёқарашингиз фикрлашингизга, ҳиссиётларингизга, қилаётган ишларингизга, танқидий қарашингизга кўпчилик ҳолларда ҳалақит беради. Ўзингизга ва қилаётган ишларингизга ўзаро танқидий қаранг, уларни кўпроқ анализ қилинг.

“Менинг табиатга бўлган муносабатим”

№	САВОЛЛАР	Жавоб ва баллар		
		“Ҳа”	“Йўқ”	Ҳар хил
1	Табиатга бўлган муносабатингиз ҳақида ўйлаб кўрганмисиз?	2	0	1

2	Сиз табиий объектларни ўзига жалб қиладиган(чиройли) ёки жалб қилмайдиган (чиройли эмас) ларга ажратасизми?	0	2	1
3	Сиз табиатга доимо эҳтиёткорлик билан муомала қиласизми?	2	0	1
4	Атроф-мухит ва унда рўй бераётган ҳодисалар, сизнинг фикрингизча, диққатга сазоворми?	2	0	1
5	Атрофингизни ўраб турган табиатга ҳар доим эътибор берасизми?	2	0	1
6	Табиатдаги ҳамма нарса сизни қизиқтирадими?	2	0	1
7	Ушбу қизиқиш сизнинг ҳаракатларингизда кўзга ташланадими?	2	0	1
8	Табиатдаги ҳилма-хилликни қадрлайсизми?	1	2	0
9	Табиат сизнинг ҳис-туйғуларингизга таъсир қиладими?	2	0	1
10	Табиатда бўлаётган ҳодисалар ёки табиат объектлари сизни нима билан ўзига жалб этади, шуни тушунтириб бера оласизми?	1	0	2
11	Бошқаларнинг табиатга келтираётган зарарларини кўрганингизда Сиз ушбу шароитда унга аралашасизми?	2	0	1
12	Табиат тўғрисида ёзилган китобларни ўқишни ёқтирасизми?	2	0	1
13	Сизнинг фикрингизча, атроф-мухит табиатга таъсир кўрсатадими?	2	0	1
14	Табиат сизни хулқ –атворингизга таъсир қиладими?	2	0	1
15	Сиз табиат қўйнида тез-тез дам олиб турасизми?(шу жумладан, истироҳат боғларида, шаҳар марказларида ва ҳ.к.)	1	2	0
16	Сиз эркин ёки мажбурий равишда табиатга қандай салбий таъсир кўрсатгансиз?	0	2	1
17	Табиат қўйнида сиз ёқтириб бажарадиган қандайдир машқлар борми?	2	0	1
18	Сиз табиатга нисбатан доимо ҳайрихоҳлик билдирасизми?	0	2	1
19	I-V синфларда табиатни муҳофаза қилиш ишларида ўзингизнинг иштирокингизни бошладингизми?	2	0	1
20	Ёки ундан катта ёшдами?	0	2	1
21	Суратлардаги ҳайвонлар, ўсимликлар ёки пейзажларни кўришни ёқтирасизми?	2	0	1
22	Табиатга боғлиқ бўлган мусиқали асарлар сизга танишми?	2	0	1
23	Табиий ашёлар билан ишлаб табиат тўғрисида расм чизиб ёки табиат тўғрисида шеър ёзиб кўрганмисиз?	2	0	1
24	Атроф-мухитни тоза ушлаб туришда қилинадиган ишларга доимо чин дилдан муносабатда бўласизми?	2	0	1
25	Сизнинг табиатга бўлган муносабатингизга дарслар ва ўқув машқлари таъсир қиладими? Агар таъсири бўлса, унда қайси фанлар, уларни кўрсатинг.	2	0	1

Юқоридаги натижалардан келиб чиқиб шуни таъкидлаш мумкинки, ўтказиладиган бундай синфдан ташқари ишлар ўқувчиларнинг табиатни англаб етишларида, уни тушунишда, унга бўлган онгли муносабатда бўлиш кўникма ва малакаларини шакллантиради. Бу эса ҳозирги куннинг энг долзарб муаммоси, экологик муаммоларнинг ечимига имконият беради.

КИЧИК ЁШДАГИ ЎҚУВЧИЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА ТОРТИНЧОҚЛИК КОРРЕКЦИЯСИ

Ш.А.Дўстмухамедова,
ТДПУ, психол.ф.н., доцент,
Ш. Турабекова,

Мактаб даври бола ҳаётида бурилиш даври ҳисобланади. Бу даврда у янги ҳаёт фаолиятига, янги муҳит шароитига кириб келади. Катталар ва тенгдошлар билан янги муносабатлар ўрнатиш, уларнинг орасида бўлиш жараёнида бола бутун бир янги жамоалар тизимига қўшилиб боради. Бу даврдан бошлаб бола фаолиятининг мазмуни ҳам, теваарак-атрофдаги нарсаларга муносабати ҳам ўзгаради.

Бу жараёнлар кичик мактаб ёшидаги болаларнинг ички руҳий кечинмаларида маълум бир ўзгаришларни келтириб чиқаради.

Кўпчилик болаларда мавжуд ҳаяжонланиш, хавотирланиш, ўзига ишонмаслик, қўрқув, мулоқотга кириша олмаслик, ўзини четга тортиш, мактаб муҳитига мослаша олмаслик ҳолатлари кўпроқ кичик мактаб ёшидаги болаларда учрайди. Болада содир бўлаётган бу ҳиссий ҳолатларни, бир сўз билан айтганда, тортинчоқлик деб атаيمиз.

Кичик мактаб ёшидаги тортинчоқ болалар ўзларини ёқимсиз, нозиктабиат деб ҳисоблаб, тортинчоқ бўлмаган болаларга нисбатан ўзларини ақли пастроқ деб ҳисоблашади. Бу ўзини бошқалардан паст даражага қўйиш ҳисобланади. Тортинчоқлар ўзига бўлган ишончи паст, журъатсиз, ўзининг камчиликларига ҳаддан ортиқ эътибор берадиган, ҳаёлпараст, ўзгалар олдида кулгили бўлиб кўринишдан кўрқадиган, ҳар қандай танқидга таъсирчан бўладилар.

Тортинчоқлик ҳисси уларга қаттиқ таъсир қилиши оқибатида, ўзларини идора қила олмай, хатти-ҳаракатида табиийлик йўқолади, мимика ва овоз товушларида ҳам ўзгариш пайдо бўлади.

Тортинчоқ болалар, жамоа орасида иложи борица кўринмасликка ҳаракат қилишади. Дўстлари, синфдошлари билан бўлган мулоқотда, ўзини битта қолипга солиб туриши натижасида, бундай болалар секин-аста ўзини одамлардан олиб қочадилар. Агар бу ҳолатлар катталар томонидан бефарқ қолдирилса, бола шундай ҳолатда улғайиб борса, тортинчоқлик зўрайиб, бунинг оқибатида оғир невроз ҳолатига олиб келади.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар учун ўқитувчи идеал деб ҳисоблангани учун, уларнинг таъсир кучи баланд бўлади.

Майами Университети олимлари тадқиқотлари натижаларига кўра тортинчоқ болалар кўпинча паст ўзлаштирувчилар қаторига кирадилар. Тадқиқотда кичик мактаб ёшидаги 45 нафар бола иштирок этган. Ўқитувчилар болаларнинг эмоционал, ҳулқий хусусиятларини, шунингдек, ўзлаштириш натижаларини аниқлаганлар. Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, тортинчоқ, ўз қобилигига ўралган болалар, тенгдошлари даврасига қийин мослашишлари билан бир қаторда, ўқишда ҳам бир қанча қийинчиликларни ҳис қилганлар. Кичик мактаб ёшидаги болалар тортинчоқлиги юқори даражадаги хавотирлик, ўзига ишонмаслик, ҳар бир майда нарсага ҳам эътибор бериш каби хусусиятлар билан бирга комплекс ҳолда намоён бўлади. Лекин, шу билан бир қаторда, улар кўпинча маълум бир иқтидор соҳиби бўладилар, компьютер техникасини осон ўзлаштириб, китоб ўқиш ва расм чизишни ёқтирадилар. Лекин, уларнинг иқтидорлари, ҳатто талантлари ҳам ўзларига нисбатан бўлган ишончсизлик, ўзгалар билан мулоқотда ички зўриқиш комплекси билан тўсилган бўлади. Бунинг оқибатида, кўпинча иқтидори камроқ, лекин уddaбурон тенгдошларига кўп жабҳаларда юткизиб қўйишлари мумкин бўлади.

Педагоглар болада ўзига нисбатан ишонч шакллантириб боришлари муҳимдир. Ўзига нисбатан ишонч болани макташдан бошланади. Боланинг ўзини эмас, балки унинг хатти-ҳаракатлари, фаолияти ва бажарган ишларини макташ мумкин. Ўзига нисбатан ишонч муваффақият асосида юзага келади.

Муваффақият кўпинча муваффақиятга, муваффақиятсизлик эса келгуси муваффақиятсизликка сабаб бўлиши мумкин. Болани ўз хатоларига босиқлик билан муносабатда бўлишни, хато ҳар бир кишида бўлиши ва улар нимагадир ўргатиши мумкинлигини таъкидлаш болани ўз тортинчоқлигини енгишга, ўзини омадли, муваффақиятли ва бахтли ҳис қилишига ёрдам беради.

Ўқитувчининг тортинчоқ ўқувчисига нисбатан бўлган ўз муносабатини таҳлил этиб кўриши муҳим ҳисобланади. Албатта, ўқитувчи ўз ўқувчисини жуда яхши кўради. Лекин у ҳар доим ҳам муҳаббатингизни ўз хатти-ҳаракатларида намоён этадими? Ҳар доим ҳам шахс эмас, балки фаолият баҳоланадими? Ўқитувчи тортинчоқ ўқувчисига яхши ўқиши, олган баҳоси ёки бирон бир яхши иши учун эмас, балки унинг ўзини жуда яхши кўришини тез-тез айтиб турадими? Балки ўқувчига устозининг муҳаббати, эътибори, қўллаб-қувватлаши, мактови етишмаётгандир? Чунки ўқитувчилар, шунингдек, ота-оналар ҳам одатда фарзандларига асосан у бирон бир хатолик қилганида ёки камчиликлари аниқ кўзга ташланганида эътибор қаратадилар. Тортинчоқ болалар устозларига ва ота-оналарига кулоқсиз ва шўх болаларга нисбатан камроқ ташвиш келтирадилар. Шунинг учун ҳам уларга камроқ эътибор қаратилади. Ваҳоланки, айнан шундай болаларга яқинларининг эътибори ва қўллаб-қувватлаши кўпроқ зарур бўлади. Улар бу ҳақда очиқ-ошкора айта олмайдилар, лекин уларда меҳр-муҳаббатга йўғрилган эътибор ва ўз шахсларига нисбатан ҳурматли бўлиш эҳтиёжи жуда баланд бўлади. Боладаги ушбу эҳтиёжларнинг қондирилмаслиги унинг келгуси ривожининг пойдевори мустаҳкам бўлмаслигига, жамиятга фаол ва кўркмасдан кириб боришини таъминлаб берувчи инсонларга нисбатан ишончли бўлиш хусусиятининг бўлмаслигига, дунёни ижодий ўзлаштириб, ижодий ўзгартиришга ҳаракат қилишига салбий таъсир кўрсатади. Бошланғич синф ўқитувчилари ўзларида тортинчоқ ўқувчиларига нисбатан фақат у ёрдам сўраганида, қўллаб-қувватлашларига муҳтож бўлганида эмас, балки ёрдам керак эмасдек кўринган дамларда ҳам эътиборли бўлиш лаёқатларини тарбиялаб боришлари керак. Кейинги вазифа бу аниқ бир фаолият турида болада ўзига берадиган баҳосининг ошишига ва ишончли ҳаракат қилишига ёрдам беришдир. Тортинчоқ бола салбий баҳоланишдан жуда кўрқади, лекин бу унга баҳо умуман керак эмас дегани эмас. Бола билан бирон бир ишни биргаликда бажаришга ҳаракат қилиб, бу жараёнда унда шу ишни яхши бажара олишига нисбатан ишончли сингдириш, бажара олмаган тақдирда ҳам бу фалокат эмаслигини, биргаликда қийинчиликларни енгишларига ишонтириш муҳим ҳисобланади. Кичик мактаб ёшидаги болаларга хос бўлган баҳо олишга нисбатан эҳтиёжнинг юқорилиги ва ўз диққатини кўпроқ айнан баҳоланишга қаратиши унинг ҳаракатлари тормозланишига сабаб бўлиши мумкин. Бундай вазиятларда болани баҳоланишидан чалғитиш мақсадида катталарга ўйинли усуллар ва турли ҳазиллар ёрдам беради. Тортинчоқ болалар жуда эҳтиёткор бўлиб, ҳар қандай янгиликдан жуда кўрқади, тортинчоқ бўлмаган тенгдошларига нисбатан тартиб-интизом ва турли қоидаларга кўпроқ бўйсуниб, уларни бузишдан кўрқади. Тортинчоқ болаларда катталар томонидан қўллаб-қувватланмайдиган хатти-ҳаракатларни қилишга нисбатан ички тўсиқ мавжуд бўлиб, айнан ана шу тўсиқ унинг фаоллиги, ташаббус ва ижодий лаёқатларини тормозлайди. Кўр-кўрона интизом ва турли чеклашлар боланинг ривожига ҳамиша ҳам ижобий таъсир кўрсатмаслигини ўқитувчилар доим ёдда сақлашлари лозим. Эмоциялар тилини ўрганишда “Эмоцияларни топ”, “Қаерда бўлганимизни айтиб берамиз, нима кўрганимизни кўрсатиб берамиз”, “Бизга ким меҳмон бўлиб келди?” в.х каби пантомима ўйинлари ёрдам беради. Бундай ўйинларда бошланғич синф ўқитувчилари ва амалиётчи психологларнинг иштироки ўйинларнинг самарасини янада ортишига ёрдам беради. Тортинчоқ болалар турли ҳаётий вазиятларга тушиши ва улардан қандай чиқиб кетишини ҳикоя қилиб берувчи ҳаёлий ёки тасаввурий ўйинлар болаларга бошқа бола мисолида ўз ҳиссиётларини, ҳаяжонлари ва ташвишларини гапириб бериш ва уларнинг ечимини топиш имконини юзага келтиради. Ўйинлар, албатта, ижобий якун топиши зарур. Ўйин орқали эгалланган катталар ва тенгдошлари билан янгича муносабатларни ўрнатиш тажрибаси болага реал ҳаётий вазиятларга тушганида шубҳасиз ёрдам беради.

ИНТЕГРАЦИЯ ОБЛАСТЕЙ ЗНАНИЯ ДЛЯ ФОРМИРОВАНИЯ ПОНЯТИЙ О ЦЕЛОСТНОСТИ МИРА У УЧАЩИХСЯ 1-4 КЛАССОВ

В современном мире идёт процесс интеграции, постепенно охватывающий все науки о природе и человеке. Интеграция не ограничивается естественными науками. Пока степень воздействия человека на природу была относительно малой, он мог рассматривать себя в качестве стороннего наблюдателя. Сегодня, когда антропогенная нагрузка на природу необычайно возросла и фактически достигла критической черты, эта роль себя изжила; теперь человек должен изучать природу уже не извне, а изнутри – во взаимодействии с самим собой, с учётом процессов, происходящих в обществе. Тем самым начинается синтез обществоведческих, гуманитарных и естественных наук.

Интеграция – мировая тенденция. Интегральный подход отражает объективную целостность системных связей различных уровней: природа - общество – человек. Интеграция обусловлена процессом восполнения, развития, объединения в целое ранее разрозненных частей, она ведёт к повышению уровня целостности и организованности элементов системы. В ходе интеграции увеличивается объём взаимосвязей, упорядочивается функционирование отдельных частей этой системы и целостность объекта познания.

Результаты развития научного знания сегодня таковы, что средствами какого-либо одного или даже многих школьных предметов практически невозможно сформировать у учащихся целостное восприятие, понимание и осмысление картины мира, закономерностей развития природы, общества, обеспечить развитие мышления во взаимосвязях, взаимодействиях, включить их в разумные отношения с окружающей действительностью и соответственно в общественную деятельность. Таким образом, интеграция – закономерная объективная необходимость.

Интеграция также актуальна и в сфере народного образования. Дифференцированное изучение отдельных предметов не позволяет сформировать у учащихся целостного представления об окружающем мире, определить место и роль в нём человека, не способствует пониманию глобальных экологических проблем, поставленных сегодня жизнью перед человечеством, необходимости комплексного подхода к их решению. И именно интеграция способствует формированию системности знаний, динамичности мышления, творческих способов познавательной деятельности и ценностных ориентаций школьника.

Современная дидактика и методика утверждают, что достижение успеха в обучении, воспитании и развитии школьника во многом зависит от сформированности у них понятий о единстве мира, понимания необходимости регулировать свою деятельность на основе знания всеобщих природных и общественных законов и закономерностей. И как следствие, интеграция в образовании рассматривается именно с этой точки зрения.

Проблема интеграции в начальном образовании важна и современна как для педагогической теории, так и для школьной практики.

Идея интеграции в начальном образовании, имеющая цель формирование у учащихся общечеловеческих ценностей; понятий о целостности мира, природы, общества и человека в них; развитие основ правильных мировоззренческих взглядов у учащихся 1-4 классов; становление их активными участниками творческого обновления и преобразования своей Родины всё настойчивее заявляет о себе и заставляет учёных и педагогов искать эффективные пути её реализации. Интеграционные связи между предметами и внутри предметов начального образования мало разработаны и изложены противоречиво; много разногласий среди учёных в понимании сущности этих связей. Учителя начальных классов, не имея чёткой системы методических рекомендаций по этому вопросу, вынуждены решать указанную проблему на эмпирическом уровне.

Для того, чтобы определить эффективные пути реализации интеграции в начальном образовании, нужно сначала рассмотреть сущность понятия «интеграция»; определить

философские, психологические и педагогические основы интеграции ; выявить факторы, определяющие интеграцию; разработать требования, способствующие реализации интеграции; определить условия реализации интеграции в начальном образовании.

Мы считаем, что понятие «интеграция» может быть представлено в следующей формулировке : « Интеграция – это процесс создания единого целого на основе выявления элементов или частей в прежде разных единицах (областей знания), их переработки и объединения в несуществовавший ранее сплав особого качества при условии целевой и функциональной их однотипности».

В качестве философских основ процесса интеграции нами использованы основные категории философии: всеобщая связь и взаимодействие; часть и целое, система.

Психологическими основами интеграции, на наш взгляд, являются работы Н.Поддякова о категориальной структуре мышления, которая возникает у детей сразу как целостная структура, отвечающая за формирование начальных форм таких фундаментальных понятий, как «пространство» и «время», « движение» и «покой», «изменение», « развитие», «живое», «неживое», «строение(вещества)», « количество», «качество», « представление (о себе и других людях)», «добро» и «зло» и т.д. Именно категориальная структура мышления положительно влияет на глубину и широту взаимодействия с окружающим миром, определяет общее отношение к этому миру, общий подход к рассмотрению и анализу окружающей действительности.

Педагогическими основами интеграции, с нашей точки зрения, является интегративно-тематический подход, обоснованный Г.Ф.Федорцом. При использовании такого подхода за содержательную, методическую и организационную единицу обучения берётся не урок, а учебная тема (раздел) учебной дисциплины. Определяются ведущие положения каждой темы и ведущие идеи учебного предмета, которые выражают сущность изучаемого материала, сообщают ему внутреннее единство и органическую целостность.

Наиболее эффективным путём реализации интеграции, по нашему мнению, является интегрированный курс, который имеет единую организационную структуру, выявленную нами на основе анализа программ разработанных интегрированных курсов в Республике Узбекистан и за рубежом.

Основными компонентами структуры интегрированного курса являются:

1. Название.
2. Подход, на основе которого строится интегрированный курс.
3. Принципы, на основе которых разрабатывается содержание интегрированного курса.
4. Цель и общие задачи интегрированного курса.
5. Общие ведущие идеи интегрированного курса.
6. Общие ведущие идеи интегрированного курса должны быть конкретизированы на ведущие идеи по каждому году обучения.
7. Общие задачи интегрированного курса должны быть конкретизированы на задачи по каждому году обучения.
8. Соответствие общих и конкретных ведущих идей интегрированного курса общим и конкретным задачам обучения.
9. Требования к организации интегрированного курса.
10. Организация интегрированного курса.
11. Тематическое планирование по годам обучения должно отвечать следующим требованиям : 1) темы четвертей и года должны носить комплексный характер; одна тема должна являться общей для всего года и получать развитие в основных темах каждой четверти; 2) оно должно включать в себя основные понятия из разных областей знания.
12. Планируемые результаты обучения.
13. Особенности интегрированного курса.

К сожалению, внедрённые в учебно-воспитательный процесс начального образования интегрированные предметы и курсы не отвечают перечисленным выше требованиям и нуждаются в серьёзной доработке.

В связи с этим возникает настоятельная необходимость в пересмотре подхода к разработке структуры и программ внедрённых в настоящее время интегрированных предметов и курсов в начальном образовании.

МАЛАКА ОШИРИШ КУРСЛАРИДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИБ ДАРС ЎТИШ

Б.А. Олимов,
ТШПКҚТМОИ, доцент

Узлуксиз таълим жараёнида ўқитувчи-ўқувчи фаолиятини оширишда педагогик технологиялардан фойдаланиб ўқув–услугий фаолиятни яхшилашга ахборот–коммуникация технологияларини жорий этиш орқали таълим жараёни сифатини янада оширишга катта эътибор қаратилмоқда.

Таълим соҳасида олиб бориладиган ислохотларни янада бир поғона юқори кўтариш мақсадида, малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида, табиий ва аниқ фанларни ўқитишда педагогик жараёнда инновацион технологиялардан фойдаланиш долзарб муаммолардан бири бўлиб келмоқда. Айниқса, амалиёт дарсларида педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиб дарс самарадорлигини оширишга муяссар бўлишга эришиш лозимдир.

Қуйида физика фани мисолида педагогик технологиялардан фойдаланиб малака ошириш курсларида олиб бориладиган машғулотлардан мисоллар келтирилган.

“Чархпалак” технологияси

Машғулотнинг қўлланилиши: технология ўқув машғулотларининг барча турларида дарс бошланишида ёки дарс охирида, фанлардан бирор бир бўлими тугатилганидан кейин, ўтилган мавзуларни тингловчилар томонидан ўзлаштирилганлик даражасини баҳолаш, такрорлаш, мустаҳкамлаш, оралиқ ва якуний назоратларни ўтказишда фойдаланиш мумкин. “Чархпалак” технологиясини яқка ва гуруҳ шаклида ташкил этиш мумкин. Қуйида “Чархпалак” технологияси асосида тингловчиларнинг малака ошириш курсларида ўзлаштирган билимлари асосида ўз-ўзларини баҳолашда фойдаланилади.

	Топшириқлар номи	+660 -576 /676	+120 -240 /120	+150 -144 /145с	+2005 -2006 /2007	+67 -68 /64	+25 -27 /26	+131 -113 /141	+1 -2 /3	+10 -11 /12
1.	ВМнинг Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисидаги қарори нечанчи йил тасдиқланган?				-					
2.	ПК қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш турлари.								-	
3.	ПК қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш шакллари.									+
4.	ПК малакаси ошириш тўғридан–тўғри шаклининг умумий давом этиш муддати камида неча соатдан иборат?			-						
5.	ПК қайта тайёрлаш курсининг умумий давом этиш муддати неча соатдан иборат?	-								
6.	УТМ физика фани синфлар кесимида ажратилган соатлар.					-				
7.	УУТМ физика фани синфлар кесимида лаборатория ишларининг сони						-			
8.	УУТМ физика фани синфлар кесимида кўргазма ва тажрибалар сони.							-		

9.	Академик лицей тақвим-мавзу ишчи дастурида физика фанига бир йилга умумий ажратилган соатлар миқдори.									
	А) I курс учун		-							
	В) II курс учун		+							
	С) III курс учун		/							

1-4 та тўғри жавоб “қониқарли”

5-7 та тўғри жавоб “яхши”

8-9 та тўғри жавоб “аъло”

“Зинама-зина” технологияси


Услубнинг мақсади: Ушбу технологиядан маъруза ўқитишда, семинар, амалий машғулотларни яқка ҳолда ёки кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда фойдаланиш мумкин. Ўқитувчи тингловчиларга машғулотни олиб бориш тўғрисида қисқача тушунча бериб, “Зинама-зина” технологиясининг мазмун ва моҳиятини тушунтириб беради. Ушбу технология ўқитувчининг қўйган вазифасига қараб қаерда ва қандай фойдаланишига боғлиқ. Хонада курс тингловчиларининг кўпчилиги сабабли уларнинг билимини алоҳида баҳолашга жуда кўп вақт кетади. Қуйида тингловчиларнинг олган назарий билимларини билиш (баҳолаш) мақсадида “Зинама-зина” технологиясидан фойдаланилган ҳолда мисол келтирилган. Бу технология ёрдамида иккитадан ёки тарқатма материаллар ёрдамида қисқа вақт ичида бутун курс қатнашчиларини бир вақтда баҳолаш имкониятига эга бўламиз.

Баҳолаш қуйидаги критерия асосида олиб борилади, агар поғоналар сони юқоридаги мисолдагидек 9 та бўлса:

5 та тўғри жавоб - “аъло”

3-4 та тўғри жавоб - “яхши

2 та тўғри жавоб - “қониқарли”



Ўқувчилар фаоллигини оширишда замонавий технологиялардан фойдаланиш

Б.Х.Жалилов,
ТВПКҚТМОИ, катта ўқитувчи

Замонавий таълимни ташкил этишга қўйиладиган муҳим талаблардан бири ортиқча руҳий ва жисмоний куч сарф этмай, қисқа вақт ичида юксак натижаларга эришишдир. Қисқа вақт орасида муайян назарий билимларни ўқувчиларга етказиб бериш, уларда маълум фаолият юзасидан кўникма, малака ҳосил қилиш, улар томонидан эгалланган билим, кўникма ва малакалар даражасини баҳолаш ўқитувчидан юксак педагогик маҳорат ҳамда таълим жараёнига нисбатан технологик ёндашувни талаб этади.

Ўқувчининг шахс сифатида шаклланиши ўз фикри, ўз сўзи, ўзининг мустақил нуқтаи-назари бўлишини талаб этилади. Бунга эса дастлабки асос мактабда ўқитувчи томонидан қўйилади. Болаларни эркин, мустақил фикрлашга, бир-бирини ҳурмат қилишга йўллайдиган, умуман, инсонни инсон сифатида қадрлашни таъминлайдиган бошланғич таълим “Ўқиш” ва “Она тили” фанларининг бу борада аҳамияти жуда муҳимдир. Мазкур фанларни ўқитишда таълим шакллари, метод ва усулларнинг самарадорлиги уларни ташкил этишда болаларнинг интеллектуал ва шахсий имкониятларини ҳисобга олишга, уларнинг фаоллигини оширишга қаратилган бўлиши лозим.

Шунинг учун ўқитувчидан ўқувчини турли вазиятларда тўғри фикр юрита олиш, фикрларни таққослай билиш, таҳлил этиш, муҳокама юритиш, ўз фикрини маълум бир тизимда ифодалаш кўникмаларини ҳосил қилишда фақат бир хил ўқитиш методидан фойдаланмай, балки ўқитиш методларини ўзаро алоқада қўллашни талаб этади.

Бу муҳим вазифани амалга ошириш умумтаълим муассасаларида ўқитишнинг анъанавий методларини илғор педагогик технологиялар билан қўшиб олиб боришни тақозо этади: булар - муаммолар қўйиш ва уларни ўқувчилар билан биргаликда ҳал этиш, изланиш, тадқиқот методи, ишчан ўйинлар, психологик тренинглар, баҳс-мунозаралар, давра суҳбатлари, “Кластер”, “Турухли баҳс”, “Ақлий ҳужум” каби методлардан иборатдир.


Ўқитувчи қўллаган педагогик технологиялар ўқувчиларнинг дарсларга қизиқишларини ошириб, мураккаб материалларни ҳам ўзлаштириб, эркин ижодий фаолият кўрсатишга йўллайди. Ўқувчиларда билимдонлик, топқирлик, тезкорлик хислатларини шакллантиради. Хулоса қилиб айтганда, бошланғич таълим “Ўқиш” ва “Она тили” фанларини ўқитишда замонавий технологиялардан фойдаланиш таълим самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Буни биз – ўқувчиларнинг ўқишга бўлган муносабатларининг ўзгарганлигида, билимларни ўзлаштиришда болаларнинг эркин иштирок этишида, уларнинг дарсларда кўтарилган муаммоларни мустақил ҳал этишида, оддий тингловчидан машғулотнинг фаол иштирокчисига айланганида, ўз фикрини маълум тизимда ифодалай олиш кўникмаларини ҳосил қилишга ўрганганлигида кўрамиз. Бу эса таълим ислохотларидаги ёш авлоднинг билимли, фаол, мустақил ва эркин фикр юритадиган, онгли интизомга эга бўлган, жамият талабларига жавоб бера оладиган шахс бўлиб камол топишини таъминлайди.

Илғор педагогик технологиялар таълим жараёни самарадорлигини оширади, ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш жараёнини шакллантиради, ўқувчиларда билимга иштиёқ ва қизиқишни оширади, билимларни мустаҳкам ўзлаштириш, улардан амалиётда эркин фойдаланиш кўникма ва малакаларини шакллантиради. Педагогик технологияга асосланган таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти доираси аниқ белгиланади, таълимни ташкил этишнинг аниқ технологияси кўрсатилади.

Қуйида келтирадиган мисолимиз бунга аниқлик киритади: Бошланғич синф “Ўқиш” дарсларида “Ўзбекистон – Ватаним маним” бўлими юзасидан яқунловчи дарсда фойдаланилиши кўзда тутилган усул:

Кластер усули



Ўқувчилар жадвалда берилган таянч сўзлар асосида мавзуга оид гаплар тузиб, матн яратадилар.

Хулоса қилиб айтганда, педагогик технологияга асосланган фаолият деганда, таълим функциясини амалга оширишдаги маҳорат ва санъат тушунилиб, у жуда қулай усуллар асосида ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини ривожлантиришга асосланади.

ВЛИЯНИЕ ИГРЫ НА ФОРМИРОВАНИЕ КОММУНИКАТИВНОЙ ГОТОВНОСТИ ДЕТЕЙ К ОБУЧЕНИЮ В ШКОЛЕ

Н.М. Зиганшина,
ТОИППКПК, старший преподаватель

Ребенок идет в школу. Это переломный момент в его жизни, в формировании его личности. С переходом к систематическому обучению в школе завершается дошкольное детство и начинается период школьного возраста. Изменяется образ жизни ребенка, устанавливается новая система отношений с окружающими людьми, выдвигаются иные задачи, складываются новые формы деятельности. В понятие «готовность к школе» включены все жизненно важные сферы созревания: личностно - интеллектуальная, нравственная, эстетическая, физическая, коммуникативная.

Наука отводит общению роль специфической сферы социальной жизни, которая создает внешние и внутренние условия для развития личности ребенка. В процессе общения происходит осознание духовных и материальных ценностей, познание окружающего мира, развитие межличностных отношений. Умение общаться обеспечивает ребенку чувство психологической защищенности, создает ощущение комфорта, помогает адаптации в социуме.

В педагогике дошкольного возраста широко распространен подход, согласно которому общение рассматривается как коммуникативная деятельность. Для этого ребенку необходим широкий круг соответствующих умений. Определенный уровень развития коммуникативных умений способствует улучшению социального статуса в группе, помогает понимать и принимать другого человека, передавать информацию, выражать эмоции.

От того, как сформированы навыки общения в дошкольном возрасте во многом зависит характер будущих отношений в семье, в учебном и трудовом коллективах. В свою очередь умение

устанавливать и поддерживать отношения с окружающим миром свидетельствует о высоком уровне нравственной зрелости.

Как показывает практика, в результате общения ребенок овладевает важнейшими средствами умственной деятельности, среди которых первое место принадлежит развитию речи, которое происходит в контактах с взрослыми и ровесниками как овладение важнейшей коммуникативной операцией, а затем начинает применяться в сфере познавательной деятельности.

Общение со сверстниками побуждается особыми коммуникативными потребностями. Особенность состоит в возможности для ребенка сравнить себя с ровесником путем прямого наложения сведений о себе на образ, равного себе.

Программа «Болажон» подготовке современного ребенка к обучению в школе – это программа разностороннего развития, направленная на формирование личности ребенка. Формирование коммуникативной готовности у детей старшего дошкольного возраста состоит из нескольких этапов: информационный (научить ребенка понимать сверстника, откликаться на его просьбу, вступать в диалог); умение сопереживать другим людям, развивать чувство справедливости; умение регулировать свое поведение в процессе передачи и усвоения информации.

Формированию всех этапов помогают занятия по развитию коммуникативной готовности к школе и трудовая деятельность – это изготовление игрушек, декораций к театрализованным представлениям, различных пособий для игр.

Задача воспитателя на занятиях - научить детей понимать сверстника, откликаться на просьбу, использовать нужный темп речи, различную интонацию. В процессе таких игр, как «Митя и Маугли», «Ступеньки общения», «Когда мои друзья со мной», словарный запас детей обогащается новыми образными выражениями.

Цель игры «Митя и Маугли»: показать детям значение речевого общения в жизни человека, сформировать у них стремление к доброжелательному общению друг с другом.

Цель игры «Ступеньки», «Когда мои друзья со мной»: - уточнить представление детей о способах общения между людьми.

Цель игры «За и против»: развивать аргументы «за» и «против» определенного суждения о предмете; понимать чужую точку зрения, выявлять и фиксировать в споре разные мнения, выяснять, как и почему эти мнения возникли.

Цель игры «Волшебные слова»: (культура спора) развивать умение удерживать предмет коммуникации кратко и точно его выражать (в слове, понятии, схеме), выделять разные точки зрения, воспроизводить чужую точку зрения без искажения, выходить на две точки зрения, уметь их удерживать, не теряя свою точку зрения.

Цель игры «Почемучки»: развивать умение употреблять языковые формы в речи (причинно-следственные) - потому- что, следовательно, поэтому, уметь составлять и читать схемы.

Цель игры «Объяснялки»: научить выстраивать логические связи между событиями. (Два разных события, не связанные друг с другом).

Цель игры «Оживи маску», «Зеркало», «Близнецы»: умение различать настроение человека.

Неоценима роль сюжетно-ролевых игр в развитии у детей коммуникативной функции. Так, в таких играх, как «Семья», «Школа», «Магазин», «Мы ждем гостей» и других, диалог строится на совместной деятельности, когда партнеры принимают на себя равноправные роли. Игра побуждает ребенка принимать действия, проявлять внимание, откликаться на желания и просьбы.

Задача воспитателя заключается в том, чтобы использовать игру как средство развития у детей положительного отношения к школе.

Через игру и в игре сознание ребенка подготавливается к предстоящим изменениям условий жизни, к отношениям со сверстниками и взрослыми, формируются качества личности, необходимые будущему школьнику. Играя, ребенок приучается действовать в коллективе сверстников, подчинять личные желания интересам других детей, выполнять установленные правила, прилагать определенные усилия для преодоления трудностей.

KIMYONING ASOSIY TUSHUNCHA VA QONUNLARI MAVZUSINI O'QITISHNI TAKOMILLASHTIRISHDA PEDAGOGIK TEKNOLOGIYALARNING O'RNI

N.I.Bozorov, TDPU, dotsent, k.f.n.,
O.A.Zokirov, TDPU, talaba

Bugungi kunda jamiyatimizda yangi ijtimoiy munosabatlarning shakllanishi, ta'limning dunyo ta'lim tizimiga integratsiyalashuvi, demokratiyalash va insonparvarlashtirish jarayonlarining rivojlanishi ta'lim jarayonida zamonaviy pedagogik texnologiyalarga yangicha yondashuv zarurligini taqozo etmoqda. Bu yondashuvlar o'z navbatida o'quv jarayonining taskiliy va metodik jihatlariga muayyan ijobiy o'zgarishlar olib kirmoqda-ki, ularning ko'pchiligi pedagogik texnologiya va pedagogik mahorat bilan uzviy bog'liq o'zgarishlardir. Barchamizga ma'lumki, pedagogik texnologiya – ta'lim shakllarini optimallashtirish maqsadida o'qitish va bilimlarni o'zlashtirish jaryonining inson salohiyati va texnik resurslarni qo'llash, ularni o'zaro ta'sirini aniqlashga imkon beradigan tizimli metodlar majmuasidir.

Kimyoning asosiy tushuncha va qonunlari mavzusini o'qitishda o'quvchilarda kimyo fanidan dastlabki bilim, ko'nikma va malakalarni shakllantirishda pedagogik texnologiyadan foydalanish muhim omil bo'lib xizmat qiladi. Kimyoning asosiy tushuncha va qonunlari bo'limi mavzulari asosan maktab kimyo kursida 7-sinfda o'tiladi. Ushbu mavzular uchun jami 22 soat vaqt ajratilgan. Bu vaqt oralig'ida o'quvchilarga kimyoning asosiy tushunchalari haqida to'liq ma'lumot berish hamda kimyoning asosiy qonunlarining mohiyatini to'liqroq ochib berishga to'g'ri keladi. Buni amalga oshirish uchun esa mavzularga mos ravishda pedagogik texnologiyaning metodlarni tizimli qo'llash muhim bosqich bo'lib xizmat qiladi.

Hozirgi vaqtda maktabda o'tiladigan har bir soat dars Xalq ta'limi vazirligi tomonidan tavsiya etilgan "Dars muqaddas" konsepsiyasi asosida tashkillashtirilgan holda o'tilmoqda. O'qituvchi dars o'tishdan oldin darsning har bir tarkibiy qismiga yangi metodlarni tizimli qo'llashni loyihalashtirib olishi lozim. Shunga muvofiq kimyo fanidan darslarni tashkillashtirish va olib borishda pedagogik texnologiyaning quyidagi metodlarini qo'llaganda o'quvchilarga kimyoning asosiy tushuncha va qonunlarini etkazib berish yaxshi samara beradi deb hisoblaymiz. Bunga ko'ra darsning tashkiliy qismida metod qo'llash shart emas. O'tilgan mavzuni so'rash qismida "Venn diagrammasi" va "Sinkveyn" metodlarini, yangi mavzuni tushuntirish qismida "Insert", "Pinbord" va "Zinama-zina" texnologiyasi elementlarini, darsning yangi mavzuni mustahkamlash qismida "3x4 texnologiyasi" va "Tushunchalar tahlili" metodlarini, yangi mavzuni baholash qismida esa "Blits-so'rov" va "Charxpalak" metodlarini hamda uyga vazifa berish qismida esa "FSMU" texnologiyasi elementi va "Klaster" metodlarini qo'llash dars samaradorligini oshirishga xizmat qilgan holda o'quvchilarning bilimini oshirishga yordam beradi.

Ilk bor kimyo fanini o'rganayotgan o'quvchilarda kimyoning asosiy tushuncha va qonunlari mavzusini qiyin o'zlashtirishi pedagogik tadqiqotlarda aniqlangan. Shuning uchun kimyoning asosiy tushuncha va qonunlari mavzusini o'qitishda quyidagi metodlarni qo'llashni tavsiya etamiz. Bulardan biri "Auksion" metodi hisoblanadi. Bu metodning afzallik tomoni shundaki, "Auksion" metodining rivojlantiruvchi va tarbiyalovchi vazifaga egaligidir. Buning natijasida esa o'quvchilarda kimyo faniga bo'lgan qiziqish uyg'onadi hamda guruhlarda ishlash madaniyati shakllanadi. Bu metodni darsning yangi mavzuni mustahkamlash qismida qo'llash maqsadga muvofiq. Ushbu metodni oddiy va murakkab moddalar mavzusini o'qitishda qo'llab ko'ramiz. Buning uchun o'quvchilarni uch guruhga bo'lib har bir guruhga o'qituvchi tomonidan tayyorlab kelingan kartochkalar tarqatiladi (1-ilova).

1-ilova

Olmos, grafit, fulliren, karbin	Suv, osh tuzi, shakar
Oddiy moddalar	Murakkab moddalar
Qizil, oq, qora	Rombik, plastik, kristall, amorf
Kislород, ozon	Allotropiya

Guruh a'zolariga kartochkalar tarqatilgandan so'ng mavzuga oid savollar navbat bilan o'qib eshittiriladi (2-ilova). O'quvchilar esa guruh bilan kelishgan holda tog'ri javob tushirilgan kartochkani ko'taradilar.

2-ilova

1.	Murakkab moddalar qatorini ko'rsating?
2.	Oltinugurtning allatropik shakl ko'rinishlarini ko'rsating.
3.	Bir element atomlaridan turli oddiy moddalar hosil bo'lishi qanday hodisa hisoblanadi?
4.	Uglerodning allatropik shakl ko'rinishlarini ko'rsating.
5.	Turli element atomlaridan tashkil topgan moddalar qanday moddalar?
6.	Fosforning allatropik shakl ko'rinishlarini ko'rsating.
7.	Bir element atomlaridan tashkil topgan moddalar qanday moddalar hisoblanadi?
8.	Kislorodning allatropik shakl ko'rinishlarini ko'rsating.

Har bir to'g'ri javob Au, Ag, Cu belgisi tushirilgan kartochkalar orqali rag'batlantirib boriladi (3-ilova).

3-ilova



Bundan tashqari mavzuni oqitishda "Men kimman" metodidan ham foydalanish mumkin. Ushbu metod o'quvchilarning o'quv jarayonida faol ishtirok etishiga va ilxom bilan ishlashlariga imkon beruvchi metoddir. Ushbu metodni moddalar massaning saqlanish qonuni yoki Avogadro qonuni mavzusining o'tilgan mavzuni so'rash qismida qo'llash maqsadga muvofiq bo'ladi. "Men kimman" metodi quyidagi tartibda amalga oshiriladi. O'quvchilar 3 guruhga bo'linadi, har bir guruhdan guruhni himoya qiladigan o'quvchi doskaga chiqadi. Ularning boshiga o'ziga ko'rsatmasdan biror ism yozilgan qog'oz (Masalan: A.Lavuaze) qalpoq kiydiriladi. O'tilgan mavzuga oid savollar tushirilgan qog'ozlar guruhni himoya qilgani chiqqan o'quvchilarga tarqatiladi. Ular savollarni o'qib eshittiradilar. Savollar 13 tadan oshmasligi kerak. Guruhlardagi o'quvchilar esa "Ha" yoki "Yo'q" deb javob beradilar hamda bergan javoblariga qarab baholanadilar. "Men kimman" metodini quyidagi ilovada keltiramiz (4-ilova).

4-ilova

Savollar	O'quvchilar-ning javobi
Tarkibning doimiylik qonunini kashf etganmanmi?	Yo'q
Men kashf qilgan qonunni 1784-yilda rus olimi Lomonosov ham izohlashga harakat qilganmi?	Ha
Men kashf qilgan qonunning ta'rifi quyidagichami: - Har qanday toza modda olinish usuli va joyidan qat'iy nazar doimiy tarkibga ega bo'ladi.	Yo'q
Massani saqlanish qonunini kashf qilganmanmi?	Ha

Savollar shu tariqa davom etib ketaveradi. Har bir guruh o'quvchilari javoblarining to'g'ri va to'liqligiga qarab guruhning umumiy bali chiqariladi va g'olib guruh aniqlanadi.

Xulosa o'rnida shuni aytish mumkinki, hozirgi vaqtda barcha fanlar singari kimyo fanini o'qitishda ham o'quvchilarning fanga bo'lgan qiziqishini oshirish va bilimni kuchaytirishda pedagogik texnologiyalarni qo'llash yo'li bilan kerakli natijalarga erishilmoqda.

ЎҚУВ АМАЛИЁТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШГА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАР

А.Мавлянов, ОЎМКХТРМ, ф.м.-ф.н.,
С.Абдалова, ОЎМКХТРМ, п.ф.н.,
Х.А.Юлдашев, ОЎМКХТРМ, п.ф.н.,
М.Байметов, катта илмий ходим-изланувчи

Ўқув амалиёти ўқувчилар назарий тайёргарлигини амалий фаолият билан боғлашни таъминловчи таълим-тарбия жараёнининг асосий қисми сифатида, ўқувчиларни келажак касбига муваффақиятли тайёрлаш воситаларидан бири ҳисобланади. У таълим-тарбия тамойиллари ва қонуниятларини тушуниб етиш, касбий кўникма ва малакаларни эгаллаш, амалий иш тажрибаларини тўлиқ англаб етиш имкониятини беради. Амалиёт раҳбарлари олдида уни янгича ташкил этиш, ўқувчиларнинг касбий маҳорат сирларини ўрганишларида унинг аҳамиятини ошириш, ташкилотчилик ва тарбиявий ишлар асосларини ўргатиш каби вазифалар туради.

Замонавий таълим муассасаси учун аҳамиятли инновацион жараёнлар - уларнинг барчаси замонавий педагогик ва ахборот технологияларини ўзлаштирган, ижодкор, педагогик фаолиятда шахсий услубга эга бўлган касбий маҳоратли кадрларни тайёрлашни кўзда тутди. Таҳлиллар ўқув амалиётини ташкил этилишига ягона ёндашув ишлаб чиқилмаганлиги билан боғлиқ қатор муаммо ва камчиликлар борлигини кўрсатади.

Ҳозирги даврда ўқув амалиёти ривожлантиришнинг икки йўналиши мавжуд – анъанавий ва инновацион. Анъанавийда фанлар керагидан ортиқ жуда ҳам илмий ва ўқувчилар учун зерикарли ахборот билан тўлдирилган. Замонавий ислохотлар ўқув амалиёти жараёнида катта прагматикликни талаб қилади. Унинг замини давлат стандартида асосланган, аммо ундан фойдаланиш катта куч, восита ва ижодкорликни талаб қилади.

Ўқувчиларни ўқитиш билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш ҳамда ўқув-педагогик масалаларни намунавий усулларда ечишга олиб келади. Бундай амалиётнинг мақсади ўқувчилар билим, кўникма ва малакаларини келажакда ривожлантиришдан иборат. Ўқувчи топшириқни бажариб, устадан ўрнак, энг яхши шакллардан андоза олади. Бундай ёндашувда ўқув амалиётининг ўзи устанинг профессионал фаолиятини шакллантиради.

Таълим муассасаларида ўқувчилар ўқув амалиётига гомоцентрик ёндашувни амалга ошириш усталарнинг методик тайёргарлиги мазмунини қайта кўриб чиқилишини талаб қилади. Янги таълим стандартини жорий қилиш бугунги кунда усталар олдида қўйилган ўқувчилар ўқув амалиётининг замонавий шартлари, талаблари, ташкил қилиш тамойиллари ва ғояларини ишлаб чиқиш заруриятини юзага келтирди.

Инновацион таълим стратегияси ўқув амалиёти жараёнини шундай тизимли ташкил этилишини назарда тутдики, бунда уста аввалгидек етакчи ўринда туради, аммо бунда унинг ўрни ўқувчига ва ўзига бўлган муносабатга кўра ўзгаради. Уста фақатгина билимларни тарқатувчи ва етказиб берувчи вазифасида бўлмай, балки ўқувчининг ривожланиши ва шахсий шаклланишига хизмат қилади.

Инновацион таълимнинг ўзига хослиги коллежда эгалланадиган билим олиш ва уни эгаллашни ташкил қилиш усуллари ўзгаришидадир. Янги муаммоларни ҳал этиш (интеграция, индивидуаллаштириш, ахборотлаштириш ва б.к.) шароитида лойиҳавий - ижодкорлик ўқув амалиёти тизимига ўтиш кузатилади. Ўқув амалиётини лойиҳалаштириш - режалаштириш, тахмин қилиш, ижодкорлик, асослаш ва тушунтириб бериш, бажариш ва расмийлаштириш кўникмаларидан фойдаланишнинг умумий шакли ҳисобланади.

Ҳозирги кунда ўқув амалиётининг интеграллашган лойиҳавий - ижодкорлик модели ишланмаси киритилган. Лойиҳалашда турли фан ўқитувчилари иштирок этиши назарда тутилади. Янги тизимда билим, кўникма ва малака таълим мазмуни эмас, балки ўқувчи шахсиятини ривожлантириш омили сифатида кўриб чиқилади. Бу қаторда маълум бир билимларни эгаллаш барча нарсани билишнинг ижодий бошланиши сифатида талқин

этилади. Бу мақсад лойиҳавий - ижодий ёндашувга яқинлашишга олиб келади. Бу ҳолда биринчи ўринга лойиҳалаш жараёnlари, моделлаштириш, конструкциялаш кабилар ўтади.

Амалиёт жараёнининг универсал компонентлари матнни ёдлаш, ўқув топшириқларини бажариш эмас, лойиҳалашни амалга ошириш жараёнини англаш ҳисобланади. Ўқув материални анъанавий ўзлаштириш иккинчи ўринга ўтади. Анъанавий амалиётда шакл қоидага кўра дидактик бўлади: амалиёт махсус ишлаб чиқилган ва тизимлаштирилган ўқув материаллари ҳамда амалий топшириқлар асосида амалга оширилади.

Амалиётнинг янги моделлари лойиҳалаштирилган, моделлаштирилган, конструкцияланган объектларда амалга оширилади. Бу билан ўқув материали тузилмаси ўзгаради. Бу ҳолда таълим тизими бутунлай бошқа тузилмага эга бўлади: лойиҳалаш, моделлаш, конструкциялаш ва тадқиқ қилиш.

Ҳақиқатан, амалиёт жараёни қуйидагича амалга оширилади. Ўқитувчи ўқувчилар билан лойиҳа вазифасини муҳокама қилади: ўқувчи томонидан ҳал қилиниши керак бўлган мақсад, вазифа ва муаммо қўйилади. Лойиҳани олгач, ўқувчи лойиҳалаш босқичини бажаришга киришади: савол мақсадини ўрганиш, назарий мазмун ва эмпирик далилларни таҳлил қилиш ҳамда гипотеза ишлаб чиқиш. Кейин моделлаштириш босқичи келади: амалиёт жараёни модели қурилади, зарур ҳолларда ўқувчиларнинг тадқиқ қилиш ва шакллантиришга ишора қилувчи руҳий ва шахсий сифатлари схематик моделлаштирилади, ўқувчилар амалиёт тузилмаси, унинг хусусиятлари ёшга боғлиқ ҳолда аниқлаштирилади. Кейин конструкциялаш босқичи келади: мақсадларнинг номланишини ишлаб чиқиш, амалиёт воситалари тузилмасини ишлаб чиқиш ва саралаш (ўқув материали мазмуни, таълим шакллари ва методлари ва б.қ.), лойиҳаланаётган педагогик тизим ёки технологияни асослаш. Лойиҳани эмпирик тадқиқотни бажариш босқичи билан якунланади: тадқиқотни ишлаб чиқиш ва бошқа тадқиқот шакллари эмпирик маълумотларни олиш ва тадқиқот натижаларини баҳолаш, амалиётга жорий этиш каби тадбирлар амалга оширилади.

Ўқув амалиётига замонавий ёндашув инсонпарварлик ва инсонпарварлаштириш ғояларини амалга оширишга асосланган, ўқув жараёни мақсади ва мазмуни ўқувчи шахсининг ривожланиши, етуклиги ва актуаллиги ҳисобланади. Бундай ёндашув режалаштирилган билим, кўникма ва малакалар орқали эмас, балки амалиёт жараёнида, ҳар бир ўқувчининг шахсий ривожланиши ва етуклиги асос ҳисобланиши билан амалга оширилади. Ўқув амалиёти илмий-амалий муаммони ечиш жараёни сифатида, ўқувчига ўз-ўзини ривожлантириш, ўзини англаш, фикр юритиш, шахсий-фаолиятли ишлашни амалга оширишга имкон берган ҳолда ташкил этилади.

Шундай қилиб, таълим муассасалари, усталар ва ўқувчиларнинг касбий тайёргарлигида кўрсатилган замонавий талабларни эътиборга олган ҳолда, ўқув амалиётни ташкил қилиш ва ўтказиш мақсадга мувофиқ. Чунки, ўқув амалиётининг асосий ғояси ўқувчиларнинг шахсий ижодкорлик қобилиятларини ривожлантириш, касбий фаолиятнинг индивидуал услубини шакллантириш ҳисобланади. Бу ғоянинг амалга оширилиши ўқувчилар амалиётини ташкил этишда инновацион ёндашув, амалиётчи томонидан турли сабаблар динамикасини эътиборга олган ҳолда ва шахсий қобилиятларни мавжуд даражасини кўзда тутувчи касбий хусусиятларни ўзлаштиришни таъминлайди. Бу ўқувчиларга амалиёт даврида таълим беришни индивидуаллаштириш ва табақалаштиришни назарда тутати.

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЎҚУВЧИЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

“Давлатимиз ва жамиятимизнинг бугунги куни, айниқса келажаги учун ғоят муҳим бўлган соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш вазифасини ўз олдимизга қўяр эканмиз, авваламбор, биз яшаётган ХХІ аср – интеллигент бойлик, юксак билим ва салоҳият талаб этадиган, айнан шу кадриятлар устувор аҳамият касб этадиган аср, деган ҳаётий ҳақиқатдан келиб чиқамиз”²⁵.

Таълим инсон ривожланишининг муҳим таркибий қисми сифатида жамиятнинг глобал муаммоларини ҳал этишда асосий ўрин эгаллайди ва қатор ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва гуманитар муаммоларни бартараф этишга мислсиз таъсир кўрсатади. Таълимга нисбатан инсон ҳаётининг ажралмас бир бўлаги ва унга ўзини жамият ҳаётида муҳим ўрин тутишини англаб етишида муҳим восита сифатида қараш асрлар давомида, яъни антик даврдан то замонавий кўп кутбли дунёгача бўлган давр мобайнида ўзгариб борди. ХХ аср охирида инсоният турмуш шароитининг сифат жиҳатидан ўзгариши туфайли дунё мамлакатлари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси таълим тизимида ҳам жиддий ўзгаришларни амалга оширишга олиб келди.

Таълим бу нафақат мутахассисларни тайёрлаш воситаси, балки жамиятнинг умумий интеллектуал, технологик ва маданий даражасини ошириш, инновациялар ва тараққиётга бўлган интилишни қўллаб-қувватлаш, жамиятда замонавий турмуш тарзини шакллантиришни жамоатчилик онгига сингдириш, давлат сиёсатига жорий этишдир.

Шу нуқтаи назардан қараганда, таълим жараёнида ўқувчи ёшларни жамиятнинг глобал муаммоларини ҳал этишда иштирок этишга йўналтириш келажакда уларнинг жамиятнинг фаол аъзосига айланишида муҳим роль ўйнайди.

Бунда муаммоли ўқитиш технологияларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Муаммоли ўқитишни узлуксиз таълим тизимида татбиқ этишдан олдин қуйидаги масалалар ҳақида ўйлаб кўриш лозим. Замонавий ёшлар янги ижтимоий-иқтисодий шароитда ўзини бемалол сезиши учун нима қилишлари керак? Инсонни тўлақонли ҳаётга ва меҳнатга тайёрлаш учун таълим қандай ролни ўйнаши керак?

Бу каби саволларга жавоб бериш учун муаммоли ўқитишнинг илмий-услубий жиҳатларига эътибор қаратиш лозим. Муаммоли ўқитиш услубий жиҳатдан 3 та кўринишга эга эканлиги маълум: муаммоли вазият, муаммоли баён, муаммонинг ечими.

Инсон тафаккури муаммоли вазиятларни яратиш, муаммони қўйиш ва уни ечишдек ноёб қобилиятга эга бўлганлиги сабабли инсоният томонидан илмий техникавий кашфиётлар амалга оширилган.

Демак, педагогик тафаккурни ўқув жараёнида муаммоларни ечишга йўналтириш, яъни таълим жараёнига муаммоли ўқитишни жорий этиш таълим олувчиларга тайёр билимларни ўзлаштиришдан аста-секин мустақил, фаол билиш фаолиятига ўтиш имкониятини беради.

Муаммоли ўқитишнинг асосида “Тафаккур - муаммоли вазиятдан бошланади”, - деган ғоя ётади. Муаммоли вазиятда билиш фаолиятининг кетма-кетлиги қуйидагича: муаммоли вазият, муаммони ечиш йўллари излаш, муаммонинг ечими.

Бунинг учун ўқувчилар:

- зарур билимларни мустақил эгаллаш, эгалланган билимларнинг турли муаммоларни ечишда маҳорат билан қўллаши;
- ахборотлар билан саводли ишлаш (маълум масалани тадқиқ қилиш учун зарур фактлар йиғиш, уларни таҳлил қилиш, муаммоларни ечишга қаратилган гипотезаларни таклиф қилиш, қонуниятларни, янги муаммоларни аниқлаш ва ечиш);
- олинган билимларнинг қаерда ва қандай қўлланиши мумкинлигини аниқ билиши ва бу билимларни қўллаш соҳасини англай олиши;

²⁵ Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш-тараққиётимизнинг муҳим омилидир. Ўз.Р.Конституциясининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. Маърифат. 2010 й. 8 декабрь, 97 сон.

- мустақил танқидий фикрлаш, реал дунёда пайдо бўлаётган қийинчиликларни кўра билиш ва уларни бартараф этишнинг оптимал йўлларини излаши;
- ижодий фикрлаш, янги ғоялар яратиш қобилиятига эга бўлиши;
- турли ижтимоий гуруҳларда киришимли бўлиш, биргаликда ишлашни билиш ёки ностандарт вазиятлардан чиқишни билиши;
- ўзининг маънавияти, интеллекти ва маданий салоҳияти устида мустақил ишлаши.

Юқорида айтилган сифатларга эга шахсни шакллантиришга нафақат таълим мазмуни, балки қўлланилаётган ўқитиш технологиялари ҳам муҳим роль ўйнайди.

Муаммоли ўқитиш концепциясида муаммоли вазиятнинг биринчи шarti ўқитувчи ўзи ечиши лозим бўлган зидликни кўришидан иборат эканлигини таъкидлайди.

Анъанавий ўқитиш шаклида асосий диққат ўқитувчи фаолиятига қаратилган бўлса, муаммоли ўқитиш концепциясида асосий урғу таълим олувчиларга кўчади. Муаммоли ўқитиш тамойили бўйича билим таълим олувчиларга тайёр шаклда узатилмайди, балки илмий тадқиқот жараёнига ўхшатиб, ўқув фаолияти жараёнида таълим олувчилар томонидан эгалланади.

Муаммоли ўқитишнинг якуний мақсади – таълим олувчиларни муаммоларни кўриш ва ечишга ўргатишдан иборат бўлиб, бу фақат фикрлаш фаолияти жараёнида амалга оширилади.

Муаммоли ўқитиш усулларига тадқиқий усул, эвристик усул, муаммоли вазиятлар яратиш усули киради.

Бунда таълим олувчиларга ностандарт масалаларни тузиш бўйича, шакллантирилмаган савол билан, ортиқча маълумотлар билан, ўзининг амалий кузатувлари асосида мустақил умумлаштириш, йўриқномалардан фойдаланмасдан қандайдир объект моҳиятини баён этиш, олинган натижаларни қўллаш чегараларини ва даражаларини аниқлаш, ходисанинг намоён бўлиш механизмини аниқлаш, «бир лаҳзада» топиш каби топшириқларни бериш мумкин.

Муаммоли ўқитиш – таълим олувчининг муаммоли тақдим этилган таълим мазмуни билан фаол ўзаро боғланишини ташкил этади. Бу жараёнда таълим олувчи илмий билимнинг объектив зидликлари ва уларнинг ечимларига яқинлашади, фикрлаш, билимларни ижодий ўзлаштиришга ўрганади.

Муаммоли ўқитиш ижодий фаолиятни шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган бўлиб, бу жараёнда таълим олувчилар ижодий фикрлашининг ривожланиши анъанавий ўқитишдагига нисбатан жадалроқ бўлади.

Муаммоли ўқитиш жараёнида ўқитувчилар ҳам, таълим олувчилар ҳам ўзларининг интеллектуал, жисмоний, маънавий имкониятларини ўқув ва амалий муаммоларни ечиш учун доим синовдан ўтказадилар. Бу жараёнда ҳосил бўлган кўникма ва малакалар ахборот жамияти ва глобаллашув шароитларида яшаш учун зарур сифатларни шакллантиришга олиб келади.

CHIZMACHILIKDA O‘QUVCHILARNING BILISH FAOLIYATINI FAOLLASHTIRISHDA MUAMMOLI TA’LIM TEXNOLOGIYASIDAN FOYDALANISH OMILLARI

A.Valiyev, TDPU, dotsent v.b.,
E.Nurmatov, TDPU, magistrant,
B.Valiyeva, 277-maktab, o‘qituvchi

Zamonaviy ta’limni tashkil etishga qo‘yiladigan muxim talablardan biri ortiqcha ruhiy va jismoniy kuch sarf etmay, qisqa vaqt ichida yuksak natijalarga erishishdir. Ta’limdagi samarador o‘qitish texnologiyasi – bu muammoli o‘qitishdir. Muammoli o‘qitish ijodiy, faol shaxs tarbiyasi maqsadlariga mos keladi.

Muammoli vaziyatning belgilari quyidagilar:

- o'quvchiga notanish faktning mavjud bo'lishi;
- vazifalarni bajarish uchun o'quvchiga beriladigan ko'rsatmalar, yuzaga kelgan bilish mashaqqatini hal qilishda ularning shaxsiy manfaatdorligi.

Muammo uch tarkibiy qismdan iborat: ma'lum (berilgan vazifa asosida), noma'lum (ularni topish yangi bilimlarni shakllantirishga olib keladi) va avvalgi bilimlar (o'quvchilar tajribasi). Bular noma'lumni topishga yo'nalgan qidiruv ishlarini amalga oshirish uchun zarurdir. Avvalo o'quvchiga noma'lum bo'lgan o'quv muammosi vazifasi belgilanadi va bunda uning bajarilish usullari hamda natijasi ham noma'lum bo'ladi, lekin o'quvchilar o'zlaridagi avval egallangan bilim va ko'nikmalariga asoslanib turib kutilgan natija yoki yechilish yo'lini izlashga tushadi.

Muammoli o'qitishda o'qituvchi o'quvchilarning bilish faoliyatini tashkil etadi, shundagina o'quvchilar fanlarni tahlil qilish asosida mustaqil ravishda intellektual mashaqqatlarni hal qilish, xulosa chiqarish va umumlashtirish, qonuniyatlarni shakllantirish, qo'lga kiritilgan bilimlarni yangi vaziyatga tatbiq etishga intiladi.

O'qituvchi muammoni yechish usullarini izlashni tashkil etishga o'tar ekan, avvalo birinchi muammoni ifoda qiladi, so'ng muammoli savollarni qo'yadi va javoblarni muhokama qilib, o'quvchilarning bu muammoni yechish usulini izlashga, ya'ni birinchi oraliq xulosani qidirishga undaydi. Ko'pgina muammoli vaziyat amaliy mashq bajarish yoki tegishli masala yechishda vujudga keladi.

Muammoli ta'lim, *yangi bilim* va *ma'lumotlar*, *misol va masalalar*, *ta'limiy testlar* sistemasidan iborat bo'lib, ularni hal qilish jarayonida o'quvchilarning bilish faoliyati shakllana boradi.

Chizmachilik darslarida o'quvchilarning bilish faoliyatini tashkil etish o'qituvchi uchun murakkab bo'lgan vazifalardan biridir. Kuzatishlarning ko'rsatishicha ko'pincha chizmachilikdagi an'anaviy usulda o'tilgan darslarda tashabbus faqat o'qituvchining tomonida bo'ladi, o'qituvchining o'zi darsning maqsadini qo'yadi, o'zi uni yechish yo'lini ko'rsatib beradi. Bunday ta'lim sharoitida o'quvchilarning mustaqil, mantiqiy fikrlashlari uchun imkoniyat yaratilmaydi, ijodiy fikrlashga o'rin qolmaydi, tashabbus talab etilmaydi. O'quvchining faoliyati cheklanib qoladi. O'z-o'zidan ayonki bunday faoliyat kutilayotgan natijani bermaydi.

Chizmachilik fanining o'ziga xos xususiyatlari shundaki bu fanni o'qitilishida turlicha yondoshuvning imkoni ko'pligidir. O'quvchilarning fazoviy tasavvurini ya'ni, xotira va tasavvur hayolini va grafik tafakkurini rivojlantirish butun kurs (fan)ning asosiy o'zagini tashkil qiladi.


Chizmachilik fanida muammoli vaziyatlar tabiiy hosil bo'lishi yoki sun'iy yaratilishi mumkin. Masalan, geometrik yasashlarda aylanani teng olti qismga bo'lib, muntazam oltiburchak yasalganda, oltiburchak tomonlarining ba'zilar kichikroq yoki kattaroq hosil bo'lib qolishi mumkin. Nima sababdan shunday bo'ldi ekan. Shunda *tabiiy muammo* kelib chiqadi. Bu muammoning sababini izlash orqali uni bartaraf qilishga to'g'ri keladi. Buning uchun qayerda xatoga yo'l qo'yildi va bunga sabab nima degan savolga javob topish lozim bo'ladi. Izlanishlar natijasida aylananing markaziy chiziqlari o'zaro perpendikular emasligi aniqlanadi. Qayta chizilganda natija to'g'ri chiqadi.

Yana bir misol, o'quvchilar kesim mavzusi bo'yicha mustaqil mashg'ulot bajarayotganlarida ularning ba'zilar standartga javob bermaydigan muammolar keltirib chiqarishadi. Ularning bu grafik ishlaridagi muammolarni ko'rish mumkin (1-chizma). Bajarilgan kesimlar tahlil qilingandan keyin quyidagi xulosaga kelish mumkin.

1. Kesimi bajariladigan geometrik jismni hamma o'quvchilar to'g'ri tushinishgan.

2. Sirdagi o'yi (qirqib olingan joy)ni ba'zi o'quvchilar yaxshi idrok qila olishmagan. Shu boisdan xatoga yo'l qo'yishgan. Bu muammo qanday vujudga keldi ekan. Har tomonlama tahlil qilingandan keyin quyidagi xulosalarga kelish mumkin.

A. O'quvchi tomonidan kesim mavzusini o'tishda standart talablari to'liq va batafsil tushuntirilmagan yoki tushuntirish jarayonida ba'zi elementlarga e'tibor berilmagan. Oqibatda o'quvchilarda turlicha tushunchalar shakllangan.



1-chizma

B. Dars jarayoni qiziqarli, hayajonli o'tmagan. Standart talablariga e'tibor berilmagan.

C. Ba'zi o'quvchilar darsda zerikkanidan mavzuga e'tibor berishmagan.

D. Dars mustahkamlanmagan ya'ni o'qituvchi savol, javob yoki turli pedagogik omillar yordamida o'quvchining olgan bilim ko'nikmalari tekshirilmagan.

O'quvchi ongida muammoli vaziyatlarni sun'iy vujudga keltirish orqali uning faol fikrlash faoliyati va o'quv materialini puxta o'zlashtirishiga olib keladi.

Shunday qilib, o'quvchilarda o'rganishga havas, izlash, qidirishga yetaklaydigan masalani yechish jarayoni bilan bog'liq intellektual hislar va ruhiy kechinmalar hosil qiladigan muammoli vaziyat yaratish mumkin ekan.

Vazifa quyidagi talablarni qondira oladigan bo'lsagina shu masalaning tub mohiyati bilish muammosiga aylanishi mumkin.

1. O'rganayotgan muammo ustida fikr yuritishda, o'quvchilar uchun bilish (o'rganish) qiyinchiligini tug'dira olsa.

2. O'quvchilarda bilish (o'rganish) har taraflama qiziqish uyg'otsa.

3. Tahlil jarayonida avvalgi tajribasi va bilimlariga suyanilsa.

Quyida muammoli vaziyat yaratishga oid mashqlar keltiriladi.

1. Chizmalarni chizishda qo'llanilgan ingichka chiziqlar ustidan bostirib chizishda – ingichka chiziqlarning detal konturining ichki tomonidan yoki tashqi tomonidan chizilganda uning umumiy gabaritida qanday muammo paydo bo'ladi?

2. Detal chizmasi M1:1 masshtabda berilgan bo'lsa, uni M2:1 masshtabga ko'chirib chizilgandan keyin o'lchamlari ham M2:1 da yozilsa (qo'yilsa) qanday muammo kelib chiqadi?

4. Detal (model)ni tahlil qilishda undagi geometrik jism (sirt)larni aniqlashda qanday muammo yuzaga keladi?

5. Detalning berilgan ikkita ko'rinishiga muvofiq uning chapdan, ya'ni uchinchi ko'rinishini aniqlashdagi muammo aniqlansin.

6. Aksonometrik proyeksiyalarni hosil qilishda qanday muammoga duch kelinadi?

7. Frontal dimetriyada aylanalarni tasvirlashda hosil bo'ladigan qanday muammolar mavjud?

8. Texnik rasm chizishdagi muammolar aniqlansin.

Bunday muammoli vaziyatni vujudga keltiruvchi masalalarni ko'plab keltirish mumkin. Demak, o'quvchilarning fikrlash faoliyatida muammoli vaziyatlar yaratish ularda har narsani bilishga havas, fahm-farosatlilik, mustaqillik, o'qishga qiziqish va ijod qilishga intilish kabi shaxsiy xislatlarni tarbiyalashga yordam beradi.

O'QUVCHILARDA TABIATGA ONGLI MUNOSABAT KO'NIKMALARINI SHAKLLANTIRISH

Sh.Mirzaxmatova,
TVPKQTMOI, dotsent

Insoniyot sivilizatsiyasining taraqqiy etishi va uning tabiat bag'riga tobora chuqurroq kirib borish oqibatida ahvol tubdan o'zgardi. Bugungi kunda ibtidoiy sof tabiat haqida gapirmasa ham

bo'ladi. Yer yuzidagi o'rmonlarning juda katta qismi qirildi va bu tabiat uchun yetarli darajada yo'qotish bo'lganligi bejiz emas, hududlarni katta qismlari dehqonchilik qilish maqsadida o'zlashtirildi.

Bu albatta quvonarli hol, lekin bu hududlar kimyoviy dorilar bilan o'g'itlanishi oqibatida tabiat zarar ko'rmoqda. Yer yuzidagi jamiki tirik mavjudot uchun muqaddas dargoh bo'lmish tabiatdan inson ehtiyojlari uchun barcha yordamni oladi.

Ana shu mas'uliyatsizligimiz «Ekologiya» deb nomlanuvchi yangi fanga zamin yaratdi. «Ekologiya» so'zi «eko» — uy, turar-joy, «logos» — fan so'zlaridan olingan bo'lib, u atrof-muhitning buzilishi va bunga sabab bo'lgan omillar, muhit halokatining oldini olish chora-tadbirlarini ishlab chiqish borasidagi bilimlarni targ'ib etish asoslarini o'rganadi.

Yangi asrning barkamol kishisi o'zida ekologik madaniyat unsurlarini ham namoyon eta olishi zamon talabidir. Ekologik madaniyat — bu atrof-muhit to'g'risida chuqur bilimga, tabiatni asrash tuyg'usiga ega bo'lish, o'simliklar hamda hayvonlarga nisbatan g'amxo'rlik ko'rsatishga, tabiat zahiralardan oqilona foydalanish, ularni ko'paytirish borasida qayg'urishga qaratilgan amaliy faoliyatning yuksak ko'rsatkichidir.

Ana shu xislatlarni o'zida aks ettira olgan insonni ekologik madaniyat egasi, deb atash mumkin.

Iste'moldan ortiqcha suv jo'mraklardan oqishiga yo'l qo'ymaslik, suv havzalarini ifloslantirmaslik, axlatni duch kelgan joyga to'kmaslik, turar-joylarni ozoda saqlash, ko'chat va gullarni sindirmaslik hamda ularni ekish, hayvonlarga g'amxo'rlik qilish, qushlarni parvarishlash, xonadon va xiyobonlarni gulzorga aylantirish kabi harakatlarni amalga oshirish ekologik madaniyatlikning eng oddiy ko'rinishlari sanaladi.

Hozirgi davrda inson va tabiat, fan-texnika taraqqiyoti va atrof-muhit, jamiyat va ekologiya o'rtasida nomutanosiblik vujudga kelayotir. Bularning barchasi ekologik madaniyatni yanada yuksaltirish masalasini ko'ndalang qo'ymoqda.

Insoniyatga buyuk qomusiy olimlar yaratgan ijod namunalari negizida go'yoki “buni yodda tutinglar degan hayqiriq orqali murojaat etilgandek tuyuladi. Zero, o'tgan yillarda qabul qilingan «Tabiatni muhofaza qilish to'g'risida»gi qonun fikrimizning yorqin dalilidir.

Ekologiyaga oid qonunlarning qabul qilinishi, jumladan sog'lom avlod davlat dasturi, «Ekologik ta'lim-tarbiya konsepsiyasi» ning ishlab chiqilishi, «Ekosan» jamg'armasining faoliyat boshlashi, handa O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi tabiatni muhofaza etish va ekologiyaga oid zarur hujjatlarning qabul qilinishi, ekologiya ishlarining huquqiy asosini yaratilishiga zamin bo'lib xizmat qilmoqda.

Aslida, ekologik madaniyat tabiatni barcha go'zalliklari bilan his qilishdan, sevishdan boshlanadi. Insonning tabiat kuchlari — sovuq va issiq, qurq'oqchilik, yong'inlar, turli ofatlar ustidan g'alabasi unga bo'lgan munosabatini o'zgartiradi. Bu ko'r-ko'ronalikdan asta-sekin ongli munosabatga aylana boradi. Tabiatga bo'lgan mehr tuyg'usi boyib, unga munosabat shaxs madaniyatining ajralmas bir bo'lagini tashkil etadi.

Dunyodagi global xususiyatlar va o'zgarishlarning ta'lim –tarbiya jarayoniga ko'rsatayotgan ta'siri sezilarli darajada shakllandi. Jumladan, umumiy o'rta ta'lim maktablari o'quv darsliklari va dasturlarining mazmun-mohiyati, eng avvalo, ekologik madaniyatga qaratilgan.

O'quvchilarga o'rgatiladigan asosiy ko'nikmalardan biri har bir inson tabiatdan bahra oladi, ammo bu hali tabiatga muhabbat degani emas. Tabiatga muhabbat uni tushunishdan, uning go'zalliklarini anglashdan, tabiat bilan munosabatga kirishishdan boshlanadi degan ma'naviy mohiyatni singdirishdan iboratdir.

Masalan, 2-sinf Atrofimizdagi olam darsligining “Ona zaminimiz” bo'limida “Yer-sayyora”, “Suv hayot manbai” kabi mavzular o'rganilayotganda o'quvchilarda o'z navbatida, insonda kuzatuvchanlik, sezgirlik, nazokatlilik kabi tuyg'ularni tarbiyalashga xizmat qiladi. Bu holat esa ikki ko'rinishda: tabiatga va o'ziga bo'lgan munosabatlarda namoyon bo'ladi.

O'rta asrlarda yashab ijod etgan allomalar tabiat va undagi muvozanat, hayvonot olami va o'simliklar dunyosi, atrof-muhitni e'zozlash haqida qimmatli fikrlar aytganlar.

Muhammad Muso al-Xorazmiy risolalaridan birida odamlarni daryoga mehrlil bo'lishga da'vat

qiladi, agar daryoning ko'zlari yoshlansa, uning boshiga g'am kulfati tushgan bo'ladi, deydi. Ehtimol, buyuk bobomiz daryo suvini ortiqcha isrof qilmaslikni ham nazarda tutgandir?

Shuningdek, Abu Rayhon Beruniy tabiatning davomiyligi haqida shunday fikr aytadi: «Ekin ekish va nasl qoldirish bilan dunyo to'lib boraveradi». Zahiriddin Muhammad Bobur «Boburnoma» asarida ko'rgan-kechirganlari, borgan joylarining tabiati, boyligi, hayvonoti, o'simliklari va odamlari, xalqlarining urf-odatlarini tasvirlagan. Unda yer, suv, havo, turli tabiat hodisalariga tegishli ko'plab fikrlar bor. Bobur o'lkani bilgan kishilarni hurmat qilgan, qadrlagan va ular bilan hamisha maslahatlashgan. Ayniqsa, u gullar, manzarali hamda mevali daraxtlarni ko'paytirishga e'tibor bergan.

Ta'lim-tarbiya jarayonini qomusiy olimlar fikrlariga tayanib tashkil etishni tavsiya etamiz. Demakki, madaniyatli kishi tabiat va jamiyat o'rtasidagi muvozanatni saqlaydi, bu borada boshqalarni ham to'g'ri faoliyat ko'rsatishga da'vat etadi, hech bo'lmaganda ko'chalarga axlat tashlanmasligiga, suv va havo ifloslan-masligiga hissa qo'shadi.

Birgina Orol muammosi bunga yaqqol dalil bo'la oladi.

Orol dengizining suvi kamayib ketishi haqida dastlabki xavotirlar bildirilganidan beri yarim asrdan ortiq vaqt o'tdi. O'zbekiston mustaqilligi e'lon qilinishidan oldingi yillarda dengizning sathi keskin kamayib ketayotganligi baralla gapirilib, bu masalaga butun dunyo mamlakatlari va suvchi mutaxassislarning e'tibori tortildi. Har qanday pedagogik faoliyat davomida ekologik tarbiya uchun asos bo'lib "buni yodda tuting" shiori xizmat qilishi mumkin.

Agar, Orolning qurib ketishi faqatgina uning atrofida joylashgan O'zbekiston, Qozog'iston, Turkmaniston emas, butun dunyo iqlimiga salbiy ta'sir etishini hisobga olsak, orolni saqlab qolish dunyo ahamiyatidagi muammo ekanligini tushunib yetamiz.

Biz kelajak avlodlarga yaratgan ma'naviy va moddiy boyliklarimizni, bizgacha mavjud bo'lgan tabiatni va unga munosabatimizni, ya'ni ekologik madaniyatimizni ham meros qoldiramiz. Ekologik madaniyat, bu — faqat tabiatga zarar keltirmaslik emas, balki uning tiklanishi, yanada gullab-yashnashiga hissa qo'shishi, atrof-muhitni parokanda etuvchilarga qarshi beayov kurash olib borish degani hamdir.

ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТНИ ТЕХНОЛОГИЯЛАШТИРИШ ИЖТИМОЙ ЗАРУРИЯТ ОМИЛИ СИФАТИДА

Р.Убайходжаева,
ТВПКҚТМОЙ, доцент

Бизга маълумки, таълим-тарбия соҳаси ҳар бир педагогдан ижодни талаб этади. Бошланғич синф ўқитувчилари эса бу жабҳада маълум даражада фарқли фаолият юритадилар. Кўпгина мактабларда ижодий изланувчан ўқитувчилар томонидан ижод маҳсули сифатида тарбиявий ишларнинг самара берадиган тизими вужудга келган. Айрим бошланғич синф ўқитувчиларининг тажрибасида эса умумий педагогик тизим элементларининг фақат баъзи таркибий қисмларигина бор, холос. Бошқаларида эса педагогик таълим тизимида айнан кераклиси ўрнига турли тадбирларнинг тартибсиз тўпламига дуч келамиз. Ана шундай ҳолда таълим ва тарбиявий имконият билан натижа ўртасидаги узвийлик йўқолади.

Бу каби ҳолатнинг вужудга келмаслиги учун ўқитувчи синф раҳбари сифатида ўз фаолияти давомида қуйидаги педагогик тарбиявий ишлар тизимида эга бўлиши шарт:

- таълим-тарбия умумий мақсадга бўйсунishi ва айти пайтда аниқ вазифага боғланса;
- тарбиянинг мазмуни, методи, усули, ташкилий шакл ва бошқариш жараёнининг яхлит ҳамда бир бутунлигини таъмин этса ва уларнинг ўзаро бир бирига боғлиқ бўлса;
- тарбиядаги динамик ҳолатдаги — яъни, истаган тизим ўз ўтмишига, ҳозирги даражасига ва келажак истиқболларига эга бўлса.

Педагогик фаолият тизими мазмунан бой бўлиши, умумий мақсад ва ўқувчилар имкониятига мос келиши лозим. Зеро, у мазмунан ва шаклан мунтазам янгилашиб турилиши ва бу каби ижтимоий жараён қатнашчилари бўлган жамоанинг эҳтиёжи сифатида вужудга келиши мақсадга мувофиқ.

Мактабдаги педагогик фаолият негизида ташкил этилган ҳар бир тарбиявий иш педагогик фаолиятнинг давомийлигини таъминлаб берувчи омил сифатида бир қатор мактаб тадбирлари атрофига бирлашади.

Амалга ошириладиган барча ишларда бирдан тўққизинчи синфгача бўлган барча ўқувчилар, синф раҳбарлари, ота-оналар, “Камолот” ёшлар ташкилоти, “Камалак” болалар ташкилоти ва оталиқ ташкилоти вакиллари қатнашишлари самарали натижалар бериши тайин.

Масалан, “Жонажон мактабим менинг” мавзусидаги умумий тадбирни олайлик. Ҳар бир синфда шу мавзу билан боғлиқ ўлкашунослик ишлари занжирли ташкил этилади; доривор ўсимликларни йиғиш, ўлка табиатини кузатиш, билимдонлар беллашувини ўтказиш, куз гулдастаси танловини уюштириш, сайёҳлар мусобақасини ташкил этиш, рассомлар, фотосуратчилар танловини ўтказиш ва “Она - Ватан” мавзусида иншо ёзиш, бадиий ўқиш, баҳрибайт ўтказиш, саёҳатга чиқариш (кичикларга-катталарга боғлиқ) ҳамда қўшимча тадбирлар уюштирилиши эса педагогик фаолият технологиялаштирилишига ижтимоий зарурат сифатида қарашни белгилайди. Бинобарин, бу каби фаолиятда “Табиат фантазияси” кўргазмасини ташкил этиш билан ишга яқун ясалади.

Педагогик фаолиятнинг бу каби тахминий дастури ва унинг бу қадар хилма-хиллиги синф ўқувчиларининг мустақиллигини оширади, уларнинг спорт, сайёҳликка ҳамда меҳнатга оид малака ва кўникмаларини синовдан ўтказади, ахлоқий тарбияланганлик даражасини аниқлайди.

Технологиялар элементларидан фойдаланиб ташкил этилган бундай тадбирлар “Қўшиқ бизга ҳамроҳдир” мавзусида қўшиқлар фестивали ўтказиш; таътил кунларида “Биз дунё эгаларимиз” мавзусида суҳбатлар, билимлар ва ижодиёт кўриги, фан ва техника кўрикларини ташкил этиш мумкин. Бу хилдаги ишлар ўз мазмуни билан ўқувчиларда юксак фуқаролик фазилатларини шакллантиради, ғоявий–сиёсий меҳнат ҳамда ахлоқий тарбия уйғунлигини таъминлайди.

Ўз навбатида, ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлигидаги ишлар тизимидан мажмуавий муносабатда ҳам қулай вазиятни яратиш мақсадида фойдаланиш керак. Чунки таълим-тарбия жараёнида вужудга келган педагогик фаолият технологиялари элементларидан таълим ва тарбия жараёнларида аниқ мақсадларда унумли фойдалана оладилар.

Ҳар бир синф ўқитувчисининг иш режаси - тизимли ёндашишда бирор ўқувчини ҳам эътибордан қочирмаслиги алоҳида эътибор бериладиган масаладир. Педагогик фаолият давомидаги иш учун тарбия объекти бўлган ўқувчини яхши билиши ва уни яхлит идрок этиши керак. Кўпчилик ўқитувчилар ўқувчини дарсда ўқувчи, мусобақада спортчи сифатида, яъни ҳар бир аниқ иш шароитидан келиб чиқиб идрок этади ва шунга кўра муомала қилади, ўқувчи шахсининг бошқа томонлари эса ҳозирча ҳисобга олинмайди.

Ҳозирги вақтда ўрганилаётган педагогик фаолиятни технологиялаштиришдаги ишлар тизими ўз белгиларига эга бўлиб, улар тахминан қуйидагича йўналишга эга бўлиши мумкин:

- таълим ва тарбиявий фаолиятни технологиялаштириш умумий мақсадга бўйсунishi ва айни пайтда аниқ вазифага боғланиши ;

- тарбиянинг мазмуни, методи, усули, ташкилий шакл ва бошқариш жараёнининг яхлит, ҳамда бир бутунлигини таъмин этиш;

- бир бутунликнинг ўзаро бир-бирига боғлиқлиги ;

- педагогик фаолият жараёнидаги динамик ҳолат истаган тизим ўз ўтмишига, ҳозирги даражасига ва келажак истиқболларига эга бўлиши ;

- фаолиятнинг бошқарилиши ва тарбиявий иш тизими педагогдан бажарилган ишлар натижасини ўрганиб бориш, таҳлил қилиш услубини эгаллашни тақазо этиши ;

Хулоса қилиб айтганда, ўқитувчи ўз фаолияти давомидаги таълим-тарбия ишлари тизимини яратишда кўпгина ижтимоий омилларни ҳисобга олиши керак.

МАЛАКА ОШИРИШ ТИЗИМИДА ТИНГЛОВЧИЛАРНИНГ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Т.Ф. Мирусманова,
ТВПКҚТМОИ, катта ўқитувчи

Малака ошириш тизимида таълим жараёнини самарали ташкил этишда инновацион технологиялардан фойдаланиш муҳим вазифалардан биридир. Инновацион технологияларнинг асосий мақсади ўқув жараёнини фаоллаштириш, тингловчилар томонидан ўқув материални ўзлаштиришнинг юқори даражасига эришиш, уларни мустақил таълим олишга фаоллаштиришдир.

Таълим технологияларини қўллашда муҳим талаблардан бири ортиқча руҳий ва жисмоний куч сарф этмай, қисқа вақт ичида юқори натижаларга эришишдир. Қисқа вақт орасида муайян назарий билимларни тингловчиларга етказиб бериш, уларда маълум фаолият юзасидан кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, шунингдек, тингловчилар фаолиятини назорат қилиш, улар томонидан эгалланган назарий билим, амалий кўникма ҳамда малакалар даражасини баҳолаш андрогаддан педагогик маҳорат ҳамда таълим жараёнига нисбатан янгича ёндашувни талаб этади.

Таълим технологияларини мажбуран қўллаш орқали мақсадга эришиб бўлмайди. Аксинча, тажрибали педагоглар томонидан асосланган ва қўлланиб келинаётган илғор технологиялардан фойдаланиш билан бирга, мазкур технологияларни ижодий ривожлантириш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Таълим жараёнида таълимий мақсадга эришишда, методларни танлашда тингловчиларнинг ижодий фаоллиги, ташаббускорлиги, касбий соҳадаги билимларини ҳисобга олган ҳолда илгари сурилган муаммони ҳал этишда фаол, мустақил ишлашга йўналтириш лозим. Бунда тингловчилар диққати фақат ягона масалага қаратилмасдан, турли мавзулар бўйича семинар-конференциялар, баҳс-мунозаралар ташкил этиш, ребус, кроссвордлар, чайнвордлардан машғулотларда фойдаланиш ўз навбатида ижобий натижаларга эришишни кафолатлайди. Бу методларнинг ўзига хослиги шундаки, улар фақат таълим берувчи ҳамда таҳсил олувчиларнинг биргаликда фаолият кўрсатиши орқали амалга оширилади.

«ФСМУ ТЕХНОЛОГИЯСИ» ўқув режаси асосида бирор - бир бўлим ўрганиб бўлингач қўлланиши мумкин. У тингловчиларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлашга, ўз-ўзини назорат қилишга, яъни таълим жараёнида эгаллаган билимларини мустақил таҳлил этишга, баҳолашга одатлантирилади.

«ФИКРЛАРНИНГ ТАРМОҚЛАНИШИ» - педагогик стратегия бўлиб, у тингловчиларни бирор-бир мавзунини чуқур ўрганишларига ёрдам бериб, уларни мавзуга таълуқли тушунча ёки аниқ фикрларни эркин ва очик ўзвий боғлаган кетма-кетликда тармоқлашни ўргатади.

Фикрларни тармоқлаш қуйидагича ташкил этилади:

1. Хаёлга келган ҳар қандай фикр бир сўз билан ифода этилиб кетма-кет ёзилади.
2. Фикрлар тугагунча, ёзишда давом этилади ва фикрлар тугаса, у ҳолда янги фикр келгунга қадар бирор-бир расм чизиб турилади.
3. Дарсда имкон борида фикрларни ва ўзаро боғлиқлик кетма-кетлигини кўпайтиришга ҳаракат қилиниши лозим.

«SWOT» ТАҲЛИЛИ услуби

Кучли томонлари - ҳал этилаётган вазифанинг афзалликлари;

Кучсиз томонлари - мақсадга эришишда ички муҳит омилларининг таъсири;

Имконият - белгиланган вазифаларни ҳал этишдаги энг мақбул ҳолат;

Таҳдид - фаолиятни амалга оширишга тўсқинлик қилувчи ташқи муҳит омиллари.

«КЕЙС–СТАДИ» услуби бўйича ишлаш:

1. Якка тартибда ишлаш:

- вазият билан танишиш (матн бўйича ёки сўзлаб бериш орқали); муаммоларни аниқлаш; ахборотни умумлаштириш;
- ахборот таҳлили.

2. Гуруҳда ишлаш:

- муаммоларни белгилаш ҳамда уларнинг долзарблиги бўйича кетма-кетлигини (иерархиясини) аниқлаш;
- муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш;
- ҳар бир ечимнинг афзал ва заиф жиҳатларини белгилаш;
- муқобил ечимларни баҳолаш.

Муаммоли ўқитиш технологияси – тингловчиларни изланиш, ижодий фаолиятини яъни ижодий мустақиллигини шакллантиришга қаратилган таълим технологиясидир.

Мазкур технология асосида бирор-бир муаммони илгари суриш ва асослаш ётади. Илгари сурилган муаммо тингловчиларни қизиқтирса, ўз–ўзидан муаммоли вазият юзага келади.

Муаммоли вазиятлар таркиби: савол тарзида вазифалар қўйиш, тахминларни илгари суриш, муаммони ечиш йўллари кабилардан иборатдир. Муаммо таълим берувчи томонидан шакллантирилиб баён этилади, тингловчилар муаммони ҳал этадилар ёки муаммо тингловчилар томонидан қўйилади ва ўзлари бу муаммони ҳал этадилар.

Қуйида «ГАЛЕРЕЯ» методидан фойдаланишга оид тавсиялар берамиз:

«Галерея» методи тингловчилар билан гуруҳларда бир йўла бир нечта масалани муҳокама қилишга имкон беради. Бу метод билан ишланганда гуруҳнинг ҳар бир аъзоси таклиф этилган барча масалалар ечимини топишга ўз ҳиссасини қўшиш имкониятига эга бўлади.

Дарс жараёнида бу методдан фойдаланиш қўйидагича ташкил этилади:

1-босқич. Масалани қўйиш яъни, гуруҳларга муаммони ҳал этиш бўйича топшириқ берилади;

2-босқич. Ҳар бир гуруҳ ўзига топширилган масаланинг ечимини топиш устида ишлайди;

3-босқич. Ҳар бир гуруҳ навбати билан иккинчи, учинчи ҳамда тўртинчи гуруҳга топширилган муаммонинг ечимини топишга киришади (гуруҳлар ҳаракати доира тарзида соат стрелкаси бўйича амалга оширилади; маълум гуруҳ бошқа гуруҳларнинг топшириқ бўйича ечимларини ўрганади, қўшимчалар қўшилади);

4-босқич. Гуруҳ ўз ўрнига қайтади;

5-босқич. Ҳар бир гуруҳдан бир нафар тингловчи гуруҳ иши билан тингловчиларни таништиради ва муҳокама ўтказади;

6-босқич. Фикрлар умумлаштирилади.

Хулоса шуки, малака ошириш тизимида таълим жараёнини самарали ташкил этишда инновацион технологиялардан фойдаланиш ўқув жараёнини фаоллаштириш, тингловчилар томонидан ўқув материални ўзлаштиришнинг юқори даражасига эришишга имкон яратади.

УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ ЧИЗМАНИ ЎҚИШГА ЎРГАТИШНИНГ БАЪЗИ УСУЛЛАРИ

Ф.Бердиева,
ТВПКҚТМОИ, катта ўқитувчи,
М.Халимов, З.Мирзалиев,
Низомий номидаги ТДПУ, катта ўқитувчилар


Мактаб ўқувчиларини чизмаларни ўқишга ўргатиш мактаб чизмачилиги фанининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Чизмани ўқиш деганда, буюм ёки детал чизмасини таҳлил қилишда унинг фазовий ҳолати шаклланиши рўй берадиган жараён тушунилади. “Чизмани ўқиш-жисмнинг тасвирини фикран идрок этиш асосида унинг ҳажмий қиёфасини тасаввур қилиш, уни тайёрлаш ва текшириб кўриш учун зарур бўлган барча маълумотларни аниқлаш ва тасвирланган жисм қиёфасининг тавсифини бера олиш демакдир”, - деб ёзган эди А. Д. Ботвинников ўзининг “Экспериментальные исследования обучения чтению чертежей” китобида. “Чизмани ўқиш деганда предметнинг чизмасини ўрганиш вақтида унинг фазовий образининг шаклланиши рўй берадиган жараён тушунилади”, - деб ўзларининг “Ўрта мактабда чизмачилик ўқитиш методикаси” китобида С. И. Дембинский ва В. И. Кузменколар ёзишган.

Бу борада Чизмачилик фани бўйича И. Раҳмонов муаллифлигида “Ўқитувчи” нашриётида чоп этилган “Чизмаларни чизиш ва ўқиш” номли методик қўлланмада детал чизмаларини чизиш ва ўқишга оид маълумотлар келтирилган бўлса, профессор Э.Рўзиев, А.Аширбоевлар муаллифлигидаги “Муҳандислик графикасини ўқитиш методикаси” номли дарслигида олий таълим муассасалари ўқувчиларининг фазовий тасаввурини ошириш ва детал чизмаларини ўқиш ва ўқитишнинг бир неча методлари келтирилган. Мактаб чизмачилиги учун бир неча дарслик ва ўқув қўлланмалар муаллифи, А.Умронхўжаев ўзининг мактаб ўқитувчилари учун мўлжалланган “Проекциялаш асосларидан таълим бериш” номли ўқув қўлланмасида чизма билан яққол тасвирни таққослаш, моделлар яшаш асосида чизмаларни ўқиш, пластик материаллардан моделлар яшаш орқали ўқувчиларни чизмани ўқишга ўргатиш бўйича ўзларининг методик тавсияларини бериб ўтган. Шу билан бир қаторда У.Рихсибоев, Н.Хурбоев, Н.Ёдгоров, С.Сайдалиев ва бошқалар ўзларини номзодлик илмий тадқиқот ишларида ўқувчи ва ўқувчиларнинг фазовий тасаввурини ошириш усуллари, чизмаларни чизиш ва ўқишга оид баъзи бир қарашларини келтириб ўтганлар.


Ишлаб чиқариш чизмаларини ўқиш ҳақида гапирсак, унда чизмадан деталнинг фазовий ҳолатини тасаввур қилишнинг ўзи етарли бўлмайди. Бу ерда детал ўлчамига, унинг сиртлари тозалигига, детални тайёрлашдаги допусklarга, қайта ишлаш усуллари ва ҳоказоларга тегишли бошқа маълумотлар ҳам олиш зарур. Шундай қилиб, ишлаб чиқариш чизмаларини ўқиш, бу фақат чизма бўйича деталнинг фазовий образи - сиймосини тасаввур этиш эмас, балки детални тайёрлаш учун зарур бўлган барча шартлилик ва талабларни билишдан иборатдир. Шунинг учун ҳам, ишлаб чиқариш чизмаларини ўқиш жараёни анча мураккабдир. Шу боис, техник чизмаларни ўқиш ўқувчилардан уларда келтирилган техник талабларни яхши билишни тақозо қилади.

Чизмаларни ва айниқса ишлаб чиқариш чизмаларини ўқишга ўргатиш бутун курс давомида мунтазам олиб борилиши керак. Аммо техник деталлар чизмасини ўқишга ўтишдан олдин ўқувчиларга детал тузилишини оддий геометрик жисмларга ажратишга ёки деталлардаги геометрик шакллари тасаввур қилишга ўргатиш мақсадга мувофиқ бўлади. Агар ўқувчиларни тизимли равишда алоҳида геометрик жисмлар чизмасини, кейин эса улардан комбинациялаб ташкил қилинган жисмларнинг чизмасини ўқишни ҳам машқ қилмасдан туриб ўқитишда ижобий натижага эришиб бўлмайди.


Ўқувчиларда чизмаларни ўқиш малакасини егаллашдаги муваффақият кўп жиҳатдан машқ қилиш жараёнига боғлиқ бўлади. Чизмаларни ўқишга ўргатиш жараёнида тасодифан танлаб олинган материалдан фойдаланиш ярамайди. Биринчи босқичда оддий геометрик образ, яъни нуктанинг проекцияларига оид топшириқлар 1- расм, а) сўнгра тўғри чизикка оид 1- расм, б) ва сўнгида эса, текис шаклга оид 1-расм, в)даги топшириқларни бажариб чизмани ўқиш шакллантирилади. Иккинчи босқичда таркиби оддий геометрик жисмлардан иборат бўлган содда ва мураккаблашиб боровчи деталларнинг чизмасини ўқиш малакаси ошириб борилади.



1- расм (а)



1- расм (б)



1- расм (в)

Чизмаларни ўқишда биринчи машқларни гуруҳ учун умумий ўтказиш, кейин эса ҳар бир ўқувчи учун мустақил машқларга ўтиш керак.

Буларга қуйидагиларни киритиш лозим:

- қатор яққол тасвирлар бўйича уларга мос проекцияларини топиш;
- геометрик жисмлар гуруҳидан тузилган чизмани ўқиш;
- предмет эскизини аслига қараб бажариш ва техник расмини бажариш;
- оғзаки баён этиш (аммо баъзи график маълумотлар билан) бўйича чизмани чизиш;
- берилган чизмаси бўйича предметнинг яққол тасвирини бажариш;
- детал ёки модел сиртида жойлашган нуқта ва чизиқлар проекцияларини ясаш;
- моделнинг берилган икки проекцияси бўйича учинчисини ясаш;
- моделнинг берилган чизмасини тузатиш ёки бошланган қисмини охиригача чизиш;
- детал чизмасида қирқим ёки кесимни бажариш;
- детал чизмаси бўйича турли материаллардан (сим, картон, пластилин ва ҳоказо материаллардан) моделлар ясаш;
- буюмнинг йиғиш чизмасини деталларга ажратиш ва ҳоказо.

Кўрсатилган машқлар билан бир қаторда предметни бирор бурчакка буриш ва шу предметни янги ҳолатда тасвирлаш билан боғлиқ бўлган машқларни тавсия этиш мумкин. Бундай машқлар ўқувчиларнинг фазовий тасаввурларини анча ривожлантиради.

Юқорида келтирилган мисоллардан кўзланган асосий мақсад узлуксиз таълим жараёнида ўқувчиларни чизмани ўқишга ўргатиш, уларнинг фазовий тасаввурини оширишдан иборат бўлиб, таълим самарадорлигини оширишга эришишдир.

ЎҚУВЧИ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА ЎҚИТУВЧИНИНГ ПЕДАГОГИК МАҲОРАТИ

Г.Сулаймонова,
ЎзПФИТИ илмий ходими

Бугунги кунда юқори малакали кадрларни тайёрлашда ўқитишнинг ҳозирги замон тизимлари ва янги педагогик технологиялари асосида амалга оширилиши мақсадга

мувофикдир. Дарс жараёнида қўлланиладиган янги педагогик технологияларнинг аҳамияти шундаки, унда қўйилган мақсадларга эришиш кафолатини берувчи ўқув жараёни режалаштирилади ва амалга оширилади.

Бизга маълумки, дарс машғулоти муваффақиятли ўтишининг деярли 80 фоизи таълим жараёнини тўғри лойиҳалаштириш, ташкил этиш ва уни амалга оширишга боғлиқдир.

Замонавий педагогик технология ўзининг педагогика ва бошқа фан ютуқлари билан боғлиқ хусусий назариясига эга; у биринчи галда ўқув-тарбиявий жараёни илмий асосда қуришга йўналтирилган; ўқитишнинг ахборотли воситалари, дидактик материаллар, фаол методлардан кенг фойдаланишга асосланган ўқитувчи ва талабаларнинг биргаликдаги фаолиятига замин яратади.

Инновацион технологиялар педагогик жараён ҳамда ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан интерактив методлардан тўлиқ фойдаланилади. Бу ўринда ноанъанавий дарс усулларида унумли фойдаланиш, ўқув жараёнига замонавий технологияларни жорий этиш талаб этилади ҳамда таълим жараёни субъектларига ўз устларида тинимсиз изланишлари катта самара беради. Айниқса, дарс жараёнига ўқувчиларнинг ўзларини фаол жалб қилиш, кўзга ташланган камчиликларни бартараф этишда уларнинг иштирокини таъминлай олиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, бу ўқувчиларда ўзаро дўстлик, ҳамкорлик ҳислатларнигина эмас, балки уларда мустақил фикрлаш қобилиятини ҳам шакллантириб боради.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, замонавий ўқитувчи, унинг бурч ва вазифалари ҳақида ҳали кўп бора фикрлашиш, баҳслашиш шубҳасиз. Чунки, ўқитувчининг жамият олдидаги масъулиятли вазифаси жуда улуғ ва шарафлидир. Ўқитувчи нафақат синф хонасига файз ва зиё олиб киради, балки минг-минглаб мурғак қалбларга эзгулик ёғдусини бахш этади ва шу билан бирга ўз ўқувчиларига катта ҳаёт мактаби эшикларини кенг очади.

Умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси ҳам ҳаяжон, ҳам катта орзу-ҳавас билан синфга кириб келган бола психологиясини яхши билиши, улар қалбида мактабга нисбатан меҳр уйғота олиши муҳим дидактик аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан ўқитувчилар ўқувчиларда нафақат дастлабки билим ҳамда кўникмалар, балки миллий ва маънавий тарбияни шакллантирувчи шахслар ҳисобланади.

Шуни алоҳида ҳисобга олиш керакки, албатта, ҳар бир оила даврасида ота-оналар ёки оиладаги катталар ўқувчи-болаларидан, ўқитувчисининг кимлиги, унга нисбатан қандай эътибордалиги, дарсни қандай ўтаётганлиги, муносабати, муомала маданияти ҳақида маълумотларни билишга қизиқадилар. Ўқувчидан олинган маълумотлар ва оила аъзоларининг ўқитувчи ҳақидаги билдирилган фикрлардан қандай хулосага келинса, келажакда ўқувчининг тасаввурида ўқитувчи шахси янада улуғ ва бола психологиясидаги ижобий ҳислатларга эга яхши шахс сифатида изларини қолдира бошлайди.

Биз ўқитувчи ҳақида гапирганимизда, албатта у яшаётган ва фаолият кўрсатаётган муҳитни ҳам ҳисобга олишимиз лозим. Шундай экан, барча ҳамкасблари қатори ўқитувчи ҳам ўзи яшаётган туман ёки маҳаллада етарлича обрў-эътиборга эга эканлигини унутмаган ҳолда, муомала ва кийиниш бобида ҳам ўз шогирдларига ўрнак бўлиши лозим.

Бизга маълумки, мактаб барча болалар учун қувонч келтирадиган, дунёга кенг эшик очиб берадиган, уларни юксак маънавият чўққисига етаклайдиган, шу йўл билан баркамол инсон бўлиб вояга етишлари учун хизмат қиладиган асосий маскан ҳисобланади.

Ўқувчи нақадар иқтидорли бўлмасин, билимнинг дастлабки пойдеворлари қўйиладиган бошланғич синфларда малакали ўқитувчи қўлида таҳсил олмаса, ундаги истеъдод ўзининг мавжуд қирраларини намоён қилиши қийин. Бунинг учун ўқитувчи дарс жараёнида нафақат ўз билим, маҳорат ва малакасига таяниши, балки бошқа инсоний фазилатларни ҳам ўзида сингдириб бориши лозим.

Ўқитувчи, энг аввало, болаларга меҳр бериши, уларнинг ҳар бир ютуғини ўзиникидай билиши, муваффақиятсизликлар сабабини чуқур таҳлил қила олиб, уни бартараф этиш йўллари топа олиши керак.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб шуни таъкидлаш мумкинки, барча жамият аъзолари орасида ўқитувчи – юксак даражада билим, малака, педагогик маҳоратга эга, маънавийтли, маърифатли шахс бўлиши билан ажралиб туради. Эндигина мактаб остонасига қадам қўйган бола учун, авваламбор, ўқитувчиси дунёдаги энг билимдон, энг доно, энг меҳрибон инсон деб қабул қилади. Шундай экан, ўқитувчиси ҳақидаги бундай ижобий фикрлари ва хулосалари ўқувчининг доим хотирасида қолиши учун биз педагоглар доимий изланишда фаолият юритишимиз лозим.

МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ ВА ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ ИНТЕГРАЦИЯСИ – ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛИ

Ў.О.Тоҳиров,
РТМ, методист

Мамлакатимизда таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш масаласига катта эътибор қаратилганлиги, бу борада қабул қилинаётган қонун ва фармонларда ўз ифодасини топмоқда.

Бугунги кунда умумий ўрта таълимнинг янги таҳрирдаги Давлат таълим стандартлари, модернизация қилинган ўқув дастурларини амалиётга жорий қилиш ва фанларнинг интеграциясини таъминлаш долзарб бўлган вазифалардан ҳисобланади. Ушбу вазифалардан бири – меҳнат таълими ва иқтисодиёт фанларини ўзаро интеграциялашдир. Бу эса ўз ичига мамлакатда амалга оширилаётган бозор ислохотларини қамраб олиши лозим.

Умумий ўрта таълим мактабларида ташкил этиладиган меҳнат таълими фанини бозор муносабатлари талаблари асосида модернизациялаш асосида ўқувчиларга бошланғич синфлардан бошлаб тадбиркорлик фаолиятига оид дастлабки тушунчаларни ўргатишни тақозо қилмоқда. Бу борада қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2012 йил 16 майдаги 160-сонли буйруғи катта аҳамият касб этади. Мазкур буйруқ асосида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим мактабларининг 2012-2013- ўқув йилига мўлжалланган таянч ўқув режаларига берилган тушунтириш хатининг 6-бандида “Иқтисодий билим асослари”: I-IV синфларда “Иқтисод ва солиқ алифбоси” курсининг ўқув материаллари “Меҳнат таълими” фани таркибида, синфлар кесимида 10 соатдан жами 40 соат ва V-VII синфларда “Иқтисод ва солиқ сабоқлари” ўқув курслари “Меҳнат таълими” фани таркибида синфлар кесимида 17 соатдан жами 51 соат ўқитилади.

“Иқтисод ва солиқ алифбоси” (1-4-синф) ўқув курсидан:

1-синф: “Пазандачилик касби ҳақида тушунча” мавзуси таркибига: “Одамлар нима учун меҳнат қиладилар?” мавзуси “Касблар ҳақида маълумот. Қурувчилик касби” мавзуси таркибига “Касб ва ҳунарлар”, “Кимлар қаерда ишлайди?” мавзулари, “Баҳорги дала ишлари” мавзуси таркибига “Меҳнатнинг маҳсули-маҳсулот ва унинг турлари” мавзуси; **2-синф:** “Халқ ҳунараманд усталари ишлаган иш намуналарига қараб пластилин ёки лойдан ўйинчоқлар яшаш” мавзуси таркибига “Товар нима? Ҳамма маҳсулот ҳам товар бўладими? Хизматлар ва уларнинг турлари” мавзулари; **3-синф:** “Юмшоқ ўйинчоқ тикиш ҳақида умумий тушунча. Юмшоқ ўйинчоқ тикиш” мавзуси таркибига “Тадбиркорлар кимлар? Улар нимаси билан бошқалардан ажралиб туради? Тадбиркорлар нима билан шуғулланадилар?” мавзулари; **4-синф:** “Дурадгорлик асбоблари” мавзуси таркибига “Устахона жиҳозлари”, “Устахонада тайёрланадиган маҳсулотлар” мавзулари, “Гулларни парвариш қилиш” мавзуси таркибига “Сув учун ҳақ тўлаш. Электр учун ҳақ тўлаш” мавзулари, “Ижодий иш” мавзуси таркибига “Ўз кучи билан кўргазмали ўқув қуроллари яшаш” каби мавзулари киритилган.

“Иқтисод ва солиқ сабоқлари” ўқув курсидан:

5-синф: “Эҳтиёжлар ва уларнинг турлари” мавзуси “Металларнинг турмушда ва халқ ҳўжалигидаги аҳамияти, тузилиши, турлари, соҳалари. Металларнинг ташқи кўриниши ва

ўзига хос белгилари” мавзуси таркибига, “Ишлаб чиқариш”, “Эҳтиёжларнинг чексизлиги” мавзулари; “Дурадгорлик буюмлари деталларини тайёрлаш” мавзуси таркибига, “Табиий, капитал, меҳнат ресурслари”, “Табиатдаги жами ресурслар чегараланганлиги” мавзулари; “Ёғочнинг турмушда ва халқ ҳўжалигидаги аҳамияти, тузилиши, турлари, соҳалари. Ёғочнинг ташқи кўриниши ва ўзига хос белгилари” мавзулари таркибига: “Бозорнинг турлари: истеъмол товарлари бозори; ишлаб чиқариш воситалари бозори” мавзулари; “Халқ хунармандчилиги ҳақида умумий маълумот” мавзуси таркибига: “Натурал ҳўжалик”, “Айир-бошлаш”, “Бартер”, “Товар”, “Товар ҳўжалиги” мавзулари; “Ёғочга ишлов беришда қўлланиладиган халқ хунармандчилиги элементлари” мавзулари таркибига: “Меҳнат”, “Инсоннинг меҳнатга бўлган эҳтиёжи” мавзулари; “Ўзбек миллий ошхонасининг ўзига хос хусусиятлари ва ривожланиши” мавзуси таркибига сингдирилган бўлса, **6-синф**: “Қандолатчиликда ишлатиладиган технологик жиҳозлардан фойдаланиш қоидалари” мавзуси таркибига: “Меҳнат унумдорлиги”, “Замонавий техника ва технологиялар” мавзулари; “Ёғочга ишлов бериш технологияси асосида уй-рўзғор буюмларини тайёрлаш” мавзуси таркибига: “Ишлаб чиқариш омиллари: табиий омил, меҳнат омили, капитал омили ва тадбиркорлик” мавзулари; “Электр энержиясини тежамли ишлатиш усуллари. Электротехник ҳамда электрон ускуналарни ишлаб чиқариш, ишлатиш ва уларга хизмат кўрсатишга оид касб-хунарлар тўғрисида маълумот” мавзулари таркибига: “Меҳнат тақсимооти ва касблар”, “Соҳа ва тармоқлар”, “Ихтисослашув” мавзулари киритилди.

Меҳнат таълими фанидан буйруқ асосида ишлаб чиқилган ушбу таянч ўқув режа асосида тажриба-синов ишлари олиб борилди ва ҳозирда ҳам давом эттирилмоқда. Бу жараёнда олинган натижалар шуни кўрсатмоқдаки, ўқувчиларнинг меҳнат таълими машғулотларидаги инновацион фаолиятини мустақил ва онгли равишда ташкил этишга, бозор муносабатлари асосида рақобатбардош уй-рўзғор буюмларини лойиҳалаш ва тайёрлашга, тадбиркорлик ва касаначиликка доир билимларнинг бошланғич даражаларига оид билим, кўникма ва малакаларни янада пухта ўзлаштиришларига эришилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, илм-фан тараққиёти ва мамлакатимиз иқтисодиётини инновацион ривожлантиришдаги муҳим ҳамда дастлабки кўрсаткич бўлиб, бозор муносабатлари талаблари асосида меҳнат таълимини модернизациялаш тенденцияларини белгилаб олишга хизмат қилади.

ТАЪЛИМДА ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ АФЗАЛЛИГИ

З.Ҳайдарова,
Наманган ВПҚҚТМОИ, ўқитувчи

Барчамизга маълумки, бугун таълим соҳасида қатор ислохотлар ўтказилиши, янги услуб ва технологияларнинг жорий этилиши ўқитувчидан янада кўпроқ изланиш, ўрганиш ва ўз устида ишлашни тақозо қилмоқда. Ўқувчилар, тингловчилар ва талабаларнинг янги билимларни ўрганишга бўлган эҳтиёжлари кун сайин ортиб бормоқдаки, бу эҳтиёжларни, уларнинг билимга бўлган чанқоқлигини қондириш, албатта, ўқитувчининг қай даражада изланиши ва ўз устида ишлашига боғлиқ..

“Дарс - муқаддас” тавсиялари асосида дарсларни олдиндан режалаштириш ва лойиҳалаштириш (технологик харита), мавзуга мос методларни танлаш ва қўллашда ўқитувчининг билими, қобилияти ва касбий маҳорати қай даражада эканлиги, замон янгиликларидан хабардорлиги муҳим омиллардан биридир.

“Илғор педагогик технологиялар”, “инновацион услублар”, “интерактив методлар” каби атамаларнинг луғатимизга кириб келганлиги ва улардан кенг фойдаланиш давр тақозосига айланганлиги кўпчиликка сир эмас.

Биз куйида таълимнинг барча соҳаларига кириб келган интерактив методлар ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Таълим олувчининг инновацион қобилияти унинг яратувчилик қобилияти шаклланганлиги даражаси билан белгиланади. Ўзбекистон таълим тизимининг инновацион қобилияти ҳозирги кунда ўзининг илғорлиги билан амалиётда синаб кўрилган ўқитишнинг янги методи ва усуллари - интерактив усуллари таълим жараёнига татбиқ этишда кўринади. Кўпгина методик инновациялар таълимнинг интерактив методлари билан боғлиқ бўлмоқда.

“Интерактив” сўзи инглиз тилидаги “Interakt” сўзидан олинган бўлиб, “Inter”- биргаликда, ўзаро, “akt”- ҳаракат маъносини билдиради, яъни ўзаро биргаликдаги ҳаракат, фаолият ёки суҳбат, диалог тартибида бўлишни (масалан, ўқувчи-ўқитувчи, ўқувчи-ўқувчи, ўқувчи-компьютер) ифодалайди.

Интерактив таълим методи, бу - диалогик таълим бўлиб, у ўқувчи ва ўқитувчи ёки ўқувчи ва компьютер ўртасидаги ўзаро биргаликдаги фаолият жараёнини кўзда тутди. Мазкур ўқитиш методи - билиш фаолиятини махсус шаклда ташкил этиш демакдир.

Интерактив ўқитиш методи таълим жараёнининг олдиндан белгиланган аниқ мақсади бўлишини, улар бўлакларга ажратилишини тақозо этади. Шундай мақсадлардан бири- *таълим шароитининг қулай ва ёқимли бўлишини таъминлашдир*. Ўқувчи дарсда тўла ўзлаштириш имконияти борлигини ҳамда мазкур масаланинг ўзлаштириш усулини, мазкур масалани ишлашга интеллектуал салоҳияти етарли эканлигини ҳис қилиши алоҳида аҳамиятга эга. Шундай ёқимли психологик иқлимда таълим жараёни махсулли фаолиятга айланади.

Интерактив ўқитиш методини қўллаш жараёнида ўқувчиларнинг барчаси билиш жараёнида фаол қатнашадилар, улар ўзлари билган, эсга туширган, ўйлаган маълумотларига таянишлари, улардан билиш жараёнида фойдаланишлари мумкинлигини тушунадилар ва шунга мослашадилар. Биргаликдаги ақлий билиш, изланиш фаолиятида ҳар бир ўқувчи шахсан иштирок этиб, унга ўз ҳиссасини қўшади. Билимлари, ғоялари, қарашлари, нуктаи назарлари, фаолият кўрсатиш усуллари билан ўқувчилар ўзаро фикр, тажриба алмашадилар.

Ўзаро фикрлашиш, тажриба алмашиш жараёни самимий, сидқидилдан ўзаро қўллаб-қувватлашдек илиқ руҳий иқлимда бўлиб ўтса, бу ҳолат нафақат янги билим олишни таъминлайди, балки билиш фаолиятини оширади, фаоллаштиради, уларнинг билиш жараёнидаги ҳамкорлигини мустаҳкамлайди.

Дарслардаги интерактив фаолият 5 та асосий элементдан ташкил топади.

1. Ижобий-самимий ўзаро боғлиқлик.
2. Гуруҳ ичида шахсий масъулиятлилик.
3. Бир-бирига таъсир этувчи ўзаро фаолият.
4. Ҳамкорликда ишлаш малакаси.
5. Гуруҳда ишлаш.

Интерактив метод бир кишининг фикри, чиқишларини бошқаларникидан устун қўйишни таққилайди. Барча ўқитувчилардан ўқувчиларнинг ҳар бирини ўзига хос қараши, фикри, ҳулосаси борлигини ҳисобга олишни, ҳурмат қилишни талаб этади.

Диалогик таълим жараёнида ўқувчилар танқидий фикрлашга, мураккаб масалаларни, ҳолатларни таҳлил қилиш, маълумотларга таяниш орқали альтернатив фикр устида мулоҳаза юритиш, ўйлаб ҳулоса чиқариш, мунозараларда фаол қатнашиш ва бошқалар билан мулоқотга кира олишни ўрганадилар. Шунинг учун дарсларда ўқувчилар билан яқка тартибда, гуруҳларда, жуфтликда ишлаш, биргаликда изланиш режасини тузиш, ролли ўйинларда, кичик сахна ижроларида иштирок этиш, ижодий ишлардан фойдаланиш кабилар уюштирилади.

Интерактив метод бозор иқтисодиёти шароитида ёшларнинг иш берувчилар талаби даражасидаги умумий интеллектуал ривожланишини ҳамда ижтимоий кўникма ва малакага эга бўлган, ҳар доим фаоллик кўрсатишдек сифатларни ўзида мужассамлаштирган шахс сифатида тарбияланиб, вояга етишини таъминлайди.

Интерактив методнинг афзаллиги, самарадорлиги шундаки, дарсларда ўқувчилар нафақат ғоялар, қарашлар ва берилган баҳоларга ўз фикрларини билдирадилар, балки улкан маълумотга эга бўлиш салоҳиятларини фаоллаштириш ва ўқув жараёнидаги ижобий вазифага тааллуқли мусобақада ўз кучларидан тўла фойдаланишни ўрганадилар. Гуруҳнинг интеллектуал кучи бир ўқувчининг интеллектуал кучи миқдоридан доимо юқори бўлади.

Интерактив ўқитиш методи синфда шериклик атмосферасини яратиш учун аниқ имкониятларга эга. У яхши дарс ўтишнинг тайёр рецепти бўлмасдан, мазкур ўқитиш методига асосланган таълим технологияси, ўқитувчи ва ўқувчиларни ижодий муаллифдоши тартибида ишлашга ўргатади. Натижада ўқувчи ҳаётнинг, ишлаб чиқаришнинг ҳар қандай ўзгаришларига кўра ўзининг стандарт бўлмаган хулоса ва қарорларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш малакасини эгаллайди.

Интерактив ўқитиш методи ўқитувчига:

- дарс мавзусига ўқувчиларни қизиқтириш;
- ўқув материални бирмунча мустаҳкам ўзлаштирилишига эришиш;
- аналитик фикрлашни ривожлантириш;
- алоқа ўрнатиш, мулоқотга киришиш малакасини шакллантириш;
- барча ўқувчиларнинг ўқув фаолиятида фаол қатнашишлари учун шароит яратиш;
- ўқув гуруҳида ёқимли, ҳаммага маъқул руҳий иқлим яратиш имконини беради.

Интерактив методлардан фойдаланиш жараёнида мунозара, ақлий ҳужум ва бошқа тренингларда қатнашиш мазкур методни эгаллаш учун қулай имкониятдир. Шу ва шу каби илғор усуллардан кенг фойдаланиш барча ўқитувчиларимизга ёшларни ўқитиш ва тарбиялаш ишида қулайликлар яратади ва таълимда юқори самарадорликка эришиш учун имкон беради.

МЕҲНАТ ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТЕХНОЛОГИЯЛАР

А.Холматова,

ТВПКҚТМОИ, катта ўқитувчи;

Н.Қайтарова,

Низомий номидаги ТДПУ 2-курс магистранти

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарларида таъкидлаб ўтганларидек, моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлигини бевосита умумий ўрта таълим мактабларида меҳнат таълими дарсларида амалга ошириш имконияти кенгрокдир. Шунинг учун ҳам, мазкур дарслар амалий машғулотлар, ўқувчиларнинг қўл меҳнати билан амалга ошириладиган ишлар шаклида “БББ”, “Венн диаграммаси”, “Мозаика” усули каби интерфаол метод ва усуллардан фойдаланиб ўтказилади.

Қуйида эътиборингизга 6-синф меҳнат таълими дарсларида **“Ўқувчилар учун белдан кийиладиган кийим турлари, юбка ҳақида маълумот”** мавзусини ўтишда яхши самара бераётган “Мозаика” усулини ҳавола этамиз.

Одатда, меҳнат таълимига оид амалий машғулотларни ўтиш учун бирор деталь ёки буюмни тайёрлашдан олдин, ўқувчиларга унинг қандай тузилишга ва кўринишга эга эканлиги ҳақида маълумот бериш муҳим аҳамиятга эга. Бунда ҳар қандай деталь ёки буюмнинг тузилиши, кўринишини тушунтиришда чизмаларнинг ўрни бекиёсдир. Шу сабабли меҳнат таълими дарсларида ўқувчиларга олдиндан чизмачилик фанидан айрим тушунчаларни, жумладан, иш чизмаси, эскиз, техник расм кабиларни бериш ўринлидир. Бу тушунчаларни ўқувчиларга мос ҳолда қуйидагича таърифлаш мумкин:

1. Буюмнинг қўлда чизилган яққол тасвири техник расм дейилади. Бунда аксанометрик қоидалар асосида буюмнинг учта томони кўрсатилади ва буюм қисмлари орасидаги мутаносиблик сақлаб қолинади, аниқ ўлчам ёки масштабга қатъий риоя этилмайди.

2. Буюмнинг учта текисликдаги кўринишининг қўлда тасвирланиши эскиз дейилади. Бунда ҳам буюм қисмлари орасидаги мутаносиблик сақланади, бироқ аниқ ўлчам ёки масштабга қатъий риоя этиш талаб қилинмайди.

3. Буюмнинг учта текисликдаги кўриниши берилган ўлчам ёки масштаб асосида чизмачилик асбоблари ёрдамида аниқ, қатъий тасвирланиши иш чизмаси деб юритилади.

Бунда техник расм, эскиз буюм ҳақида дастлабки тушунча беришда қўлланилса, иш чизмасидан бевосита буюмни тайёрлашда фойдаланилади. Бу усулни қўллаш учун синф ўқувчилари уч гуруҳга ажратилади ва машғулот ҳам уч босқичда олиб борилади.

1- босқичда, 1-гуруҳ ўқувчилари юбканинг техник расмини; 2-гуруҳ ўқувчилари юбканинг эскизларини чизишни; 3-гуруҳ ўқувчилари эса моделлаштириш босқичларига оид маълумотларни ўрганадилар, керакли тасвирларни чизадилар. Бу – ўрганиш босқичи дейилади.

2- босқичда ҳар бир гуруҳдан биттадан ўқувчи ажралиб чиқади ва улар ўзаро бирикиб янги гуруҳларни ташкил этадилар. Янги ташкил этилган бу гуруҳдаги ўқувчилар биринчи босқичда ўрганган нарсаларини бир-бирларига ўргатадилар. Бу – ўргатиш босқичи дейилади.

3- босқичда ўқувчилар 1- босқичдаги ўз гуруҳларига қайтадан бирлашадилар ҳамда 2- босқичда бажарган ишлари, ўрганган-ўргатганлари юзасидан ўзаро фикр алмашадилар. Бу - муҳокама босқичи дейилади. Дарс охирида ўқитувчи бажарилган ишларни текширади ва баҳо қўяди.

Бу усулнинг афзаллиги шундаки, ўқувчилар қисқа вақт ичида катта ҳажмли маълумотларни ўрганиш имкониятига эга бўладилар. Бир-бирларига ўз фикрларини тушунтириш, савол бериш, эслатиш, мулоқот қилиш кабилар орқали ўқувчиларда мустақил ва ижодий ишлаш малакалари таркиб топади. Шу сабабли маълум тайёргарлик ишларини бажаргандан кейин ҳажми кенгроқ бўлган мавзуларни ўрганишда ҳам бу усулдан фойдаланиш яхши самара беради.

Бу усулдан фойдаланганда кўйидаги имкониятлар намоён бўлади:

- Ўқувчилар билимини эркин эгаллашга йўналтириш;
- Бир машғулот давомида ўқув материални чуқур ва яхлит ҳолатда ўрганиш, ижодий тушуниб етиш;
- Ҳар бир ўқувчининг турли топшириқларни бажариши ва ўқитувчи ролида чиқиши;
- Хотирани, ғояларни, фикрларни, далилларни ёзма ва оғзаки шаклларда баён қилиш кўникмаларини ривожлантириш;

Юқорида кўрсатилган “Мозаика” усулидан фойдаланиш, ўз навбатида, ўқитувчилардан ҳам катта тажрибага эга бўлишлари лозимлигини тақозо этади.

ЧЕТ ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ЎЙИНЛАР ВОСИТАСИДА КИЧИК МАКТАБ ЁШИДАГИ ЎҚУВЧИЛАРНИ ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМГА ТАЙЁРЛАШ

М.Ж.Расулова,

ЎзПФИТИ, катта илмий ходим-изланувчи

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрда “Чет тилларни ўргатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори асосида чет тили ўқув фани сифатида 2013 йил 1 майига қадар бошланғич таълим таркибидан тўлиқ ўрин эгаллаши, чет тилларни ўргатишга бўлган қизиқишни кучайтириш ва халқнинг ўртача маълумот даражасини ўстириш, халқаро ва маданиятлараро ҳамкорликка тайёргарликни шакллантириш каби истикболдаги вазифаларни амалга оширишни кўзда тутди ва ушбу фаннинг таълимдаги аҳамиятини тасдиқлайди. Бошланғич синфларда чет тилини ўргатиш ўқитувчидан ҳам билим ҳам масъулият талаб этади. Ўқитувчидан ўқитиш методикасини яхши билиш, балки кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг психологик хусусиятларини

ҳисобга олиш зарурлигини талаб этади. Бошланғич синфларда ўқитувчи инглиз тили дарсларига тайёрланишда кўриш, эшитиш, ёзув, амалий топшириқларга эътибор бериши зарур. Ўқитувчи ушбу фаолиятни амалга оширишда ўйинлардан фойдаланиши мақсадга мувофиқдир. Инглиз тили дарсларида турли хил ўйинлардан фойдаланиш ўқувчилар хотираси яхшиланишига, диққат ҳамда мустақил фикрлашнинг шаклланишига хизмат қилади. Таниқли педагог М.Ф.Стронина “Инглиз тили дарсларида ўргатувчи ўйинлар” китобида ўйинларни қуйидаги категорияларга бўлади:

1. Эшитиш машқлари.
2. Лексик ўйинлар.
3. Фонетик ўйинлар.
4. Орфографик ўйинлар.
5. Алфавит устида ишлаш ўйинлари.
6. Грамматик ўйинлар.
7. Лексик ва грамматик материал билан ишлашга мўлжалланган ўйин машқлари.

Эшитиш машқлари.

Мақсад:

- ўқувчиларни бир марта айtilган сўзнинг маъносини тушунишга ўргатиш;
- ўқувчиларни тақдим этилаётган ахборотлардан асосий маънони англаб олишга ўргатиш;
- ўқувчиларни тинглаб ёдда сақлашга ўргатиш.

Тинглаб тушуниш ўйин-машқларини расмларсиз, олдиндан тайёрланган саволларсиз матнни ўқиб бериш орқали ҳам ўтказса бўлади. Бундай машқлар ёдда сақлаш малакаларини ривожлантиришда хизмат қилади. Ўқитувчи матнни одатий темпда ўқийди, ўқувчилар тинглашади. Матн ўқиб эшиттирилгандан сўнг ўқитувчи ўйиндаги ҳар бир иштирокчи эса сақлаб қолиши лозим бўлган сўзларни ёзиб олишларини сўрайди. Ўқитувчи матнни яна бир маротаба ўқиб, ўқиб эшиттирилган матндан сўзлар гуруҳини ҳамда ёдда сақланиб қолган ибораларни ёзиш ҳақидаги топшириқни беради. Бундан сўнг ўқувчилар ўз дафтарларига ёзиб олган сўзлар ёрдамида матнни сўзлаб беришади. Матн мазмунини аниқ айтиб берган иштирокчи ўйинда ғолиб бўлади.

Жамоа-жамоа бўлиб ишлаш ўйинлари, яъни матн тинглангандан сўнг гуруҳ аъзолари томонидан матн мазмуни бўйича саволлар тузилиб, қарши гуруҳга берилади. Берилган саволларга тўлиқ жавоб берган жамоа ғолиб деб топилади. Шу мазмундаги ўйинлар тинглаб тушунишга ўргатишда катта самара беради.

Қуйидаги ўйин ўқувчиларда алоҳида қизиқишга сабаб бўлади: матн тинглангандан сўнг, матн мазмуни бўйича қисқа томоша қўйилиши мақсадга мувофиқдир. Бу ўйинда ўқувчилар нафақат тинглаб тушуниш қобилиятини, балки ўзларининг артистлик қобилиятларини кўрсатишади.

Тинглаб тушунишга ўргатишда бола ўзини шахс сифатида ҳамда жамоа аъзоси сифатида намоён этади. Тинглаб тушунишга мўлжалланган умумий машқлар мавжуд эмас, аммо хоҳлаган ўйинни ҳамда матнни ўйин-машққа айлантириш мумкин. Бунинг учун керакли нарсалар, мусобақа муҳитини яратиш, матн юзасидан топшириқларнинг турли-туман бўлишига эътибор қаратиш лозим, шу билан биргаликда тушунарли ва қизиқарли бўлиши талаб этилади.

Ўқувчилар дарсликлардан, инглиз тилини ўргатиш бўйича қўшимча китоблардан, ёки ўқитувчи, ўқувчи томонидан мустақил ўзи ўйлаб топган матнлардан фойдаланишлари мумкин.

Ким рақамларни яхшироқ билади?

Гуруҳлардан биттадан киши рақамлар тартибсиз ёзилган доска ёнига келади. Ўйинни олиб боровчи рақам айтади, ўқувчи уни доскадан қидириб топиб, рангли бўр ёрдамида айланага олади. Ким кўп рақамларни айланага олган бўлса, ғолиб бўлади.

Ҳайвонлар тўғрисида топишмоқлар

Ўқитувчи ўқувчиларга топишмоқлар айтади, ўқувчилар уни топишлари лозим. Масалан,

1. It is a domestic animal. It likes fish. (a cat)
2. It is a wild animal. It likes bananas. (a monkey)
3. It is very and grey. (an elephant)
4. This animal likes grass. It is a domestic animal. It gives us milk. (a cow)

Ҳар бир берилган тўғри жавоб учун гуруҳлар бир баллдан олишади.

Қувноқ расмлар

Ўқувчи кўзини юмган ҳолда ҳайвон расмини чизади. Ўйинни олиб боровчи тананинг асосий қисмларини айтиб туради:

Draw a head. please.

Draw a body. please.

Draw a tail. please.

Агар чизилган расм айтилган ҳайвонга ўхшаган бўлса, гуруҳ 5 балга эга бўлади.

Қарсак чалинади.

Иккала гуруҳ аъзолари доира шаклида туришади. Ўйинни олиб боровчи марказда жойлашади. У хонаки ва йиртқич ҳайвонларни аралаштирган ҳолда айтади. Болалар айтилган йиртқич ҳайвонни эшитишганда - битта, хонаки ҳайвонни эшитишганида - иккита қарсак чалишади. Ким айтилган топшириқни бажаришда адашса, ўйиндан четлаштирилади. Ҳолиб гуруҳ гуруҳларда қолган аъзоларни санаган ҳолда аниқланади.

Юқорида келтирилган ўйинлар ҳам таълимий, ҳам тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, ўқувчиларда жамоа бўлиб ишлаш кўникмасини шакллантиради.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, бошланғич синф чет тили дарсларида таълимий ўйинлардан фойдаланиш ўқувчиларда ўзга тилни ўрганишга бўлган иштиёқни кучайтиради, тенгдошлар билан шу тилда мулоқот қилиш имконини беради ва энг муҳими, дарсларда ўқитувчи эмас, балки ўқувчилар марказий ўринда бўлишига олиб келади.

БОТИР ЗОКИРОВ ИЖОДИЙ МЕРОСИ – ЎҚУВЧИЛАРДА МУСИҚИЙ МАДАНИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА

Д.Тошмухамедова,
ТВПКҚТМОИ, катта ўқитувчи

Мустақиллик йилларида таълим тизимини такомиллаштириш жамиятимиз тараққиётининг муҳим омилларидан бири бўлиб қолди. Барча даврларда маънавий ва маданий қадриятлар, жумладан, халқ мусиқа маданияти жамият аъзоларини бадиий образлар орқали миллий анъаналар руҳида тарбиялашга, уларга руҳий озуқа бериш, маънавиятини бойитишга хизмат қилиб келган. Айниқса, мустақиллик йилларида халқ мусиқа маданияти жамиятимизнинг маънавий-маданий тараққиётида муҳим аҳамият касб этди. Мусиқа санъатининг халқ руҳиятига таъсир этувчи омил эканлигини таъкидлар экан, юртбошимиз куйидаги фикрларни баён этади: «Барчамизга аёнки, куй-қўшиқ, санъатга муҳаббат, мусиқа маданияти халқимизда болаликдан бошлаб, оила шароитида шаклланади. Уйда дутор, доира ёки бошқа чолғу асбоби бўлмаган, мусиқанинг ҳаётбахш таъсирини ўзида сезмасдан яшайдиган одамни бизнинг юртимизда учратиш қийин, десак муболаға бўлмайди.

Энг муҳими, бугунги кунда мусиқа санъати навқирон авлодимизнинг юксак маънавият руҳида камол топишида бошқа санъат турларига қараганда кўпроқ ва кучлироқ таъсир кўрсатмоқда.

Бу масалада, айниқса, ёшлар қалбини ўзига ҳар томонлама жалб этадиган эстрада санъатининг аҳамияти бекиёс эканини барчамиз яхши биламиз» (И.А.Каримов «Юксак маънавият – енгилмас куч». -Т.: «Маънавият», 2008.-141-бет).

XX асрнинг 30-йилларида илк намуналари пайдо бўлган ўзбек эстрадаси истиқлол йилларида сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Бундай натижаларга эришишда миллий ва умумбашарий мусиқа санъати ютуқларини, жаҳон эстрадасининг энг яхши намуналарини ўрганиш бўйича катта имкониятлар очилгани, бу соҳа ривожига кўрсатилаётган доимий эътибор, ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаш билан ўзлигини намоён этиш учун яратилаётган шарт-шароитлар муҳим роль ўйнамоқда.

Ботир Зокиров ҳаёти ва ижодисиз ўзбек миллий эстрадаси тараққиёти ва ривожини тасаввур қилиш қийин. Унинг ижросида ўзбек қишққлари биринчи маротаба эстрада оркестри жўрлигида янграй бошлади. Қалбларни ларзага солувчи бетакрор овоз, улкан истеъдод соҳиби, кўпқиррали санъаткор қатор жанрларда ижод қилди. Истеъдодли рассом сифатида суратлар чизди, бадиий ижод билан шуғулланди: шеърлар ёзди, насрда илҳом билан қалам тебратди, ажойиб либреттолар ёзди ва ўзига хос таржималар қилди, кинода томошабин қалбида қолган ёрқин образлар яратди.

Ботир Зокировнинг ижоди ва ҳаёти чиндан ҳам кенг қамровли, хилма хил, жонли бўлиб, сахна фаолияти, концерт репертуарларида, грампластинкалардаги ёзувларда, радио ва телевидениедаги чиқишларда, гастролларда, айниқса чет элга қилинган сафарларда ўзбек миллий эстрадасини тарғибот қилишда ўз ифодасини топганди.

Ботир Зокировнинг ижодий мероси нафақат ўзбек миллий эстрадасининг, балки ўзбек маданияти ва санъати тарихининг ноёб феномени сифатида юксак таълимий ва тарбиявий аҳамият касб этади. Зеро, Ботир Зокиров ўзининг ўта ноёб овози ва ижро услуги билан миллионлаб мусиқа шинавандаларининг қалбида чуқур из қолдирган. Педагогик тил билан айтганд, бу мусиқий маданият таълимида, мусиқий педагогикада қўлланиши мумкин бўлган миллий мерос сифатида ўрганилиши, таҳлил этилиши ҳамда таълим жараёнида қўлланилиши лозим бўлган нодир манба.

Ботир Зокировнинг ижодий меросини ўрганиш, айниқса, миллий эстрада қўшиқчилиқ санъатида миллий мусиқий колорит устуворлиқ касб этмаётган бугунги кунда педагогика нуқтаи назаридан тадқиқ этиш борасида долзарб масалалар сирасига киради.

Ботир Зокиров ижодий, илмий, маърифатпарварлиқ, педагогик қарашларининг кенг қамровлилиги, халқ анъаналарига суянганлиги, бу санъаткорнинг ўзбек миллий эстрадаси асосида, ўзбек миллий мусиқа маданиятини ривожлантиришдаги ўрни, аҳамияти ва роли бекиёс. Айнан шу омил бу санаъткорнинг ижодий меросини ўқитувчиларнинг мусиқий маданиятларини шакллантириш, талабаларни касбий тайёрлашга қаратилган илмий педагогик тадқиқот сифатида ўрганишни тақозо этади.

Ботир Зокировнинг турли созанда ва хонандалар ҳамда мусиқий жамоалар билан ҳамкорлиқдаги фаолиятида эришилган юқори натижалар жараёнига педагогик нуқтаи назардан ёндашув, табиийки, тингловчилар малакасини ошириш жараёнида мусиқий маданият ривожланишида муҳим аҳамиятга эга.

Сўнгги йилларда ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида таълим ва тарбияга оид муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган тадқиқот ишларида малака оширишнинг назарий ва методологик асослари, малака ошириш жараёнида ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлиги самарадорлигини ошириш, таълим жараёнини табақалаштириш муаммоларига бағишланган тадқиқотлари юзага келди.

Аммо малака ошириш жараёнида тингловчилар, жумладан, мусиқа ўқитувчиларининг мусиқий маданиятини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари, илмий-амалий жиҳатлари махсус тадқиқ этилмаган.

Мусиқа ўқитувчиларининг мусиқий маданиятларининг шаклланганлиги ҳолатини ўрганиш ва таҳлил этиш бу борада бир қатор муаммолар мавжудлигини кўрсатади. Жумладан:

- Малака ошириш курслари ўқув-мавзу режасига киритилган «Ўзбек мусиқасида замонавийлик», «Замонавий мусиқа», «Ўзбек мусиқасининг ривожланиш тарихи ва бугуни» мавзуларини тўлиқ очиб беришда миллий эстрада мусиқаси, хусусан, Б.Зокировнинг

ижодий мероси ва шахсий фаолияти имкониятларидан етарли даражада фойдаланилмай келинаёпти.

- Б.Зокировнинг ижодий мероси, ҳаётий принциплари, услуби ва шахсий маданияти асослари тингловчиларнинг касбий маҳоратларини такомиллаштиришда муҳим омиллардан бири сифатида қўлланилмаётганлиги.

- Ўқитувчилар, ўз навбатида, ўқувчиларга «Муסיқа маданияти» ўқув фанидан жой олган «Ўзбек эстардаси тарихи», «Б.Зокиров ҳаёти ва ижоди» мавзуларига оид билимларни педагогик технологиялар асосида етказиб бериш маҳоратига талаб даражасида эга эмаслар.

- Ўқитувчилар юқоридаги мазмунни ўзида акс эттирувчи методик қўлланмалар билан таъминланмаганлар.

Бу омиллар тингловчилар муסיкий маданиятини ривожлантириш зарурлигини кўрсатади. Бундай ҳолат, шубҳасиз, ўқувчиларнинг умумий билим савиясига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Чунки муסיқа ўқитувчиларини пухта тайёрламасдан туриб, муסיқа таълимини самарали ташкил этиб бўлмайди. Шу сабабли, малака ошириш тизимида ўқитувчиларнинг муסיкий маданиятини ривожлантириш, уларни ўқувчиларнинг муסיкий маданиятларини шакллантиришга тайёрлаш муסיқа таълимининг энг долзарб муаммоларидан бири ҳисбланади.

Тингловчиларнинг муסיкий маданиятини ривожлантиришда малака ошириш тизими катта имкониятга эга эканлиги, малака ошириш жараёнида ташкил этилувчи фаолият мазмуни, методикасини такомиллаштириш, Б.Зокиров ижоди ва шахсий фаолиятининг психологик-педагогик жиҳатларини таҳлил этиш, ўқитувчиларнинг муסיкий маданиятини ривожлантириш, уларни ўқувчиларда муסיкий маданиятни шакллантиришга тайёрлаш борасида назарий ҳамда услубий тавсиялар ишлаб чиқиш зарурлигидан далолат беради.

КИМЁ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ИНТЕГРАЦИЯДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ


С.Аҳмедов,

Самарқанд ВПКҚТМОИ, ассистент

Маълумки, ўқувчиларнинг кимё билан танишишлари юқори синфларга тўғри келиб, бу вақтда улар математикадан анча билимга эга бўладилар. Агар кимё фанини ўзлаштиришда шу математик билимлардан фойдаланилса, бу бир томондан фанлараро алоқани таъминласа, иккинчи томондан ўқувчилар кимёни ўзлаштиришини анча енгиллаштиради. Оксидланиш-кайтарилиш реакциялари тенгламалари эса, асосан, 8-синф кимё дарсларида кўриб чиқилади.

Мактаб ўқитувчиларига услубий тавсия бериш мақсадида бир нечта реакцияларни қараб чиқамиз. Ушбу кимёвий реакцияларда стехиометрик коэффициентлар танлашнинг элементлар баланси усули келтирилган бўлиб, унда ўқувчиларга 7-синфда маълум бўлган математиканинг чизикли тенгламалар системасидан фойдаланилади.

Таклиф қилинаётган метод билан мактаб ўқувчилари ҳамда олий ўқув юртларига кирувчилар учун нашр қилинган қўлланмаларда учрайдиган бир неча оксидланиш-кайтарилиш реакциялари мисолида танишиб чиқайлик:



Коэффициентлар танлаш тартиби бир неча босқичлардан иборат бўлиб улар қуйидагилар:

1. Тенгламанинг ўнг ва чап томонларида фақат бир моддада учровчи элемент ёки элементлар группасини топиш керак. Агар бундай элемент бўлмаса, ишни тўғридан-тўғри иккинчи босқичдан бошлаш керак. Сўнгра шу элементга тенгламанинг иккала томонидан ҳам коэффициентлар қўйиб тенглаштирамиз. Юқоридаги мисолда бу водороддир. Агар реакциянинг ўнг томонида сувнинг коэффициентини бирга тенг десак, водородни ўнг томонга тенглаштириш учун реакциянинг чап томонидаги KOH олдига икки қўямиз.



2. Қолган номаълум коэффициентларни x , y , z лар билан белгилаб, реакцияни тенглаштирамиз.



3. Тенгликнинг иккала томонидаги номаълум коэффициентли элементлар учун тенглама тузамиз:

$$\text{K}: 2 = y + z \quad (1) \quad \text{O}: 2 = 3z + 1, \quad 3z = 1, \quad z = \frac{1}{3} \quad (2) \quad \text{Cl}: 2x = y + z \quad (3)$$

Натижада, уч номаълумли учта тенглама ҳосил бўлади.


4-боскичда бу тенгламаларни ечамиз. Агар (2) тенгламадаги z нинг қийматини (1) тенгламага қўйсак,

$$2 = y + \frac{1}{3}, \quad y = 2 - \frac{1}{3} = \frac{5}{3}$$

бўлади. Энди (3) тенгламадаги y ва z ларнинг ҳам қийматини қўйсак,

$$2x = \frac{5}{3} + \frac{1}{3} = \frac{6}{3} = 2. \quad 2x = 2, \quad x = 1.$$


Чиккан натижаларни реакция тенгламасига қўйиб, коэффициентлардаги касрни йўқотиш учун тенгламанинг иккала томонини учга кўпайтирсак, реакциянинг охириги кўриниши қуйидагича бўлади.



Энди мураккаброқ оксидланиш-қайтарилиш тенгламасини тузайлик:



Ушбу мисолда бошланғич элемент сифатида калийни олиб уни реакциянинг иккала томонида ҳам тенглаштирайлик. Агар K_2SO_4 нинг коэффициентини бир деб олсак, KMnO_4 олдида икки қўямиз, бунда MnSO_4 нинг коэффициенти ҳам иккига тенг (Mn -ҳисобида) бўлади. Қолган номаълум коэффициентларни x , y , z ва t лар билан белгилаб реакциянинг иккала томонини тенглаштирамиз.



Номаълум коэффициентли элементлар учун тенглама тузсак,

$$\text{C}: 6x = z \quad (1) \quad \text{H}: 12x + 2y = 2t; \quad 6x + y = t \quad (2)$$


$$\text{O}: 6x + 8 + 4y = 2z + 8 + 4 + t \quad (3) \quad \text{S}: y = 2 + 1 = 3 \quad (4) \quad \text{бўлади.}$$

Тенгламаларни қуйидагича ечиш мумкин. (4) тенгламадаги y нинг қийматини (2) тенгламага қўйсак, $6x + 3 = t$ (5) ҳосил бўлади. Энди (1) ва (5) тенгламалардаги z ва t ларнинг қийматларини (3) тенгламага қўйсак, $6x + 12 = 12x + 4 + 6x + 3$ ва тенгламанинг икки томонидаги бир хил ҳадларни қисқартирсак, $5 = 12x$; $x = \frac{5}{12}$. Сўнгра (1) ва (5) тенгламалардаги z ва t ларнинг қийматларини (1) ва (5) га қўйсак,


$$z = 6 \frac{5}{12} = \frac{30}{12}; \quad t = 6 \frac{5}{12} + 3, \quad t = 1 \frac{5}{2} + 3,$$

$$t = \frac{5}{2} + 3, \quad t = 2,5 + 3, \quad t = 5,5 \quad \text{ҳосил бўлади.}$$


Номаълум x , y , z ва t ларнинг қийматларини реакция тенгламасига қўйиб махражларни йўқотиш учун 12 га кўпайтирсак, реакция охириги кўриниши қуйидагича бўлади:



Оксидланиш-қайтарилиш реакциялари типига кирмайдиган реакциялар тенгламасини электрон баланс ёки ярим реакциялар усули билан тенглаб бўлмайди, чунки бунда реакцияда иштирок этувчи элементларнинг валентликлари ўзгаришсиз қолади. Элементлар баланси усули эса бундай реакцияларга ҳам коэффициентлар танлашга имконият беради.



Бу реакцияда бошланғич элемент сифатида Al олиш мумкин. Бунда AlCl_3 ва $\text{Al}(\text{OH})_3$ ларнинг коэффициентларини бирга тенг деб, қолган номаълум коэффициентларни эса лотин ҳарфлари билан белгилаб реакцияни тенглаштирамиз.




Элементлар баланси тенгламасини тузиб, уни ечсак ,

$$\text{Cl}: 3=t \text{ ёки } t=3, \quad 2x=t, \quad 2x=3, \quad x = \frac{3}{2}$$

$$\text{Na}: 2x=t \quad \text{S}: x=z \text{ ёки } z=x = \frac{3}{2}$$

$$\text{H}: 2y=3+2z \quad \text{O}: y=3 \quad y=3 \text{ бўлади.}$$

Чикқан натижаларни реакция тенгламасига қўйиб касрларни йўқотиш учун 2 га кўпайтирсак , реакциянинг иккала томони ҳам тенглашади :



Моддалар массасининг сақланиш қонунидан фойдаланиб, юқоридаги реакцияларнинг тўғрилиги текшириб кўрилади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўқувчи юқорида тавсия этилган усулни яхши ўзлаштиргандан сўнг коэффициентлар танлашда реакция тенгламасини қайта-қайта кўчириб ёзиши, уни босқичларга бўлишнинг шарт эмаслиги ишни анча соддалаштиради.

Оксидланиш-қайтарилиш реакциялари тенгламаларини тузишнинг энг кўп тарқалган усуллари – электрон баланс ҳамда ярим реакциялар методлари бўлиб, ушбу мақолада таклиф қилинган метод юқоридаги усулларга нисбатан қўйидаги афзалликларга эга:

1. Элементар баланс усулини ҳар қандай турдаги реакциялар учун ҳам қўллаш мумкин бўлса, электрон баланс ва ярим реакциялар усуллари фақат оксидланиш-қайтарилиш реакциялари учунгина қўллаш мумкин.

2. Юқоридаги икки усулда оксидловчи ва қайтарилувчилар учунгина стехиометрик коэффициентлар топилиб, реакцияда иштирок этаётган бошқа моддалар учун оддий танлаш усули билан мулоҳазалар юритилиб коэффициентлар танланади. Бу ҳамма ҳолларда ҳам осон бўлмайди (масалан, 3-мисолда).

Ниҳоят элементлар баланси усулида оксидловчи ва қайтарувчиларни топиш, уларни электрон, ярим реакциялар ҳамда ионли тенгламаларни тузишнинг шарт эмаслиги реакция тенгламалари учун коэффициентлар танлашни анча осонлаштиради.

МУНДАРИЖА

ЯЛПИ ЙИҒИЛИШ

Б.Х.Данияров	Таълим-тарбия жараёнини узвий ва узлуксиз ташкил этишнинг дастлабки натижалари
Н.И.Тайлақов, У.Н.Тайлақов Ю.М.Асадов	XXI асрнинг глобал хусусиятларидан бири таълим муассасасининг ахборотлашган таълим муҳитини яратиш Формирование и развитие профессионализма коррекционными методами
М.Қ.Холиқова	XXI аср глобал ижтимоий хусусиятларининг андрагогикага таъсири муаммолари
М.Т.Миракмалов	Глобаллашув жараёнида география ва экология фанларининг интеграциялашуви

I ШЎҒБА

XXI АСРНИНГ ГЛОБАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАЪЛИМ МАЗМУНИГА СИНГДИРИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ МУАММОЛАРИ

Ш.Х.Усанов	Гуманитаризация обучения физики в общеобразовательных школах
Н.А.Юлдашева	Ўқитувчининг маънавий-маърифий, касбий маҳоратини ривожлантириш масалалари
Б.Б. Собиров	Глобаллашув даврида Ўзбекистонда ижобий тенденцияларнинг вужудга келиши
Н.А.Жумахўжа Р.Г.Сафарова	Адабий таълимда ғазал таҳлили ва талқини муаммолари Ўқув вазияти фаолиятли ёндашувни амалга ошириш воситаси сифатида
Э.О.Турдиқулов, М.Э.Мусаева К.А.Юнусов	Ўқитувчилар малакасини ошириш мазмунини модернизациялаш технологияси Таълимнинг модернизациялашуви шароитида педагог кадрлар малакасини оширишнинг айрим жиҳатлари
М.Ш. Маматов, С.Й.Темуров О.А.Тожиев М.А.Зайнитдинова	Бўлажак математика ўқитувчисининг математик компетентлигининг таркибий қисмлари Глобализация и узбекская модель образования Ўқувчи-ёшларда XXI аср кўникмаларини шакллантиришнинг илмий-методик асослари
У.Н.Тайлақов	XXI аср – таълим муассасалари ахборот-таълим муҳитини яратиш асри
О.Н.Ҳайдарова	Таълим муассасаларида гиёҳвандлик ва ОИВ профилактикаси бўйича ишларни ташкил этиш технологиялари
Ф.Қодирова	Махсус таълим жараёнида замонавий ёндашувлардан фойдаланиш – имконияти чекланган болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашнинг муҳим шарти сифатида
Д.А. Назарова	Махсус таълим педагог ходимлари малакасини ошириш тизимини такомиллаштиришнинг муҳим жиҳатлари
З.Артикбаева, Л.Камолходжаева А.Ш. Тоҳириён	Ривожлантирувчи таълим – математика ўқитувчисининг методик тайёргарлигини мукаммаллаштириш омили XXI аср хусусиятларига асосланган маънавий-маърифий тарбия жараёнида диний инсонпарварлик ғояларининг ўрни
И.Н. Аслонов	Психогимнастик тренинг – таълим самарадорлигини ошириш воситаси сифатида
Х.Ғ.Шарафутдинова, А.Т. Абдурахманова Ш.Э.Неъматов З.Ш.Турдиев	Муסיқий ва умумий қобилиятни ўстиришнинг педагогик ва психологик масалалари Миллий уйғониш даврида амалга оширилган педагогик ғоялар Баркамол авлодни тарбиялашда оммавий ахборот

А.Ғ.Норбоев, Ў.Н.Абдиев	воситаларининг роли XXI аср – таълим мазмунини экологиялаштириш даври сифатида
А.Ҳасанов	Ижтимоий фанларни ўқитиш жараёнида ўқувчиларга ватанпарварлик ва миллий ғурур туйғуларини сингдириш самарадорлиги тўғрисида
Т.А.Джалалов, Э.З.Имамов	Гелиоэнергетика на основе концентрирования солнечного излучения
Ў.Р.Саидов	Она тили ва адабиёт дарсларида ўқитувчи ижодкорлиги дарс самарасини ошириш усули сифатида
Ў.Ғ.Тиладов	Узлуксиз таълим жараёнида ўқувчи-ёшларнинг экологик онги ва маданиятини шакллантириш усули ва воситалари
Ф.И.Юсупова	Педагогик ҳамкорликнинг хусусиятлари ва белгилари
Д.Б.Холматова	Физика таълимида Марказий Осиё олимлари илмий ғояларидан фойдаланиш методикаси
М.М.Бердиева	Мактабгача ёшдаги болаларни интеллектуал ривожлантириш омиллари
З.Жалилов	Узлуксиз таълим жараёнида ёшлар фаоллигини оширишда аждодлар педагогик меросининг ўрни
И.А.Хуррамов	Таълим-тарбия жараёнида экологик компетентлиликни шакллантиришнинг баъзи жиҳатлари
Р.Б.Ярматов	Педагогические особенности подготовки и развития будущего учителя
Л.Элибоева	Бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар фаоллигини оширишнинг педагогик-психологик имкониятлари
М.К.Ержанова	Қобилиятнинг шаклланишида ижтимоий-психологик омиллар
А.Р.Мусаева,	5-6 ёшли болаларда ҳаракат сифатларини шакллантиришнинг
Н.Р.Ҳайдарова	аҳамияти
А. Юнусова	Нутқ равонлиги ўқувчи- ёшлар фаоллигининг муҳим омили
Н.А.Жумахўжа,	Тошкент вилоятида хорижий тилларни ўқитишни янги босқичга
М.А.Юлдашев,	кўтаришнинг долзарб муаммолари
Д.С.Расулова	

II ШҶЪБА

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИГА АХБОРОТ ТАЪЛИМ ВОСИТАЛАРИНИ ТАТБИҚ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

А.Т.Абдуҷамилов,	Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда оммавий ахборот
Э.З.Имамов	воситаларининг ўрни
С.М.Тўйчиева,	Эффективность использования мультимедийных ресурсов на
С.Холмирзаева	уроках русского языка и литературы
М.Т.Эргашева	Педагоглар малакасини оширишда масофали ўқитиш тизими
	учун ўқув материалларини яратишга қўйилган талаблар
А.Валиев, С.Сайдалиев,	Масофали ўқитиш технологиясининг чизмачиликни ўқитишдаги
С.Мардов	амалий аҳамияти
Б.Б.Мусаев, А.А.Таламетов	Мустақил таълимда ахборот технологиясининг ўрни
Р.М. Юсупов,	Математика фанини ўқитишда ахборот-коммуникация
Н.Алламуродова	технологияларини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари
Н.А.Алимов, Р.М.Юсупов	Умумий ўрта таълим мактабларида ахборот-коммуникацион
	таълим муҳитини шакллантиришнинг асосий компонентлари ва
	омиллари
Т.Т.Қодиров, Р.Х.Кенжаев	Педагогларнинг касбий маҳоратини оширишда ахборот-
	коммуникация технологияларининг ўрни ва аҳамияти
Ж.Х.Исхаков	Оммавий ахборот воситалари – таъсирчан тарбия воситасидир

Б.Хуррамов, З.Шукурова Я.М.Абдуллаев	Ёш авлодни тарбиялашда интернет тармоғининг аҳамияти Жисмоний тарбия дарсларида ахборот таълим воситаларидан фойдаланиш
Н.А. Гулбоев	Ўқитувчиларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари бўйича малакасини ошириш масалалари Таълим жараёнида инновацион методлар
С.Б. Ибрагимова, А.Ю. Частоедова М.Тузикенов	Физика фани дарсларида Microsoft Excel дастуридан фойдаланиш
Г. Алимжонова	Махсус таълим жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланишнинг муҳим жиҳатлари
Д.Ф.Мухаммадиев, Н.М.Алиева Б.Тўраев	“Microsoft Office 2010” пакетигаги дастурлар файллари хавфсизлигини таъминлаш турлари “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитишда компетентли ёндашув
Д.Н.Тайлакова	Замонавий ахборот технологиялари асосида электрон ўқув адабиётларини яратишнинг психологик-педагогик талаблари
С.А.Мавлонова, Ф.А.Алимова Д.Ф.Мухаммадиев, Н.Р.Ҳайдарова М.Р.Машарипов, D.S.Nuriddinova, A.G.Sheraliyeva Ж.Гиясов	Академик лицейларда “Оқсилларга хос сифат реакциялари”ни тушунтиришда ахборот технологиясидан фойдаланиш Видеомаъруза ва видеодарсларни ташкил этишда замонавий педагогик технологиянинг ўрни Ellipsoid mavzusini o'qitishda zamonaviy kompyuter dasturlaridan foydalanish ta'lim samaradorligini oshirish omili
И.И.Мадаминов	Инглиз тили дарсларида компьютер технологияларидан фойдаланиш самарадорлиги
Ж.О.Балтабаев, Н.Юлдашев К.Расулова	Ёшларнинг интернет ҳамда ижтимоий тармоқлардан ногўғри фойдаланишининг салбий оқибатлари Таълимда ахборот ресурсларини ишлаб чиқиш ва тақдим этиш
Ж.С.Ҳакимов	Дарс самарадорлигини оширишда ахборот таълим воситаларининг ўрни
Д.Султонмуродов, А.Музробов	Таълим самарадорлигини оширишда ахборот коммуникацион технологиялари воситаларидан фойдаланиш Масофавий таълимни ривожлантириш масалалари

III ШЎБА УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЎҚУВЧИ-ЁШЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТЕХНОЛОГИЯЛАР

М.А.Зайнитдинова, А.Султонова О.Н.Ҳайдарова, М.Маматқулова Ш.А.Дўстмухамедова, Ш.Турабекова И.В.Макухина	Математика дарсларида ўқувчи фаоллигини оширишга йўналтирилган технологияларни қўллашнинг методик асослари Баркарор ривожланишда экологик таълим масалалари
Б.А.Олимов	Кичик ёшдаги ўқувчилар фаоллигини оширишда тортинчоқлик коррекцияси
Б.Х.Жалилов	Интеграция областей знания для формирования понятий о целостности мира у учащихся 1-4 классов
Н.М.Зиганшина	Малака ошириш курсларида педагогик технологиялардан фойдаланиб дарс ўтиш Ўқувчилар фаоллигини оширишда замонавий технологиялардан фойдаланиш Влияние игры на формирование коммуникативной готовности

Н.И.Бозоров, О.А.Зокиров	детей к обучению в школе Кимёнинг асосий тушунча ва қонунлари мавзусини ўқитишни такомиллаштиришда педагогик технологияларнинг ўрни
А.Мавлянов, С.Абдалова, Х.А.Юлдашев, М.Байметов М.Т.Жуманиёзова	Ўқув амалиётларини ташкил этиш ва ўтказишга инновацион ёндашувлар Таълим жараёнида ўқувчилар фаоллигини оширишга йўналтирилган педагогик технологияларнинг ўзига хос хусусиятлари
A.Valiyev , E.Nurmatov, B.Valiyeva Sh.Mirzaxmatova	Chizmachilikda o'quvchilarning bilish faoliyatini faollashtirishda muammoli ta'lim texnologiyasidan foydalanish omillari O'quvchilarda tabiatga ongli munosabat ko'nikmalarini shakllantirish
Р.Убайходжаева	Педагогик фаолиятни технологиялаштириш ижтимоий зарурият омили сифатида
Т.Ф.Мирусманова	Малака ошириш тизимида тингловчиларнинг фаоллигини оширишга йўналтирилган технологиялар
Ф.Бердиева, М.Халимов, З.Мирзалиев Г.Сулаймонова	Узлуксиз таълим жараёнида ўқувчиларни чизмани ўқишга ўргатишнинг баъзи усуллари Ўқувчи фаоллигини оширишда ўқитувчининг педагогик маҳорати
Ў.О.Тоҳиров	Меҳнат таълими ва иқтисодиёт фанлари интеграцияси тадбиркорликни ривожлантириш омили
З. Ҳайдарова А.Холматова, Н.Қайтарова	Таълимда интерфаол методлардан фойдаланиш афзаллиги Меҳнат дарсларида ўқувчилар фаоллигини оширишга йўналтирилган технологиялар
М.Ж.Расулова	Чет тили дарсларида ўйинлар воситасида кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларни интерфаол таълимга тайёрлаш
Д.Тошмуҳамедова	Ботир Зокиров ижодий мероси – ўқувчиларда мусиқий маданиятни ривожлантиришнинг муҳим омили сифатида
С.Ахмедов	Кимё фанини ўқитишда интеграциядан фойдаланиш имкониятлари